

ТАҚИЙОДДИН НАБАҲОНИЙ

# ИСЛОМИЙ ШАХСИЯ

**Иккинчи китоб  
Иккинчи қисм**

ҲИЗБУТ ТАҲРИР  
НАШРЛАРИДАН

1432х - 2011м

Тақийюддин Набахоний. Исломий шахсия

Иккинчи китоб, иккинчи қисм ўзбек тилидаги биринчи нашри

1432ҳ - 2011м

# Мундарижа

## Иккинчи қисм

|  |     |
|--|-----|
| <b>Ҳарбий сиёсат</b> .....                                       | 5   |
| Урушда ёлгон ишлатиш.....  | 15  |
| Жосуслик.....  | 20  |
| <b>Сулх</b> .....  | 28  |
| <b>Ҳарбий иттифоқлар</b> .....                                   | 31  |
| <b>Жоиз шартномалар</b> .....                                    | 35  |
| <b>Мажбурий шартномалар</b> .....                                | 38  |
| Шартномаларни бузиш.....   | 41  |
| <b>Ҳарбий кофир</b> .....  | 45  |
| <b>Мустаъмин</b> .....   | 47  |
| <b>Зиммийга оид ҳукмлар</b> .....                                | 50  |
| <b>Исломи кофирларга татбиқ этиш вожиб</b> .....                 | 57  |
| <b>Жизя</b> .....  | 60  |
| <b>Ушр, хирож ва сулх ерлари</b> .....                           | 64  |
| <b>Дорул куфр ва дорул Ислом</b> .....                           | 77  |
| <b>Мўминларнинг кофирларни дўст тутиши</b> .....                 | 81  |
| Дорул куфрдан дорул Иломга ҳижрат.....                           | 98  |
| <b>Исломнинг қулликка ва қул қилишга бўлган муносабати</b> ..... | 105 |
| Қулликни муолажа қилиш.....                                      | 106 |
| Қул қилишни муолажа қилиш.....                                   | 113 |
| <b>Шахслар ўртасидаги алоқалар</b> .....                         | 118 |
| Бай.....   | 121 |
| Бандаларга ҳаром қилинган нарсанинг савдоси ҳам ҳаром.....       | 126 |
| Ўзингда бўлмаган нарсани сотиш жоиз эмас.....                    | 128 |
| Салам савдоси.....   | 132 |
| Шоҳида турган меваларни сотиш.....                               | 137 |
| Қарзга ва пулини бўлиб-бўлиб беришга бўладиган бай.....          | 145 |
| Даллолик.....  | 150 |
| <b>Ижара</b> .....   | 156 |
| Ёлланма ишчи.....  | 157 |
| Иш ҳақи.....   | 158 |
| Иш ҳақини белгилаш.....  | 169 |
| Иш ҳақи миқдори.....   | 161 |
| Иш ҳақини бериш.....   | 162 |
| Ёлланма ишчи турлари.....  | 164 |
| Ислом да ишчилар муаммоси бўлмайди.....                          | 165 |
| Нарсаларни ижарага олиш.....                                     | 168 |
| Яшаш учун уйларни ижарага олиш.....                              | 172 |
| <b>Поранинг ҳаммаси ҳаром</b> .....                              | 174 |
| Гаров.....   | 180 |
| Гаровга олувчининг гаровдан фойдаланиши.....                     | 182 |
| Муфлис.....  | 187 |
| <b>Ҳавола</b> .....  | 192 |
| <b>Тасвир</b> .....  | 195 |

# ИККИНЧИ ҚИСМ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## Ҳарбий сиёсат

Ҳарбий сиёсат – ҳарбий ишларни мусулмонларга ғалаба келтирадиган, уларнинг душманларини мағлуб қиладиган йўсинда бошқаришдир. Унда энг долзарб амалий жиҳат яққол кўзга ташланади. Бу сиёсатда шариат бошқа нарсаларда ҳаром қилган баъзи нарсаларга ижозат бериб, бошқа нарсаларда ижозат берган баъзи нарсаларни ҳаром қилди. Масалан: шариат бу сиёсатда душман билан муносабатда ёлғон ишлатишга ижозат берди. Ваҳоланки урушдан бошқа пайтда бу ҳаромдир. Шариат армияга нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборишни ҳаром қилди. Ваҳоланки урушдан бошқа пайтда бу мандуб эди. Шундай қилиб ҳарбий сиёсатда айрим ҳукмларга уруш пайтида алоҳида эътибор қилинадиган бўлди. Бу эътиборлар орасида душманга муомала қилишга тааллуқлилари, ҳарбий ишларга тааллуқлилари, исломий армияга тааллуқлилари ва бошқа нарсаларга тааллуқлилари бор.

Аввало душманга муомала қилишга тааллуқли, алоҳида эътибор берилган ҳукмларга келсак, Ислом халифа ва мусулмонларга душманга нисбатан у қандай муомала қилса шундай муомала қилишни, мусулмонларни қандай топтаса уни ҳам шундай топташни буюрди. Гарчи урушдан бошқа пайтда бундай қилиш ҳаром ишлардан бўлса ҳам. Аллоҳ Таоло деди:

وَأِنْ عَاقَبْتُمْ فَعَاقِبُوا بِمِثْلِ مَا عُوقِبْتُمْ بِهِ وَلَئِنْ صَبَرْتُمْ لَهُوَ خَيْرٌ لِلصَّابِرِينَ

«(Эй мўминлар), **агар сизлар** (ўзингизга етган бирон зиён-заҳмат учун) **интиқом олмақчи бўлсангизлар**, у ҳолда **фақат сизларга етказилган зиён баробарида интиқом олингиз**. (Аммо) **агар сабр-тоқат қилсангизлар**, албатта бу сабр қилгувчи кишилар учун **яхшироқдир**» [Наҳл 126]

Ривоят қилинишича, бу оятнинг нозил бўлишига қуйидаги ҳодиса сабаб бўлган. Мушриклар Ухуд кунида мусулмонларни мусла қилишди: қоринларини ёришди, тилларини кесишди, бурунларини қирқишди, ҳеч кимни қолдиришмай мусла қилиб чиқишди. Фақат Ҳанзала ибн Роҳибгина мусла қилинмади. Росулulloҳ ﷺ Ҳамза устига келиб тўхтадилар. У мусла қилинган эди. Пайғамбаримиз ﷺ бу хунук манзарани кўриб,

жуда аламландилар. Чунки Ҳамзанинг қорни ёриб ташланган ва бурни қирқиб олинган эди. Буни кўриб Пайғамбаримиз ﷺ:

«أَمَّا وَالَّذِي أَحْلِفُ بِهِ إِنْ أَظْفَرَنِيَ اللَّهُ بِهِمْ لَأُمْتَلِنَنَّ بِسَبْعِينَ مَكَائِكَ»

«Мен номи билан қасам ичадиган Зотга қасамки, агар Аллоҳ мени улар устидан зафар қозонтирса, сизнинг ўрнингизга етмиштасини албатта мусла қиламан», дедилар. Бу ҳадисни Табароний «Кабир»да ривоят қилган. Шунда мана шу оят нозил бўлди. Демак бу оят уруш ҳақида нозил бўлди. Унда гарчи муслани ошириб юборишдан қайтарилган бўлса-да, лекин ундан мусулмонларнинг кофирлар уларга нисбатан нима қилса, худди шундай қилишлари мубоҳлиги очик кўриниб турибди. Ҳатто бу оятдан ўлдирилган мусулмонларни мусла қилган кофирларнинг ўликларини мусла қилиш мубоҳлиги ҳам тушунилмоқда. Фақат кофирлар нима қилишган бўлса худди шундай қилиш керак, бундан ошириб юборилмаслиги шарт. Ваҳоланки мусла қилиш ҳаромдир ва бундан қайтариб хабарлар ворид бўлган. Лекин бу қайтариш душман ўлдирилган мусулмонларни мусла қилмаган пайтда бўлади. Агар душман мусла қиладиган бўлса мусулмонлар ҳам худди шундай қилишлари мумкин. Ғаддорлик қилинганда ва аҳдни бузиш рўй берганда ҳам худди шундай бўлади. Чунки агар душман шундай қилса ёки унинг шундай қилишидан хавф қилинса биз ҳам шундай қилишимиз жоиз бўлади. Акс ҳолда бундай қилишимиз жоиз бўлмайди. Бундан қайтарилган бўлса ҳам ҳарбий сиёсатга амал қилиб уни қилишимиз жоиз бўлади. Чунки бундан душман буни қилмаган пайтдагина қайтарилади. Агар қилса мусулмонларнинг ҳам шундай қилиши жоиз бўлади. Аллоҳ Таоло деди:

وَأَمَّا تَخَافَنَّ مِنْ قَوْمٍ خِيَانَةً فَانْبِذْ إِلَيْهِمْ عَلَى سَوَاءٍ

«Агар (ўрталарингизда аҳд-паймон бўлган) бирон қавм тарафидан хиёнатни сезсангиз, уларга (қилган аҳд-паймонларини) баб-баробар қилиб ташланг (яъни, ўрталарингиздаги аҳд-паймон тугаганини ҳар икки тараф ҳам билсин)» [Анфол: 58]

Шунга кўра мусулмонларнинг ядровий қуроолларни душманга қарши урушда ишлатишлари жоиздир. Гарчи бу нарса душман уларга қарши бу қуроолни ишлатишдан олдин бўлса ҳам. Чунки барча давлатлар урушда ядровий қуроолларни ишлатишни мумкин деб билишади. Шунинг учун бу қуроолларни ишга солиш жоиз бўлади. Ваҳоланки ядровий қуроолларни ишлатиш ҳаромдир. Чунки бу қурооллар инсониятни ҳалок қилади.

Жиход эса инсониятни йўқ қилиш учун эмас, уни Ислом билан тирилтириш учун олиб борилади.

Алоҳида эътибор берилган ҳукмларнинг ҳарбий ишларга тааллуқлиларига келсак, мусулмонлар кофирларнинг дарахтлари, озиқ-овқатлари, экинзорлари, ҳовли-жойларини ёндириб вайрон қилишлари мумкин. Аллоҳ Таоло деди:

مَا قَطَعْتُمْ مِّن لِّبْنَةٍ أَوْ نَرْتَكُمْ مَوْهَا قَائِمَةً عَلَىٰ أُصُولِهَا فَبِإِذْنِ اللَّهِ وَلِيُخْزِيَ الْفَاسِقِينَ

«(Эй мўминлар), сизлар (Бани Назир хурмозорларидан) бирон хурмо дарахтини кесдингларми ёки уни ўз поясида турган ҳолида қолдирдингларми, бас (сизлар қилган ҳар бир иш) Аллоҳнинг изни-иродаси билан ва у фосиқ-итоатсиз кимсаларни расво қилиш учун (бўлди)» [Ҳашр: 5]

Росулуллоҳ ﷺ Бани Назир хурмозорини бу хурмозор ўзига ўтишига ишонса ҳам ёндириб юбордилар. Аммо Молик Мувадтода Яҳё ибн Саид Ансорийдан ривоят қилган Абу Бакр Сиддик ﷺнинг Шомга юборган қўшин амирига: «**Бирон қўй ёки туяни бўғизламанглар. Фақат емак учун бўлса майли. Бирон хурмозорни ёндирманглар ва уни сувга ботирманглар**», деб айтганига ва бу ишни ҳамма саҳобалар маъқуллаб, ҳеч ким қарши чиқмаганига келсак, бу урушда таяниладиган асосий таянчдир. Асос обод жойларни харобага айлантирмаслик ва дарахтларни кесмасликдир. Лекин агар халифа ёки қўшин кўмондони жангда ғалаба қозониш учун албатта обод жойларни хароб қилиш ва дарахтларни кесиш керак, деган фикрга келса ёки тез ғалаба қозониш шуни тақозо қилса, ҳарбий сиёсатда дарахтларни кесиб ташлаш ва обод жойларни хароб қилиш жоиз бўлади. Зеро Росулуллоҳ ﷺ худди шундай қилдилар. Ҳайвонларни ўлдириш ва душман эга бўлган барча нарсаларни йўқ қилиш ҳам шунга ўхшашдир. Чунки ҳарбий сиёсат шуни тақозо қилса уни қилиш жоиздир. Гарчи бундай қилиш ҳаром бўлса ҳам. Аллоҳ Таоло деди:

وَلَا يَطُورُونَ مَوْطِنًا يَغِيظُ الْكُفَّارَ وَلَا يَنَالُونَ مِنْ عَدُوِّ نَيْلًا إِلَّا كُتِبَ لَهُمْ بِهِ عَمَلٌ صَالِحٌ

«**Ва кофирларни газаблантирадиган бирон қадам боссалар, душманга бирон зиён етказсалар, албатта улар учун бу ишлари сабабли, яхши амал ёзилур**» [Тавба: 120]

Бу гап барча нарса борасида умумийдир. Бу оятнинг ўзини хослаб қўядиган бошқа бирон оят ва бирон ҳадис келмаган. Демак у умумийлигича қолади. Уйларни ёндириб юбориш, дарахтларни кесиб, ёндириб юбориш жоизлиги ҳақида саҳиҳ ҳадислар ворид бўлган. Муслим Ибн Умардан ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَطَعَ نَخْلَ بَنِي النَّضِيرِ وَحَرَّقَ»

«Росулulloх ﷺ Бани Назир хурмоларини кесиб, ёндириб юбордилар». Бу ҳақда оят ҳам нозил бўлди:

مَا قَطَعْتُمْ مِّن لِّينَةٍ أَوْ تَرَكْتُمُوهَا قَائِمَةً عَلَىٰ أُصُولِهَا

«(Эй мўминлар), сизлар (Бани Назир хурмозорларидан) бирон хурмо дарахтини кесдингларми ёки уни ўз поясида турган ҳолида қолдирдингларми...» [Ҳашр: 5]

Бухорий Жарир ибн Абдуллоҳдан шундай деганини ривоят қилди: Росулulloх ﷺ менга шундай дедилар:

«أَلَا تُرِيحُنِي مِّن ذِي الْخَلْصَةِ، قَالَ فَأُتِلْتُ فِي خَمْسِينَ وَمِائَةَ فَارِسٍ مِّنْ أَحْمَسَ، وَكَانُوا أَصْحَابَ خَيْلٍ، وَكَانَ ذُو الْخَلْصَةِ بَيْتًا فِي الْيَمَنِ لِحَتْمٍ وَبَحِيلَةٍ فِيهِ نَصَبٌ يُعْبَدُ يُقَالُ لَهُ كَعْبَةُ الْيَمَانِيَّةِ، قَالَ: فَأَتَاهَا فَحَرَّقَهَا بِالنَّارِ وَكَسَرَهَا، ثُمَّ بَعَثَ رَجُلًا مِّنْ أَحْمَسَ يُكْنَىٰ أَبَا أَرْطَاةَ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ يُبَشِّرُهُ بِذَلِكَ، فَلَمَّا أَتَاهُ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ مَا جِئْتُ حَتَّىٰ تَرَكْتُهَا كَأَنَّهَا جَمَلٌ أَجْرَبُ، قَالَ: فَبَرَكَ النَّبِيُّ ﷺ عَلَىٰ خَيْلِ أَحْمَسَ وَرِجَالِهَا خَمْسَ مَرَّاتٍ»

«Мени Зул Холасадан халос қилиб роҳатлангирмайсанми. Шундан сўнг мен Аҳмаслик бир юз эллик отлик билан жўнадим. Зул Холаса Ямандаги бир уй бўлиб Хасъам ва Бажилага қарашли эди. У ерда ибодат қилишадиган бир бут бор бўлиб, уни каъбатул ямония, деб аташарди. Жарир у ерга келиб, бутни ёндириб, синдириб ташлади. Сўнг аҳмаслик Абу Артаа куняли кишини шу хушxabарни етказиш учун Набий ﷺ ҳузурига юборди. У Пайғамбар ﷺ ҳузурига келгач: ё Росулulloх, сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, уни жуни тўкилган қўтир туядек ҳолатда қолдириб келдим, деди. Набий ﷺ Аҳмас отлари ва кишилари ҳақларига беш марта баракот тилаб дуо қилдилар». Аҳмад ва Ибн Можа Усома ибн Зайддан шундай деганини ривоят қилди:

«بَعَثَنِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِلَى قَرْيَةٍ يُقَالُ لَهَا أُبْنَى فَقَالَ: انْتَبَهَا ثُمَّ حَرَّقَ»

«Мени Росулulloх ﷺ Убно деган қишлоққа юбориб: бориб уни ёндириб юбор дедилар». Убно Фаластиндаги Ябнодир. Молик «Муватто»да ривоят қилган Абу Бакрнинг васиятидан ва уни мана шу ҳадисларга солиштиришдан кўриниб турибдики, дарахтларни кесиш, ёндириш, уйларни бузиб



ташлаш фақат жангда ёки урушда ютиб чиқиш шуни тақозо қилгандагина бўлади. Демак у ҳарбий сиёсат сирасига киради.

Ҳукмларнинг исломий армияга тааллуқлиларидан бири шуки, имом ёки армия амири жангга боришдан мунофиқларни ёки фосиқларни ёки бўйин товловчи кимсаларни, кўрқоқ кимсаларни ва шуларга ўхшаганларни ман қилиши мумкин. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

وَلَوْ أَرَادُوا الْخُرُوجَ لَأَعَدُّوا لَهُ عُدَّةً وَلَكِنْ كَرِهَ اللَّهُ انبِعَاتَهُمْ فَتَنَّهُمْ وَقِيلَ اقْعُدُوا مَعَ الْقَاعِدِينَ \* لَوْ خَرَجُوا فِيكُمْ مَا زَادُوكُمْ إِلَّا خَبَالًا وَلَأَوْضَعُوا خِلَالَكُمْ يَبْغُونَكُمُ الْفِتْنَةَ

**«Лекин Аллоҳ чиқишларини истамай, уларни дангаса қилиб кўйди ва уларга: «Қолганлар (яъни, аёллар, ёш болалар ва ожиз-нотавон кишилар) билан бирга ўтираверинглар», дейилди. Агар улар сизлар билан чиққанларида ҳам, сизларга фақат ортиқча зиён бўлган ва ўрталарингизда сизларни фитнага солиш учун югуриб-елиб юрган бўлур эдилар»** [Тавба: 46-47]

Ваҳоланки исломий армия сафида фосиқ ва мунофиқ кимсанинг бўлиши ман қилинмайди. Лекин агар ҳарбий сиёсат бундай кимсани жангга боришдан ёки бир муайян ишни бажаришдан ёки зиммасига олишдан ман қилишни тақозо қилса, халифа ва қўшин амирининг шундай қилиши жоиздир.

Душманга муомала қилишдан, ҳарбий ишлардан ва исломий армиядан бошқа нарсага тааллуқли нарсалардан бири Росулulloҳ ﷺ Бани Мусталақ ғазотидан қайтишида юз берган ходисадир. Чунки Пайғамбаримиз мусулмонларни ўта тезлик билан ортга қайтардилар. Қўшин кодир бўлганидан ҳам кўра кўпроқ куч сарфлаб, кечаю кундуз йўл юриб Мадинага етиб келди. Қўшин чарчаб ҳолдан тойди. Ваҳоланки ҳукм қўшинга юмшоқлик қилиш эди. Жобир رضي الله عنه дан ривоят қилинади:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَتَخَلَّفُ فِي الْمَسِيرِ فَيُرْجِي الضَّعِيفَ وَيُرْدِفُ وَيَدْعُو لَهُمْ»

**«Росулulloҳ ﷺ юришда ортда қолиб заифни ундар, уловга миндириб, унинг ҳаққига дуо қилар эдилар»** Абу Довуд ривояти. Аслида қўшинга юмшоқлик қилиниши керак эди. Ҳукм шу эди. Лекин Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг муҳожирлар билан ансорлар ўртасига фитна солишига нисбатан юргизиладиган ҳарбий сиёсат қўшиндаги энг заиф кишининг юриши билан юриб бормасликни ва уларнинг энг кучлисининг юриб бориши билан юришни тақозо қилган эди. Токи гап-сўзга ёки тортишувга ўрин қолмасин.

Шундай қилиб ҳарбий сиёсат имомнинг жангда ёки урушда ютиб чиқиш ва душман устидан ғалаба қозониш учун ҳарбий

ишларни бошқариш талаб қиладиган ишларни қилишини тақозо қилади. Бироқ буларнинг барчаси фақат агар бир муайян амалга доир бирон насс келмасагина қилинади. Агар унинг урушда ҳам ва бошқа пайтда ҳам умуман ҳаром эканлиги ҳақида бирон насс келган бўлса уни қилинмайди, уни хосланмайди. Масалан зино каби. Аллоҳ Таоло деди:

وَلَا تَقْرَبُوا الزَّوْجَىٰ إِنَّهُ كَانَ فَاحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا

**«Зинога яқинлашманглар! Чунки (бу) бузуқликдир - энг ёмон йўлдир»** [Исро: 32]

Демак бирон насс келган бўлса ҳарбий сиёсатни ҳужжат қилиб ана шу амални қилиш жоиз бўлмайди. Аксинча насснинг ворид бўлиши вазиятга қараб шу насс доирасидан чикмаслик вожиб бўлади. Масалан агар насс иллатланмай қатъий ҳолда ворид бўлган бўлса бунда ана шу амални қилиш жоиз бўлмайди. Агар насс бирон иллат билан иллатланиб келган бўлса, у ҳолда амал борасида ўша иллатга қараб ҳукмга эргашилади. Агар амални ман қилиш ҳақида насс ворид бўлган бўлса, Росулulloҳ ﷺ дан эса уни муайян ҳолатларда қилганлиги ворид бўлган бўлса, бундай ҳолатда амални ана шу ҳолатлардагина қилинади. Бир қанча ишлардан шариат ман қилгани ҳақида нусус келгани учун шу ман қилишга амал қилинади. Уларда ҳарбий сиёсат деган гап кетмайди. Бухорий Ибн Умардан ривоят қилади:

«وَجِدْتِ امْرَأَةً مَقْتُولَةً فِي بَعْضِ مَغَازِي رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَهَيَّ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنْ قَتْلِ

النِّسَاءِ وَالصَّبِيَّانِ»

**«Росулulloҳ ﷺ нинг ғазотларидан бирида бир аёл ўлдирилган ҳолда топилди. Шунда Росулulloҳ ﷺ аёллар ва болаларни ўлдиришдан қайтардилар».** Аҳмад Асвад ибн Сариъдан шундай қилди: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«مَا بَالُ أَقْوَامٍ جَاوَزَهُمُ الْقَتْلُ الْيَوْمَ حَتَّى قَتَلُوا الذَّرِيَّةَ، فَقَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّمَا

هُمْ أَوْلَادُ الْمُشْرِكِينَ، فَقَالَ: أَلَا إِنَّ خِيَارَكُمْ أَبْنَاءُ الْمُشْرِكِينَ»

**«Баъзи бир одамларга нима бўлдики, бугун ўлдиришда ҳаддиларидан ошиб кетишибди, ҳатто зурриётларни ҳам ўлдиришибди. Шунда бир киши: ё Росулulloҳ, ахир улар мушрикларнинг болалари-ку, деди. Пайғамбаримиз ﷺ: эсингизда бўлсин, сизларнинг энг яхшиларингиз ҳам мушрикларнинг фарзандларисиз, дедилар».** Абу Довуд Анасдан Росулulloҳ ﷺ нинг шундай деганини ривоят қилди:

«اُنْطَلِقُوا بِاسْمِ اللَّهِ وَبِاللَّهِ وَعَلَى مِلَّةِ رَسُولِ اللَّهِ، لَا تَقْتُلُوا شَيْخًا قَانِيًا، وَلَا صَغِيرًا وَلَا امْرَأَةً، وَلَا تَعْلُوا، وَضَمُّوا غَنَائِمَكُمْ، وَأَصْلِحُوا وَأَحْسِنُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ»

«Аллоҳ номи билан йўлга чиқинглар, Аллоҳ ёр бўлсин, Росулulloҳ миллатида бўлинглар. Ш айх фоний, ёш бола ва аёлни ўлдирманглар, ўлжани тақсимлашдан олдин яширинча олманглар, ўлжаларингизни тўпланглар, ислоҳ қилинглар, яхшилиқ қилинглар, албатта Аллоҳ яхшилиқ қилувчиларни севади». Бу ҳадислар урушда муайян ишлардан қайтарди. Демак уларни урушда ҳарбий сиёсат деган ҳужжат билан қилиш дуруст бўлмайди. Аксинча нусусда ворид бўлган йўсинда қилинади. Нусусда ворид бўлгани шуки, бу ишларнинг барчасини замбараклар, снарядлар билан зарба бериб, узоқдан туриб барча оғир қурол-аслаҳалар билан зарба бериб қилиш ва болалар билан аёлларни ўлдириш қачонки улар кофирлар билан аралаш бўлиб тургани учун кофирларга фақат уларни ўлдириш билангина етиб бориш мумкин бўлган пайтдагина жоиз бўлади. Бухорий Саъб ибн Жассомадан ушбуни ривоят қилди:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ سُئِلَ عَنْ أَنْ أَهْلَ الدَّارِ يُبَيِّتُونَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ فَيُصَابُ مِنْ نِسَائِهِمْ وَذَرَارِيهِمْ قَالَ: هُمْ مِنْهُمْ»

«Росулulloҳ ﷺ дан мушрикларга кечаси юриш қилинганда аёллари ва зурриётлари нобуд бўлиши ҳақида сўралганида **Пайғамбаримиз ﷺ**: улар улардандир, дедилар». Ибн Ҳиббон саҳихида Саъбдан шундай дегани ривоят қилинган:

«سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَنْ أَوْلَادِ الْمُشْرِكِينَ أَنْ تَقْتُلَهُمْ مَعَهُمْ، قَالَ: نَعَمْ فَإِنَّهُمْ مِنْهُمْ»

«Росулulloҳ ﷺ дан мушрикларнинг болалари ҳақида уларни улар билан бирга ўлдирамизми? - деб сўраганимда **Пайғамбаримиз ﷺ**: ҳа, чунки улар улардандир, дедилар». Термизий Савр ибн Язиддан ушбуни ривоят қилди:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَصَبَ الْمُنْجَنِقَ عَلَى أَهْلِ الطَّائِفِ»

«Набий ﷺ Тоиф аҳлига қарши манжаниқ ўрнатдилар». Манжаниқ (катта тош отувчи қурол) билан зарба берилганида аёллар ва болалар, дарахтлар ва бошқа нарсалар ажратиб ўтирилмайди. Демак бу ҳадис агар урушда замбараклар, снаряд отувчи қуроллар каби оғир қуроллар ишлатилса улар

билан ўлдириш, барча нарсани вайрон ва хароб қилиш жоизлигига далолат қилади. Шунингдек кофирларга зарба беришга фақат болалари ва аёлларини ўлдириш билангина эришиш мумкин бўлса, унда шундай қилиш ҳам жоиздир. Аёллар ва болалар кофирлар билан аралаш турганлари учун нобуд бўлишса бу ўлдириш жоиздир. Аммо бу ишлардан ҳар бирининг ўзини манжаниқ ишлатилмаган пайтда ва аёллар билан болаларни биз уруш қиладиган кофирлардан ажратиш имкони бўлмайдиган ҳолатдан бошқа пайтда қилишга келсак, бу тўғрида нусусда ворид бўлган нарса бўйича алоҳида тафсилоти бор. У шуки, болаларни юқорида айтилган икки ҳолатдан бошқа пайтда ўлдириш мутлақо ҳаромдир. Шунингдек қавм билан мажбуран бирга бўладиган ёлланма ишчини ўлдириш ҳам ҳаромдир. Чунки у ҳам нотавон, бечорадир. Бу икки синфни ўлдиришдан қатъий шаклда ва ҳеч қандай иллат билан иллатланмай қайтариш ворид бўлган. Аёлларга келсак, бунда қаралади. Агар аёллар ҳам уруш қиладиган бўлса, уларни ўлдириш жоиз бўлади. Акс ҳолда жоиз бўлмайди. Бунга далил Аҳмад ва Абу Довуд Рабоҳ ибн Рабиъдан қилган ушбу ривоятдир: у Росулulloҳ ﷺ билан ғазотга чиқди. Қўшин олдида Холид ибн Валид эди. Рабоҳ ва Росулulloҳ ﷺнинг асҳоби бир ўлдирилган аёлнинг олдидан ўтиб қолишди. У олдинда кетган қўшин томонидан ўлдирилган эди. Улар тўхташиб унинг хилқатидан таажубланиб қарай бошлашди. Шунда Росулulloҳ ﷺ ўз уловларида улар турган жойга етиб келдилар. Улар ўзларини четга олиб йўл беришди. Росулulloҳ ﷺ аёл устига келиб тўхтаб:

«مَا كَانَتْ هَذِهِ لِنُقَاتِلَ، فَقَالَ لِأَحَدِهِمْ: اِلْحَقْ خَالِدًا فَقُلْ لَهُ: لَا تَقْتُلُوا ذُرِّيَّةً وَلَا عَسِيفًا»

**«Бу жанг қилмаган экан, деб битталарига: Холидга бориб, унга: болаларни ҳам, ёлланиб ишлаётганларни ҳам ўлдирманглар, деб айт»,** дедилар. Росулulloҳ ﷺнинг: **«Бу жанг қилмаган экан»,** деган сўзлари агар у аёл жанг қилган бўлганида уни ўлдириш жоизлигига далолат қиляпти. Демак ҳадисда у аёлни ўлдиришдан қайтаришнинг иллоти сифатида унинг жанг қилмагани кўрсатиляпти. Буни Абу Довуд Икримадан ривоят қилган ушбу ҳадис ҳам қувватлайди:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ مَرَّ بِامْرَأَةٍ مَقْتُولَةٍ يَوْمَ حُنَيْنٍ فَقَالَ: مَنْ قَتَلَ هَذِهِ؟ فَقَالَ رَجُلٌ: أَنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ غَنِمْتَهَا، فَأَرَدْتُهَا خَلْفِي فَلَمَّا رَأَتِ الْهَرِيمَةَ فِينَا أَهَوَتْ إِلَى قَائِمِ سَيْفِي لِتَقْتُلَنِي فَقَتَلْتُهَا، فَلَمْ يُنْكِرْ عَلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ»

«Набий ﷺ Хунайн кунда бир ўлдирилган аёл лолдидан ўтиб қолиб: буни ким ўлдирди? - дедилар. Бир киши: мен, ё Росулulloх, уни ўлжа қилиб олган эдим. Уловимда ортимга миндириб олдим. У биздаги мағлубиятни кўргач мени ўлдириш учун қиличим сопига ёпишди. Шунинг учун уни ўлдирдим, деди. Росулulloх ﷺ унинг бу ишини инкор қилмадилар». Бу билан аёл киши агар жанг қилса уни ўлдириш жоизлиги, акс ҳолда жоиз эмаслиги аён бўляпти. Шайх фоний (жуда қартайиб қолган кекса)га келсак, агар у кофирларга фойдаси ва мусулмонларга зарари тегмайдиган даражада кексайиб қолган бўлса, уни ўлдириш жоиз бўлмайди. Чунки уни ўлдиришдан қайтарилган. Аммо бунинг акси бўлса уни ўлдириш жоиздир. Бунга далил Аҳмад ва Термизий Самурадан ривоят қилган ушбу ҳадисдир: Набий ﷺ дедилар:

«اقْتُلُوا شُيُوخَ الْمُشْرِكِينَ وَاسْتَحْيُوا شَرَحَهُمْ»

«Мушрикларнинг кексаларини ўлдиришлар, ёшларини тирик қолдиришлар». Бухорий Абу Мусодан ривоят қилган ҳадис ҳам бунга далилдир. Набий ﷺ Хунайдан сўнг Абу Омирни Автос қўшинига бош қилиб юбордилар. У Дурайд ибн Симмага йўлиқиб қолди. У юз ёшдан ошиб кетган эди. Уни ўзларига уруш тадбирини қилиб бериш учун олиб келишган эди. Шунинг учун Абу Омир уни ўлдирди. Набий ﷺ унинг бу ишини инкор қилмадилар. Шунга кўра Анас ривоят қилган ҳадисдан фойдаси ҳам, зарари ҳам тегмайдиган кекса одам тушунилади. Бундай одам шайх фонийдир.

Демак қилишдан қайтарилган бу ишлар фақат нассада ворид бўлган нарса бўйича қилинади. Акс ҳолда қилинмайди. Шунинг учун мусулмонларнинг кофир душманларга нисбатан қиладиган ҳеч қандай ишлари – модомики бу иш уруш ҳолатида бўлган экан – хунук деб ҳисобланмайди. Бу иш урушдан бошқа пайтда ҳалол бўладими ёки ҳаром бўладими, бунинг фарқи йўқ. Бундан фақат зино каби ҳеч хосланмасдан урушда ҳам, бошқа пайтда ҳам умуман ҳаромлиги ҳақида насс келган ишларгина мустасно қилинади.



## Урушда ёлғон ишлатиш

Ёлғоннинг ҳаммаси Қуръоннинг қатъий насси билан қатъан ҳаромдир. Унинг ҳаромлиги диндаги маълум ҳукмлардандир. Унинг мусулмонлар манфаати учун ёки дин манфаати учун бўлиши билан бунинг акси бўлиши ўртасида фарқ йўқ. Чунки ёлғоннинг ҳаромлиги ҳақидаги насслар ҳеч бир иллатланмай умумий, мутлак, узил-кесил келди. Аллоҳ Таоло деди:

إِنَّمَا يَفْتَرِي الْكَذِبَ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ

**«Ёлғон сўзларни ҳам фақат Аллоҳ оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларгина тўқурлар»** [Нахл: 105]

Аллоҳ Таоло яна деди:

ثُمَّ نَبَّهَهُمْ فَتَنَعَلْ لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الْكَافِرِينَ

**«... сўнгра Аллоҳга тазарруъ билан илтижо қилайлик-да, ёлғончиларни Аллоҳ лаънатлашини сўрайлик»** [Оли Имрон: 61]

Бу узил-кесиллик, мутлақлик ва умумийликни фақат бошқа бир насс иллатлаши, муқайяд қилиши ва хослаши мумкин, холос. Қандайдир иллатлашни ёки муқайяд қилишни ифодаладиган насс на Китоб ва на Суннатда келмаган. Аммо хослашга келсак, бу тўғрида ёлғоннинг ҳаромлигидан муайян нарсаларни истисно қилган насс келган. Шу муайян нарсаларнинг ўзигина истисно қилинган. Шунинг учун ҳеч бир ҳолатда шу муайян нарсалар доирасидан чиқиш жоиз бўлмайди. Ҳадисларда зикр қилинган ишлардан далил хослаб қўйганигина ёлғонни ҳаромлигидан мустасно қилади. Улар ушбулардир: уруш ҳолати, аёлга гапириш тўғри келганда ва одамлар ўртасини ислоҳ қилиш учун. Бу тўғрида насс ворид бўлган. Масалан Аҳмад, Муслим ва Абу Довуд Умму Гулсум бинт Уқбадан шундай деганини ривоят қилди:

«لَمَ أَسْمَعِ النَّبِيَّ ﷺ يُرْحِصُ فِي شَيْءٍ مِمَّا يَقُولُ النَّاسُ إِلَّا فِي ثَلَاثٍ: فِي الْحَرْبِ، وَالْإِصْلَاحِ بَيْنَ النَّاسِ، وَحَدِيثِ الرَّجُلِ أَمْرَأَتَهُ وَحَدِيثِ الْمَرْأَةِ زَوْجَهَا»

**«Мен Набий ﷺнинг одамлар айтадиган нарсадан бирон нарсада (ёлғонга) рухсат берганини эшитмадим. Фақат уч ҳолатдагина рухсат бердилар: урушда, одамлар ўртасини ислоҳ қилиш учун, кишининг ўз аёлига ва аёлнинг ўз эрига гапириши».** Асмо бинт Язиддан шундай дегани ривоят қилинган: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«يَا أَيُّهَا النَّاسُ مَا يَحْمِلُكُمْ أَنْ تَتَّبِعُوا عَلَى الْكُذْبِ كَتَّابِيعِ الْفَرَّاشِ فِي النَّارِ. الْكُذِبُ كُفْلُهُ عَلَى ابْنِ آدَمَ حَرَامٌ إِلَّا فِي ثَلَاثِ خِصَالٍ: رَجُلٌ كَذَبَ عَلَى امْرَأَتِهِ لِيَرْضِيَهَا، وَرَجُلٌ كَذَبَ فِي الْحَرْبِ فَإِنَّ الْحَرْبَ خُدْعَةٌ، وَرَجُلٌ كَذَبَ بَيْنَ مُسْلِمَيْنِ لِيُصْلِحَ بَيْنَهُمَا»

«Эй одамлар, нега худди парвона ўзини ўтга урганидек ўзингизни ёлғонга ураверасиз. Бунга сизни нима ундайди. Одам боласи учун ёлғоннинг ҳаммаси харомдир. Магар уч ҳолатдагина жоиз: киши ўз аёлини рози қилиш учун унга ёлғон гапириши, кишининг урушда ёлғон ишлатиши, чунки уруш алдовдир, кишининг икки мусулмон ўртасини ислоҳ қилиш учун ёлғон гапириши». Аҳмад ривояти. Табароний ҳам «Кабир»да ривоят қилди. Саҳиҳ насс билан ёлғонни харомлигидан мутасно қилинган мана шу уч ҳолатдан бошқа пайтда ёлғон гапириш ҳечам ҳалол бўлмайди. Чунки нассинг умумлигидан фақат бирон далил хослаган нарсанигина мустасно қилинади, холос. Ҳадисда келган «урушда» сўзининг фақат битга маъноси бор. Бу маъно амалий уруш ҳолатидир. Демак уруш ҳолатидан бошқа пайтда ёлғон гапириш мутлақо жоиз бўлмайди. Аммо Набий ﷺнинг бирон ғазотга чиқмоқчи бўлсалар уни бошқа нарса билан яширгани ҳақидаги саҳиҳ ривоятга келсак, ундан мурод шуки Пайғамбаримиз ﷺ бирон ишни ирода қилсалар уни зоҳир қилмас эдилар. Масалан шарқ томонга ғазотга чиқмоқчи бўлсалар ғарб томондаги бир иш ҳақида сўрар ва сафарга тайёрланар эдилар. Буни кўрган ва эшитган одам Пайғамбар ﷺ ғарб томонга юриш қилмоқчилар деб ўйлар эди. Аммо Пайғамбаримиз ﷺ шарққа юрмоқчи бўла туриб ғарбга бормоқчиман деб ҳечам айтмаганлар. Демак шунга кўра бу воқенинг хилофини айтганлик бўлмайди. Аксинча у таврия (яшириш) каби иш жумласидан бўлган бир ишдир. Қолаверса у амалий уруш ҳолатига ва уруш ишига дахлдор нарсадир. Чунки у душманга қарши амалда уруш қилиш учун жанг олиб бориш бўлиб, у Пайғамбар А.нинг: «уруш алдовдир», деган сўзидаги алдов сирасига киради.

Аммо Муслим ривоят қилган ушбу: Росулulloҳ ﷺ:  
«مَنْ لِكَعْبِ بْنِ الْأَشْرَفِ فَإِنَّهُ قَدْ آذَى اللَّهَ وَرَسُولَهُ، قَالَ مُحَمَّدُ بْنُ مَسْلَمَةَ: أَتُحِبُّ أَنْ أَقْتُلَهُ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: فَأَذَنْ لِي فَأَقُولَ، قَالَ: قَدْ فَعَلْتُ، قَالَ: فَأَتَاهُ فَقَالَ: إِنَّ هَذَا - يَعْنِي النَّبِيَّ ﷺ - قَدْ عَنَانَا وَسَأَلَنَا الصَّدَقَةَ، قَالَ: وَأَيْضًا وَاللَّهِ لَتَمْلَأَنَّ قَالَ: فَإِنَّا



قَدْ اتَّبَعْتَاهُ فَتَكَرَّرَهُ أَنْ نَدْعُهُ حَتَّى نَنْظُرَ إِلَى مَا يَصِيرُ إِلَيْهِ أَمْرُهُ ، قَالَ: فَلَمْ يَزَلْ يُكَلِّمُهُ حَتَّى اسْتَمَكْنَ مِنْهُ فَفَقَتَلَهُ»

«Ким Каъб ибн Ашрафга боради. Чунки у Аллоҳ ва Росулига озор берди, дедилар. Муҳаммад ибн Маслама: хоҳлайсизми, ё Росулуллоҳ, уни ўлдириб келаман, деди. Пайғамбаримиз ﷺ: ҳа, дедилар. Муҳаммад ибн Маслама: унга ҳар нарсани гапиришимга изн беринг, деди. Пайғамбаримиз ﷺ: изн бердим, дедилар. Шундан кейин Муҳаммад ибн Маслама Каъбнинг олдига келиб: мана бу (яъни Набий ﷺ демоқчи) бизни қийнаб юборди ва биздан садақа сўради, деди. Буни эшитиб Каъб ибн Ашраф: сизлардан ҳам сўрадимиз? Аллоҳга қасамки, ҳали у жонингизга тегади, деди. Муҳаммад ибн Маслама: биз унга эргашган эдик. Энди унинг иши охири қайга боришини кўрмай туриб уни ташлаб кетишни хоҳламаймиз, деди. Шу тарзда унга тинимсиз гапираверди. Охири уни қўлга олишга муваффақ бўлиб, уни ўлдирди» хадисдаги Росулуллоҳ ﷺнинг Муҳаммад ибн Масламага шундай дегани ҳақида Жобирдан қилинган ривоятга келсак, бу ҳам уруш ҳолатида бўлади. Гарчи бу хадисдаги Муҳаммад ибн Маслама айтган сўзлар ёлғон эмас рост бўлиб, балки қоралаш мазмунида бўлса-да, лекин Муҳаммад ибн Маслама ҳар нарсани гапириш учун Пайғамбаримиздан изн сўрагани ва Пайғамбаримиз бунга изн бергани учун шу сўзларни айтди. Бунга очиқ ва имо-ишора билан ёлғон гапиришга изн бериш ҳам киради. Бу уруш ҳолатида бўлади. Аҳмад ва Насой Анадан ривоят қилган Ҳажжож ибн Илотнинг Набий ﷺдан Макка аҳлидан ўз молини олиш учун у киши ҳақида хоҳлаган нарсасини гапиришга изн сўрагани ва Набий ﷺ унга изн бергани, шунинг учун у Макка аҳлига: Хайбар аҳли мусулмонларни мағлуб қилди, деб айтгани ҳақидаги қиссага келсак, бу ҳам уруш ҳолатига дахлдордир. Чунки ўшанда Макка аҳли мусулмонлар билан амалий уруш ҳолатида эди. Ҳажжож ибн Илот эса мусулмонлардан эди. У ўз молини олиш учун душман кофирларнинг олдига борди. Амалий уруш ҳолати бунга монеълик қилар эди. Чунки Ҳудайбия сулҳи мусулмоннинг Маккада қолган молини амалий уруш ҳукмларидан мустасно қилмаган эди. Шунинг учун унинг ёлғон гапириши жоиз бўлди. Чунки ёлғон гапириш фақат

жангдагина ва уруш қилувчиларгагина жоиз бўлиб қолмай, балки мусулмонларнинг ўз душманлари бўлмиш кофирларга – агар улар билан амалий уруш ҳолатида бўлсалар – ёлғон гапиришлари ҳам жоиз бўлади. Аммо Баззор:

«الْكُذِبُ مَكْتُوبٌ إِلَّا مَا نَفَعَ بِهِ مُسْلِمٌ، أَوْ دَفَعَ بِهِ عَنْهُ»

«Ёлғон ёзиб қўйилади, магар мусулмон нафланадиган нарса бўлса ёки у билан ўзидан (бирон нарсани) даф қилса, ёзилмайди», деб ривоят қилганига келсак, «Мажмауз завоид»да айтилишича, унинг санадида Ришдин ва Абдуррахмон ибн Зиёд ибн Анъам бор. Бу иккалови заифдир. Шунга кўра бу заиф ҳадисдир. Шунинг учун уни рад қилинади ва уни ҳужжат қилинмайди. Зеро у далилликка ярамайди.

Шунга кўра ёлғоннинг ҳаммаси ҳаромдир. Фақат айтиб ўтганимиздек уч ҳолатда ҳалол бўлади: урушда, одамлар ўртасини ислоҳ қилишда ва кишининг ўз аёлига, аёлнинг ўз эрига ёлғон гапириши. Бундан бошқа пайтда ёлғон қатъан ҳаромдир. Чунки унинг ҳаромлиги Қуръонда умумий келган бўлиб, ҳамма ёлғонни ўз ичига олади. Фақат ҳадисда ёлғон гапиришни юқоридаги уч ҳолатга хослаб қўйилди. Мана шу уч ҳолат ҳаромликдан мустасно қилинди. Демак фақат мана шу уч ҳолатдагина ёлғон гапириш ҳалол бўлади. Ундан бошқа ҳолатларда ҳаром бўлади. Айниқса Пайғамбаримизнинг: «Одам боласи учун ёлғоннинг ҳаммаси ҳаромдир. Магар уч ҳолатдагина жоиз», деган ҳадисида ва «Мен Набий ﷺнинг одамлар айтадиган нарсадан бирон нарсада (ёлғонга) рухсат берганини эшитмадим. Фақат уч ҳолатдагина рухсат бердилар: урушда...», деган ҳадисда ёлғон гапириш ҳалоллиги уч ҳолатга чеклаб қўйилган экан, демак бу уч ҳолатдан бошқа пайтда ёлғон гапириш ҳаромдир, деган маъно тушунилади. Бу тўғрида келган ҳадисларнинг барчаси амалий уруш ҳолатига оид бўлиб келди. Бошқалари эса заиф ҳадислар бўлиб, рад қилинади ва ҳужжат қилинмайди.

Аммо урушдан бошқа пайтда таврия қилиш (яшириш)га келсак, агар ундан тингловчи воқенинг хилофини тушунадиган бўлса, (бунда лафз сўзловчи ва тингловчи билган луғат ва умумий истилоҳ (ҳамма биладиган ибора) бўйича воқега ҳам, бошқасига ҳам далолат қилмайди) у ёлғон бўлиб, ҳалол бўлмайди. Масалан бир махсус жамоат бирон сўзга келишиб олиб, уни бу истилоҳни билмайдиган кишига айтишлари каби ёки истилоҳни сўзловчи билиши, тингловчи эса уни

билмаслиги каби, буларнинг ҳаммаси ёлгон бўлиб, ҳалол бўлмайди. Чунки у гарчи сўзловчи учун таврия бўлса-да, лекин тингловчи бу лафздан воқенинг хилофини тушунади. Демак у таврия деб ҳисобланмайди ва ҳалол бўлмайди. Аммо агар лафздан воқелик ҳам ва ундан бошқаси ҳам тушуниладиган бўлса, бундай таврия балоғат (етуклик) турларидан биридир. У рост сўзлаш бўлиб, ёлгон эмас. Масалан бир кўзли кишига: кошки унинг икки кўзи баробар бўлсайди, деб айтишлари каби. Бу унинг ҳаққига дуо бўлишига ҳам ва унинг зиёнига дуо бўлишига ҳам ярайди. Таврия – гапнинг икки маънони билдиришидир. Бири яқин, иккинчиси узоқ маъно бўлади. Сўзловчи узоқ маъно тушунилишини истайди, тингловчи эса яқин маънони тушунади. Бундай ҳолатда тингловчи гарчи сўзловчи ирода қилган нарсанинг хилофини тушунса ҳам лекин жумла далолат қилаётган воқенинг хилофини тушунмайди. Набий ﷺ таврияга сукут қилганлар. Масалан саҳиҳ Бухорийда Анас ибн Молик ﷺ дан шундай дегани ривоят қилинган: **«Пайғамбар ﷺ Мадинага қараб йўл олдилар. Пайғамбаримиз уловда Абу Бакр билан бирга эдилар. Абу Бакр ҳамма танийдиган шайх бўлиб, Пайғамбар ﷺ ни кўпчилик танимас эди. Шунда бир киши Абу Бакрга йўлиқиб қолиб: Эй Абу Бакр, олдиндаги бу киши ким? - деди. Абу Бакр: Бу киши менга йўл кўрсатади, деди. Ҳалиги одам бундан йўл бошловчи деган маънони тушунди. Ваҳоланки Абу Бакр яхшилик йўлини ирода қилган эди».**

## Жосуслик

Жосуслик пойлаб хабарларни билиб олишдир. Луғатда: пойлаб ва жосуслик қилиб хабарларни билиб олиш, дейилади. «Жосус» сўзи шундан олинган. Чунки бирон шахс хабарларни пойлаб билиб олган бўлса жосуслик қилган бўлади. Шунинг учун у жосусдир. У зоҳир хабарларни пойлаб билиб оладими ёки махфий хабарларними, бунинг фарқи йўқ. Чунки жосуслик деб ҳисобланиши учун пойлаб билиб олинадиган хабарларнинг махфий бўлиши, яъни сир бўлиши шарт эмас. Аксинча жосуслик хабарларнинг махфий бўлганини ҳам, бўлмаганини ҳам, яъни сир бўлганини ҳам, сир бўлмаганини ҳам пойлаб билиб олишдир. Аммо киши пойламасдан табиий нарсаларни кўриб қолса, унинг иши пойлаб хабарларни билиб олиш бўлмаса ёки иши хабарларни нашр қилиб тарқатиш учун тўплаш бўлса ёки хабарларга аҳамият берса, буларнинг барчаси – модомики у хабарларни пойлаб билиб олмаган экан ва унинг иши пойлаб билиб олиш эмас экан – жосуслик ҳисобланмайди. Ҳатто у бундай ҳолатларда хабарларни кузатган бўлса ҳам бу жосуслик ҳисобланмайди. Чунки жосуслик хабарларни пойлаб билиб олиш мақсадида уларни диққат билан кузатишдир. Хабарларни тўплаш учун уларни кузатиб борадиган киши эса билиб олиш мақсадида диққат билан кузатмайди. Аксинча уларни одамларга тарқатиш учун тўплайди. Шунинг учун газеталар ва ахборот агентликлари мухбирлари каби хабарларни кузатиб тўплайдиган кишиларни жосус дейилмайди. Фақат агар иши жосуслик бўлса ва мухбирликни ниқоб қилиб олган бўлса, бундай ҳолатда у жосус бўлади. У хабарларни кузатиб борадиган мухбир бўлгани учун эмас, балки иши жосуслик бўлгани учун ва мухбирликни ниқоблаш воситаси қилиб олгани учун жосус ҳисобланади. Бундай ҳолни кўпгина мухбирларда, айниқса уруш ҳолатидаги кофир мухбирларда кузатиш мумкин. Махфий идора ва махфий хизмат ходимлари ҳақида ва уларга ўхшаб хабарларни пойлаб билиб оладиган кимсалар ҳақида айтадиган бўлсак, улар жосуслардир. Чунки уларнинг иши жосусликдир.

Жосуслик ва жосуснинг воқеси мана шудир. Энди жосусликнинг ҳукми нима эканига келсак, у ортидан жосуслик қилинадиган кишиларнинг кимлар эканига қараб турлича бўлади. Агар мусулмонлар ортидан ёки мусулмонлар каби

давлат фуқаролари бўлган зиммийлар ортидан жосуслик қилинадиган бўлса, бу жоиз эмас, ҳаромдир. Агар уруш ҳолатидаги кофирлар ортидан жосуслик қилинса – улар ҳақиқатдан уруш ҳолатида бўладими ёки ҳукман уруш ҳолатида бўладими, бунинг фарқи йўқ – бу мусулмонлар учун жоиздир. Халифага эса вожибдир. Мусулмонлар ва Исломий давлат фуқаролари ортидан жосуслик қилишнинг ҳаром эканлиги Қуръоннинг очиқ насси билан собитдир. Аллоҳ Таоло деди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اجْتَنِبُوا كَثِيرًا مِّنَ الظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ الظَّنِّ إِثْمٌ وَلَكِنْ تَجَسَّسُوا

**«Эй мўминлар, кўп гумонлардан четланинглар! Чунки айрим гумонлар гуноҳдир! Ва жосуслик қилманглар»** [Ҳужурот: 12]

Демак Аллоҳ Таоло бу оятда жосуслик қилишдан қайтарди. Бу қайтариш умумий бўлиб, барча жосусликни ўз ичига олади. Ўзининг ёки бошқа бировнинг фойдаси учун жосуслик қилиш бўладими, давлат, шахс ёки ташкилотлар фойдасига жосуслик қиладими, жосуслик қилаётган кимса ҳоким бўладими ёки оддий фуқароми, бунинг фарқи йўқ. Қайтариш шуларнинг ҳаммасини ўз ичига олади. Чунки оятдаги калом умумий бўлиб, жосуслик лафзи тўғри келадиган ҳар бир нарсани ўз ичига олади. Демак уларнинг ҳаммаси ҳаромдир. Аҳмад ва Абу Довуд Миқдод ва Абу Умомадан шундай деганини ривоят қилишди: Росулуллоҳ ﷺ дедилар:

«إِنَّ الْأَمِيرَ إِذَا اتَّبَعَ الرَّيَّةَ فِي النَّاسِ أَفْسَدَهُمْ»

**«Амир агар одамлар орасига шубҳа-гумон солишни истаса уларни бузади».**

Энди шу ерда: мусулмон кишининг махфий хизмат идорасида ёки жинорий қидирув бўлимида ёки қиладиган иши жосуслик бўлган бошқа идораларда ишлаши жоизми? - деган савол туғилади. Бунга жавоб шуки, бунда қаралади. Агар бунда вазифа мусулмонлар ортидан ёки мусулмонлар каби давлат фуқаролари бўлган зиммийлар ортидан жосуслик қилиш бўлса, у жоиз эмас. Чунки у Қуръоннинг очиқ насси билан ҳаром қилинган. Мусулмон одам бундай жосуслик қилишдан ман қилинганидек зиммий ҳам бундан ман қилинади. Чунки дорул Исломда яшайдиган зиммийга ҳам Ислом ҳукмлари татбиқ этилади. Фақат бундан ақида ва ибодатларга тааллуқли нарсалар мустаснодир. Аммо агар вазифа юртларимизга мустаъмин бўлиб (омонлик сўраб) ва муоҳид бўлиб (аҳднома бўйича) кирадиган уруш ҳолатидаги

кофирлар ортидан жосуслик қилиш бўладиган бўлса, бу жоиздир. Чунки уруш ҳолатидаги кофирлар ортидан жосуслик қилиш жоиздир. Улар ҳақиқатдан уруш ҳолатида бўладими ёки ҳукман уруш ҳолатидами, бунинг фарқи йўқ. Шунингдек жосуслик уларнинг юртида бўладими ёки бизнинг юртимиздами, бунинг ҳам фарқи йўқ. Шунга кўра махфий хизмат идорасининг ёки қидирув бўлимларининг ёки шунга ўхшаш идораларнинг бўлиши ҳаром эмас, аксинча вожибдир. Улардаги ҳаром мусулмонлар ортидан ва мусулмонлар каби давлат фуқаролари бўлган зиммийлар ортидан жосуслик қилишдир, холос. Шунинг учун Ислоҳ давлатининг мусулмонлар ва бошқа фуқаролар ортидан жосуслик қилиш учун бирон идорани вужудга келтириши жоиз эмас, аксинча ҳаромдир. Бунда «давлат манфаати фуқаролар ҳақидаги хабарларни билиб туришни тақозо қилади, давлат фитналарни фош қилиш ва жиноятчиларни топиш учун шундай қилиши лозим», деган ҳужжат рўқач қилинмайди. Чунки давлат буни жосуслик орқали эмас, балки полиция ва қоровуллар орқали билиб олиши мумкин. Ақлнинг ана шу нарсани манфаат деб билиши ёки ундай эмас деб билиши ҳаром ёки мувоҳ қилишнинг иллоти бўлмайди. Аксинча шариат нимани манфаат деса, ўша манфаат бўлади. Қуръон оятларида бирон нарсанинг ҳаромлиги очиқ айтилган бўлса, ўша нарсани ҳалол қилишга иллат қидириш учун ундаги манфаат ҳақида сўз юритишга ўрин қолмайди. Чунки Қуръоннинг очиқ насси олдида бунинг ҳеч қандай қиймати бўлмайди. Қуръонда эса

وَلَا تَجَسَّوْا

«**Жосуслик қилманглар**»

[Хужурот: 12]

дейилмоқда. Яъни жосуслик қилишдан қайтарилмоқда. Бу оятдаги очиқ лафз далолат қилаётган нарсани бошқача тушунишга ҳечам йўл йўқ ва бу оят умумийлигини хослаб қўядиган ёки ундан бирон нарсани мустасно қиладиган ҳеч қандай далил келмаган. Демак бу оят умумийлигича қолиб, жосусликнинг барча турини ўз ичига олади. Шунинг учун фуқаролар ортидан жосуслик қилишнинг ҳаммаси ҳаром бўлади.

Бу мусулмонлар ортидан ёки улар каби давлат фуқаролари бўлган зиммийлар ортидан жосуслик қилиш ҳақида эди. Аммо мусулмонлар ва зиммийларнинг уруш ҳолатидаги кофирлар ортидан жосуслик қилишларига келсак – бунда улар

хақиқатдан уруш ҳолатида бўладими ёки ҳукман уруш ҳолатидами, бунинг фарқи йўқ – бу иш оятнинг умумийлигидан мустасно қилинади. Чунки жосуслик ҳаромлигини хослаб келган, яъни фақат мусулмонлар билан зиммийлар ортидан жосуслик қилиш ҳаром эканлигини айтган ҳадислар келган. Аммо уруш ҳолатидаги кофирлар ортидан жосуслик қилиш мусулмонлар учун жоиздир, халифага, яъни давлатга эса вожибдир. Ибн Ҳишом «Сийрат»ида шундай воқеанинг зикри келган. Набий ﷺ Абдуллоҳ ибн Жаҳшни ва у билан бирга муҳожирлардан саккиз кишини юбориб унга бир мактуб ёзиб бердилар. Бу мактубни фақат икки кун йўл юрганидан кейин очиб ўқишни, унда буюрилган нарсаларни бажаришни ва ҳамроҳларидан ҳеч кимни бунга мажбур қилмасликни буюрдилар. Абдуллоҳ ибн Жаҳш икки кун йўл юргач мактубни очиб ўқиди. Унда қуйидагилар ёзилган эди:

«إِذَا نَظَرْتَ فِي كِتَابِي هَذَا فَأَمُضِ حَتَّى تَنْزِلَ نَخْلَةَ بَيْنَ مَكَّةَ وَالطَّائِفِ، فَتَرِصِدْ بِهَا قُرَيْشًا، وَتَعْلَمَ لَنَا مِنْ أَخْبَارِهِمْ»

**«Мактубимни очиб ўқиган пайтингда то Макка билан Тоиф ўртасидаги Наҳла деган жойга етиб боргунингча юришда давом эт. Ўша ерда Қурайшни пойлаб, уларнинг хабарларини бизга билиб кел».** Демак мактубда Росулulloҳ ﷺ Абдуллоҳ ибн Жаҳшга Қурайш ортидан жосуслик қилишни ва унинг хабарларини билиб келишни буюрмоқдалар. Лекин Пайғамбаримиз ﷺ унинг ҳамроҳларининг бориш ёки бормасликларини ўзларининг ихтиёрларига қўйдилар. Аммо Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг ўзига боришни қатъий буюрдилар. Демак Росулulloҳ ﷺ ҳаммадан жосуслик қилишни талаб қилган бўладилар. Лекин Пайғамбаримиз буни Абдуллоҳга қатъий буюрган бўлсалар, қолганларни ўз ихтиёрларига қўйдилар. Бу эса талаб жамоат амирига нисбатан қатъий талаб эканига, у билан бирга бўлган бошқаларга нисбатан қатъий бўлмаган талаб эканига далилдир. Демак бу мусулмонларнинг душман ортидан пойлаб, жосуслик қилишлари ҳаром эмас, жоиз эканига, давлатга эса вожиб эканига далил бўлди. Душман ортидан пойлаб, жосуслик қилиш мусулмонлар армияси учун зарур бўлган ишлардан бири бўлгани боис демак армиянинг урушга тайёргарлик кўриши ўзининг жосуслик хизмати (контрразведкаси) бўлмасдан туриб тамомига етмайди. Шунинг учун армияда жосуслик хизматининг мавжуд

бўлиши давлатга вожиб бўлди. Бу «вожиб нима билан тамомига етса ўша нарса ҳам вожибдир», деган қоида остига киради.

Бу жосусликнинг ҳаром ёки жоиз ёки вожиб эканлиги жиҳатидан бўлган ҳукмидир. Энди уруш ҳолатидаги кофирлар фойдасига жосуслик қиладиган жосусга бериладиган жазога тўхталадиган бўлсак, бу жазо жосуснинг фуқаролигига ва динига қараб, турлича бўлади. Жосус уруш ҳолатидаги кофир бўлса, у ўлдирилади. Унинг ҳукми шудир. Бунга бир овоздан иттифоқ қилинган. Унга бундан бошқа ҳукм йўқ. Унинг жосус эканлиги билиниши биланоқ, яъни жосус эканлиги исботланиши биланоқ у ўлдирилади. Бунга далил Бухорий Салама ибн Акваъдан қилган ушбу ривоятдир:

«أَتَى النَّبِيَّ ﷺ عَيْنٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ وَهُوَ فِي سَفَرٍ، فَجَلَسَ عِنْدَ أَصْحَابِهِ يَتَحَدَّثُ ثُمَّ أَسْأَلَ، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: أَطْلَبُوهُ وَأَقْتُلُوهُ، فَسَبَقَتْهُمْ إِلَيْهِ فَقَتَلْتُهُ فَنَفَلَنِي سَلْبَهُ»

«Набий ﷺ сафардалиги чоғида мушриклардан бир айғокчи келиб, саҳобалар билан гаплашиб ўтирди. Сўнг сездирмай ғойиб бўлди. Шунда Набий ﷺ: уни қидириб топиб ўлдиришлар, дедилар. Мен унга улардан олдин етиб олиб, уни ўлдирдим. Пайғамбаримиз ﷺ унинг нарсаларини менга ўлжа қилиб бердилар». Муслимда Икрима ривоятидан ушбу лафз билан келган:

«فَأَنْتَزَعَ طَلْقًا مِنْ حَقْبِهِ فَقَبِدَ بِهِ الْجَمَلَ ثُمَّ تَقَدَّمَ يَتَغَدَّى مَعَ الْقَوْمِ، وَجَعَلَ يَنْظُرُ وَفِينَا ضَعْفَةٌ وَرِقَّةٌ فِي الظُّهْرِ وَبَعْضُنَا مُشَاةٌ إِذْ خَرَجَ يَشْتَدُّ»

«У белбоғидан пишиқ арқонни суғуриб, у билан туяни боғлади. Сўнг қавм билан тушлик қилгани борди ва у ёқ, бу ёққа аланглаб, қарай бошлади. Пешинда бизда бироз заифлик ва бўшашиш пайдо бўлган, баъзиларимиз пиёда эдик. Бирдан у шиддат билан чиқиб кетди». Абу Наим «Мустахраж»ида Яхё Ҳамоний орқали Абу Умайсдан қилган ривоятда бундай дейилган:

«أَدْرِكُوهُ فَإِنَّهُ عَيْنٌ»

«Унга етиб, тутиб олинглар. Чунки у айғокчидир». Росулulloҳ ﷺ унинг жосуслиги аниқ бўлиши биланоқ «уни қидириб, топиб ўлдиришлар», дедилар. Бу шу ривоятлардан очик тушунилиб турибди. Бу эса талабнинг қатъий эканига қарина бўлади. Демак жосус устидан чиқариладиган ҳукм



ўлдириш ҳукми бўлади. Бунга бир овоздан иттифоқ қилинган. Бу ҳукм ҳамма уруш ҳолатидаги кофир хусусида умумийдир. Бундай кофир муоҳид бўладими ёки мустаъминми ёки бошқами, бунинг фарқи йўқ. Чунки уларнинг ҳаммаси уруш ҳолатидаги кофир бўлиб, агар жосус бўлса ўлдирилади.

Энди зиммий кофир жосус бўлса бунда қаралади. Агар у зиммийликка кирган пайтида жосуслик қилмаслиги шарт қилиб қўйилган бўлса ва у жосуслик қилса ўлдирилади. Ана шу шартга амал қилиб ўлдирилади. Аммо унга бундай шарт қўйилмаган бўлса у ҳолда уни қаттиқ оғритадиган таъзир укубати билан жазоланади. Лекин уни қатл қилиш имомга вожиб эмас. Чунки у давлат фуқароси бўлгани учун ва зиммийлик битимида унга бу нарса шарт қилинмагани учун уни қатл қилиш имомга вожиб эмас.

Аммо мусулмонлар ва зиммийларга қарши душман фойдасига жосуслик қиладиган мусулмон жосусга келсак, у ўлдирилмайди. Чунки Росулulloҳ ﷺ Фурот ибн Ҳайёни мушриклар айғоқчиси бўлгани учун ўлдиришга буюрган пайтда «ё Росулulloҳ, у мусулмон эканини даъво қилмоқда», дейишди. Шунда Пайғамбаримиз ундан ўлдириш ҳукмини олиб ташладилар. Набий ﷺ Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда шундай дедилар:

«إِنَّ مِنْكُمْ رَجُلًا نَكَلُهُمْ إِلَى إِيْمَانِهِمْ، مِنْهُمْ فُرَاتٌ بْنُ حَيَّانَ»

«Орангизда шундай кишилар борки, биз уларни имонларига ҳавола қиламиз. Улардан бири Фурот ибн Ҳайёндир». Демак уни қатл қилишдан ушлаб қолган иллат унинг мусулмон бўлганидир. Бухорий шундай ривоят қилди: Али ибн Абу Толиб деди:

«بَعَثَنِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنَا وَالزُّبَيْرُ وَالْمِقْدَادُ بْنُ الْأَسْوَدِ وَقَالَ: انْطَلِقُوا حَتَّى تَأْتُوا رَوْضَةَ خَاخٍ فَإِنَّ بِهَا طَعِينَةَ، وَمَعَهَا كِتَابٌ، فَخُذُوهُ مِنْهَا، فَإِنْ طَلَقْنَا تَعَادَى بِنَا خَيْلَنَا، حَتَّى أَنْتَهِنَا إِلَى الرِّوْضَةِ، فَإِذَا نَحْنُ بِالطَّعِينَةِ، فَقُلْنَا أَخْرَجِي الْكِتَابَ، فَقَالَتْ مَا مَعِيَ كِتَابٌ، فَقُلْنَا: لَتُخْرِجَنَّ الْكِتَابَ أَوْ لَتَلْقَيْنَنَّ الشَّيْبَ، فَأَخْرَجَتْهُ مِنْ عِقَاصِهَا، فَأَتَيْنَا بِهِ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ، فَإِذَا فِيهِ: مِنْ حَاطِبِ بْنِ أَبِي بَلْتَعَةَ إِلَى أَنَاسٍ مِنْ أَهْلِ مَكَّةَ يُخْبِرُهُمْ بِبَعْضِ أَمْرِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَا هَذَا يَا حَاطِبُ؟ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ لَا تَعْجَلْ عَلَيَّ، إِنِّي كُنْتُ امْرَأً مَلْصَقًا فِي قُرَيْشٍ، وَلَمْ أَكُنْ مِنْ أَنْفُسِهَا، وَكَانَ مِنْ مَعَكَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ لَهُمْ قَرَابَاتٌ

بِمَكَّةَ يَحْمُونَ بِهَا أَهْلِيهِمْ وَأَمْوَالَهُمْ، فَأَحْبَبْتُ إِذْ فَاتَنِي ذَلِكَ مِنَ النَّسَبِ فِيهِمْ أَنْ أَتَّخِذَ  
عِنْدَهُمْ يَدًا يَحْمُونَ بِهَا قَرَابَتِي، وَمَا فَعَلْتُ كُفْرًا، وَلَا ارْتِدَادًا، وَلَا رِضًا بِالْكَفْرِ بَعْدَ  
الْإِسْلَامِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: لَقَدْ صَدَقَكُمْ، قَالَ عُمَرُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ دَعْنِي أَضْرِبْ  
عُنُقَ هَذَا الْمُنَافِقِ، قَالَ: إِنَّهُ قَدْ شَهِدَ بَدْرًا، وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّ اللَّهَ أَنْ يَكُونَ قَدْ أَطْلَعَ عَلَى  
أَهْلِ بَدْرٍ فَقَالَ: اْعْمَلُوا مَا شِئْتُمْ فَقَدْ غَفَرْتُ لَكُمْ»

«Росулуллох ﷺ мен билан Зубайр ва Микдод ибн Асвадни юбориб: йўлга чикиб Хох деган боғга борсангиз сафарга чиққан бир аёлни кўрасиз. Унда бир мактуб бор, уни ундан олинглар, дедилар. Биз йўлга чикдик. Отларимиз бириридан ўзиб боғга етиб келдик ва аёлга йўлиқдик. Унга: мактубни чиқар, дедик. У: менда ҳеч қандай мактуб йўқ, деди. Биз: ё мактубни чиқарасан ёки кийимларингни ечиб ташлаймиз, дедик. Шунда у мактубни сочининг орасидан чиқариб берди. Биз уни Росулуллох ﷺ га олиб келдик. Унда: Ҳотиб ибн Абу Балтаадан Макка аҳлидан баъзи бир одамларга, деб ёзилган эди. Ҳотиб уларга Росулуллох ﷺ ишларидан баъзи нарсаларни хабар берган эди. Росулуллох ﷺ: бу нима, эй Ҳотиб? - дедилар. Ҳотиб: ё Росулуллох, мен тўғримда шошилманг. Мен ўзини Қурайшга нисбат берган бир кишиману, ўзим улардан эмасман. Сиз билан бирга бўлган муҳожирларнинг Маккада яқинлари бор, улар ёрдамида ўз аҳллари ва молларини ҳимоя қилишади. Ана шу насл-насаб менда йўқ бўлгани учун улардан қўллов топиб, яқинларимни ҳимоя қилишларини истадим. Мен ҳеч бир куфр иш ҳам, муртадлиқ ҳам қилганим йўқ, Исломдан кейин куфрга рози бўлганим ҳам йўқ, деди. Росулуллох ﷺ: у сизларга рост айтди, дедилар. Шунда Умар: ё Росулуллох менга рухсат беринг бу мунофиқнинг бўйинини узиб ташлай, деди. Пайғамбаримиз ﷺ: у Бадра қатнашган. Қаердан биласан, эҳтимол Аллоҳ Бадр аҳлига хабар қилиб: хоҳлаган нарсангизни қилинглар, Мен сизларни мағфират қилдим, деб айтгандир, дедилар». Бу ҳадисда Ҳотибнинг мусулмонлар зиёнига жосуслик қилгани ва Росулуллох ﷺ уни қатл қилмагани собит бўлди. Бу мусулмон жосус қатл қилинмаслигига далилдир. Бунда «бу Бадр аҳлига хос бўлган ҳукм, чунки бу ҳадисда Ҳотибнинг Бадр аҳлидан эканлиги иллат қилиб келтириляпти», деб айтиш нотўғри. Чунки бу насс

гарчи иллатлашни ифодалаб келган бўлса-да ва иллатлик мазмуни тушуниладиган тарзда келтирилган бўлса-да бироқ Аҳмаднинг Фурот ибн Ҳайён ҳақида у мусулмон бўлгани учун ундан қатл қилиш ҳукми олиб ташлангани тўғрисида ривоят қилган ҳадиси бу ҳадисдан иллатлик мазмунини йўқ қилади ва уни воқенинг васфига айлантиради. Чунки Фурот ибн Ҳайён Бадр аҳлидан эмас эди. «Абу Довуд ривоятидаги Фурот ибн Ҳайён ҳақидаги ҳадис иснодида Абу Ҳаммом Даллол Муҳаммад ибн Муҳаббаб бор, унинг Суфён Саврийдан ривоят қилган ҳадиси ҳужжат қилинмайди», деб айтилмайди. Чунки Аҳмад ривоятида бу ҳадисни Суфёндан Бишр ибн Сарий Басрий ривоят қилган. У эса ҳадисини ҳужжат қилишга Бухорий ва Муслим иттифоқ қилган кишилардандир. Демак бу ҳадис собит бўлиб, уни ҳужжат қилинади ва у мусулмон жосус қатл қилинмаслигига, балки қози ёки халифа қандай раъй билдирса шу раъйга мувофиқ ҳибсга олиниши ёки бошқа нарса билан жазоланишига далилдир.

Буларнинг барчаси уруш ҳолатидаги кофир душман фойдасига мусулмонлар ва зиммийларга қарши жосуслик қилиш ҳақида эди. Аммо уруш ҳолатидаги кофир фойдасига эмас, балки шунчаки жосуслик қилиш учун ёки мусулмонлар фойдасига ёки давлат фойдасига мусулмонлар ортидан жосуслик қилишга келсак, у гарчи ҳаром бўлса-да, лекин шариат бу гуноҳ учун бериладиган бир муайян жазони белгилаб бермаган. Демак унинг жазоси таъзир бериш бўлади.

## Сулҳ

Мусулмонлар билан кофирлар ўртасида сулҳ битими тузиш жоиздир. Чунки Росулulloҳ ﷺ Худайбия йилида Қурайш билан сулҳ тузганлар. Лекин унинг жоиз бўлиши учун жиход ёки даъватни ёйиш тақозо қиладиган бир манфаат мавжуд бўлиши шарт. Унинг жоизлиги шунга чекланган. Чунки Росулulloҳ ﷺ га у киши Худайбияга боришидан олдин Хайбар аҳли билан Макка аҳли мусулмонларга ҳужум қилишга тил бириктиргани ҳақидаги хабар етган эди. Шунинг учун Пайғамбаримиз ﷺ Худайбиядан қайтиб келишлари биланок Хайбарга ҳужум қилишга шошилдилар ва подшоҳлар билан амирларни Исломга даъват қилиб, уларга элчилар юборишга ҳам шошилдилар. Бу эса Худайбия сулҳи жиходга ва даъватни ёйишга тааллуқли бир манфаат учун бўлганига далолат қилади. Чунки Пайғамбаримиз ﷺ Қурайш билан келишишга муваффақ бўлгач Хайбарга қарши уруш қилишга ва подшоҳлар билан амирларни даъват қилишга қўллари бўшади. Шунинг учун бундай манфаат мавжуд бўлмаган пайтда сулҳ жоиз бўлмайди. Чунки сулҳ фарз қилинган жангни тарк қилишдир. Бу тарк қилиш эса фақат жангга бир восита бўладиган ҳолатдагина жоиз бўлади. Чунки сулҳ бу пайтда маънан жанг бўлади. Аллоҳ Таоло деди:

فَلَا تَهِنُوا وَتَدْعُوا إِلَى السَّلْمِ وَأَنْتُمُ الْأَعْلَوْنَ وَاللَّهُ مَعَكُمْ وَلَنْ يَبْرِكَمُ أَعْمَالَكُمْ

**«Бас (эй мўминлар), сизлар (кофирларга қарши жанг қилаётганингизда ҳаргиз) сусткашлик қилмангиз ва ўзларингиз устун бўлган ҳолларингизда (уларни) ярашга ҳам чақирмангиз! Аллоҳ сизлар билан биргадир ва У ҳаргиз қилган амалларингизнинг (савоб-мукофотини) камайтирмас»** [Муҳаммад: 35]

Сулҳ битими туфайли манфаат рўёбга чиқадиган бўлса, бу сулҳнинг маълум муайян муддати белгилаб қўйилиши лозим. Муддатини белгиламай сулҳ тузиш жоиз бўлмайди. Чунки сулҳ вақтинчалик битим бўлиб, унинг муддатини айтмаслик уни фасод қилади. Чунки бу ҳол сулҳнинг абадий бўлиб қолишини тақозо қилади. Бу эса сулҳ тузишда ман қилингандир. Жиход боқий қолиши учун абадий сулҳ тузиш ман қилинади. Чунки абадий сулҳ тузиш жиходга монёлик қилади. Жиход эса фарздир. Шунинг учун сулҳда муайян муддатни белгилаб қўйиш унинг тўғри бўлиши шартларидан биридир. Шунинг учун агар сулҳда муайян муддат белгилаб

қўйилмаса, уни тузиш фасод битим бўлади. Шу боис сулҳ муайян муддатга тузилади. Чунки Худайбийя сулҳида муайян муддат белгилаб қўйилган эди.

Агар сулҳ тўғри тузилса то унинг муддати тугагунига қадар ёки кофирлар уни бузишгунига қадар улардан тийилишимиз (яъни кофирларга жанг қилишдан ўзимизни тийишимиз) ва сулҳ битимига риоя қилишимиз лозим бўлади. Уни бузиш улар томонидан берилган бирон баёнот сабабли ёки бизга қарши уруш қилишлари ёки диёримиздаги бирон мусулмон ёки зиммийнинг ўлдирилиши ёки сулҳ шартларига хилоф бўлган бирон нарсани қилишиб, қолганлари буни на сўз ва на иш билан инкор қилишмагани сабабли бўлади. Агар шу нарсалар юз берса уларнинг ҳаммаси борасидаги сулҳ бузилади. Шунингдек агар давлат кофирларнинг сулҳни бузадиган бирон нарса билан хиёнат қилишларидан хавфсираса, бу тўғрида бирон белги-аломат кўзга ташланса бу ҳам сулҳни бузади. Бундай бирон нарса юз берадиган бўлса кофирларга кечасими ёки кундузими, ҳар қайси вақтда ҳужум қилиш жоиз бўлади. Чунки уларнинг сулҳни бузишлари мусулмонларнинг уларга қарши жанг қилишларини ва улар билан тузилган сулҳни бузишларини ҳалол қилиб қўяди. Чунки Росулulloҳ ﷺ Қурайш билан сулҳ тузиб, Қурайш сулҳ аҳдини бузгач Пайғамбаримиз ﷺ учун илгари уларга нисбатан қилиши ҳаром бўлган нарса ҳалол бўлиб қолди. Шунинг учун Пайғамбаримиз ﷺ уларга қарши жанг қилиб Маккани фатҳ қилдилар. Чунки сулҳ вақтинчалик битим бўлиб, муддати тугаши билан ёки бузилиши билан тугайди. Аллоҳ Таоло деди:

فَمَا اسْتَقَامُوا لَكُمْ فَاسْتَقِيمُوا لَهُمْ

**«Улар модомики аҳдларида барқарор турар эканлар, сизлар ҳам аҳдларингизда турингиз!»** [Тавба: 7]

وَأِمَّا تَخَافَنَّ مِنْ قَوْمٍ خِيَانَةً فَانْبِذْ إِلَيْهِمْ عَلَى سَوَاءٍ

**«Агар (ўрталарингизда аҳд-паймон бўлган) бирон қавм тарафидан хиёнатни сезсангиз, уларга (қилган аҳд-паймонларини) баб-баробар қилиб ташланг (яъни, ўрталарингиздаги аҳд-паймон тугаганини ҳар икки тараф ҳам билсин)»** [Анфол: 58]

وَأَنْ تَكُونُوا أَيْمَانَهُمْ مِنْ بَعْدِ عَهْدِهِمْ وَطَعْنُوا فِي دِينِكُمْ فَقَاتِلُوا أَيْمَةَ الْكُفْرِ إِنَّهُمْ لَا أَيْمَانَ لَهُمْ لَعَلَّهُمْ يَنْتَهُونَ

**«Агар аҳдлашганларидан кейин қасамларини бузсалар ва динингизга тош отсалар, у ҳолда (бу кирдикорларидан)**

***тўхташлари учун қуфр етакчиларига қарши жанг қилингиз!  
Зеро, улар учун ҳеч қандай қасам йўқдир»*** [Тавба: 12]

Агар душманлар сулҳ шартларини бузишса ва биз билан бўлган муносабатлари, хатти-ҳаракатларида сулҳ келишувига риоя қилишмаса, демак улар бизни аҳдимиздан озод қилишган бўлади. Бу билан бизга уларнинг қонлари ва моллари ҳалол бўлиб қолади ва уларга қарши уруш қилиш вожиб бўлади. Демак улар бизга қарши жанг қилишганидан бошлаб уларга қарши жанг қилишимиз ва улар сулҳни бузишганидан бошлаб биз ҳам улар билан тузилган сулҳ битимини бузишимиз вожиб бўлади.

## Харбий иттифоқлар

Иттифоқ деб луғатда аҳд ва дўстликка айтилади. Лекин иттифоқ сўзи hozirda кўпроқ харбий шартномаларга нисбатан хос қўлланадиган терминга айланиб қолди. Харбий иттифоқлар икки ёки кўп давлат ўртасида тузиладиган келишувлар бўлиб, улар бўйича ўша икки давлат армиялари муштарак душманга қарши биргаликда жанг қиладиган бўлади ёки харбий маълумотлар ва харбий қурооллар ўзаро алмашинадиган бўлади ёки икки давлатдан бири урушга кирадиган бўлса иккинчиси ҳам у билан бирга урушга киришини ўзаро маслаҳат қилишади. Иккинчи давлатнинг урушга кириши ёки кирмаслиги шу икки давлат қайсинисини манфаат деб билса шунга қараб бўлади. Бу иттифоқлар икки давлат ўртасида тузиладиган икки ёқлама шартномалар бўлиши мумкин ёки уч ёки кўп давлатлар ўртасида тузилиши ҳам мумкин. Лекин бу шартномаларда шу шартномадаги давлатлардан бирига қилинган тажовуз уларнинг ҳаммасига қилинган тажовуз деб ҳисобланмайди. Балки агар улардан бирига тажовуз юз берса тажовуз қилинган шу давлат ўзи харбий иттифоқ тузган ўша давлатлар билан ўзаро маслаҳат қиладива шу давлатлар манфаатларига қараб тажовуз қилган давлатга қарши уруш эълон қилинади ёки эълон қилинмайди. Бу иттифоқлар жамой (коллектив) шартномалар бўлиши ҳам мумкин. Бунда шу шартномага кирган давлатлардан бирига тажовуз қилинса уларнинг ҳаммасига қилинган тажовуз деб ҳисобланади. Шунинг учун бу давлатлардан бири бирон давлатга қарши урушга кирса шартномадаги барча давлатлар ўша давлатга қарши уруш ҳолатида бўлиб қолади. Бу иттифоқларнинг барчаси – икки ёқлама шартномалар бўладими ёки жамой шартномаларми, ҳеч фарқсиз – армиянинг ўз иттифоқчисини ва унинг вужудини мудофаа қилиш учун шу иттифоқчи билан биргаликда урушга киришини муқаррар қилиб қўяди. Бунда бу армияларнинг бир неча қўмондонлиги бўладими ёки битта қўмондонлик остида бўладими, бунинг фарқи йўқ.

Бу иттифоқлар асосидан бошлаб ботилдир. Уларни тузиш шаръан ботил бўлиб, Уммат уларга амал қилмайди. Ҳатто уларни мусулмонлар халифаси тузган бўлса ҳам. Чунки бу иттифоқлар шариатга хилофдир. Зеро улар мусулмонни кофирнинг амр-фармони ва куфр байроғи остида жанг

қиладиган қилиб қўяди, мусулмонни куфр вужудини сақлаб қолиш учун жанг қилишга мажбурлайди. Буларнинг барчаси ҳаромдир. Мусулмоннинг фақат мусулмон амр-фармони остида ва Ислом байроғи остида жанг қилишигина ҳалолдир. Акс ҳолда ҳаром бўлади. Саҳиҳ ҳадисда кофирлар байроғи ва амр-фармони остида жанг қилишдан қайтарилган. Аҳмад ва Насоий Анасдан ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«لَا تَسْتَضِيئُوا بِنَارِ الْمُشْرِكِينَ»

**«Мушриклар олови ёруғидан фойдаланманглар».** Яъни мушриклар оловини ўзингизга ёруғлик қилиб олманглар. Бундаги олов урушдан киноядир. «Уруш оловини ёқди» деган гап бор. «Қўрқувга солиш олови», деб араблар жоҳилиятда ўзаро иттифок тузишган пайтда ёқадиган оловга айтилар эди. Ҳадисда мушриклар билан елкама-елка туриб урушга киришдан ва уларнинг раъйини олишдан киноя қилинапти. Демак бу ҳадисдан мушриклар билан елкама-елка туриб урушга киришдан қайтариш тушунилади.

Қолаверса бу иттифоклар кофирларнинг ўз давлатларини сақлаб қолиб, мусулмонлар билан елкама-елка туриб жанг қилишларини ҳам, яъни шахслар сифатида эмас балки бир давлат сифатида жанг қилишларини таъминлайди. Росулulloҳ ﷺ эса кофирлардан бир давлат сифатида ёрдам сўрашдан қайтардилар. Заҳҳок ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ خَرَجَ يَوْمَ أُحُدٍ فَإِذَا كَثِيرَةٌ حَسَنَاءُ أَوْ قَالَ خَشَنَاءُ فَقَالَ: مَنْ هَؤُلَاءِ؟ قَالُوا: يَهُودٌ كَذَا وَكَذَا. فَقَالَ: لَا تَسْتَعِينُ بِالْكَفَّارِ»

**«Росулulloҳ ﷺ Ухуд кунда чиқиб ҳасно ёки хашно деган ҳарбий гуруҳга йўлиқдилар. Пайғамбаримиз: булар кимлар? - деб сўраганларида, фалон-фалон яҳудлар, деб жавоб беришди. Шунда Пайғамбаримиз: биз кофирлардан ёрдам сўрамаймиз, дедилар».** Бу ҳадисни Табароний «Кабир» ва «Авсат»да ривоят қилди. Ҳофиз Абу Абдуллоҳ хабар қилиб Абу Ҳамид Соидийга нисбат берилган санади билан ушбу ҳадисни келтириб бундай деди:



«خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ حَتَّى إِذَا خَلَفَ نَبِيَةَ الْوَدَاعِ إِذَا كَتَبَتْهُ قَالَ: مَنْ هُوَ لَاءَ؟ قَالُوا: بَنِي قَيْنْتَعٍ وَهُوَ رَهْطُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَلَامٍ قَالَ: وَأَسْلَمُوا؟ قَالُوا: لَا، بَلْ هُمْ عَلَى دِينِهِمْ، قَالَ: قُولُوا لَهُمْ فَلْيَرْجِعُوا، فَإِنَّا لَا نَسْتَعِينُ بِالْمُشْرِكِينَ»

«Росулulloх ﷺ йўлга чиқиб Санийятул Вадъдан ўтган пайтларида бир ҳарбий гуруҳга йўлиқиб: булар кимлар? - дедилар. Улар Бани Қайнукоъдан, Абдуллох ибн Салом қариндошлари, деб жавоб беришди. Пайғамбаримиз: улар Исломга киришганми? - деб сўрадилар. Йўқ, улар ўз динларида қолишган, деб жавоб беришди. Шунда Пайғамбаримиз: уларга айтишлар, ортларига қайтишсин, чунки биз мушриклардан ёрдам сўрамаймиз, дедилар». Демак Росулulloх ﷺ яҳудлардан ёрдам сўрашни рад қилдилар ва «кофирлардан ёрдам сўрамаймиз», «мушриклардан ёрдам сўрамаймиз», деб умумий сийғада айтдилар. Шу ўринда «Биз душманимизга қарши кофирлардан ёрдам сўраймиз, зеро кофирдан ёрдам сўраш жоиздир, чунки Росулulloх ﷺ Уҳудда Қазмоннинг ўзи билан бирга бир сафда урушга киришига индамадилар. Ваҳоланки у кофир эди. Пайғамбаримиз урушда Хайбар яҳудларидан бўлган бир неча одамдан ёрдам сўрадилар-ку» деб айтилмайди. Чунки кофирлардан ёрдам сўраш қачонки улар якка шахслар бўлиб, мусулмонлар байроғи остида бўлишса, ана шунда жоиз бўлади. Зеро Росулulloх ﷺ ёрдам сўраган кимсалар якка шахслар эди. Шунинг учун ўз қабиласи ва битта бошлиғи бўлган Бани Қайнукоъ яҳудлари Росулulloх ﷺ билан бирга бир сафда туриб уруш қилиш учун келишган пайтда – улар бундан олдин бир давлат сифатида Росулulloх ﷺ билан шартнома тузишган эди – ва улар Абдуллох ибн Саломнинг қариндошларидир деб айтилган пайтда Пайғамбаримиз улардан мана шу тарзда ёрдам олишдан бош тортдилар. Шунга кўра кофир давлат байроғи остидаги кофир армиядан ёрдам сўраш жоиз бўлмайди.

Имом Сарахсий «Мабсут»да «китобуссияр»да бундай деди: «Заҳҳок ﷺ ҳадисидан (ворид бўлганки), «أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ خَرَجَ يَوْمَ أُحُدٍ فَإِذَا كَتَبَتْهُ حَسَنَاءُ أَوْ قَالَ خَشَنَاءُ فَقَالَ: مَنْ هُوَ لَاءَ؟ قَالُوا: يَهُودٌ كَذَا وَكَذَا فَقَالَ: لَا نَسْتَعِينُ بِالْكَفَّارِ»

Росуллоҳ ﷺ Ухуд кунда чиқиб, ҳасно ёки хашно деган ҳарбий гуруҳга йўлиқдилар. Пайғамбаримиз: булар кимлар? - деб сўраганларида, фалон-фалон яҳудлар, деб жавоб беришди. Шунда Пайғамбаримиз: биз кофирлардан ёрдам сўрамаймиз, дедилар». Бу ҳадис шундай таъвил қилинади: Улар мусулмонлар байроғи остида жанг қилмасликка қаттиқ аҳд қилишган эди. Шунинг учун бизнинг раъйимиз шуки, биз улардан фақат агар мусулмонлар байроғи остида жанг қилишсагина ёрдам оламиз. Аммо агар фақат ўзларининг байроғи остида жанг қилмоқчи бўлишса улардан ёрдам олмаймиз. Анас Набий ﷺ дан ривоят қилган:

«لَا تَسْتَضِيئُوا بِنَارِ الْمُشْرِكِينَ»

«Мушриклар олови ёруғидан фойдаланманглар», деган ҳадиснинг таъвили шудир. Аҳмад ва Насойи ривояти. Набий ﷺ яна шундай дедилар:

«أَنَا بَرِيءٌ مِنْ كُلِّ مُسْلِمٍ قَاتَلَ مَعَ مُشْرِكٍ»

«Мен мушрик билан бирга (бир сафда туриб) жанг қилган ҳар бир мусулмондан безорман (юз ўгираман)». Яъни агар мусулмон мушриклар байроғи остида бўлса.

Шундан аён бўладики, кофир давлатлар билан ҳарбий иттифоқлар тузиш шаръан ҳаром. Мусулмон одамнинг ҳарбий (уруш ҳолатидаги) кофирни мудофаа қилиш учун ўз қонини тўкиши ҳалол эмаслигига асос шуки, мусулмон киши одамлар куфрдан чиқиб Исломига киришлари учунгина улар билан жанг қилади. Аммо кофирларнинг куфрдан яна куфрга киришлари учун мусулмон кишининг улар билан жанг қилиши ва бунда ўз қонини тўкиши ҳаромдир.

## Жоиз шартномалар

Исломий давлат сулҳ ва ярашув шартномаларини, яхши қўшничилик шартномаларини, сақофий шартномалар, тижорий ва молиявий шартномалар ва шунга ўхшаш исломий даъват манфаати тақозо қиладиган шартномаларни тузиши мумкин. Бу шартномалар Ислом маъқуллайдиган шартлар билан тузилади. Шунинг учун бу шартномалар Ислом маъқулламайдиган шартларни ўз ичига оладиган бўлса, Исломда дуруст бўлмайдиган бу шартлар бекор қилинади ва шартнома қолган шартлар бўйича ижро кучида қолаверади. Чунки шариатга хилоф келадиган шартларнинг барчаси ботилдир. Гарчи уларга мусулмонлар халифаси розилик берса ҳам. Агар Исломий давлат билан душман ўртасида уруш ҳолати бўлса Исломий давлат бу душман билан ярашув шартномаси ва сулҳ шартномаси тузиши жоиз бўлади. Бу шартномани шу вақтдаги аҳвол тақозоси бўйича ва даъват манфаати талаб қиладиган нарсага мувофиқ тузади. Исломий давлат агар даъват манфаати тақозо қиладиган бир иш сабабли бирон қўшни давлат билан ёки узоқдаги давлат билан тинч ва дўстона муносабатлар ўрнатиш фикрига келса шундай қилиши жоиз бўлади. Чунки давлат кофирлар билан бўладиган ярашувларда уларга даъватни етказишнинг ва уларда Ислом ҳақида жамоатчилик фикрини пайдо қилишнинг бир қуролини топиши мумкин. Шунингдек бу муносабатлар ёрдамида бир катта ёмонликни даф қилиш ёки бошқа бир душманга зарба етказиш чорасини топиши ҳам мумкин. Шунинг учун Исломий давлат қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик шартномасини тузиши жоиз бўлади. Шунингдек қўшни бўлмаган давлатлар билан муайян муддатга ҳужум қилмаслик ҳақидаги шартномаларни тузиши ҳам жоиз бўлади. Агар давлат бунда исломий даъватни етказишнинг ёки мусулмонларни ҳимоя қилишнинг бир йўлини кўрса ёки Ислом ва мусулмонлар учун ёки исломий даъватнинг бориши учун қандайдир манфаат бор деб билса шундай шартномаларни тузиши жоиздир. Чунки Росулulloҳ ﷺ душманга қарши уруш қилиш учун мусулмонлар қўшини ўтиб борадиган йўллар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Бани Мудлаж ва Бани Зомра билан шартнома туздилар. Пайғамбаримиз давлатнинг Шом юртлари ҳудудидаги Рум тарафидан бўлган чегаралари хавфсизлигини таъминлаш учун Табукда Юҳанно ибн Руъба

билан ҳам шартнома туздилар. Шунинг учун агар уруш қилинадиган бирон қавм маълум йилларгача ҳеч нарчасиз ярашув талаби билан чиқса халифа буни кўриб чиқади. Агар буни мусулмонлар учун – уларнинг шавкат-қудратини кучайтириш ёки бошқа нарса учун – яхшилик деб билса талабни қабул қилади. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

وَإِنْ جَاحُوا لِسَلَامٍ فَلْأَجْحِ لَهُا

**«Агар улар сулҳга майл қилсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг»**

[Анфол: 61]

Яна бир далил шуки, Росулulloҳ ﷺ Худайбийя йилида Макка аҳли билан ўзи ўртасидаги урушни маълум муддатга тўхтатиш тўғрисида улар билан сулҳ туздилар. Росулulloҳ ﷺга Хайбар аҳли билан Макка аҳли мусулмонларга ҳужум қилиш тўғрисида тил бириктиришгани ҳақидаги хабар етиб келиши шу сулҳ тузилишига сабаб бўлди. Шундан сўнг Пайғамбаримиз ﷺ Қурайш билан ярашув битими тузиб Хайбарга қарши уруш қилиш учун кетдилар.

Жоиз бўлган барча ярашув битимларини тузиш ёки тузмаслик масаласи халифанинг раъйи ва ижтиҳодига ҳавола қилинади. Чунки халифа мулоҳаза юритувчи қилиб тикланади. Энг аввало мусулмонлар куч-қудратини сақлаб қолиш ҳам мулоҳаза сирасига киради. Масалан халифа – агар кофирлар куч-қудратга эга бўлса ёки кучли бир қавмга зарба етказиш учун дорул ҳарб ичкарасига кириб бориш керак бўлса – ярашув битимида мусулмонлар учун манфаат бор деган фикрга келиши, шунинг учун ўзининг йўлида тўғанок бўлиб турган кимсалар билан ярашув битими тузишдан бошқа илож йўқ деб билиши мумкин. Демак бу масала халифа раъйига ҳавола қилинади. Халифа нима қилиш кераклигини мусулмонлар учун нимани яхшилик деб билса шунга қараб белгилайди. Шунинг учун агар ярашув битими мусулмонлар учун яхши бўлмайдиган бўлса кофирлар билан ярашиш тўғри бўлмайди. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

قُلْا تَهِنُوا وَتَدْعُوا إِلَى السَّلَامِ وَأَنْتُمْ الْأَعْلَوْنَ

**«Бас (эй мўминлар), сизлар суёткашлик қилмангиз ва ўзларингиз устун бўлган ҳолларингизда (кофирларни) ярашга ҳам қақирмангиз!»**

[Муҳаммад: 35]

Яна бир далил шуки, кофирларга қарши жанг қилиш фарздир. Фарз бўлган нарсани узрсиз тарк қилиш жоиз бўлмайди. Шунинг учун агар уруш қилинадиган бирон подшоҳ ёки шаҳзода ёки давлат мусулмонлардан зиммийлик битими тузилишини талаб қилса, бунинг учун ўзининг мамлакати аҳлида нимани хоҳласа шу билан ҳукм юритиш ихтиёрини, дорул Исломда дуруст бўлмайдиган ўлдириш ёки осий ёки бошқа нарсалар билан ҳукм юритиш ихтиёрини ўзига қолдиришни шарт қилиб қўйса, бундай талаб қабул қилинмайди. Чунки зулмни ман қилиш имкони бўла туриб унга индамай туриш ҳаромдир. Қолаверса зиммий деб муомалаларга оид нарсаларда Ислом ҳукмларига амал қиладиган кишига айтилади. Демак подшоҳ ёки шаҳзода ёки давлат талаб қилган ана шу шарт зиммийлик битими тақозосига хилофдир. Шунинг учун у ботил шартдир. Шунга кўра сулҳ ва зиммийлик битимида Исломда дуруст бўлмайдиган шарт мавжуд бўлса бундай шарт бекор қилинади. Чунки Пайғамбаримиз ﷺ бундай дедилар:

«أَيُّمَا شَرْطٍ لَيْسَ فِي كِتَابِ اللَّهِ فَهُوَ بَاطِلٌ»

**«Қайсики шарт Аллоҳ Китобида бўлмас экан у ботилдир».** Бухорий ривояти. Энди агар подшоҳ ёки шаҳзода ёки давлат сулҳни ва зиммийликни талаб қилса ва Ислом ҳукмига рози бўлса уни ҳимоя қилиш мусулмонлар зиммасидаги бурчга айланади ва унга Ислом билан ҳукм юритилади, у ҳукм юритиб келган мамлакат исломий юртлар жумласига киради. Бу юртларни мудофаа қилиш исломий юртларни мудофаа қилиш бўлиб қолади, бу юртлар аҳлига ёрдам бериш мусулмонларга ёрдам бериш каби бир вожибга айланади.

## Мажбурий шартномалар

Гоҳо мусулмонлар оғир аҳволга тушиб қолишлари мумкин. Бу ҳолат уларни аслида жоиз бўлмайдиган, лекин зарурат талаб қиладиган ишларга таслим бўлишга мажбур қилади. Исломий давлат ички ёки ташқи кризисга учраши уни баъзи шартномаларни тузишга мажбур қилади. Бу шартномалар даъватни етказишга ёки Аллоҳ йўлида жанг қилишга тўғридан-тўғри олиб келмайди, лекин келгусида даъватни етказиш имконини бериши ёки даъватнинг тўхтаб қолишини даф қилиши ёки мусулмонлар вужудини саклаб қоладиган шарт-шароитларни вужудга келтиришни осонлаштириши мумкин. Бундай шартномаларни тузишга зарурат мажбурлайди. Шунинг учун халифанинг бу шартномаларни тузиши жоиздир ва улар мусулмонларга нисбатан ижро кучида бўлади. Бу шартномаларни тузиш фуқаҳолар кўрсатиб ўтган қуйидаги икки ҳолатда рўй беради:

Биринчи ҳолат: Агар уруш қилинадиган бирон қавм мусулмонлардан маълум йилгача ярашув битими тузишни талаб қилиб, бунинг учун юртларида ўзларига Ислом ҳукмлари ижро этилмаслигини, фақат мусулмонларга ҳар йили маълум бир нарсани хирож сифатида тўлаб туришларини шарт қилиб қўйишса бу талаб қабул қилинмайди. Чунки бу куфрга сукут қилишдир. Лекин агар Ислом давлати зулми ман қилишга қодир бўлмаса ва бу ярашув битимида мусулмонлар учун яхшилик бор деб билса, у ҳолда бу шартномани мажбуран тузиш жоиз бўлади. Бу ҳолатда Исломий давлат уларга ёрдам бериш вазифасини зиммасига олмайди. Чунки улар бу ярашув битими сабабли Ислом ҳукмларига амал қилишмайди. Улар Ислом ҳукмига бўйсунушмас экан, демак уруш ҳолатидаги кимсалар доирасидан чиқишмайди. Демак уларга ёрдам бериш мусулмонларга вожиб бўлмайди. Росулulloҳ ﷺ Шом юртларига чегарадош Табукдаги Юҳанно ибн Руъба билан шартнома тузиб, уни ўз минтақасида ўз динида қолдирдилар. Ваҳоланки у мусулмонлар байроғи ва ҳукми остига кирмаган эди. Муддати чекланган бундай шартнома бу давлатнинг тинчлигини Исломий давлат томонидан кафолатланишини таъминлайди. Мусулмонлардан ким бу давлатга кирса алоҳида омонлик олиб ўтирмай шу шартнома бўйича тинч-омон кириб чиқаверади ва унинг бу давлат аҳолисига хавф туғдириши жоиз бўлмайди. Бу давлат фуқароларидан кимки мусулмонлар

юртларига кирса у ҳам шу шартнома бўйича тинч-омон кириб чиқаверади, алоҳида янги омонлик олиб ўтирмайди, унинг ҳам мусулмонлардан биронтасига хавф туғдириши жоиз бўлмайди. Савдогарларнинг бу давлатга савдо юкларини олиб боришларига ҳам монелик қилинмайди. Фақат урушда ишлатиладиган қурол-аслаҳалар, ҳарбий хом-ашёлар каби қуролларни ва шунга ўхшаш нарсаларни олиб боришлари ман қилинади. Чунки бу давлат аҳолиси – гарчи улар билан ярашув битими тузилган бўлса ҳам – уруш қилинадиган кимсалардир.

Иккинчи ҳолат: У биринчи ҳолатнинг аксидир. Бунда мусулмонлар ўзларининг душманларига ўзларига хужум қилмай тек туришлари эвазига маълум миқдорда маблағ тўлайдилар. Фуқаҳоларнинг айтишича, агар душман мусулмонларни қамал қилса ва мусулмонларнинг кофирларга ҳар йили маълум нарсани тўлаб туришлари шарти билан маълум йилгача ярашув битими тузишни талаб қилишса халифа уларнинг бу талабини қабул қилмаслиги керак. Чунки бунда мусулмонларни паст санаш ва хорлаш бор. Фақат заруратдагина бу талабни қабул қилиши мумкин. Зарурат шуки, мусулмонлар ҳалок бўлиб кетишларидан хавф қилиб қоладилар ва халифа бу сулҳни мусулмонлар учун яхшилик деб билади. Мана шу пайтда халифанинг шу сулҳ битими тузишининг зарари йўқ. Табароний шундай ривоят қилди:

«أَنَّ الْمُشْرِكِينَ أَحَاطُوا بِالْخَنْدَقِ وَصَارَ الْمُسْلِمُونَ فِي بَلَاءٍ كَمَا قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ﴿هَذَا الَّذِي كَفَرْتُمْ بِهِ قَدْ اتَّخَذَ اللَّهُ لَكُمْ خِزْيَانًا عَظِيمًا﴾ وَزَلْزَلُوا زَلْزَالًا شَدِيدًا» بَعَثَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِلَى عِيْنَةَ بْنِ حِصْنٍ وَطَلَبَ مِنْهُ أَنْ يَرْجِعَ بِمَنْ مَعَهُ عَلَى أَنْ يُعْطِيَهُ كُلَّ سَنَةٍ ثُلُثَ ثَمَارِ الْمَدِينَةِ، فَأَبَى إِلَّا النِّصْفَ، فَلَمَّا حَضَرَ رَسُولُهُ لِيَكْتُبُوا الصُّلْحَ بَيْنَ يَدَيِ رَسُولِ اللَّهِ، قَامَ سَيِّدُ الْأَنْصَارِ سَعْدُ بْنُ مَعَاذٍ وَسَعْدُ بْنُ عَبَّادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا وَقَالَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنْ كَانَ هَذَا عَنْ وَحْيٍ فَاْمضْ لِمَا أَمَرْتَ بِهِ، وَإِنْ كَانَ رَأْيَا رَأَيْتَ فَقَدْ كُنَّا نَحْنُ وَهُمْ فِي الْجَاهِلِيَّةِ لَمْ يَكُنْ لَنَا وَلَا لَهُمْ دِينٌ فَكَانُوا لَا يَطْمَعُونَ فِي ثَمَارِ الْمَدِينَةِ إِلَّا بِشِرَاءٍ أَوْ قَرْى، فَإِذَا أَعَزَّنَا اللَّهُ بِالْدِّينِ وَبَعَثَ فِيْنَا رَسُولَهُ نُعْطِيَهُمُ الدِّيْنَةَ؟ لَا نُعْطِيَهُمْ إِلَّا السَّيْفَ. فَقَالَ ﷺ: إِي رَأَيْتُ الْعَرَبَ رَمْتَكُمْ عَنْ قَوْسٍ وَاحِدَةٍ فَأَحْبَبْتُ أَنْ أُصْرَفَهُمْ عَنْكُمْ فَإِذَا أَبِيْتُمْ ذَلِكَ فَأَنْتُمْ وَأَوْلِيكُمْ. اذْهَبُوا فَلَا نُعْطِيَكُمْ إِلَّا السَّيْفَ»

«Мушриклар Хандакда қуршовга олишди ва мусулмонлар Аллоҳ Таоло: «Ана ўша жойда мўминлар (яна бир бор) имтиҳон қилидилар ва (бу даҳшатдан) қаттиқ ларзага тушдилар» [Аҳзоб: 11] деб айтганидек балогоа тушиб қолдилар. Росулulloҳ ﷺ Уяйна ибн Хиснга элчи юбориб ундан ўзининг одамлари билан қайтиб кетишни талаб қилиб, бунинг эвазига унга ҳар йили Мадина меваларидан учдан бирини беришини маълум қилдилар, Уяйна бунга рози бўлмай меваларнинг ярми берилишини талаб қилди. Унинг элчилари Росулulloҳ ﷺ ҳузурида сулҳни ёзиш учун келишгач ансорлар сайидлари Саъд ибн Муоз ва Саъд ибн Убода ؓ туриб: «ё Росулulloҳ, агар бу ваҳийдан бўлса сизга буюрилган нарсани қилишда давом этинг, агар бу ўз раъйингиз бўлса, шуни айтмоқчимизки, биз ҳам, улар ҳам жоҳилиятда эдик, бизнинг ҳам, уларнинг ҳам дини йўқ эди. Улар Мадина меваларига таъма қилишолмасди. Уларни фақат сотиб ёки меҳмондорчилик юзасидан олишарди. Аллоҳ бизни дин билан азиз қилиб, бизга ўз Росулини юборган пайтда нист кетиб уларга берамизми? Уларга қилич (зарбаси)нигина берамиз», дейишди. Росулulloҳ ﷺ: мен арабларнинг ҳаммаси бир бўлиб сизларга қарши урушаётганини кўриб уларни сизлардан бурмоқчи бўлдим. Энди агар бундан бош тортсангиз улар билан қандай муомала қилиш сизларнинг ихтиёрингизда, дедилар. Элчиларга: кетаверинглар, сизларга қилич (зарбаси)дан бошқа ҳеч нарса бермаймиз, дедилар». Демак бу ҳадис Росулulloҳ ﷺнинг дастлаб мусулмонлар заифлигини сезган пайтда сулҳга мойил бўлганларига далолат қиляпти. Пайғамбаримиз Саъд ибн Муоз ва Саъд ибн Убода ؓ айтган сўзлар сабабли мусулмонларда қувватни кўрган пайтда бундан бош тортдилар. Демак бу ҳадис зарар хавфи туғилган пайтда кофирлар билан шартнома тузиб уларга маълум миқдордаги молни тўлашнинг зарари йўқлигига далолат қилади. Бунга сабаб шуки, чунки агар кофирлар мусулмонлар устидан ғолиб бўлишадиган бўлса, ҳамма молларини тортиб олишади ва мусулмонларнинг зурриётларини банди қилиб олишади. Шу боис мусулмонларнинг зурриётлари ва мол-мулклари саломат қолиши учун баъзи бир молни тўлаш енгилроқ ва фойдалироқдир.



## Шартномаларни бузиш

Исломий давлат тузадиган барча шартномалар муайян муддатгагина тузилиши лозим. Лекин шартнома тузиш мусулмонларни ҳамма ҳолатларда унга амал қилишга мажбурлаш, деган маънони англатмаганидек шартномага хиёнат қилиш ва уни бузиш маъносини ҳам англатмайди. Балки шартномани шариат кўрсатган муайян ҳолатлардагина бузиш жоиздир, бундан бошқа ҳолатларда жоиз бўлмайди. Душман билан тузилган шартномани бузиш жоиз бўладиган, шариат кўрсатиб берган ҳолатлар куйидагилардир:

Биринчи: Агар шартнома тузган томон мусулмонлар душманларидан бирини қўллаб-қувватласа ва мусулмонларга қарши унга ёрдам берса. Масалан Исломий давлат билан бошқа бир давлат ўртасида амалий уруш ҳолати бўла туриб биз билан шартнома тузган давлат бу душманни қурол-аслаҳа ёки пул ёки одамлар билан қўллаб-қувватлаши ва бизга қарши унга ёрдам бериши каби. Бу ҳолатда Исломий давлатнинг шартномани бузиши жоиз бўлади. Чунки Аллоҳ шундай дейди:

إِلَّا الَّذِينَ عَاهَدْتُمْ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ثُمَّ لَمْ يَنْفُسُوْكُمْ شَيْئًا وَلَمْ يُظَاهِرُوا عَلَيْكُمْ أَحَدًا

**«Магар сизлар аҳд-паймон қилган мушрик кимсалар кейин (аҳдларидан) бирон нарсани бузмасалар ва сизларнинг зиёнингизга биров билан ҳамкорлик қилмасалар...»** [Тавба: 4]

Бу оятдан агар улар мусулмонларнинг зиёнига биров билан ҳамкорлик қилишса мусулмонларнинг улар билан тузилган шартномани бузиши жоиз бўлади, деган маъно тушунилади.

Иккинчи: Шартнома тузган томон шартнома шартларидан бирини бузиши. Бундай ҳол Худайбия сулҳида Росулulloҳ ﷺ билан рўй берган эди. Чунки Хузоа қабиласи Росулulloҳ ﷺ ҳимоясига кириб у киши билан иттифоқ тузган эди. Қурайш бу шартни бузди ва Бани Бакрни Хузоага қарши гиж-гижлади. Сўнгра Қурайш бу ишидан пушаймон бўлиб шартномани сақлаб қолишга уринди. Лекин Росулulloҳ ﷺ бу бузишни шартномани бузишга йўл очди деб ҳисобладилар. Шунинг учун шартномани буздилар ва уларга қарши уруш қилиб, Маккани фатҳ этдилар.

Учинчи: Агар шартнома тузган томоннинг хиёнат ва ғаддорлик қилишидан хавфсиралса шартномани бузиш жоиз бўлади. Аллоҳ Таоло деди:

وَأِمَّا تَخَافَنَّ مِنْ قَوْمٍ خِيَانَةً فَانْبِذْ إِلَيْهِمْ عَلَى سَوَاءٍ

**«Агар (ўрталарингизда аҳд-паймон бўлган) бирон қавм тарафидан хиёнатни сезсангиз, уларга (қилган аҳд-паймонларини) баб-баробар қилиб ташланг (яъни, ўрталарингиздаги аҳд-паймон тугаганини ҳар икки тараф ҳам билсин)»** [Анфол: 58]

Бу ҳолатда душманга у билан тузилган шартнома бузилганини маълум қилиб қўйиш лозим бўлади. Шартномани бузиш учун хиёнатнинг амалда рўй бериши шарт эмас, балки душман томонидан хиёнат бўлишдан хавфсирашнинг ўзи шартномани бузишни оқлаш учун етарлидир. Иккала тараф шартнома бузилганидан баб-баробар хабардор бўлиши учун маълум қилиб қўйиш билан кифояланилади.

Тўртинчи: Ислохий давлат билан шартнома тузган томоннинг шартномани бутунлай бузиши. Бу ҳолатда улар билан тузилган шартномани бузиш ва уларга қақшатқич зарба бериш вожиб бўлади. Бундай зарбалар бошқалар учун сабоқ ва ибрат бўлади. Шунинг учун мусулмонлар билан бундай муомала қилишга қайтиб қадам қўйишмайдиган бўлади. Аллоҳ Таоло деди:

إِنَّ شَرَّ الدَّوَابِّ عِنْدَ اللَّهِ الَّذِينَ كَفَرُوا فَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ \* الَّذِينَ عَاهَدتْ مِنْهُمْ ثُمَّ يَنْفُضُونَ  
عَهْدَهُمْ فِي كُلِّ مَرَّةٍ وَهُمْ لَا يَتَّقُونَ \* فَإِمَّا تَثَقَفْتَهُمْ فِي الحَرْبِ فَانْحَرْبِهِمْ مِمَّنْ حَلَفْتُمْ لَعَلَّهُمْ  
يَتَذَكَّرُونَ

**«Аллоҳнинг наздида энг ёмон жонзотлар кофир бўлган кимсалардир. Чунки, улар иймонсиздирлар. Уларнинг орасида сиз билан аҳдлашиб, сўнгра (Аллоҳдан) кўрқмасдан ҳар сафар ўз аҳд-паймонларини бузаверадиган кимсалар бордир. Бас, агар уларни жангда топсангиз, уларни ҳалок қилиш билан ортларидаги кимсаларни кўрқитиб қўйинг! Шояд эслатма олсалар»** [Анфол 55-57]

Мусулмонларнинг ўз душманлари билан тузилган шартномаларни бузишлари ва бу душманга қарши жанг қилишлари жоиз бўладиган тўрт ҳолат мана шулардир. Аллоҳ Таоло деди:

فَإِذَا انسَلَخَ الْأَشْهُرُ الْحُرْمُ فَاقْتُلُوا الْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدْتُمُوهُمْ

**«Бас, қачон уруш ҳаром қилинган ойлар чиқса, муширларни топган жойингизда ўлдириңиз»** [Тавба 5]

У мана шу оятдан олдин зикр қилинган муддатдир:

فَسَبِّحُوا فِي الْأَرْضِ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ

**«(Эй муширлар, уруш ҳаром қилинган) тўрт ой ичида ерда сайру саёҳат қилиб юраверинглар»** [Тавба 2]

Аллоҳ Таоло яна деди:

أَلَا تُقَاتِلُونَ قَوْمًا نَكَثُوا أَيْمَانَهُمْ

«(Эй мўминлар), қасамларини бузган кимсалар билан жанг қилмайсизларми?!» [Тавба: 13]

Лекин шартнома бузилгани ҳақида уларга маълум қилиб қўйиш керак. Иккала тараф ҳам бундан баб-баробар хабардор бўлиши лозим. Аллоҳ Таоло деди:

فَأَنبِذْ إِلَيْهِمْ عَلَى سَوَاءٍ

«... уларга (қилган аҳд-паймонларини) баб-баробар қилиб ташланг (яъни, ўрталарингиздаги аҳд-паймон тугаганини ҳар икки тараф ҳам билсин)» [Анфол 58]

Бу барча шартномалар борасида умумийдир. Яъни оятнинг маъноси сизлар ҳам, улар ҳам бундан баб-баробар хабардор бўлишингиз лозим демакдир. Шунинг учун маълум қилиб қўйиш ва бундан хабардор бўлишларидан олдин душманга қарши жанг қилиш ҳалол бўлмайди. Улар илгариги ҳимояланиш ҳолатларига қайтишлари учун уларга маълум қилиб қўйиш керак. Бу нарса хиёнатдан эҳтиёт бўлиш чораси бўлди. Буларнинг барчаси аҳдларига вафо қилмайдиганлар ҳақидадир. Аммо аҳдларига вафо қиладиган ва Исломий давлат билан тўғри муносабатда бўладиган кишиларга келсак, мусулмонлар ҳам улар билан тузган аҳдномаларига вафо қилишлари ва улар билан тўғри муносабатда бўлишлари лозим. Аллоҳ Таоло деди:

إِلَّا الَّذِينَ عَاهَدْتُمْ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ثُمَّ لَمْ يَنْفُسُوْكُمْ سَيِّئًا وَلَمْ يُظَاهِرُوا عَلَيْكُمْ أَحَدًا فَأَتَيْتُمُو إِلَيْهِمْ  
عَاهِدَهُمْ إِلَىٰ مَدِيْنَتِهِمْ

«Магар сизлар аҳд-паймон қилган мушрик кимсалар кейин (аҳдларидан) бирон нарсани бузмасалар ва сизларнинг зиёнингизга биров билан ҳамкорлик қилмасалар, у ҳолда уларнинг аҳдларини белгиланган муддатгача тўла-тўқис етказинглар!» [Тавба 4]

Бу оятнинг маъноси қуйидагича, мусулмонлар билан тузилган шартномадан бирон нарсани бузган кимсалар (юқорида ўтган иккинчи ҳолат каби) ёки мусулмонларнинг зиёнига биров билан ҳамкорлик қилган кимсаларга нисбатан (юқоридаги биринчи ҳолат каби) улар билан тузилган шартномани белгиланган муддатгача етказманглар. Аммо агар улар бундай қилишмаса улар билан тузилган шартномани белгиланган муддатнинг охиригача етказинглар. Бунда улар билан тузилган

шартномани белгиланган муддатнинг охиригача етказиш мусулмонларга вожиб бўлади. Аллоҳ Таоло деди:

كَيْفَ يَكُونُ لِلْمُشْرِكِينَ عَهْدٌ عِنْدَ اللَّهِ وَعِنْدَ رَسُولِهِ إِلَّا الَّذِينَ عَاهَدْتُمْ عِنْدَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ فَمَا اسْتَقَامُوا لَكُمْ فَاسْتَقِيمُوا لَهُمْ

**«Аллоҳ наздида ва унинг пайгамбари наздида мушриклар учун қандай аҳд-паймон бўлсин?! (Яъни, ҳеч қандай аҳд бўлиши мумкин эмас), магар сизлар Масжид ал-Ҳаром олдида аҳдлашган кимсалар борки, улар модомики аҳдларида барқарор турар эканлар, сизлар ҳам аҳдларингизда турунгиз!»** [Тавба 7]

Бу оятдан улар сизларга берган аҳдларида барқарор туришмаса сизлар ҳам уларга берган аҳдингизда турманглар. Аммо агар барқарор туришса сизлар ҳам барқарор турунглар ва улар билан бўлган аҳдлашувга вафо қилинглар, деган маъно тушунилмоқда.

Бундан аён бўляптики, шартномаларга вафо қилиш вожиб ишдир. Шунинг учун шартнома маълум муддатга тузилган бўлса унга ана шу муддатгача вафо қилиш вожиб бўлади. Унинг муддати тугаса уни янгиламаслик ва тугатиш жоиз. Аллоҳ Таоло деди:

فَأْتُوا إِلَيْهِمْ عَهْدَهُمْ إِلَىٰ مَدِينِهِمْ

**«... у ҳолда уларнинг аҳдларини белгиланган муддатгача тўлат-тўқис етказинглар!»** [Тавба 4]

Шу нарса ҳам аён бўляптики, шартномаларни бузадиган кимсаларга нисбатан кўпол муносабатда бўлиш ҳам вожиб ишдир. Шунинг учун агар душман шартнома шартларидан бирини ёки барча шартларни бузса ёки мусулмонларга қарши уларнинг душманлари билан ҳамкорлик қилса ёки унинг хиёнат қилишидан хавфсиралса, у ҳолда мусулмонларнинг ўз душманлари билан тузган шартномаларни бузишлари ҳалол бўлиб қолади. Шунинг учун шартномани бузишлари хиёнат ҳисобланмайди. Шунга кўра халқаро иттифоклар турларини шариат белгилаб берди ва улар бузиладиган ёки уларга амал қилиш ниҳоясига етадиган ҳолатларни ҳам белгилаб берди. Шунинг учун шартномалар борасида фақат шариат баён қилган ва белгилаб берган нарсага амал қилиш ҳамда шариат чегарасида туриш вожибдир. Шу билан бирга услуб ва танлаш масаласи халифанинг раъйи ва ижтиҳодига ҳавола қилинади.

## Ҳарбий кофир

Ҳарбий кофир – мусулмонлар зиммасига (ҳимоясига) кирмаган ҳар бир кофирдир. У муоҳид бўладими, мустаъминми ёки бошқами, бунинг фарқи йўқ. Агар Исломий давлат билан қайсидир кофир давлат ўртасида шартнома тузилган бўлса, ана шу давлат фуқаролари муоҳидлар бўлиб, уларга ўртамиздаги ана шу шартнома бўйича муомала қилинади ва шу шартномадаги ҳар бир нарса ижро қилинади. Бироқ шартнома мавжуд бўлса ҳам муоҳид кофирлар ҳукман ҳарбий кофирлар эканликлари доирасидан чиқиб қолишмайди. Чунки шартнома муддати тугаши ёки улар ё биз томондан шартнома бузилиши биланоқ улар бошқа кофирлардек яна ҳарбий кофирлар ҳукмида бўлиб қолишади. Шунинг учун уларга қурол-аслаҳа ва ҳарбий хом-ашёларни сотиш ман қилинади. Агар бунда мусулмонлар зиёнига уларни кучайтириш бўлса бу нарсаларни уларга сотиш ман қилинади. Аммо агар уларга қурол-аслаҳа ва ҳарбий хом-ашёларни сотиш уларни кучайтиришга олиб келмаса, у ҳолда уларга бу нарсаларни сотиш ман қилинмайди. Хусусан Исломий давлат бугунги кундаги буюк давлатлар каби қурол-аслаҳа ишлаб чиқарадиган ва уни сотадиган давлатга айланганида уни сотиш ман қилинмайди. Агар шартномада уларга қурол-аслаҳа ва ҳарбий хом-ашёларни сотиш жоизлиги айтилган бўлсаю, лекин бунда мусулмонлар зиёнига уларни кучайтириш бўлса бу шартга вафо қилинмайди. Чунки у шариатга хилофдир. Шариатга хилоф бўлган ҳар қандай шарт ботил бўлиб, бундай шарт билан шартнома тузилмайди.

Аммо агар биз билан улар ўртасида ҳеч қандай шартнома бўлмаса у ҳолда улар ҳарбий кофирлар бўлишади. Бунда биз билан улар ўртасида амалда уруш ҳолати мавжуд бўладими ёки йўқми, бунинг фарқи йўқ. Бу пайтда улар мусулмонлар юртларига фақат ҳар сафар алоҳида маҳсус омонлик олиш билангина кира олишади. Акс ҳолда кира олишмайди. Улар мусулмонлар юртларида фақат чекланган муайян муддатгача яшашлари мумкин, холос. Энди амалда уруш ҳолатида бўлган ҳарбий кофир давлат билан амалий уруш ҳолатида бўлмаган ҳарбий кофир давлат ўртасидаги фарққа келсак у шундан иборатки, амалий уруш ҳолатидаги давлат билан сулҳдан олдин ҳеч қандай шартнома тузилмайди ва унинг фуқароларидан ҳеч кимга омонлик берилмайди. Фақат Аллоҳ

каломини эшитиш учун келса ёки мусулмонлар юртларида яшайдиган зиммий бўлиш учун келсагина омонлик берилади. Амалий уруш ҳолатида бўлмаган ҳарбий давлатга қилинадиган муомала эса бунинг аксидир. Чунки бундай давлат билан тижорий, яхши қўшничилик ва бошқа шартномалар тузилади, унинг фуқароларига исломий юртларга тижорат ёки саёҳат ёки бошқа мақсадларда кира олишлари учун омонлик берилади.

## Мустаъмин

Мустаъмин – омонлик сўровчидир. У бошқа юртга омонлик билан кирадиган кишидир. У мусулмон бўладими ёки ҳарбийми, бунинг фарқи йўқ. Масалан агар мусулмон дорул ҳарбга омонлик билан кирадиган бўлса улардаги бирон нарсага тажовуз қилиши ҳаромдир. Чунки мусулмонлар ўз шартларида турадилар, яъни уларга амал қиладилар. Масалан, агар мусулмон одам уларнинг мол-мулкларидан бирон нарсани тортиб олса ёки яширинча ёки ўғирлаб олиб чиқса унга эга бўлиши ҳаром мулк бўлади. У олган нарсасини уларга қайтаради. Чунки тортиб олинган нарса кимдан тортиб олинган бўлса ўшанга қайтарилади. Шунингдек ўғирланган нарса ҳам. Уларнинг барчаси эгасига қайтарилади. У кофир бўладими ёки мусулмонми, бунинг фарқи йўқ. Мусулмон кишининг куфр юртларига омонлик билан кириши жоиз бўлганидек ҳарбийнинг мусулмонлар юртларига омонлик билан кириши ҳам жоиздир. Чунки Росулulloҳ ﷺ Макка фатҳ этилган кунда кофирларга омонлик бериб бундай дедилар:

«مَنْ أَغْلَقَ بَابَهُ فَهُوَ آمِنٌ»

**«Ким эшигини беркитиб олса у омондадир».** Муслим ривояти. Пайғамбаримиз ﷺ мушрикларнинг элчиларига омонлик берар эдилар ва омонлик берилган кишига хиёнат қилишни ҳаром қилдилар. Абу Саиддан шундай дегани ривоят қилинган: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«لِكُلِّ غَادِرٍ لُؤَاءٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، يُرْفَعُ لَهُ بِقَدْرِ غَدْرِهِ، أَلَا وَلَا غَادِرٌ أَعْظَمُ غَدْرًا مِنْ أَمِيرٍ عَامَّةٍ»

**«Ҳар бир ғодир (алдамчи ғаддор) учун қиёмат куни бир байроқ бўлади. У унинг қанчалик ғаддорлигига қараб кўтарилади. Огоҳ бўлингки, омма амиридан кўра катта ғаддорлик қилган ғодир бўлмайди».** Муслим ривояти.

Лекин мустаъмин ҳарбий мусулмонлар юртларида бир йил турулмайди. Чунки унга омонлик бир ойга ёки икки ойга ёки кўпроққа берилади, лекин бир йилдан кўпга берилмайди. Шунинг учун агар унга мутлақ омонлик берилиб, муддат чекланмаган бўлса ҳам бир йил ўтиши ҳисобга олинади. Чунки унга Ислом диёрида жизя тўламай туришга бир йил рухсат берилади. Агар бу муддатдан ошиқ турмоқчи бўлса у жизя тўлаб яшашни ёки Ислом диёридан чиқиб кетишни танлаши керак. Агар бир йилдан кейин қолса у жизя тўлашни қабул

қилди деб ҳисобланади ва унинг ҳужжатиға зиммийлик муҳри урилиб у зиммийға айланади ва ундан жия ундирилади. Чунки Ислом юртида бирон кофирнинг жия тўламай яшаб қолиши жоиз бўлмайди. Жия йилда бир марта тўланиши керак. Демак агар кофир юртимизда бир йилдан кўпроқ қоладиган бўлса у жия тўлаши керак ва у мажбуран зиммийға айланади. Агар йил охирида ёки ундан олдин диёримиздан чиқиб кетса жия тўламайди. Агар чиқиб кетадиган бўлса олдинги омонлиги бекор бўлади. Шунинг учун иккинчи марта диёримизға қирадиган бўлса янги омонлик олиши керак.

Халифанинг мустаъминларға – модомики улар дорул Исломда туришар экан – ёрдам бериши вожибдир. Улар ҳам аҳли зимма ҳукмида бўлишади. Шунинг учун агар мустаъмин жазо бериладиган бирон жиноятни қилса унга худди аҳли зимма каби жазо берилади. Фақат хамр (маст қилувчи ичимлик) ҳади бундан мустасно. Чунки дорул Ислом шаръий ҳукмлар ижро қилинадиган ўриндир. Шунинг учун дорул Исломдаги ҳар бир кишиға – у мусулмонми ёки зиммийми ёки мустаъминми – шаръий ҳукмлар ижро этилади. Росулulloҳ ﷺ Нажрон аҳли бўлмиш насороларға шундай мактуб юбордилар:

«إِنَّ مَنْ بَايَعَ مِنْكُمْ بِالرِّبَا فَلَا ذِمَّةَ لَهُ»

**«Сизлардан кимки рибо билан олди-сотди қилса унинг учун зимма йўқ».** Бу ҳадисни Ибн Абу Шайба «Мусаннаф»ида ривоят қилди. Рибонинг ҳаромлиги Ислом ҳукмларидандир. Демак Росулulloҳ ﷺнинг аҳли зиммага рибо билан олди-сотди қилмасликни татбиқ этишлари улардан ҳукмларға амал қилишни талаб қилишға далилдир. Мустаъминға ҳам зиммийға қилинган муомала қилинади.

Мустаъмин ўз жони учун омонлик олган бўлса бу омонлик унинг моллари учун ҳам омонлик бўлади. Гарчи улар учун алоҳида омонлик олмаган бўлса ҳам. Шунинг учун унинг жони кўриқланганидек мол-мулклари ҳам кўриқланади. Мусулмон одам мустаъминнинг маст қилувчи ичимлигига ва тўнғизига талофат етказган бўлса, унинг қийматини тўлайди. Агар уни билмасдан, янглишиб ўлдириб қўйса дия (хун) тўлаши вожиб бўлади, қасдан ўлдирса ўзи ҳам ўлдирилади. Шунинг учун мустаъминға азият етказишдан тийилиш лозим. Мусулмонни ғийбат қилиш қандай ҳаром бўлса, мустаъминни ғийбат қилиш ҳам шундай ҳаромдир. Чунки унга ҳам зиммийға муомала қилингандек муомала қилинади. Мустаъмин дорул Исломда



ўлса, унинг меросхўрлари дорул ҳарбда бўлишса унинг мол-мулки муҳофаза қилинади ва меросхўрлари бу мол-мулкни мусулмонлардан ёки зиммийлардан ҳужжат билан олишади. Чунки у омонлик берилган молдир. Шунинг учун бу мол унинг меросхўрларига топширилади.

Хулоса шуки, кимки мусулмонлардан омонлик сўраса мусулмонларнинг унга омонлик беришлари жоиздир. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

وَإِنْ أَحَدٌ مِّنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّى يَسْمَعَ كَلَامَ اللَّهِ ثُمَّ أَبْلِغْهُ مَأْمَنَهُ  
«(Эй Муҳаммад), агар мушириклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг»

[Тавба 6]

Чунки омонлик зимма (ҳимоя) ва аҳд беришдир. Росулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

«الْمُسْلِمُونَ تَتَكَافَأُ دِمَاؤُهُمْ وَهُمْ يَدُّ عَلَى مَنْ سِوَاهُمْ وَيَسْعَى بِدِمَتِهِمْ أَذْنَاهُمْ»

**«Мусулмонларнинг қонлари ўзаро тенгдир. Улар ўзларидан бошқаларга қарши битта қўлдирлар. Улардан энг қуйи даражадагиси берган омонлик ҳам нуфузlidir». Лекин бу омонлик уларнинг Ислому ҳукмларига бўйсуниларига ва агар жизя тўлашлари лозим бўлса жизя беришларига боғлиқдир. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:**

حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ

**«... то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан жизя тўламагунларича...»**

[Тавба 29]

Яъни улар фақат жизя беришсагина ва Ислому ҳукмларига бўйсунилсагина уларга қарши жанг қилиш ҳукми кўтарилди ва уларга жангдан омонлик берилди. Акс ҳолда омонлик берилмайди. Демак уларнинг дорул Ислому да яшашлари чоғида Ислому ҳукмига бўйсунилшни қабул қилишлари уларга омонлик берилиши учун кифоядир. Агар улар юртимизда жизя тўлашлари керак бўлган бир йил муддат туриб қолишадиган бўлса улардан чиқиб кетиш талаб қилинади. Чиқиб кетишмаса уларга жизя солиғи солиниб, зиммийлар деб ҳисобланишади.

## Зиммийга оид ҳукмлар

Зиммий – Исломдан бошқа динга эътиқод қиладиган, Исломий давлат фуқаросига айланган ҳар бир кимсадир. У Исломдан бошқа динга бўлган эътиқодида қолган бўлади. Зиммий сўзи аҳд маъносигадаги зимма сўзидан олингандир. Чунки бизнинг зиммамизда уларга нисбатан улар билан сулҳ қилиб келишганимиз бўйича муомала қилишимиз ва уларга муомала қилишда ва уларнинг ишларини бошқаришда Ислом ҳукмларига мувофиқ йўл тутишимиз ҳақидаги аҳд бўлади. Ислом аҳли зиммага оид кўплаб ҳукмларни келтирди. Уларни ўз динларидан айнитмаслик, уларнинг фақат жизя тўлашлари кераклиги, улардан шундан бошқа мол олинмаслиги, фақат сулҳ шартларидан бири бўлсагина мол олинishi кабилар шу ҳукмлар жумласидандир. Урва ибн Зубайрдан ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ Яман аҳлига шундай мактуб йўлладилар:

«إِنَّهُ مَنْ كَانَ عَلَى يَهُودِيَّتِهِ أَوْ نَصْرَانِيَّتِهِ فَإِنَّهُ لَا يُفْتَنُ عَنْهَا، وَعَلَيْهِ الْجَزِيَّةُ»

«Кимки яҳудийлигида ёки насронийлигида бўлса у ундан фитналантирилмайди (тарк қилишга мажбурланмайди) ва у жизя тўлаши лозим». Абу Убайд ривояти. Яҳудий ва насронийлардан бошқа мушриклар ва бошқа кофирлар ҳам яҳуд ва насоролар кабидир. Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абу Толибдан шундай дегани ривоят қилинди:

«كَتَبَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِلَى مَجُوسٍ هَجَرَ يَدْعُوهُمْ إِلَى الْإِسْلَامِ فَمَنْ أَسْلَمَ قَبْلَ مِنْهُ، وَمَنْ لَا، صُرِبَتْ عَلَيْهِ الْجَزِيَّةُ، فِي أَنْ لَا تُؤْكَلَ لَهُ ذَبِيحَةٌ، وَلَا تُنْكَحَ لَهُ امْرَأَةٌ»

«Росулulloҳ ﷺ Ҳажар мажусларига мактуб йўллаб уларни Исломга даъват қилдилар. Кимки Исломга кирса ундан қабул қилинадиган, ким кирмаса унга жизя солиғи солинадиган, унинг сўйган нарсаси ейилмайдиган ва унга бирон аёл никоҳланмайдиган бўлди». Абу Убайд ривояти. Бу фақат Ҳажар мажусларигагина хос бўлмай умумийдир. Зеро бу ҳадиснинг мафҳуми йўқ. Чунки лақаб мафҳуми ҳужжат эмас, шунинг учун унинг эътибори йўқ. Жизя фақат балоғатга етган эркаклардан олинади. Нофеъ Умар мавлоси Асламдан ушбуни ривоят қилди: «Умар қўшинлар амирларига мактуб юбориб жизя солиғи солишни, аёллар ва болаларга бу солиқни солмасликни, фақат устара юритилган кишиларгагина солишларини буюрди». Абу Убайд ривояти. Умарнинг бу ишини ҳеч ким инкор қилмади. Абу Убайд яна бундай деди:

Ким жизя тўлаши ва ким тўламаслигига мана шу ҳадис асос бўлади. Жизя фақат уни тўлашга қодир бўлган кишилардангина олинади. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

عَنْ يَدِ

«... ўз қўллари билан...»

[Тавба 29]

яъни қудрати етса демакдир. Шунинг учун уни тўлашга қодир бўлмаса бундай кимсадан олинмайди. Балки агар касб-кор қилишдан ожиз бўлиб фақир бўлса ундан жизя олмаслик билангина кифояланиб қолмай, балки унга байтул молдан худди мусулмонларга нафақа берилганидек нафақа берилади. Жизяни зўравонлик ва қийнаш билан эмас, чиройли муомала билан ва улар кўтара оладиган миқдорда олиниши лозим. Демак зиммийларга зулм қилинмайди ва улардан жизя қудратларидан ташқари олинмайди. Ҳишом бундай деди: Мен Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганларини эшитдим:

«إِنَّ اللَّهَ يُعَذِّبُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ الَّذِينَ يُعَذِّبُونَ النَّاسَ فِي الدُّنْيَا»

«Аллоҳ қиёмат куни дунёда одамларни азоблайдиган кимсаларни азоблайди». Абдурахмон ибн Жубайр ибн Нуфайр отасидан ривоят қилишича, Умар ибн Хаттоб хузурига кўпгина мол олиб келинди (Абу Убайд: мен у «жизядан иборат мол», деган бўлса керак деб ўйлайман, деди). Умар: албатта кўнглимга сизлар одамларни ҳалок қилгансиз деган гумон келяпти, деди. Улар: йўқ бундай қилмадик, Аллоҳга қасамки биз жизяни кечиримлик, самимийлик билан олдик, дейишди. Умар: қамчи, азоблашсиз-а? - деди. Улар: ха, шундай дейишди. Умар: буни менинг қўлим билан ва салтанатимда қилиб қўймаган Аллоҳга ҳамд бўлсин, деди». Абу Убайд ривояти. Жизя олиш учун – унинг қиймати қанчага етган бўлмасин – зиммийнинг тирикчилик қуроллари сотиб юбориш жоиз бўлмайди. Суфён ибн Абу Ҳамзадан шундай дегани ривоят қилинган: Умар ибн Абдулазиз: «Зимма аҳлининг биронта тирикчилик қуроли сотилмасин», деб мактуб юборди. Абу Убайднинг айтишича, Умар ибн Абдулазиз буни аҳли зимма хирожи учун айтди. Чунки агар зиммий дехқончилик қуроллари сотиб юборса экин эколмай қолади, натижада ундан олинадиган хирож йўққа чиқади. Зиммийнинг бошқа тирикчилик қуроллари ҳам дехқончилик қуролига қиёс қилинади. Зиммий Исломга кирса жизя ундан соқит бўлади, яъни жизя

тўламайди. Убайдуллоҳ ибн Равоҳанинг шундай дегани ривоят қилинган: **«Мен Силсилада Масруқ билан бирга эдим. Унинг айтишича халқдан бир киши Исломга кирибди. Ундан жизя олинар экан. У Умар ибн Хаттобнинг ҳузурига келиб: эй мўминлар амири мен Исломга кирдим, дебди. Умар: эҳтимол сақланиш учун Исломга киргандирсан, дебди. У: Исломда мени асрайдиган нарса йўқми? - дебди. Умар: тўғри айтдинг, дебдида, ундан жизя олинмаслиги ҳақида ёзиб берибди».** Абу Убайд ривояти. Қобус ибн Абу Забён отасидан ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«لَيْسَ عَلَيَّ مُسْلِمٍ جَزِيَّةً»

**«Мусулмон жизя тўлаши лозим эмас».** Абу Убайд ривояти. Ибн Аббосдан ривоят қилинади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«لَا تَصْلُحُ قِبْلَتَانِ فِي أَرْضٍ، وَلَيْسَ عَلَيَّ مُسْلِمٍ جَزِيَّةً»

**«Ҳеч бир ерда икки қибла бўлиши дуруст бўлмайди ва мусулмон жизя тўлаши лозим эмас».** Аҳмад ва Абу Довуд ривояти. Умар ибн Абдулазиз ўзининг омилига шундай мазмунда мактуб юборди: **«Аллоҳ Муҳаммад ﷺни жобий (солиқ йиғувчи) қилиб эмас, ҳодий қилиб юборди».** Ўша омил «жизя тўлашдан қочиб Исломга кирганларга жизя солиғи солишни қолдириш керак» деган фикрда эди.

Ислом зиммийга яхши муомала қилишни, раҳмдиллик кўрсатишни ва ишида ёрдам беришни буюрди. Мусулмонлар зиммийни, унинг мол-мулки, ор-номусини ҳимоя қилишлари, озиқ-овқат, уй-жой, кийим-кечак билан таъминланишини кафолатлашлари лозим. Бухорий Абу Воилдан, у Абу Мусодан ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«فُكُّوا الْعَانِي، يَعْني الْأَسِيرَ، وَأَطْعِمُوا الْجَائِعَ، وَعَوِّدُوا الْمَرِيضَ»

**«Ёрдамга муҳтожни, яъни асирни бўшатиб олинглар, очни тўйғазинглар, касалнинг ҳолидан хабар олинглар».** Абу Убайд деди: **«Аҳли зиммани ҳам ҳимоя қилиб жиҳод қилинади, асирга тушиб қолганлари бўшатиб олинади, қутилишса яна эркин ҳолда зиммийликлари ва аҳдларига қайтишади. Бу тўғрида бир қанча ҳадислар бор».** Амр ибн Маймун Умар ибн Хаттобнинг вафот этиши чоғида шундай деганини ривоят қилди: **«Мендан кейинги халифага фалон-фалон нарсани васият қиламан. Унга Аллоҳ зиммаси ва Росулulloҳ ﷺ зиммасини васият қиламан. Уларга**

(зиммийларга) уларнинг ахдлари бўйича вафо қилишини, уларни ҳимоя қилиб жанг қилишни, уларни тоқатларидан ташқари нарсага буюрмасликни васият қиламан». Бухорий ривояти. Зиммийлар ўз эътиқодлари ва ибодатларида қолаверишади. Бунга далил Росулulloҳ ﷺнинг ушбу сўзларидир:

«مَنْ كَانَ عَلَىٰ يَهُودِيَّتِهِ أَوْ نَصْرَانِيَّتِهِ فَإِنَّهُ لَا يُفْتَنُ عَنْهَا»

«Кимки яхудийлигида ёки насронийлигида бўлса у ундан фитналантирилмайди». Абу Убайд ривояти. Ундан фитналантирилмайди, деганининг маъноси «уни тарк қилишга мажбурланмайди, аксинча ўз эътиқодида қолдирилади» демакдир. Демак зиммий ўз эътиқоди ва ибодатида қолдирилади. Бу аҳли китобгагина хос бўлмай, балки бу тўғрида уларга бошқалар ҳам қиёс қилинади. Бунга далил Росулulloҳ ﷺ мажусийлар ҳақида айтган ушбу сўзидир:

«سُئُوا بِهِمْ سُنَّةَ أَهْلِ الْكِتَابِ»

«Уларга аҳли китобга қўлланган суннат (қонун-қоида)ни қўлланглар». Бу хадисни Молик Абдурахмон ибн Авфдан ривоят қилди. Қолган мушриклар мажусийлар кабидир. Энди улар сўйган нарсаларини ейиш ва аёлларига уйланиш масаласига келсак, бунда қаралади. Агар улар аҳли китобдан, яъни яхудлар ёки насоролардан бўлишса, мусулмонларнинг улар сўйган мол, қўйларни ейишлари ва аёлларига уйланишлари жоиз. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

وَطَعَامُ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَلٌّ لَكُمْ وَطَعَامُكُمْ حَلٌّ لَهُمْ وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ الْمُؤْمِنَاتِ  
وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ

«Китоб берилган кимсаларнинг таомлари сизлар учун ҳалолдир ва сизларнинг таомларингиз улар учун ҳалолдир. Сизлар учун мўминалар орасидан ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ва сизлардан илгари Китоб берилган кимсалардан бўлган ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ҳам ҳалолдир» [Моида 5]

Аммо аҳли китобдан бўлишмаса улар сўйган ҳайвонни ейиш ва аёлларига уйланиш жоиз бўлмайди. Бунга далил Росулulloҳ ﷺнинг Ҳажар мажуслари ҳақида айтган ушбу сўзидир:

«فِي أَنْ لَا تُؤْكَلَ لَهُ ذَبِيحَةٌ، وَلَا تُنْكَحَ لَهُ امْرَأَةٌ»

«Унинг сўйган нарсаси ейилмайди ва унга бирон аёл никоҳланмайди». Кофирларнинг муслима аёлларга уйланиши

масаласига келсак, бу мутлақо жоиз эмас, ҳаромдир. Кофирлар аҳли китоб бўладими ёки бошқами, бунинг фарқи йўқ. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

فَإِنْ عَلِمْتُمُوهُنَّ مُؤْمِنَاتٍ فَلَا تَرْجِعُوهُنَّ إِلَى الْكُفَّارِ لَأَ هُنَّ حِلٌّ لَّهُمْ وَلَا هُمْ يَحِلُّونَ لَهُنَّ

**«Бас, агар сизлар уларнинг мўмина эканликларини билсангизлар, у ҳолда уларни кофирларга қайтарманглар! У мўминалар (кофирлар) учун ҳалол эмас ва у (кофир)лар (мўмина)лар учун ҳалол эмасдир»** [Мумтаҳана 10]

Зиммийлар билан мусулмонлар ўртасида савдо-сотик, ижара, шериклик, гаров ва бошқа муомалалар бориши жоиз. Бунда улар билан мусулмонлар ўртасида фарқ йўқ. Чунки Росулulloҳ ﷺ Хайбар аҳли бўлмиш яҳудлар билан муомала юритиб, ердан чиқадиған ҳосилнинг ярмини беришларига келишди. Бунда ерга ўз маблағлари билан ўзлари ишлов беришлари шарт қилинди. Росулulloҳ ﷺ Мадинада бир яҳудийдан таом сотиб олиб унга ўз совутини гаров қўйдилар. Пайғамбаримиз бир яҳудийга одам юбориб ундан топганда беришга икки кийим сўраганлар. Буларнинг барчаси зиммийлар билан барча муомалаларни юритиш жоизлигига далилдир. Лекин улар билан ижара, савдо, шериклик ёки гаров муомалалари қилинган пайтда фақат Ислom ҳукмлари татбиқ этилиши лозим, бошқа ҳукмларни татбиқ этиб муомала юритиш мутлақо жоиз эмас. Шундай қилиб зиммийлар бошқа фуқаролар каби Ислomий давлат фуқаролари бўлишади. Улар ҳам фуқаролик ҳақ-хуқуқига, ҳимоя, тирикчиликнинг таъминланиши, яхши муомала, раҳмдиллик ва мулоимлик кўрсатиш ҳақ-хуқуқларига эга бўлишади. Улар мусулмонлар армиясида иштирок этишлари ва мусулмон аскарлари билан бирга бир сафда туриб жанг қилишлари мумкин. Лекин жанг қилиш уларга вожиб эмас. Уларга ҳам мусулмонларга қилинганидек инсоф ва адолат билан муомала қилинади. Бу уларнинг ҳақ-хуқуқидир. Ҳоким, қози олдида, ишларни бошқариш, муомалаларни юритиш ва жазо чораларини қўллаш пайтида мусулмонларга қандай назар билан қаралса зиммийларга ҳам худди шундай назар билан қаралади, ҳеч қандай камситиш бўлмайди. Демак мусулмонларга адолат қилиш вожиб бўлганидек зиммийларга ҳам адолат қилиш вожиб.

Энди Умарнинг улар билан ахднома тузиб уларга бир талай шартлар қўйганига келсак, ана шу ахдномалар асосида улар билан сулҳ тузилган ва сулҳга бир талай шартлар киритилган. Улар бу шартларга рози бўлишган. Шунинг учун сулҳ аҳдини қандай бўлса шундай амалга ошириш лозим бўлган. Аммо агар улар билан тузилган сулҳ аҳдининг мазмуни муайян ишлар кўрсатилган муайян муомалани ўз ичига олмаган бўлса, уларга ҳам мусулмонларга қандай муомала қилинса худди шундай муомала қилиш лозим бўлади. Бунинг аксича муомала қилиш дуруст бўлмайди. Фақат уларга нисбатан мусулмонларга бўлган муомаладан бошқача муомала қилиниши ҳақида насс келган нарсалар бундан мустасно. Масалан уларнинг муслима аёлларга уйланишлари жоиз эмаслиги каби. Умар қилган иш у тузган ахднома мазмунига биноан бўлганига далил Умарнинг ўзи тижорат солиғи борасида қилган нарсадир. Чунки Умар мусулмонлардан ушрнинг тўртдан бирини, зиммийлардан эса ярмини олар эди. Ҳолбуки шаръий ҳукм мусулмондан ҳам, зиммийдан ҳам тижорат солиғи олмасликдир. Абул Хойрдан ривоят қилинади: Мен Рувайфаъ ибн Собитнинг шундай деганини эшитдим: Мен Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганларини эшитдим:

«إِنَّ صَاحِبَ الْمَكْسِ فِي النَّارِ - يَعْنِي الْعَاشِرَ»

«Макс соҳиби дўзахдадир, яъни ушр (тижорат солиғи) йиғувчи». Абу Убайд ривояти. Пайғамбар А. яна дедилар:

«إِذَا لَقِيتُمْ عَاشِرًا فَأَقْتُلُوهُ»

«Агар ушр йиғувчига йўликсангиз уни ўлдилинглар». Абу Убайд ривояти. Иброҳим ибн Мухожирдан шундай дегани ривоят қилинган: Мен Зиёд ибн Худайрнинг шундай деганини эшитдим: «Мен Исломдаги ушр йиққан биринчи ушрчиман. Мен сўрадим: кимлардан ушр йиққан эдингизлар. У деди: Мусулмондан ҳам, муоҳиддан ҳам ушр йиғмаган эдик, Бани Тағлаб насороларидан ушр йиғар эдик». Абу Убайд ривояти. Демак тижорат солиғи мусулмондан ҳам зиммийдан ҳам олинмайди. Умар мусулмондан закот олган, зиммийдан эса ахдномадаги шартлар бўйича олган эди. Улар бу ахдномага рози бўлишиб зиммий бўлишган эди. Аммо таназзул асрларида зиммийларга нисбатан қилинган муомалага келсак, у Умар ўз даврида қўйган шартларда келган баъзи нарсаларни нотўғри тушуниш ва нотўғри тақлид қилиш оқибатидир. Агар тўғри

идрок қилинганида эди, Умарнинг зиммийлар қабул қилган сулҳ шартлари ўз ичига олган нарсанигина қилганини албатта тушунилган бўлар эди. Бундан бошқа ҳолатларда Умар зиммийларга фақат яхшилик қилишни буюрган. Шунга кўра зиммийларга яхши муомала қилинади ва уларга шариатда келган нарсалар татбиқ этилади. Бундан фақат улар билан тузилган сулҳ аҳдидаги шартлар мустасно бўлади. Чунки бу ҳолда уларга ана шу шартлар қандай келган бўлса, шундай татбиқ этилади.



## Исломни кофирларга татбиқ этиш вожиб

Исломий давлат ҳукми остида бўлган ҳар бир кишига Ислом ҳукмларини татбиқ этиш вожиб. Мусулмонларга татбиқ этилганидек зиммийга ҳам, муоҳидга ҳам, мустаъминга ҳам баб-баробар татбиқ этилади. Бу тўғрида ҳокимга ихтиёр берилмайди, балки Ислом ҳукмларини ҳеч иккиланмай татбиқ этиш лозим. Чунки Аллоҳ Таоло аҳли китобга нисбатан бундай дейди:

فَأَحْكُم بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ

**«Бас, улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг ва сизга келган ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашиманг!»** [Моида 48]

Аллоҳ Таоло уларга нисбатан яна шундай деди:

وَأَنِ احْكُم بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرُوهُمْ أِنْ يَقْتُنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ

**«(Эй Муҳаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашиманг ва Аллоҳ сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан ҳтиёт бўлинг!»** [Моида 49]

إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِتَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ بِمَا أَرَاكَ اللَّهُ

**«Албатта, Биз сизга ушбу ҳақ китобни (Қуръонни) одамлар орасида Аллоҳ қўрсатган йўл билан ҳукм этишингиз учун нозил қилдик»** [Нисо 105]

Бу умумий бўлиб, мусулмонларни ҳам, бошқаларни ҳам ўз ичига олади. Чунки оятдаги «одамлар» калимаси умумийдир. Аммо Аллоҳ Таолонинг:

سَمَّاعُونَ لِلْكَذِبِ أَكَّالُونَ لِلسُّخْتِ فَإِنْ جَاؤُوكَ فَاحْكُم بَيْنَهُمْ أَوْ أَعْرَضْ عَنْهُمْ

**«Улар ёлгонга қулоқ берувчи ҳаромхўр кимсалардир. Бас, агар сизга келсалар (хоҳласангиз), ўрталарида ҳакамлик қилинг, (хоҳласангиз) улардан юз ўгириг»** [Моида 42]

деган қавлига келсак, бу оятдан мурод Исломий давлатга хориждан бошқа бир кофир ёки кофирлар билан бўлган бирон жанжал хусусида ҳукм сўраб мусулмонларга мурожаат қилиш учун келган кимсадир. Бунда мусулмонлар ихтиёрлидир. Хоҳлашса улар ўртасида ҳакамлик қилиб ҳукм чиқариб берадилар, хоҳлашса улардан юз ўгирадилар. Чунки бу оят Росулulloҳ ﷺ ярашув битими тузган Мадина яҳудлари ҳақида нозил бўлди. Улар қабилалар бўлиб, бошқа давлатлар ҳисобланишар эди. Улар Ислом ҳукмига бўйсунишмаган,

балки бошқа давлат бўлишган эди. Шунинг учун Пайғамбаримиз билан улар ўртасида шартномалар бўлган эди. Аммо агар кофирлар зиммий бўлишиб Ислом ҳукмига бўйсунмишган бўлса ёки омонлик сўраб келиб Ислом ҳукмига бўйсунмишган бўлса, яъни дорул Исломга кириб Ислом ҳукмига бўйсунмишга рози бўлишган бўлса, муоҳидлар ва мустаъминлар каби, у ҳолда улар ўртасида фақат Ислом билангина ҳукм қилинади. Бошқа нарса билан ҳукм қилиш ҳечам жоиз бўлмайди. Шунинг учун улардан ким Ислом ҳукмига мурожаат қилишдан бош тортса ҳоким уни бунга мажбурлайди ва бу сабабли уни жазолайди. Кофир аҳдга Ислом ҳукмларига амал қилиш шарти билан киргани учун ҳоким уни шунга мажбурлайди. Бу аҳд зиммийлик аҳди бўладими ёки ярашув битими аҳдими ёки омонлик аҳдими, бунинг фарқи йўқ. Модомики кофир дорул Исломда экан бу аҳдлар ўртасида фарк йўқ.

Росулуллоҳ ﷺ насоролар бўлмиш Нажрон аҳлига ушбу мазмунда мактуб йўллади:

«إِنَّ مَنْ بَايَعَ مِنْكُمْ بِالرِّبَا فَلَا ذِمَّةَ لَهُ»

**«Сизлардан ким рибо билан олди-сотди қилса унинг учун зимма йўқ».** Ибн Абу Шайба ривояти. Ибн Умар бундай деди:

«أَنَّ الْيَهُودَ جَاءُوا إِلَى النَّبِيِّ ﷺ بِرَجُلٍ وَامْرَأَةٍ زَيْنًا فَأَمَرَ بِهِمَا فَرَجَمَا»

**«Яҳудлар зино қилган бир эркак ва аёлни Набий ﷺ ҳузурига олиб келишди. Пайғамбаримиз ﷺ икковини жазолашни буюрдилар. Иккови тошбўрон қилинди».** Бухорий ривояти. Бухорийнинг яна ривоят қилишича, Набий ﷺ бир яҳудийни у бир жорияни тақинчоғини олиш мақсадида ўлдириб қўйгани учун қатл қилдилар. Ана шу яҳудлар мусулмонлар фуқаролари эди. Маълумки бу иш яҳуд вужудлари йўқ бўлганидан кейин ва улардан айримлари мусулмонлар ҳукмронлиги остидаги фуқаролар бўлиб қолишганидан кейин бўлган эди.

Лекин агар иш улар ақида деб ҳисоблашадиган, яъни эътиқод қилишадиган нарсаларга дахлдор бўлса – гарчи биз уларни ақида деб ҳисобламасак ҳам – у ҳолда биз бу борада уларга тўсқинлик қилмаймиз ва улар эътиқод қилишадиган нарсалар тўғрисида уларни ўз ҳолига қўямиз. Масалан улар арокни ҳалол деб эътиқод қилишса бунинг учун улар

жазолашмайди. Чунки улар уни харом деб эътикод қилишмайди. Шунинг учун куфр сифатида уларни бу тўғрида жазолаш лозим бўлмайди. Биз ақидаларга тааллуқли нарсаларни уларга татбиқ этмаймиз. Чунки бу нарса динга мажбурлаш бўлиб қолади. Аллоҳ Таоло бундай деди:

لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ

«Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир»

[Бақара 256]

Росулуллоҳ ﷺнинг:

«إِنَّهُ مَنْ كَانَ عَلَىٰ يَهُودِيَّةٍ أَوْ نَصْرَانِيَّةٍ فَإِنَّهُ لَا يُفْتَنُ عَنْهَا»

«Кимки яхудийлигида ёки насронийлигида бўлса у ундан фитналантирилмайди», деган сўзлари ҳам бунга далилдир. Абу Убайд ривояти. Уларнинг ақидаларига зид келадиган нарсани мажбуран татбиқ этиш уларни ўз динларидан фитналантиришдир. Шунинг учун улар ақидалар ва ибодатларга мажбурланмайдилар. Чунки улар жизя тўлашни қабул қилишар экан, куфр ҳукмига бўйсунитишни эътироф қилишмаса ҳам лекин ақидалар жиҳатидан куфрда қолишни эътироф қилишган бўлади. Шунинг учун ақидаларга дахлдор нарсалар бўйича уларни жазолаш улар эътикод қиладиган куфр тўғрисида жазолаш бўлиб қолади. Бу эса жоиз эмас. Демак маълум бўлдики, дорул Ислолда кофирларга худди мусулмонларга татбиқ этилганидек Ислол ҳукмларини татбиқ этиш вожиб.

## Жизя

Жизя – махсус мол бўлиб, мусулмон бўлмаган аҳли зиммадан олинади. Улар мутлақ аҳли китоблар, араблардан бошқа мушриклар ва бошқа кофирлардир. Аллоҳ Таоло деди:

قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَن يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ

«Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Унинг пайгамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ (яъни Исломи) динига эътиқод қилмайдиган аҳли китоблардан иборат бўлган кимсаларга қарши то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан жизя тўламагунарича, жанг қилингиз!» [Тавба 29]

Қайс ибн Муслим Ҳасан ибн Муҳаммаддан ривоят қилади:

«كَتَبَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِلَى مَجُوسِ هَجَرَ يَدْعُوهُمْ إِلَى الْإِسْلَامِ فَمَنْ أَسْلَمَ قَبْلَ مِنْهُ، وَمَنْ لَا، ضَرَبَتْ عَلَيْهِ الْجِزْيَةُ، فِي أَنْ لَا تُؤْكَلُ لَهُ ذَبِيحَةٌ، وَلَا تُنْكَحَ لَهُ امْرَأَةٌ»

«Росулуллоҳ ﷺ Ҳажар мажусларига мактуб йўллаб уларни Исломига даъват қилдилар. Кимки Исломига кирса ундан қабул қилинадиган, ким кирмаса унга жизя солиғи солинадиган, унинг сўйган нарсаси ейилмайдиган ва унга бирон аёл никоҳланмайдиган бўлди». Абу Убайд ривояти. Жаъфар ибн Муҳаммад отасидан ривоят қилади: Умар деди: Мажуслар тўғрисида нима қилишни билмай қолдим. Улар аҳли китоб эмас эди. Шунда Абдурахмон ибн Авф бундай деб қолди: Мен Росулуллоҳ ﷺнинг шундай деганларини эшитдим:

«سُئُوا بِهِمْ سُنَّةَ أَهْلِ الْكِتَابِ»

«Уларга аҳли китобга қўлланган суннат (қонун-қоида)ни қўлланглар». Абу Убайд ривояти. Ибн Шихоб ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ أَخَذَ الْجِزْيَةَ مِنْ مَجُوسِ هَجَرَ»

«Росулуллоҳ ﷺ Ҳажар мажусларидан жизя олдилар». Умар ҳам Форс мажусларидан жизя олди. Саҳобалардан ҳеч ким бунга қарши чиқмади. Усмон ҳам барбарлардан жизя олди. Бунга ҳам саҳобалардан ҳеч ким қарши чиқмади. Аммо араб мушрикларидан сулҳ ва зимма талаби қабул қилинмайди. Аксинча уларни Исломига даъват қилинади. Исломига киришса ўз ҳолларига қўйилади, акс ҳолда уларга уруш қилинади. Аллоҳ Таоло деди:

سُنَدَعُونَ إِلَى قَوْمٍ أُولِي بَأْسٍ شَدِيدٍ تُقَاتِلُونَهُمْ أَوْ يُسْلِمُونَ

**«Яқинда сизлар куч-қувват эгалари булган бир қавм (билан жанг қилиш)га даъват этилурсизлар. (Ўшанда ё) улар билан уришуурсизлар, ёки улар Исломга кирурлар»** [Фатҳ 16]

Яъни Исломга кирмагунларича уришуурсизлар. Бу оят Росулulloҳ ﷺ жанг қилган араб бутпарастлари ҳақида нозил бўлди. Бу оят араб мушриклари Исломга киришмаса уларга қарши жанг қилиниши лозимлигига далил бўлди. Ҳасандан ушбуни ривоят қилинди:

«أَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ يُقَاتَلَ الْعَرَبُ عَلَى الْإِسْلَامِ، وَلَا يَقْبَلَ مِنْهُمْ غَيْرُهُ، وَأَمَرَ أَنْ يُقَاتَلَ أَهْلَ الْكِتَابِ حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ»

**«Росулulloҳ ﷺ Исломга киришмаса арабларга қарши жанг қилишни, улардан бундан бошқасини қабул қилмасликни буюрдилар. Пайғамбаримиз аҳли китобга қарши то улар хорланган ҳолда ўз қўллари билан жия бермагунларигача жанг қилишни буюрдилар».** Абу Убайд деди: Ҳасан бу ўринда араблар деганида аҳли китоб бўлмаган бутпарастларини кўзда тутганини кўрамиз. Аммо аҳли китоб бўлганларидан Росулulloҳ ﷺ жияни қабул қилганлар. Бу бир неча ҳадисларда баён қилинган. Набий ﷺнинг бутга сиғинадиган арабларнинг биронтасидан жия олгани собит бўлмаган. Пайғамбаримиз ﷺ «Фатҳ» ояти ва «Тавба» сураси нозил бўлганидан кейин улардан Исломга кириш, акс ҳолда уларга қарши уруш қилишдан бошқасини қабул қилмадилар. Пайғамбаримиз ﷺнинг Яман ва Нажрон аҳли каби араблардан жия олгани ҳақидаги ривоятга келсак, Пайғамбаримиз ﷺ жияни аҳли китоб бўлмиш насоро ва яхудлардан олганлар, бутларга сиғинадиган араблардан олмаганлар. Халифа жия қабул қилинадиган кишиларга жия миқдорини, вожиб бўладиган вақтини баён қилиб, улардан ҳар йили фақат бир марта олинишини, бойдан фалонча, бойлиги озроқдан фалонча олинишини маълум қилиб қўйиши лозим. Камбағалдан эса олинмайди. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

عَنْ يَدٍ

**«... ўз қўллари билан...»**

[Тавба 29]

Яъни қудратидан келиб чиқиб демакдир. Аёллар ва болалардан ҳам жия олинмайди. Жия фақат балоғатга етган, тўлашга қодир бўлган зиммидан олинади. Умар мавлоси Нофеъ ибн Асламдан ривоят қилинади: **«Умар қўшинлар амирларига**

мактуб юбориб, Аллоҳ йўлида жанг қилишларини, фақат жанг қилганларга қарши жанг қилишларини, аёллар ва болаларни ўлдирмасликни, фақат устара юргизилган кишиларнигина ўлдиришни буюрди. Қўшинлар амирларига мактуб ёзиб, жизя солиғи солишларини, аёллар ва болаларга солмасликни, фақат устара юргизилган кишиларгагина солишни буюрди». Абу Убайд деди: яъни тук ўсиб чиққан кишиларга солишни буюрди. Абу Убайд яна бундай деди: «Ким жизя тўлаши ва ким тўламаслигига мана шу ҳадис асос бўлади. Умар уни балоғатга етган эркакларгагина солиб, аёллар ва болаларга солмади». Умарнинг бу ишига ҳеч ким қарши чиқмади. Демак у ижмо бўлди. Буни Набий ﷺнинг Ямандаги Муозга юборган мактубидаги ушбу сўлар ҳам қувватлайди:

«إِنَّ عَلَى كُلِّ حَالِمٍ دِينَارًا»

«**Ҳар бир балоғатга етганга бир динор**». Пайғамбаримиз фақат балоғатга етган эркак кишини айтиб, аёл ва ёш болани айтмадилар. Аммо:

«الْحَالِمِ وَالْحَالِمَةِ»

«**Балоғатга етган эркак ва балоғатга етган аёлга**», деган ривоятга келсак, бу муҳаддислар наздида маҳфуз<sup>1</sup> ривоят эмас, балки маҳфуз ривоят балоғатга етган аёл зикри келмаган ҳадисдир. Бундай ривоятнинг ворид бўлгани тўғри бўлган тақдирда ҳам бу Исломнинг аввалида бўлган. Чунки ўшанда мушрикларнинг аёллари ва болалари ҳам эркаклари билан бирга жанг қилишар эди. Бу илгари бўлган эди. Кейинчалик Росулulloҳ ﷺ аёллар ва болалардан жизя олмагани сабабли улардан олиш мансук бўлди. Пайғамбаримиздан кейин Умар ҳам шундай иш юритди. Олинадиган жизя уларнинг Ислом ҳукмига бўйсуниллари билан бирга оятда:

حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ

«... **то улар хорланган (маглуб) ҳолларида ўз қўллари билан жизя тўламагунларича...**» [Тавба 29]

деб айтилганидек хорланган ҳолларида бўлиши лозим. Уларнинг хор ҳолатлари уларга Ислом ҳукми жорий қилиниши, куфрларидан ҳам, Ислом динида ҳаром қилинган

<sup>1</sup> Агар ишончли ровий ундан кўра ишончлироқ бўлган ровийнинг ривоятга зид нарсани ривоят қилса унинг ривояти шоз, ундан кўра ишончлироқнинг ривояти эса маҳфуз дейилади.

нарсалардан ҳам бирон нарсани ғолиб қилолмасликлари,  
Исломнинг юртларда Пайғамбар ﷺ:

«الإِسْلَامُ يَغْلُو وَلَا يُغْلَى عَلَيْهِ»

**«Ислом олий бўлади ва унинг устидан олий бўлинмайди»,**  
деб айтганларидек доим олий бўлишидир.

## Ушр, хирож ва сулҳ ерлари

Абу Убайд бундай деди: «Росулуллоҳ ﷺ дан ва у кишидан кейин халифалардан ривоят қилинган асарларда ерларни фатҳ қилиниши ҳақида ушбу уч ҳукм келганини кўрдик:

Аҳолиси Исломга кирган ер бўлиб, у уларнинг мулк хисобланади. У ушр ери бўлиб, бу ерда уларга шу ушрдан бошқа ҳеч нарса солинмайди.

Маълум хирож тўлаш шарт қўйилиб сулҳ билан фатҳ қилинган ер. Бундай ер аҳли билан сулҳда нимага келишилган бўлса улар ўша нарсани тўлашади, уларга ундан зиёдасини тўлаш лозим бўлмайди.

Куч билан олинган ер. Бундай ер борасида мусулмонлар ихтилоф қилдилар. Айримлари бундай ер борасида ғанимат йўли тутилиб, бешга бўлиниб тақсимланади, бешдан тўрт қисми уни фатҳ қилган кишилар ўртасида хусусий ер майдонлари бўлади. Қолган бешдан бир қисми Аллоҳ Таборака ва Таоло айтган кишиларга тегишли бўлади, деган фикр билдирган бўлса, айримлари: йўқ, балки бу ерлар ҳақида ҳукм чиқариш ва кўриб чиқиш имомга ҳавола қилинади. Имом агар бу ерларни худди Росулуллоҳ ﷺ Хайбарда қилганларидек ғанимат қилиб бешга бўлиб тақсимлаш керак, деган фикрга келса бу унинг ҳукукидир. Энди агар имом бу ерни худди Умар Савод ерида қилганидек фой қилиб, уни бешга бўлмаслик ва тақсимламаслик керак, балки у мусулмонлар оммасига вақф бўлади, деган фикрга келса шуни қилади, деган фикрни билдиришди. Аниқ фатҳ қилинган ерларга оид ҳукмлар мана шулардир».

Ер Исломда Аллоҳ Муҳаммад ﷺ ни юборгандан бошлаб то Аллоҳ ер ва ундаги нарсаларни мерос қилиб оладиган кунга қадар ушр ери ёки хирож ери ёки сулҳ ери бўлади.

Ушр ери ундан чиқадиган ҳосилдан закот сифатида ушр ёки ушрнинг ярми олинадиган ердир. Уни ушрий ер дейилади. Бу ер ҳосилидан закот сифатида олинадиган ушрга нисбат берилиб у шундай деб аталди.

Унга аҳолиси бошиданоқ Исломга кирган барча ерлар киради. Масалан Мадинаи Мунаввара ва Индонезия каби. Чунки Мадина аҳли Росулуллоҳ ﷺ вақтида ва у кишидан кейин халифалар даврида ўзларининг ерлари ҳосилидан закот сифатида фақат ушр тўлаганлар.



Бутун араб жазираси ҳам ушр ерига киради. Бунда Мадина каби аҳолиси Исломга кирган бўладими ёки Макка каби куч билан фатҳ қилинган бўладими, бунинг фарқи йўқ. Росулulloҳ ﷺ Макка ерини унинг ўз аҳлига қолдирдилар, уни улардан тортиб олмадилар. Жазиранинг қолган ерлари ҳам шундай. Чунки Аллоҳ мушрик араблардан Исломга киришларидан бошқасини қабул қилмади, акс ҳолда уларга қарши жанг қилинадиган бўлди. Зеро Аллоҳ Ўз Росули ﷺни улардан танлаб олди ва Қуръонни уларнинг тилида нозил қилди. Шунинг учун улар уни тушунишга ва идрок қилишга қодирроқдирлар. Шу боис Аллоҳ уларнинг ҳаммасига Исломга киришни буюрди. Ким Исломга кирмаса ўлдириладиган бўлди. Аллоҳ уларнинг ўз динларида қолиб жизя тўлашларини қабул қилмади. Аксинча уларни бу хорликдан асраб икром қилди. Уларга жизя солинишини қабул қилмади, уларнинг ерига хирож солиғи солмади, балки бутун араб жазирасини ушр ерига айлантирди. Бунда аҳолиси Исломга кирган ер бўладими ёки куч билан фатҳ қилинган ер бўладими, бунинг фарқи йўқ. Араб жазираси аҳолисини мусулмонларга айлантирди. Росулulloҳ ﷺ яҳудларнинг ундан чиқиб кетишини буюрдилар. Араб жазирасида фақат Ислом дини қолиши учунгина шундай қилдилар. Дорамий Абу Убайда ибн Жарроҳдан ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺнинг охириги айтган сўзлари бундай бўлди:

«أَخْرِجُوا الْيَهُودَ مِنَ الْحِجَازِ وَأَهْلَ نَجْرَانَ مِنْ جَزِيرَةِ الْعَرَبِ»

**«Яҳудларни Ҳижоздан, Нажрон аҳлини араб жазирасидан чиқариб юборинглар».** Умар ﷺ уларни чиқариб юборди. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ давридан бошлаб то шу кунгача араб жазирасидан фақат ҳосилдан олинган закот сифатида ушр олинган, холос.

Мусулмонлар қурол кучи билан фатҳ қилган ва имом жангчилар ўртасида тақсимлаб берган барча ерлар – масалан Хайбар ери каби – ушр ерига қўшилади ва ушрий ер бўлади. Ёки имом жангчиларни ернинг бир қисмига жойлаштирган ерлар. Бундай ҳол мусулмон аскарлар билан Шом ва Ҳимсада рўй берган. Ахвас ибн Ҳакимнинг ривоят қилишича Ҳимсени фатҳ қилган мусулмонлар унга кирмаганлар, балки Арбид дарёси бўйида ҳарбий лагер қуриб, ўша ерга ишлов бериб уни унумдор қилганлар. Шундан сўнг бу ерни уларга Умар ва Усмон ўтказиб берган. Яна ривоят қилинишича Аллоҳ мусулмонларни Шом юрти устидан ғолиб қилиб, улар Дамашк

ва Ҳимс аҳли билан сулҳ тузишгач ғалабага эришмай ва Аллоҳ душманларини тор-мор қилмай туриб бу юртларга киришни хоҳламадилар. Шунинг учун Мизза ва Шаъбон яйлови ўртасидаги Барада яйловига ҳарбий лагер қурдилар. Бараданинг икки томонида ўтлоқ яйловлар бўлиб Дамашқ ва унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолиси бу яйловлардан бемалол фойдаланар, яйлов улардан биронтасига тегишли эмас эди. Мусулмонлар шу ерга ўрнашдилар. Бу хабар Умарга етиб Умар уни уларга ўтказиб берди, Умардан кейин Усмон ҳам уни ўтказиб берди. Бу ер ҳамон унинг аҳлиники бўлиб унга хирож солинмайди, балки ушр тўланади, холос. Чунки у мусулмонларга бошиданоқ мулк қилиб берилган ва унга хирож солинмаган. Имом куч билан фатҳ қилинган ерлардан одамларга бўлиб берган ер майдонлари ҳам ушр ерига қўшилиб ушрий ер бўлади. Улар аҳолиси мусулмонлардан қочиб ташлаб кетган ерлар ёки фатҳ қилинган давлатнинг ёки ундаги ҳокимларнинг ёки шу ҳокимлар аҳли оиласи, яқинларининг мулки бўлган ерлардир. Мадина аҳли бўлмиш қадимги шайхларнинг биридан ворид бўлишича, у девонда Умар ибн Хаттоб رضي الله عنهнинг Кисро ва унинг оиласи мол-мулкларини, еридан қочиб кетган ҳар бир кишининг, жангда ўлдирилган ҳар бир кишининг мол-мулкани ва ҳар бир сувлоқ жой ёки чангалзорни инъом қилиб берганини кўрган. Умар бу ерлардан кишиларга бўлиб берган бўлиб, бу ерлардан ушр олинар эди. Шунинг учун бу ерлар гарчи давлат кучи билан фатҳ қилинган бўлса-да – чунки улар ўз эгалари қўлида қолмади – ушрий ерга айланди ва уларга хирож солиғи солинмади, балки имом томонидан уларни мусулмонларга бўлиб берилгани сабабли мусулмоннинг мулки бўлиб қолди.

Имом ҳали фатҳ этилмаган ердан Аллоҳ уни мўминларга фатҳ қилиб берганидан кейин бўлиб берадиган ер ҳам ушрий ерга қўшилади ва у бўлиб берилган киши учун инъом бўлади. Бунга мисол қилиб Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг Тамим ад-Дорийга Халилдаги Ҳабро, Ҳабрун, Мархун ва Айнун ерини бўлиб берганини мисол қилиш мумкин. Чунки Тамим ад-Дорий Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم ҳузурига ўз жамоати билан бирга келган пайтида Пайғамбаримиз صلى الله عليه وسلمдан бу жойларни агар Аллоҳ мусулмонларга фатҳ қилиб берса ўзига бўлиб беришини сўраганида Пайғамбаримиз صلى الله عليه وسلم унга бўлиб берган ва бу тўғрида унга бир мактуб ёздириб берган эдилар. Умар ана шу мактубга

гувоҳ бўлганлардан бири эди. Аллоҳ бу ерларни Умар даврида мусулмонларга фатҳ қилиб бергач Тамим ад- Дорий Умардан бу ерларни ўзига беришини сўради. Умар Росулulloҳ ﷺнинг берганига вафо қилиб унга бу ерларни топширди. Абу Убайд шунга ўхшашни «Амвол»да ривоят қилган. Имом давлат мулки бўлган ушр ерларидан одамларга бўлиб берадиган ерлар ҳам шундай бўлади. Масалан Росулulloҳ ﷺ Билол ибн Хорис Мазанийга Ақиқнинг ҳаммасини бўлиб бергани каби. У Мадина яқинидаги ер бўлиб, ушр ери эди. Бу Абу Убайд ривоятига кўра шундай.

Инсон қайсидир йўсинда тирилтирган (унумдор қилган) ҳар қандай ўлик ер ҳам ушр ерига қўшилади ва ушрий ер бўлади. Бундай ер ушр ерида, яъни Араб жазираси, Индонезия ва аҳолиси Исломга кирган ҳар қайси ерда бўладими ёки Ироқ, Шом, Миср ва бошқа куч билан фатҳ қилинган юртлар ерлари каби хирож ерида бўладими бунинг фарқи йўқ. Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«مَنْ أَحْيَا أَرْضًا مَيْتَةً فَهِيَ لَهُ»

**«Ким бир ўлик ерни тирилтиса у униқидир».** Термизий ривояти. Саид ибн Зайд ривоят қилади, Набий ﷺ дедилар:

«مَنْ أَحْيَا أَرْضًا مَيْتَةً فَهِيَ لَهُ، وَلَيْسَ لِعِرْقِ ظَالِمٍ حَقٌّ»

**«Ким ўлик ерни тирилтиса у униқидир. Золимнинг тери учун ҳақ йўқ»** (яъни бу ерни биров зулм билан тортиб олиб, унга тер тўкиб ишлов берса ҳам унга ҳақдор бўлмайди).

Бу турдаги ерларнинг ҳаммаси ушрий ерлар бўлиб улардан агар ёмғир билан суғорилса ҳосилнинг ушри олинади, агар қудуқлар, дарёлар, суғориш каналларидан суғорилса ушрнинг ярми олинади. Бу ерлар бошқа қўлларга ўтиб эгалари алмашса ҳам ўзгармайди ва бошқа бўлиб қолмайди. Чунки бу ерларнинг сифати боқий бўлиб, ўзгармайди ва бошқача бўлиб қолмайди. Чунки бу ерлар аҳолиси Исломга кирган ёки бошиданок мусулмон мулки бўлган ёки Араб жазирасидан бўлган ердир. Бу сифатлар абадий боқий қолиб, йўқ бўлмайди. Ҳатто мусулмондан кофирга ўтса ҳам бу сифат шу ерларнинг ажралмас сифати бўлиб боқий қолаверади. Шунинг учун бу ерлардан чиқадиган ҳосил закоти сифатида ушр бериш вожиб бўлиб қолаверади. Агар ҳосил олинмайдиган ер бўлса бундай ерга закот вожиб бўлмайди. Шунинг учун турар жой бўлган ердан закот олинмайди. Фақат агар деҳқончилик қилинса

олинади. Агар ер тижорат учун олинган бўлса у тижорат товарларидан бирига айланиб қолади ва бу пайтда шу ердан тижорат товарлари закотини олиш вожиб бўлади.

Ушрий ер ўз эгаларининг мулки бўлиб, улар унга ва унинг манфаатига эгалик қиладилар, сотиб юбориш, тижорат, гаров, совға қилиш, вақф каби барча турдаги тасарруф юритиш ҳуқуқига эга бўладилар. Шунингдек бундай ер улардан мерос ҳам қолади. Бу ер улардан фақат уларнинг розилиги билангина олинади. Давлат агар бу ерни улардан олиб қўядиган бўлса уларга ернинг ва ундан олинадиган манфаатнинг пулини тўлайди. Лекин агар ернинг эгаси уни уч йил бекор ташлаб қўядиган бўлса ер ундан олиб қўйилади ва бошқасига берилади. Бу ерга уни сотиб олиб ёки мерос олиб ёки бўлиб берилиб ёки тирилтириб ёки бошқа сабаблар билан эга бўлганми, бунинг фарқи йўқ. Чунки бунда эътибор ерга эга бўлиш сабабига эмас, балки уни бекор ташлаб қўйилганига қаратилади. Шунинг учун ҳам Умар ибн Хаттоб Билол ибн Ҳорис Мазанийдан Ақиқ ерининг у ишлов бермай обод қилолмаган қисмини қайтариб олди. Умар унга: Росулulloҳ ﷺ сенга бу ерни тошга айлантириб, одамларга ман қилишинг учун эмас, балки ишлов беришинг учун бўлиб берганлар. Шунинг учун ундан ўзинг обод қилишга қудратинг етадиган қисмини олгинда, қолганини қайтариб бер, деганида Билол: Аллоҳга қасамки, ҳеч нарса қилмайман, уни менга Росулulloҳ ﷺ бўлиб берганлар, деди. Шунда Умар: Аллоҳга қасамки, албатта шундай қиласан, деди-да ундан обод қилолмаган қисмини эвазига ҳеч нарса бермай олиб қўйди ва мусулмонлар ўртасида тақсимлаб берди. Умардан минбар устида туриб: **«Ким бирон ерни тирилтирса у уникидир, тошга айлантириб ман қилувчи кимсанинг уч йилдан кейин ҳеч қандай ҳаққи бўлмайди»**, дегани ҳам ривоят қилинган. Буни Абу Юсуф «Хирож» китобида ривоят қилди. Умар яна бундай деган: **«Ким бир ерни уч йил обод қилмай ишловсиз бекор ташлаб қўйганидан кейин бошқа биров келиб уни обод қилса у ўшаникидир»**. Буни Ибн Ҳажар «Фатҳ»да зикр қилган. Саҳобалар ерни уч йил бекор ташлаб қўйган кимсадан олиб қўйилиб бошқасига берилишига ижмо қилганлар.

Энди хирож ерига тўхталадиган бўлсак, у мусулмонлар ва уларнинг қўшинлари қуввати ёрдамида куч билан фатҳ

килингган, лекин жангчилар ўртасида тақсимланмай, балки имом эгалари қўлида қолдириб, хирож солиғи солган ердир. Бундаги асос шуки, Умар ибн Хаттоб даврида Ироқ, Шом, Миср фатҳ қилингач ундан мусулмонлар бу ерларни ўзларининг ўртасида худди Росулulloҳ ﷺ Хайбарни тақсимлаб берганидек тақсимлаб беришини талаб қилдилар. Талаб қилувчиларга Билол, Абдурахмон ва Зубайр бош бўлди. Лекин Али ва Муоз Умардан ерни тақсимламасликни талаб қилишди. Абу Убайд «Амвол»да ривоят қилишича, Умар ﷺ Жобияга келиб бу ерни мусулмонлар ўртасида тақсимламоқчи бўлди. Шунда Муоз унга: Аллоҳга қасамки, албатта ўзинг ёқтирмайдиган нарса бўлади. Зеро сен агар бу ерни бугун тақсимлаб берсанг катта фойда бир қавмнинг қўлида бўлиб қолади. Сўнг улар ўлиб кетишади-да бу нарса битта киши ва аёлга ўтиб қолади. Улардан кейин бошқа бир қавм келиб Ислом ўрнига бошқа нарсани қилиб олмоқчи бўлишади. Ҳолбуки улар ҳеч нарса топиша олмайди. Шунинг учун аввалгиларинию кейингиларини қамраб оладиган бир ишни ўйлаб кўр, деди. Билол ва унинг ҳамроҳлари эса Умардан каттиқ талаб қилиб туриб олишди. Хатто Умар: «Аллоҳим менга Билол ва унинг яқинлари тўғрисида кифоя қилгин» деди. Умар бу тўғрида муҳожирлар ва ансорлар билан маслаҳат қилиб жумладан шундай деди: «Мен бу ерларни ғайридин эгалари қўлида қолдириш, уларга бу ерлар бўйича хирож солиш ва бўйинларига жизя солиғи солиш фикрига келдим. Улар бу солиқларни тўлашади. Натижада бу жангчи мусулмонлар ва зурриётлари учун ҳамда улардан кейин келадиганлар учун фай-ўлжа бўлади. Бу чегараларни кўряпсизларми. Уларни доим кўриқлайдиган кишилар зарур. Шом, Жазира, Куфа, Басра, Миср каби мана бу катта шаҳарларни кўряпсизларми. Уларни қўшинлар билан тўлғазиш ва бу қўшинларга етарли маош бериш зарур. Хўш агар бу ерларни ва ғайридин эгаларини тақсимлаб берадиган бўлсам, ана шу қўшинларга қаердан маош берилади». Шунда муҳожир ва ансорларнинг ҳаммалари: Сиз нима фикрга келган бўлсангиз шу бўлади, нима қилсангиз ва нима фикрга келсангиз шу маъқулдир, дедилар. Умар ўз раъйига Ҳашр сурасида келган фай ҳақидаги оятларни, жумладан:

وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ

**«Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: “Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин”»** [Ҳашр 10]

оятини далил қилиб келтирди. Умар саҳобалар, тобеинлар ва табаа тобеинларнинг кейин келадиган фарзандлари ва улардан кейин қиёмат кунигача келадиган авлод мана шу файга ҳақли бўлишига мана шу оятдан далил келтирди.

Шунинг учун Умарнинг «эхтиёж доимий сарф-харажат манбаини вужудга келтиришга чорлайди, аскарларга шу манбадан сарфланади, маош уларга шу манбадан тўланади, давлат манфаатларини идора қилишга ҳам шу манбадан сарфланади, мухтожларга охир замонгача шу манбадан берилади. Бу сарф харажатлар учун доимий туганмас манба зарур», деган нуқтаи назари, унинг Ҳашр сурасида келган фай оятларини фикрлаб тушуниши унинг фатҳ қилинган ерларни мусулмонлар ўртасида тақсимлашдан бош тортишига, бу ерларни ўз эгалари қўлида қолдириб уларга хирож солиғи солишига олиб келди. Мусулмонлар қўшинларига ва уларнинг манфаатларига сарфланадиган доимий фай бўлиб қолиши учун шундай қилди. Мана шу Умарни мусулмонлар ўртасида ерни тақсимлаб бермасликка ундаган ҳақиқий маънодир. Бу маънони Умарнинг мана бу сўзи ифодалаб турибди: **«Аммо жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар одамларнинг охирини ҳеч нарсаи йўқ қашшоқ қилиб қолдиришдан қўрқмаганимда қайси шаҳарни фатҳ қилсам уни худди Набий ﷺ Хайбарни тақсим қилиб берганидек тақсим қилиб берган бўлардим. Лекин мен уни уларга ўзаро тақсимлаб олишадиган бир хазина қилиб қолдираман».** Бухорий ривояти.

Шундан тушуниладики хирож ерининг эгалиги ҳамма мусулмонларникидир ва бу эгалик уларда сақланади. Бу ерни илгариги эгалари қўлида қолдириш мусулмонлар ўрнига унга ишлов бериб обод қилишлари ва фойдаланишлари учундир, холос. Ердан фойдаланишлари учун уларнинг қўлида қолдирилиши эвазига улар хирож тўлашлари лозим. Демак улар ернинг эгалари эмас, лекин уларнинг ер манфаатига эга бўлишларига рози бўлинган. Шунинг учун баъзи саҳобалар ва аҳли илмдан кўпчилиги бу ерни сотмаслик лозим, деган раъйни билдирган. Жумладан Умар, Али, Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Авзойи, Молик шундай раъй билдирган,

Авзой бундай деди: **«Мусулмонлар имомлари жизя ерни сотишдан доим қайтариб келишди ва мусулмон уламолар буни макруҳ кўришади»**. Шайбанийнинг ривоят қилишича, Утба ибн Фарқад Фурот дарёси соҳилидаги бир ерни сотиб олиб у ерда қасаба (янги қудуқ қазилган жой) қилмокчи бўлди. Буни Умарга айтган эди у: **«Уни кимдан сотиб олдинг»**, деди. Утба: **«Эгаларидан»**, деди. Муҳожирлар ва ансорлар тўплангач Умар: **«Эгалари мана булар, хўш булардан бирон нарса сотиб олдингми»**, деди. Утба: **«Йўқ»**, деди. Шунда Умар: **«Уни кимдан сотиб олган бўлсанг ўшанга қайтариб бер ва пулингни қайтариб ол»**, деди. Уламоларнинг хирожий ерни аҳли зиммадан сотиб олишни макруҳ кўрганларининг сабаби шуки, бу ер эгалиги мусулмонларга маҳкам қилиб қўйилган. Демак бу ер вақфга ўхшаб қолди. Вақф эса сотилмайди. Қолаверса бундай ерни аҳли зиммадан сотиб олиш мусулмонни хирож тўлайдиган қилиб қўяди. Уламолар хирож тўлашни мусулмонлар халос бўлиши вожиб бўлган бир хорлик деб ҳисоблашган. Ҳатто улар кимки хирож тўлашни қабул қилса, хорликка рози бўлибди, деган фикрни билдиришган. Лекин бундай ерни сотиб олишда ҳеч қандай зарар йўқ, деб биладиган бошқа саҳобалар ва фақиҳлар ҳам бор. Баъзи саҳобалар хирож ерларидан сотиб олганлар. Масалан ривоят қилинишича Ибн Масъуд бир дехқондан ер сотиб олган. Саврий бундай деди: Агар имом куч билан олинган юрт аҳлини ўзларининг ерларида жойлаштира улар бу ерларни бир-бирига мерос қилиб қолдиришади ва сотишади. Ибн Сирин ва Қуртубийдан ҳам шунга ўхшаш раъй ривоят қилинган. Аҳмаддан шундай дегани ривоят қилинди: **«Агар сотиб олиш осонроқ бўлса киши ўзига етарли бўлганини ва одамлардан беҳожат қиладиганини сотиб олади»**.

Куч билан фатҳ қилинган ва аҳли хирож тўлашлари шарти билан жойлаштирилган ер воқесига диққат билан назар ташланадиган бўлса, бу ерни фарзандлар оталаридан, кейинги авлод олдингиларидан мерос қилиб олишганига, саҳобалардан ва мусулмонлардан ҳеч ким бунга қарши чиқмаганига гувоҳ бўлинади. Бу эса хирожий ер ушрий ер каби мерос қилиб олинишига шаръий далилдир. Лекин хирожий ерда мерос қилиб қолдириладиган нарса фақат унинг доимий манфаатидир, холос. Бу ернинг эгалиги мерос қилиб қолдирилмайди. Чунки бу эгалик ҳамма мусулмонларнинг

мулкидир. Аммо унинг манфаати, яъни ундан фойдаланишга келсак, Умар ибн Хаттоб унинг илгариги эгалари охирги давргача унинг доимий манфаатига эга бўлишларига рози бўлди. Манфаатга эга бўлинади ва мерос қилиб қолдирилади. Манфаатга эга бўлган одам уни барча турдаги тасарруф билан тасарруф қилиш, яъни сотиш, гаров, совға қилиш, васият ва бошқа тасарруфлар ҳуқуқига эга бўлади.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томонига келсак, хирожда хорлик деган нарса кўринмайди. Аксинча у жияда бўлади. Чунки ернинг хирожини шу ер соҳиби унинг манфаатига эга бўлишга рози бўлгани эвазига тўлайди. Бу эгалик унга ерни ишлатиш ва ундан фойдаланиш имконини беради. Шунинг учун бунда тубанлик ва хорлик маъноси кўзга ташланмайди. Чунки у хирожни манфаат эвазига тўлайди. Манфаат эвазига ҳар қандай молни тўлашда хорлик мавжуд бўлмайди. Киши яшаш учун ҳовли жойдан фойдалангани ёки дўконда тижорат қилиб фойдалангани эвазига тўлайдиган ижарада ҳеч қандай хорлик йўқлигини кўриб турибсиз-ку ахир. Шунинг учун ернинг хирожи унинг манфаатига эга бўлиш, яъни ундан фойдаланиш эвазига тўлангани боис хорлик деб эътибор қилинмайди. Бу билан хирож ерини сотиб оладиган кишига ҳеч қандай хорлик бўлмайди.

Учинчидан, фатҳ қилинган, хирож тўланадиган ерда қолдирилган кофир ва унинг зурриёти мусулмонга айланиши мумкин. Мусулмон бўлиши билан ер манфаатига эгалик кофирдан мусулмонга кўчган бўлади. Бу билан хирож тўлаш кофирдан мусулмонга ўтган бўлади. Амалда ҳам шундай бўлди. Масалан Ироқ, Шом, Форс, Миср ва бошқа фатҳ қилинган юртлар аҳли мусулмон бўлишди ва мусулмон хирож тўлайдиган бўлиб қолди. Хирожий ернинг бир мусулмондан бошқа бир мусулмонга олди-сотди, совға ёки мерос орқали ўтишида фарқ йўқ. Чунки мусулмонлар баробардир. Зеро бир мусулмон билан бошқа мусулмон эгаллиги ўртасида фарқ йўқ. Бу билан хирож ерининг бир мусулмондан бошқа бир мусулмонга мерос ёки сотув ёки совға ёки васият ёки бошқа йўл орқали ўтишида ҳеч қандай ҳараж йўқлиги аён бўлади. Бу ернинг сифати ва ундан тўлаш лозим бўладиган нарса – унинг эгаси қанчалик ўзгармасин ва қанчалик қўлдан-қўлга ўтмасин – қиёматгача боқий қолаверади. Чунки ернинг куч билан фатҳ қилинган деган сифати қиёматгача боқий қолиб, ўзгармайди. Унинг манфаатига эгалик қилиш кофирдан мусулмонга ўтиши



бу сифатни ҳамда бу ердан тўланиши лозим бўлган хирожни ўзгартирмайди. Чунки хирож эгаликка эмас, фатҳ қилиниб аҳли қўлида қолдирилган ерга боғлиқдир.

Ким ер манфаатига эгалик қилса бу манфаатни сотиб юбориши ва унинг пулини талаб қилиб олиши мумкин. Чунки манфаатлар олди-сотди қилинади ва уларнинг пулига ҳақли бўлинади. Ҳеч ким, ҳатто мусулмонлар халифаси ҳам бу ерни унинг соҳибидан тортиб олиш ҳуқуқига эга эмас. Абу Юсуф бундай деди: «Қайсики ерни имом куч билан фатҳ қилиб, уни тақсимлаб беришни мақбул кўрмаган бўлса ва худди Умар ибн Хаттоб ﷺ Савод ерида қилганидек уни ўз аҳли қўлида қолдириш фойдали, деган фикрга келган бўлса, буни қилиш унинг ҳуқуқи бўлиб, у хирож ери бўлади. Шундан кейин уни улардан тортиб ололмайди. Зеро у уларнинг мулки бўлиб, уни бир-бирига мерос қолдиришади, сотишади ва уларга хирож солинади. Волийлар кимга Савод еридан бирон ерни бўлиб берган бўлса улардан кейин келадиган халифаларнинг буни рад қилиши ва уни ўша одам қўлидан тортиб олиши – бу одам ворис бўладими ёки сотиб олган бўладими бунинг фарқи йўқ – ҳалол бўлмайди. Аммо агар волий ерни биттасининг қўлидан олиб бошқасига бўлиб берган бўлса бу тортиб олиш ҳисобланиб, биттасидан тортиб олиб бошқасига берган бўлади. Демак имомнинг одамлардан бирига бирон мусулмоннинг ва бирон муоҳиднинг ҳаққини бўлиб бериши ҳалол бўлмайди, у бундай қилолмайди. Имом мусулмоннинг ёки муоҳиднинг қўлидан ана шундан бирон нарсани фақат тўлаши вожиб бўлган ҳақ йўл билангина олиши мумкин. Демак имом уни шу мусулмон ёки муоҳид тўлаши вожиб бўлган ана шу нарса йўли билангина олади». Шунга кўра агар давлатнинг мусулмонлар муҳтож бўлиб қолган бирон манфаат сабабли хирож ерларидан бирини олиб қўйишига эҳтиёж туғилса у ҳолда давлат шу ер эгасига ернинг ўзига эгалик пулини эмас, балки унинг манфаатига эгалик пулини тўлаши лозим бўлади. Чунки хирожий ернинг эгаси ернинг ўзига эмас, балки ундан келадиган манфаатга эгалик қилади, холос. Чунки ернинг ўзига эгалик мусулмонларнинг мулкидир. Шунинг учун давлат ер эгасига у эга бўладиган манфаат пулини – бу манфаат катта бўладими ёки кичикми фарқи йўқ – тўлаши керак ва бу ерга қурилган бино ёки экилган дарахт пулини тўлаш билангина чекланмаслиги керак. Чунки давлатнинг бу билангина

чекланиб қолиши ер эгасининг ҳаққини тортиб олиш ҳисобланади. Чунки ер эгаси шу ерга қурилган бино ёки экилган дарахтнинг эгасидир, у бу ердаги ҳосил бериш қувватининг ва доимий манфаатнинг эгасидир. Шунинг учун барча нарсанинг пули аниқ ҳисоблаб чиқиши лозим. Айниқса ернинг эгаси бу ердаги бино ёки экилган дарахтнинг нархи минг сўм бўлмаган бир пайтда уни ўн мингга сотиб олган бўлса шундай қилиш зарур. Чунки бино ва дарахт пулини тўлаш билангина чекланиш ер эгасига зулм бўлади ва унинг ҳаққини зое қилиш бўлади. Шунинг учун давлат унинг еридаги барча манфаат пулини тўламаса ерни тортиб олган бўлади. Зеро буни сотиладиган ҳар қандай манфаатга ўхшатиш мумкин. Шунинг учун унинг пули тўлиқ тўланиши лозим.

Хирожий ерга тааллуқли юқоридаги ҳукмларнинг ҳаммаси деҳқончилик учун тайёрлаб қўйилган ер ҳақида эди. Аммо фатҳ қилинган юртлардаги уй-жой учун мўлжалланган ерларга келсак, уларнинг ҳукми деҳқончилик ерлари ҳукмларидан бошқачадир. Чунки уй-жой қурилган ерлардан хирож олинмайди ва унинг ўзига ҳам, манфаатига ҳам эгалик қилинади. Бунга саҳобалар ижмо қилганлар. Чунки мусулмонлар Ироқни фатҳ қилишган пайтда Куфа ва Басра ер майдони режасини тузишиб уни ўзаро тақсимлаб олдилар ва уларнинг мулкига айланди. Умар ибн Хаттоб даврида унинг рухсати билан бу ерларнинг ўзига ҳам, улардан келадиган манфаатга ҳам эгалик қиладиган бўлдилар. Росулulloҳ ﷺнинг саҳобалари бу ерларга уй-жой қурдилар. Шом, Миср ва бошқа фатҳ қилинган юртларда ҳам шундай бўлди. Бу ерлардан бирон нарсада хирож тўламадилар. Бу ерлар ҳар қандай шахсий мулк каби олди-сотди қилинадиган бўлди. Шунингдек бу ерлардан закот олинмади. Фақат агар тижорат товари қилиб олинсагина закот олинадиган бўлди.

Шундай қилиб демак куч билан фатҳ қилинган ернинг масаласи имомга ҳавола қилинади. Имом хоҳласа бу ерни худди Росулulloҳ ﷺ Хайбарни тақсимлаб берганларидек тақсимлаб беради, хоҳласа худди Умар Савод, Шом ва Миср ери борасида қилганидек ерни эгалари қўлида колдиради ва мусулмонлар учун бир фай-ўлжа сифатида шу эгаларига хирож солиғи солади. Имом бу тўғрида мусулмонлар учун нимани манфаатли деб билса шуни қилади.

Энди сулҳ ери ҳақида тўхталадиган бўлсак, у аҳли билан муайян шартлар асосида сулҳ тузилган барча ерлардир. Мусулмонлар сулҳ шартлари қандай шартлар бўлмасин аҳдларга амал ва вафо қилиш вожиб вазифасини юклайдиган Аллоҳ Китобидаги оятлар ва Росули суннатидаги саҳиҳ ҳадисларга мувофиқ шу шартларга вафо ва амал қилишлари лозим.

Сулҳ ери сулҳ тузилган пайтда келишилган шартлар навига қараб турлича бўлади. Масалан ер мусулмонларга топширилиши ва сулҳ шартларига мувофиқ аҳли ундан кўчириб юборилиши мумкин. Бани Назир яҳудлари билан худди шундай ҳол юз берган. Чунки Росулulloҳ ﷺ улар билан Мадинадан уларни кўчириб юбориш шарти билан сулҳ туздилар. Уларга бир туя кўтарадиган матолар ва молларни олиб кетишга рухсат берилди. Фақат қурол-аслаҳа олиб кетишларига рухсат берилмади. Бу ер Аллоҳ Ўз Росулига фой килиб берган нарсалар жумласидан бўлди. Бу турдаги ер масаласи имомга ҳавола қилинади. Имом унинг борасида мусулмонлар учун манфаатли деб биладиган шаклда иш тутади.

Яна бир ер борки, у аҳли билан – унга эгалик қилишни уларга қолдириш ва уларни шу ерда қолдиришга рози бўлишимиз шарти асосида – сулҳ тузилган ердир. Улар маълум миқдорда хирож тўлашлари шарт. Бу ернинг ўзи ва ундан келадиган манфаат сулҳ шартлари бўйича аҳлининг мулки бўлиб қолаверади. Улар уни ўзлари эга бўладиган ҳар қандай товарни ўзаро айирбошлашганидек айирбошлашлари, сотиб юборишлари, вақф қилиб қўйишлари, совға қилишлари мумкин. Улар фақат сулҳда кўрсатилган хирожнигина тўлашади, бундан оширилмайди. Бу хирож жия ўрнида бўлади. Шунинг учун уларнинг ери мусулмон қўлига ўтса мусулмон бу ердан хирож тўламайди. Чунки бу ер хирож ери эмас. Бу ернинг аҳолиси Исломига киришса улардан ҳам Исломига кирган кишидан жия соқит бўлганидек хирож соқит бўлади. Бунга мисол қилиб Ҳажар ва Баҳрайн ерини келтириш мумкин. Чунки Ҳажар ва Баҳрайн сулҳ билан фатҳ қилинган. Шунингдек Айла, Ақаба, Давма, Жандал ва Азруж ҳам сулҳ билан фатҳ қилинган. Бу қишлоқлар Росулulloҳ ﷺга жия тўлашган. Шом шаҳарлари ҳам шундай қилишган. Фақат Қайсария бундан мустасно бўлган. Жазира юртлари ва

Хуросон юртларининг ҳаммаси ёки аксари сулҳ билан фатҳ қилинди. Шунинг учун уларга сулҳ ҳукми юритилади.

Яна бир ер борки, у кофирлар билан бу ер бизники бўлиши ва маълум хирожни тўлаб, унга жойлашишлари ва уни обод қилишларига биз рози бўлишимиз шarti билан сулҳ тузилган ердир. Бу ер куч билан олинган ер ҳукмида бўлади ва ундан куч билан олинган ер хирожини олинади.

## Дорул куфр ва дорул Ислом

Дорун деб луғатда ўрин, маскан, юрт, қабилага нисбатан кўлланади. Дорул ҳарб деб душман ерини айтилади. Кофирларнинг яшаб, куфр билан ҳукм юритишадиган юртлари дорул ҳарб ва дорул куфр эканлигида ихтилоф йўқ. Шунингдек мусулмонлар ўлжа қилиб олган ва ҳали Ислом ҳукмларини ўрнатишмаган жангоҳ ернинг ҳам – гарчи бу ер мусулмонлар кўли остида бўлса ҳам – дорул ҳарб ва дорул куфр эканида ихтилоф йўқ. Шунинг учун фақиҳлар «**Агар дорул ҳарбда ғаниматлар тақсимланса ўз улушини олган кишининг бу улушни сотиб юбориши ва бошқа нарса билан тасарруф қилиши жоиздир**», деганлар. Дорул ҳарб ва дорул куфр битта маънода бўлиб душман мамлакатига ва жангоҳ ерга нисбатан кўлланилади. Шунингдек дорул Исломнинг Ислом ҳукмига бўйсунадиган ва мусулмонлар ҳукм юритадиган юртлар эканлигида ҳам ихтилоф йўқ. Бунда бу юртлар аҳолиси мусулмон ёки зиммий бўлишининг фарқи йўқ. Фақиҳлар яна «дорул куфр унда Ислом ҳукмлари зоҳир бўлиши билан дорул Исломга айланади» дедилар. Лекин фақиҳлар дорул Исломнинг нима билан дорул куфрга айланиши ҳақида ихтилоф қилдилар. Айрим мужтаҳидларнинг айтишича, дорул Ислом қуйидаги уч шарт билангина дорул куфрга айланади. Биринчиси: унда куфр ҳукмларининг зоҳир бўлиши. Иккинчиси: дорул куфрга чегарадош бўлиши. Учинчиси: унда биронта мусулмон ҳам, мусулмонлар омонлик берган биронта зиммий ҳам қолмаслиги. Бу гап бирон далилга асосланмаган, балки дор (диёр) воқесини сифатлашдир, холос. Зеро кўриниб турган нарса шуки, мусулмонлар билан кофирлар ўртасида жанг юз бериб, кофирлар мусулмонлар ерини босиб олса ва бу ерда уруш давом этса, мана шу ҳолатда дорул Ислом дорул куфрга айланди деб ҳисобланади. Баъзи мужтаҳидлар эса дорул Ислом унда куфр ҳукмлари зоҳир бўлиши билан дорул куфрга айланади, деган фикрни билдирдилар. Бу гапга асос шуки, биз дорул Ислом ва дорул куфр деб дорун сўзини Исломга ва куфрга изофа қилиб (қўшиб) айтар эканмиз, дорун сўзи Ислом зоҳир бўлгани сабабли Исломга изофа қилиб айтилади ёки куфр зоҳир бўлса куфрга изофа қилиб айтилади. Бу худди жаннатни дорус салом, дўзахни дорул бавор деб айтилганига ўхшайди. Жаннатда саломатлик бўлгани учун уни дорус салом дейилса, дўзахда бавор (ҳалокат) борлиги сабабли

дорул бавор дейилади. Ислом ва куфрнинг зоҳир бўлиши бу иккисининг ҳукмлари зоҳир бўлиши билан бўлади. Демак диёрда куфр ҳукмлари зоҳир бўлса бу диёр дорул куфрга айланган бўлади. Натижада дорун сўзини куфрга изофа қилиб айтиш тўғри бўлади. Шунинг учун диёрда Ислом ҳукмлари зоҳир бўлса бу диёр дорул Исломга айланади. Бунда бошқа шартга ҳожат йўқ. Бунинг акси бўлиб диёрда куфр ҳукмлари зоҳир бўлса бу диёр дорул куфрга айланади.

Модомики бу иш диёр воқесига тааллуқли экан демак диёрнинг дорул куфрга, яъни дорул ҳарбга чегарадош бўлиши ёки бўлмаслиги масаласини эътиборга олиш ноўрин. Чунки исломий юртларнинг ҳаммаси дорул ҳарб, яъни дорул куфрга чегарадош бўлган. Шунга қарамай улар саҳобалар ижмоси билан дорул Ислом ҳисобланган. Агар ана шу нарса шарт бўлганида эди ҳамма чегаралар дорул куфр бўлиб қоларди. Шунингдек мусулмонлар омонлигини диёрни дорул Исломга айлантиришдаги бир шарт деб ҳисобламаслик Ислом билан ҳукм юритган, лекин кофирлар нуфузи ва омонлигига бўйсунган исломий юртларни дорул Ислом деб эътибор қилишга олиб келади. Мусулмонлар мусулмонларнинг омонлигида бўлмай кофирлар омонлигида бўлишларига қарамай бу диёрларни дорул Ислом деб эътибор қилиш лозим бўлиб қолади. Ҳақиқат шундан иборатки диёрни дорул Ислом ёки дорул куфр деб ҳисоблаш учун ушбу икки ишга назар ташлаш зарур. Биринчиси: Ислом билан ҳукм юритиш. Иккинчиси: Мусулмонлар омонлиги, яъни уларнинг ҳукмронлиги билан омонлик бўлиши. Агар диёрда мана шу икки нарса тўлиқ топилса, яъни Ислом билан ҳукм юритилса ва бу диёр омонлиги мусулмонлар омонлиги, яъни салтанати билан бўлса у дорул Ислом бўлади ва дорул куфрдан дорул Исломга айланади. Аммо агар бу икки нарсадан бири йўқ бўлса диёр дорул Исломга айланмайди. Шунингдек Ислом диёрида Ислом ҳукмлари билан ҳукм юритилмаса у дорул куфр бўлади. Шунингдек диёрда Ислом билан ҳукм юритилса - ю лекин унинг омонлиги мусулмонлар омонлиги, яъни уларнинг салтанати билан бўлмай кофирлар салтанати билан бўлса бу диёр ҳам дорул куфр бўлади. Шунга кўра демак бугун мусулмонларнинг ҳамма юртлари дорул куфрдир. Чунки бу юртларда Ислом билан ҳукм юритилмаяпти. Кофирлар бир мусулмонни Ислом ҳукмлари билан ҳукм юритадиган қилиб тиклашган бўлса-ю лекин бу мусулмон уларнинг салтанати

остида бўлса ва унинг омонлиги кофирларнинг омонлиги билан бўлса, бунда ҳам диёр дорул куфр бўлиб қолаверади. Зеро мусулмонлар юртлари дорул Исломога айланиши учун уларда Исломо ҳукми ўрнатилиши ва бу юртлар омонлиги мусулмонлар омонлиги билан, яъни уларнинг салтанати билан бўлиши лозим. Шунга кўра диёрнинг куфр ёки Исломо билан сифатланишини шу диёр воқелиги кўрсатиб беради. Бунда юритилаётган ҳукм эътиборга олинганидек, омонлик ҳам эътиборга олинади. Чунки омонлик ҳукм тақозо қиладиган нарсаларнинг бир ажралмас қисмидир. Шунинг учун агар Исломо диёрида Исломо билан ҳукм юритилмаса ёки мусулмонлар омонлиги билан бўлган омонлик йўқ бўлса, шу иккисидан қайси бири йўқ бўлса ҳам, бу диёр дорул куфрга айланади. Демак диёрнинг дорул Исломо бўлиб қолишининг шarti унга Исломо билан ҳукм юритиш ва унинг омонлиги мусулмонлар омонлиги билан бўлишидир. Дорул куфр эса фақат унда Исломо билан ҳукм юритилсагина ва унинг омонлиги мусулмонлар омонлиги билан бўлсагина дорул Исломога айланади. Шу икки иш топилмаса дорул куфр бўлиб қолаверади. Демак Исломо билан ҳукм юритиш ва мусулмонлар омонлиги билан бўлиш диёрнинг дорул Исломо деб сифатланиши учун зарур бўлган бир-биридан ажралмас икки ишдир.

Хуллас диёрнинг дорул куфр ёки дорул Исломо бўлиши шу диёр воқесига алоқадордир. Дорун деб луғатда қабилага нисбатан қўлланади. Дорул ҳарб душман еридир. Шунинг учун дорул ҳарб ва дорул Исломо деймиз, дорул куфр ва дорул Исломо деб ҳам айтаемиз. Иккаласи ҳам битта маънодадир. Чунки мусулмонлар то одамлар «Ла илаҳа иллаллоҳ» дегамагунларича ёки Исломо ҳукмларига бўйсунмагунларича ҳарбга, яъни жанг қилишга буюрилганлар. Агар одамлар Исломо ҳукмларига бўйсунмаса – гарчи улар кофирлигича қолишса ҳам – улардан жанг кўтарилади. Энди агар Исломо ҳукми остига киришмайдиган бўлса уларга қарши уруш қилинади. Демак уларга қарши уруш қилишнинг сабаби уларнинг даъватни қабул қилмаган кофирлар эканидир. Уларга қарши жанг қилишнинг тўхташи сабаби эса Исломо билан ҳукм юритишни қабул қилишларидир. Шунинг учун агар улар кофирликларида қолишса ҳам уларга Исломо билан ҳукм юритилса жангни тўхтатиш сабаби вужудга келган бўлади ва урушни тугатиш вожиб бўлади. Бу эса уларга Исломо билан

ҳукм юритиш уларнинг мамлакатини дорул ҳарбдан дорул Исломга айлантиришига далолат қилади. Демак урушнинг давом этиши ёки тўхташи Ислом билан ҳукм юритишга боғлиқдир. Бу эса диёрнинг дорул Ислом ёки дорул куфр эканини белгилайдиган сифат Ислом билан ҳукм юритиш эканига далолат қилади. Унинг ҳукм, яъни салтанат бўлишининг маъноси ички ва ташқи омонлик (хавфсизлик) у билан, яъни Ислом салтанати билан бўлишидир. Акс ҳолда ўзининг ҳукм сифатида ажралиб туриш хусусиятини йўқотади. Шунга қўра Ислом билан ҳукм юритиш ва унинг ажралмас қисми бўлган омонлик диёрнинг дорул Ислом ёки дорул ҳарб эканини белгилайди. Бунга яна бир далил шуки халифа Ислом билан ҳукм юритмай куфр ҳукмлари билан ҳукм юритса мусулмонларнинг унга қарши то у Ислом билан ҳукм юритмагунча уруш қилишлари фарз бўлиб қолади. Шунингдек агар мусулмонлар Ислом ҳукмларини тарк қилишадиган бўлса имомнинг уларга қарши то улар Ислом ҳукмларига қайтмагунларича уруш қилиши фарз бўлиб қолади. Бу ҳам кимки Ислом билан ҳукм юритмайдиган бўлса, гарчи улар мусулмонлар бўлса ҳам, бунинг оқибатида уларга қарши уруш келиб чиқишини очик кўрсатиб турибди. У диёрнинг дорул ҳарб экани билинадиган аломатга далолат қилади. Дорул куфр ва дорул ҳарб битта маънодадир. Дорул куфр деганда дорун сўзи куфр сўзига изофа бўлди. Диёрнинг ўзи куфр билан сифатланмайди. Демак куфр бу диёрга юритиладиган ҳукмнинг сифати бўлади. Шунингдек дорул Ислом дейилса ҳам диёрнинг ўзи Ислом билан сифатланмайди, балки Ислом шу диёрга юритиладиган ҳукмнинг сифатидир. Илова тарзида шуни ҳам айтиш керакки, фатҳ қилинган бирон юртнинг аҳолиси кофирлигича қолишган бўлса, лекин бу юртга Ислом билан ҳукм юритилса у аниқ дорул Ислом бўлади.



## Мўминларнинг кофирларни дўст тутиши

Аллоҳ Таоло деди:

لَا يَخْذُ الْمُؤْمِنُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَلَيْسَ مِنَ اللَّهِ فِي شَيْءٍ  
إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً وَيُحَدِّثْكُمْ اللَّهُ نَفْسَهُ وَإِلَى اللَّهِ الْمَصِيرُ

**«Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар!  
Ким шундай қилса, бас, Аллоҳга ҳеч нарсада эмас (яъни Аллоҳга  
бегонадир). Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки  
муомала қилсангиз жоиздир), Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан)  
огоҳ қилур. Ва фақат Аллоҳга қайтажаксиз»** [Оли Имрон 28]

Яъқуб ва Саҳл «تَقْوِيَةً» деб ўқиди. У Ҳасан ва Мужоҳиднинг кироатидир. Қолганлар эса «تُقَاةً» деб кироат қилишди. Қомусул муҳитда: «Тавқия – қўриқлаш ва сақлашдир», дейилган. Оятдаги мана шу насс унинг мавзусини кўрсатиб турибди. «تَقْوِيَةً» калимасининг мана шу луғавий маъноси бу оятдаги шу калима англатадиган маънони кўрсатиб турибди. Унинг шаръий маъноси собит бўлмагани учун уни луғавий маъно билан тафсир қилиш лозим бўлади. Биз оятнинг умумий маъносини ва тафсилотини фақат шу асосда тушуна оламиз. Аммо бу оятнинг нозил бўлиши сабаблари ҳақида ворид бўлган ҳадисларга келсак, улар агар саҳиҳ бўлса оятда келган нарса тафсилотларига етакласа-да, лекин унинг мавзусини ҳам, жумлаларининг луғат ва шариат далолат қилган маъноларини ҳам ўзгартирмайди. Оятнинг мавзуси эса унинг жумлаларида очиқ кўриниб турибди. У мўминларнинг кофирларни дўст тутиши мавзусидир. Зеро насс қуйидагича:

لَا يَخْذُ الْمُؤْمِنُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ

**«Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар!»**  
[Оли Имрон 28]

Агар бирон оят ёки бир неча ҳадислар муайян мавзуда келса улар шу мавзуга хос бўлиб, ундан бошқасини ўз ичига олмайди. Демак масала мўминларнинг кофирларни дўст тутиши масаласи бўлиб, бу оят бундан кескин қайтариб келди. Бу шу мавзудаги ягона оят эмас. Чунки бу мавзуда бир неча оятлар келган. Масалан Аллоҳ Таолонинг ушбу қавли каби:

بَشِّرِ الْمُنَافِقِينَ بِأَنَّ لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا \* الَّذِينَ يَتَّخِذُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ

**«Бундай мунофиқларга улар учун аламли азоб борлигидан  
«хушхабар» бериб қўйинг! Улар мўминларни қўйиб кофирларни  
дўст тутадилар»** [Нисо 138-139]

Аллоҳ Таоло деди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ

«Эй мўминлар, мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутманглар!» [Нисо 144]

Аллоҳ Таоло деди:

لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ

«Аллоҳга ва охират кунига имон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайгамбари чизган чизиқдан чиққан кимсалар билан дўстлашаётганларини топмассиз» [Мужодадала 22]

Яна Аллоҳ Таолонинг ушбу қавли каби:

لَا تَتَّخِذُوا الْيَهُودَ وَالنَّصَارَى أَوْلِيَاءَ

«Яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз!» [Моида 51]

Аллоҳ Таоло яна деди:

لَا تَتَّخِذُوا عَدُوِّي وَعَدُوَّكُمْ أَوْلِيَاءَ

«Менинг душманим ва сизларнинг душманларингизни дўст тутманглар!» [Мумтаҳана 1]

Булардан бошқа оятлар ҳам бор.

Демак мавзу мўминларнинг кофирларни дўст тутиши мавзусидир. Оятнинг қолган қисми шу мавзунинг тафсилотидир. Аллоҳ Таоло кофирларни дўст тутишдан мўминларни қайтарар экан, кимки кофирларни дўст тутса Аллоҳ ундан бегона эканини баён қилиб, бу қайтаришни қатъий, кескин оҳангда билдирди. Сўнгра бу кескин қайтаришдан битта ҳолатни мустасно қилди. У мўминнинг кофир томонидан озор етиб қолишидан сақланиши ҳолатидир. Бунда ана шу озорни даф қилиш учун кофирни дўст тутиши жоиз бўлади. Бу эса мусулмон одам кофирнинг ҳукмронлиги остида бўлиб қолиб ўз ишида мағлуб бўлган пайтда бўлади. Яъни кофирдан эҳтиёт бўлиш уни дўст тутишни жоиз қилиб қўяди. Шунинг учун эҳтиёт бўлишга ҳожат қолмаса дўст тутиш ҳаром бўлиб қолади. Шунга кўра масала зохирда дўст тутиб, ичида эса унинг аксини яширин тутиш эмас, балки мўминнинг кофирдан эҳтиёт бўлиш ҳолатини уни дўст тутишнинг умумий ҳаромлигидан истисно қилишдир. Бундай ҳолат айтиб ўтганимиздек мусулмон ўз ишида мағлуб бўлиб қоладиган пайтда бўлади. Оятдан кофирларни дўст тутишдан, улардан ёрдам сўрашдан, уларга илтижо қилишдан, мўминлар билан уларнинг ўртасида муҳаббат пайдо бўлишидан мўминларни кескин қайтариш маъноси тушуниляпти. Демак Аллоҳ мўминларга мўминларни қўйиб кофирларни дўст

тутишни ҳаром қилди. Сўнгра бундан битта ҳолатни, яъни мўминлар кофирларнинг ҳукмронлиги остида бўлиб қолиб, улар томонидан хавф пайдо бўлган ҳолатни мустасно қилди. Бу ҳолатда уларнинг ёмонлиги ва азиятини даф қилиш учун уларга муҳаббат ва дўстлик изҳор қилиш, яъни уларни дўст тутиш жоиз бўлади. Бундан бошқа ҳолатда мутлақо жоиз бўлмайди. Бу фақат кофирларга нисбатан мўминлар билан бўладиган ҳолатдир. Чунки бу оят Маккадаги мушриклар билан алоқалари бўлган мўминлар ҳақида нозил бўлди. У Мадинадаги мўминларни Маккадаги мушрикларни дўст тутишдан қайтарди. Ҳамма мўминларни қайтарди. Бундан Маккадаги мўминларни мустасно қилди. Чунки улар ўз ишларида мағлуб эди. Бу мўминлар кофирлар озоридан хавфда бўлганлари учун уларни мустасно қилди. Оятнинг мавзуси ва унинг маъноси мана шу. Ундан истинбот қилинадиган шаръий ҳукм мана шу. Бу ҳукм – мўминларнинг кофирларни дўст тутишини ҳаром қилишдир. Дўст тутишнинг барча турларини: ёрдам бериш, садоқат, ёрдам сўраш ва бошқаларни ҳаром қилишдир. Чунки оятдаги «дўст тутиш» калимаси умумий келган бўлиб, дўст тутишнинг ҳамма маъноларни ўз ичига олади. Уларни дўст тутиш кофирлар мусулмонлар устидан ғолиб бўлиб, мусулмонлар ўз ишларида мағлуб бўлган ҳолатда, уларнинг зўравонлиги ва озоридан хавф қилинган ҳолатдагина жоиз бўлади. Худди Маккадаги мусулмонларнинг мушриклар билан бўлган ҳолати каби. Оятнинг бундан бошқа маъноси йўқ ва ундан шу ҳукмдан бошқа ҳеч қандай ҳукм истинбот қилинмайди. Аммо айримларнинг «такийя – мусулмон киши ўзига бир инсоннинг озор етказишидан хавф қилса ёки унга ўзини танитишдан ва ичидаги нарсани билдиришдан қўрқса, бу инсон кофир бўладими ёки мусулмонми, бунинг фарқи йўқ, бу инсон олдида, унга ўхшаган ҳар қандай инсон олдида ичида яширган нарсанинг хилофини изҳор қилишидир», деган сўзига келсак, бу сўз аниқ хатодир. Оят бундан бирон нарсага далолат қилмаяпти. Чунки маъно:

إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً

«Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир)» [Оли Имрон 28]

демакдир. Яъни магар улардан бўладиган бирон нарсадан эҳтиёт бўлиб турсангиз демакдир. Чунки бирон нарсадан

сақланиш ва эҳтиёт бўлиш битта маънодадир. Бу ҳолат мўминларнинг мўминларни қўйиб кофирларни дўст тутишдан қайтаришдан мустасно қилинди. Демак юзаки дўст тутиш шу қайтаришдан мустасно қилинган ҳолатгагина хосдир.

Шунга кўра куфр билан ҳукм юритадиган золим, фосиқ мусулмон ҳокимнинг озоридан қўриқиб унга муҳаббат изҳор қилиш ҳаромдир. Раъйда сенга муҳолиф бўлган мусулмонга муҳаббат изҳор қилиб, ичида уни ёмон кўриш ҳам ҳаромдир. Кофир олдида ёки фосиқ, золим олдида ўзини Исломга амал қилмаётгандек ёки унга эътиборсиздек қилиб кўрсатиш жоиз бўлмайди. Чунки буларнинг барчаси ва бунга ўхшаган нарсалар мунофиқлик бўлиб шариат уни мусулмонларга ҳаром қилган. Зеро:

إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً

«*Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир)*» [Оли Имрон 28]

дейилгандаги мавзу Маккада, мушриклар орасида бўлган мусулмонлар ҳолати воқесягагина чекланган, яъни мусулмонларнинг кофирлар ҳукмронлиги остига тушиб қолиб, уларнинг бу ҳукмронлигини йўқ қилишга кучлари етмаган ҳолатгагина, яъни мусулмонлар ўз ишларида мағлуб бўлишган ҳолатгагина чекланган. Бундай ҳолатда мусулмонлар кофирларнинг зиён етказишидан сақланиш учун зоҳирда уларни дўст тутишлари жоиздир. Бунда мусулмонлар ўз жонларига зиён етишидан хавф қилишадими ёки мол-мулкларига, ор-номусларига, манфаатларига зиён етишидан хавф қилишадими бунинг фарқи йўқ. Демак фақат мана шу ҳолатгагина кофирларни дўст тутиш жоиз бўлади. Мана шу ҳолат остига кирадиган ҳар бир шароитда мусулмонларнинг кофирларни дўст тутиши жоиздир. Бундан бошқа ҳолатда жоиз бўлмайди. Демак бу ўриндаги масала мўминларнинг кофирларни дўст тутиши жоиз бўладиган ҳолатни баён қилишдир. У мусулмонлар кофирлар ҳукмронлиги остига тушиб қолиб ўз ишларида мағлуб бўлган пайтдагина юзага келадиган ҳолат бўлиб, мутлақо бошқа нарса эмас.

Муҳаммад ибн Жарир Табарий тафсирида бундай деди: «Аллоҳ Таолонинг

لَا يَتَّخِذُ الْمُؤْمِنُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَلَيْسَ مِنَ اللَّهِ فِي شَيْءٍ  
إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً

**«Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, бас, Аллоҳга ҳеч нарсада эмас (яъни Аллоҳга бегонадир). Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир)»** [Оли Имрон 28]

деган қавли таъвилида Абу Жаъфар бундай деди: Бу Аллох Азза ва Жалла томонидан кофирларни ёрдамчи, кўмакчи, елкадош қилиб олишдан мўминларни қайтаришдир. Шунинг учун «يَتَّخِذُوا» калимаси наҳий билан келиб жазм ўрнида бўлгани учун охири касрали бўлди. Бу калиманинг «зол» харфи сукун сукунга йўлиққани учун касрали келди. Бунинг маъноси «Эй мўминлар кофирларга уларнинг динида қўллаб-қувватлов кўрсатиб, мусулмонларга қарши уларга ёрдам бериб, уларга мусулмонларнинг ҳимоясиз заиф жойларини кўрсатиб бериб, кофирларни елкадош ва ёрдамчи қилиб олманглар. Ким буни қилса у Аллоҳдан бегона, Аллоҳ ҳам ундан – у динидан муртад бўлиб куфрга киргани сабабли – бегонадир.

إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً

**«Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир)»** [Оли Имрон 28]

Фақат кофирлар ҳукмронлиги остига тушиб қолиб жонингизга қасд қилишларидан кўрқсангиз шунда зоҳирда уларга тилингиз билан дўстлик изҳор қилиб, ичингизда уларга нисбатан адоват сақлайсиз, уларнинг куфрига эргашмайсиз, бирон мусулмонга қарши уларга ёрдам бермайсиз» демакдир.

Менга Мусанно ҳадис ривоят қилди: Бизга Абдуллоҳ ибн Солиҳ ҳадис ривоят қилди: Менга Муовия ибн Солиҳ Алидан, у Ибн Аббосдан Аллоҳ Таолонинг:

لَا يَتَّخِذُ الْمُؤْمِنُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ

**«Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар!»** [Оли Имрон 28]

деган қавли ҳақида ушбуни ривоят қилди: Магар кофирлар ғолиб бўлиб қолса шунда мусулмонлар уларга зоҳирда лутф кўрсатадилар, динда эса уларга хилоф қиладилар. Бу Аллох Таолонинг:

إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً

**«Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир)»** [Оли Имрон 28]

деган қавлидир. У сўзини давом эттириб дейди: Бизга Ҳасан ибн Яҳё ҳадис ривоят қилди: Бизга Абдурраззоқ хабар қилиб деди: Бизга Муаммар Қатодадан Аллоҳ Таолонинг:

لَا يَتَّخِذِ الْمُؤْمِنُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ

«**Мўминлар кофирларни дўст тутмасинлар!**» [Оли Имрон 28]  
деган қавли ҳақида шундай деганини хабар берди: Мўминнинг кофирни унинг дини борасида дўст тутиши ҳалол бўлмайди. Аллоҳ Таолонинг:

إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً

«**Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз** (юзаки муомала қилсангиз жоиздир)» [Оли Имрон 28]

деган қавли ҳақида эса «магар сен билан унинг (яъни кофирнинг) ўртасида яқин қариндошлик бўлиб шу сабабли у билан алоқа боғлашинг», демакдир деди. Абу Жаъфар бундай деди: Қатода буни оятнинг зоҳири далолат қилиб турган «кофирлардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз» деган тарзда эмас, фақат ўзининг таъвили бўйича айтди. Бу калом маънолари орасида ғолиброғи (энг кўп эҳтимол тутилгани) «улардан хавф қилиб турган бўлсаларингиз» деган маънодир. Чунки бу оятда Аллоҳ зикр қилган эҳтиёт бўлиш бошқалардан эмас, кофирлардан эҳтиёт бўлишдир. Қатода эса буни «сиз билан улар ўртасида яқин қариндошлик борлиги учун Аллоҳдан кўрқиб турган бўлсаларингиз, шу сабабли қариндошчиликни боғласангиз» деган маънога бурган. Бу билан калом маъносидаги ғолиб жиҳат бўлмай қолган. Ваҳоланки Қуръонда кўпроқ зоҳирига таъвил қилиш арабларнинг ўзаро ишлатадиган каломидидаги маълум нарсалардандир». Табарийнинг гапи тугади.

Абу Али Фазл ибн Ҳасан Табарсий «Мажмаул баён фи тафсирил Қуръон» китобида Аллоҳ Таолонинг

لَا يَتَّخِذِ الْمُؤْمِنُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَلَيْسَ مِنَ اللَّهِ فِي شَيْءٍ  
إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً وَيَحْذَرُكُمُ اللَّهُ نَفْسَهُ وَإِلَى اللَّهِ الْمَصِيرُ

«**Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар!** **Ким шундай қилса, бас, Аллоҳга ҳеч нарсада эмас** (яъни Аллоҳга бегонадир). **Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз** (юзаки муомала қилсангиз жоиздир), **Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ қилур. Ва фақат Аллоҳга қайтажасиз**» [Оли Имрон 28]

деган қавли ҳақида бундай деди: «Яқуб ва Саҳл «تَقْوَى» деб қироат қилди. У Ҳасаннинг қироатидир. Мужоҳид ва қолганлар эса «تُقَاةً» деб қироат қилди. Аллоҳ Субҳонаху Ўзининг дунё ва охират подшоҳи эканини, азиз ва хор қилишга қодир эканини баён қилгач азиз қилиш ҳам, хор қилиш ҳам

қўлидан келмайдиган душманларини дўст тутишдан мўминларни қайтарди. Ўз хузуридаги ва Ўзининг дўстлари бўлмиш мўминлардагина бўладиган азизликка рағбат бўлиши учун бундан қайтариб шундай деди:

لَا يَتَّخِذُ الْمُؤْمِنُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ

«**Мўминлар кофирларни дўст тутмасинлар!**» [Оли Имрон 28]  
Яъни «мўминларнинг кофирларни дўст тутишлари, улардан ёрдам сўрашлари, уларга илтижо қилишлари, уларга муҳаббат изҳор қилишлари лойиқ бўлмайти», деган маънодадир. Аллоҳ Таоло Қуръондан бир неча ўринда шуни айтди. Масалан Аллоҳ Таоло деди:

لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ

«**Аллоҳга ва охират кунига имон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайгамбари чизган чизиқдан чиққан кимсалар билан дўстлашаётганларини топмассиз**» [Мужодала 22]

لَا تَتَّخِذُوا الْيَهُودَ وَالنَّصَارَى أَوْلِيَاءَ

«**Яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз!**» [Моида 51]

لَا تَتَّخِذُوا عَدُوِّي وَعَدُوَّكُمْ أَوْلِيَاءَ

«**Менинг душманим ва сизларнинг душманларингизни дўст тутманглар!**» [Мумтаҳана 1]

Юқоридаги оятда келган:

مِن دُونِ الْمُؤْمِنِينَ

«**Мўминларни қўйиб**» [Оли Имрон 28]

сўзининг маъноси мўминлар билан дўст бўлиш лозим демакдир. Бу эса кофирларни дўст тутишдан ва мўминларга қарши уларга ёрдам беришдан қайтаришдир. Кофирларга лутф кўрсатишдан қайтариш деган фикр ҳам айтилган. Ибн Аббосдан ушбуни ривоят қилинган авлиё валийнинг жамидир. Валий кимнинг ишидан рози бўлса ўшанга ёрдам ва нусрат беришни буюрадиган зотдир. Валийнинг икки хил маъноси бор: бири нусрат билан ёрдам берувчи, иккинчиси ёрдам берилган киши. Демак Аллоҳ Таолонинг:

اللَّهُ وَلِيُّ الَّذِينَ آمَنُوا

«**Аллоҳ мўминларнинг валийсидир**» [Бақара 257]

деган қавлининг маъноси: Аллоҳ мўминларга Ўз нусрати билан ёрдам берувчи ва ғолиб қилувчи демакдир. Мўмин Аллоҳнинг валийси ҳам дейилади. Бунинг маъноси мўмин

Аллох нусрати билан ёрдам берилган киши демакдир. Аллох Таолонинг:

وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ

«*Ким шундай қилса...*»

[Оли Имрон 28]

деган қавли «ким мўминларни қўйиб кофирларни дўст тутса» деган маънода бўлиб ким бундай қилса:

فَلَيْسَ مِنَ اللَّهِ فِي شَيْءٍ

«*... бас, Аллоҳга ҳеч нарсада эмас*»

[Оли Имрон: 28]

яъни у Аллоҳ валийларидан эмас ва Аллоҳ ундан бегонадир демакдир. Бундай кимса Аллоҳ валийлигидан ҳеч нарсада бўлмайди, деб ҳам айтилган. Сўнгра Аллоҳ Таоло бундан мустасно қилиб:

إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً

«*Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир)*»

[Оли Имрон 28]

деди. Бунинг маъноси «магар кофирлар ғолиб, мўминлар мағлуб бўлиб, мўминодам агар зоҳирда уларни маъқуллашни изҳор қилмайдиган ва улар билан яхши муносабатда бўлмайдиган бўлса улардан ўзига зиён етишидан хавф қилса, мана шу пайтда мўмин тили билан уларга дўстлик изҳор қилиши ва юзаки мурсоаи мадорага ўтиши жоиз бўлади. Бу мўмин томонидан бир тақийя (ўзини сақлаш) ва ўзидан хавфни даф қилиш бўлади» демакдир. Лекин буни эътиқод қилмай қилади. Бу оятда жонга хавф туғилганида динда тақийя жоизлигига далолат бор. Асҳобларимизнинг айтишларича тақийя зарурат туғилганида барча ишларда жоиздир. Зарурат туғилганида қайсидир йўсинда лутф кўрсатиш ва яхшилашга эҳтиёж борлиги сабабли тақийя вожиб бўлиши ҳам мумкин. Мўминни ўлдиришдаги ишлардан бўлса ёки тақийя қилса бўладими ёки йўқми, буни билмаса ёки кўнгилда бу динни бузишга уриниш деган гумон ғолиб бўлса, бунда тақийя жоиз бўлмайди. Муфид бундай деди: Тақийя гоҳида вожиб ва фарз бўлади, гоҳида эса жоиз бўлиши, фарз бўлиши мумкин. Гоҳида эса вожиб бўлмай жоиз бўлиши мумкин. Баъзи вақтда уни тарк қилишдан кўра қилиш афзал бўлса, гоҳида уни тарк қилиш афзал бўлиши мумкин. Агар уни қилувчи узрли, авфга сазовор ва маломат қилмаслик лозим кўриладиган киши бўлса, шундай бўлиши мумкин. Шайх Абу Жаъфар Тусий бундай деди: Ривоятларнинг зоҳири жонга хавф туғилган пайтда тақийянинг вожиб эканига далолат қияпти. Хавф пайтида тақийя ҳақки



очик айтмаслик жоизлиги борасидаги бир рухсат эканлиги ривоят қилинган. Ҳасаннинг ривоят қилишича, Росулulloҳ ﷺ асҳобидан икки кишини Мусайлама каззоб ушлаб олиб бирига: Муҳаммад Аллоҳнинг росули, деб гувоҳлик берасанми? - деганида у: ҳа, деди. Сўнгра: менинг Аллоҳнинг росули эканлигимга ҳам гувоҳлик берасанми, деб сўраганида у: ҳа, деб жавоб берди. Шундан кейин иккинчисини чақириб: Муҳаммад Аллоҳнинг росули, деб гувоҳлик берасанми? - деб сўраганида у: ҳа, деди. Сўнгра: менинг Аллоҳ росули эканлигимга ҳам гувоҳлик берасанми? - деб сўраган эди у: кулоғим кар, деб жавоб берди. Каззоб саволини уч бор такрорлади. У эса ҳар сафар аввалги жавобини қайтарди. Шундан кейин каззоб унинг бўйнига қилич урди. Бу хабар Росулulloҳга етгач Пайғамбаримиз:

«أَمَّا ذَلِكَ الْمَقْتُولُ فَمَضَى عَلَى صِدْقِهِ وَبَقِيَّتِهِ وَأَخَذَ بِفَضْلِهِ فَهَيِّئْنَا لَهُ، وَأَمَّا الْآخَرُ فَقَبِلَ رُخْصَةَ اللَّهِ فَلَا تَبِعَةَ عَلَيْهِ»

«Ўлдирилган киши ўзининг ростгўйлиги ва аниқ ишончида кетибди, ўзининг фазлини тутибди, бу унга муборак бўлсин. Иккинчиси эса Аллоҳ рухсатини қабул қилибди, бас унинг зиммасида жавобгарлик йўқ», дедилар. Такийя рухсат, ҳақни очик айтиш эса фазилат бўлади». Табарсийнинг гапи тугади. Турли мазҳаб вакиллари бўлган мазкур икки муфассир: Табарий ва Табарсийнинг гапларидан иккаласи ҳам бу оят маъносини «мўминлар кофирларни дўст тутишидан қайтариш ва бу наҳйдан мўминлар кофирларнинг озоридан хавф қилган ҳолатни мустасно қилиш», деб шарҳлашди. Табарийнинг сўзларига қаранг. У бундай деди: «Фақат кофирларнинг ҳукмронлиги остига тушиб қолиб жонингизга қасд қилишларидан кўрқсангиз шунда зоҳирда уларга тилингиз билан дўстлик изҳор қиласизлар». Табарсийнинг сўзига қаранг. У бундай деди: «Сўнгра Аллоҳ Таоло бундан мустасно қилиб:

إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً

«Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзакни муомала қилсангиз жоиздир)» [Оли Имрон 28]

деди. Бунинг маъноси «магар кофирлар ғолиб, мўминлар мағлуб бўлиб, мўмин одам агар зоҳирда уларни маъқуллашини изҳор қилмайдиган ва улар билан яхши муносабатда бўлмайдиган бўлса улардан ўзига зиён етишидан хавф қилса,

мана шу пайтда мўмин тили билан уларга дўстлик изҳор қилиши ва юзаки мурсаи мадорага ўтиши жоиз бўлади. Бу мўмин томонидан бир тақийя (ўзини сақлаш) ва ўзидан хавфни даф қилиш бўлади» деганидир». Демак бу икки муфассир «бундаги мавзу мустасно қилиш, яъни хавф туғилган ҳолатни мўминлар кофирларни дўст тутмасинлар, деган наҳийдан мустасно қилишдир, мавзу фақат мана шу», деган маънога иттифоқ қилишди. Лекин Табарсий бунинг ортидан мавзудан чиқиб кетадиган маънони билдириб, бу оятни жонга хавф туғилган пайтда тақийя динда жоиз эканига далил қилди. Ваҳоланки бундай маъно бу оятда мавжуд эмас. Чунки оятнинг мавзуси кофирларни дўст тутишдан мўминларни қайтариш ва кофирлар мўминлар устидан ғолиб бўлган пайтда улардан хавфда бўлиш ҳолатини мустасно қилиб бу ҳолатда уларни дўст тутишга ижозат беришдир. Бу ҳолат диндаги тақийя эмас ва у жонга хавф туғилишигагина хос эмас. Чунки бу ўринда истисно умумийдир:

إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً

«**Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз** (юзаки муомала қилсангиз жоиздир)» [Оли Имрон 28]

Яъни улардан эҳтиёт бўлинадиган нарса борасида эҳтиёт бўлиб турсангизлар, демакдир. Замахшарий «Кашшофда» бундай деб маъно берди: «**Магар улар томонидан эҳтиёт бўлиб сақланиш лозим бўладиган бирон иш юз беришидан хавф қилсангизлар**». Демак эҳтиёт бўлиб сақланиш лозим бўладиган ҳар бир ишда дўст тутиш жоиз бўлади. Яъни эҳтиёт бўлинадиган ҳар бир нарса умумий бўлиб, жон, мол-мулк, орномус, манфаатларга хавф туғилишини ўз ичига олади. Шунинг учун бу оятни динда тақийя қилишга далил қилиб олиш мавзудан чиқиб кетиш бўлади. Уни жонга хавф туғилиш ҳолатигагина хослаб қўйиш эса ҳеч бир хословчисиз хослаб қўйишдир. Бундан ташқари у фақат куфр ва имонга тааллуқли бошқа мавзудир. У бу оятга эмас, бошқа оятга тааллуқлидир. Табарсийнинг «асҳобларимизнинг айтишича тақийя зарурат туғилганда барча ишларда жоиздир», деб сўнгра Муфиднинг «тақийя гоҳида вожиб бўлади, гоҳида эса вожиб бўлмайди...» деган сўзларини келтирганига келсак, бу ҳар қандай далилдан холи бўлган гапдир. Чунки оят ҳатто Табарсийнинг ўзининг тафсири бўйича ҳам бунга мутлақо далолат қилмаяпти ва Табарсий бунга на Китобдан, на Суннатдан ва на саҳобалар

ижмосидан бирон далил келтирмади. Шунинг учун бу маъно рад қилинади ва эътибор даражасидан тушади. Бу ўринда «агар кофирни дўст тутиш ундан эҳтиёт бўлинадиган ҳолатда жоиз экан, демак қудратли золим ёки фосиқ ҳоким билан мурсои мадора қилиш аллақачон жоиз бўлади» деб айтиш нотўғридир. Бундай дейилмайди. Чунки аллақачон лозим бўладиган нарса оят хитобидаги мазмундир. Бу эса унга кирмайди ва унга ҳеч бир алоқаси йўқ. Чунки у Аллоҳ Таолонинг:

وَمَهُمْ مَنْ إِنْ تَأْمَنَهُ بِيُنَازِلُ إِتْرَافًا إِلَيْكَ

**«Уларнинг орасида яна шундайлари ҳам борки, унга бир динорни ишониб берсангиз ҳам сизга қайтиб бермайди»** [Оли Имрон 75] деган қавли қабилидан ҳам ва Аллоҳ Таолонинг:

وَمِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ مَنْ إِنْ تَأْمَنَهُ بِقِنطَارٍ يُؤَدُّهُ إِلَيْكَ

**«Аҳли китоб орасида шундай кишилар борки, унга бехисоб молни омонат қўйсангиз, хиёнат қилмай сизга қайтаради»**

[Оли Имрон 75]

деган қавли қабилидан ҳам эмас. Чунки фосиқ кимса кофир сирасига кирмайди. Қолаверса бу оятда наҳий қилинган дўст тутиш мўминларни қўйиб кофирларни дўст тутишдир. Қудратли золим ва фосиқ ҳоким эса мўминлардандир. Ундан содир бўлаётган зулм ва фосиқлик ундан имон сифатини йўқ қилмайди. Шунинг учун бу мавзу аллақачон деган баҳсга кирмайди. Шундан келиб чиқиб аллақачон деган нарсани далил қилиб келтиришга ўрин йўқ.

Қудратга эга золим ва фосиқ ҳокимни – омонлик ҳолатида бўладими ёки хавф ҳолатидами, ҳеч фарқсиз – дўст тутиш жоиз бўлади. Чунки у мўминдир. Мўминларни дўст тутиш катъан жоиздир. Чунки Аллоҳ Таолонинг:

مِن دُونِ الْمُؤْمِنِينَ

**«Мўминларни қўйиб»**

[Оли Имрон 28]

деган қавлидаги мўминлар лафзи умумий бўлиб, ҳамма мўминларни ўз ичига олади. Золим ёки фосиқ ҳокимни дўст тутишдан ёки фосиқлар ва фожирларни дўст тутишдан наҳий қилиш ҳақида бирон насс келмаган. Аксинча наслар кофирларни дўст тутишдан қайтариш ҳақидагина келди. Бунинг устига золим ҳоким маъсиятга буюрмаса унга итоат қилиш ва унинг байроғи остида жиҳод қилиш вожиб бўлади. Зеро намозда имом агар фосиқ бўлса ҳамма ҳолатларда унинг ортида намоз ўқиш жоиз бўлади. Бу эса уларни дўст тутиш жоизлигига бўлган энг катта далиллардандир. Наҳий қилинган

нарса ҳокимнинг зулмига ва фосиқнинг фосиқлигига рози бўлишдир, холос. Шундан наҳий қилинган. Шунга кўра улар тақийя деб аташадиган нарса рад қилинади. Тақийя – мўмин қувват эгаси бўлган золим ёки фосиқ ҳоким олдида ёки раъйда ёки унга ўхшаш нарсаларда муҳолиф бўлган киши тилида ичидаги нарсанинг хилофини изҳор қилишидир. Бундай қилиш ҳаром. Чунки у нифоқдир. Нифоқнинг барча тури ҳаром.

Бундан ташқари золим ҳокимни зулми борасида муҳосаба қилиш фарз бўлиб, ҳокимнинг мол-мулкка ёки манфаатларга зиён етказишидан ёки озордан хавф қилиб бу фарзни тарк қилиш ҳалол бўлмайди, бунда тақийя ҳалол бўлмайди. Ҳоким олдин Ислом билан ҳукм юритсаю лекин кейин ундан очиқ куфр кўринса унга қарши уруш эълон қилиш фарз бўлиб, бу фарзни адо қилмай тек ўтиравериш ҳаром бўлади. Фисқ ва зулм аҳлидан бўлган ҳокимни ва бошқани маъруфга буюриш ва мункардан қайтаришни Аллоҳ мусулмонларга вожиб қилди. Бу эса тақийя деган гапга тамоман зид келади. Чунки у золим ҳокимга ва фосиққа индамай сукут қилишни кескин ҳаром қилипти. Тақийя эса бунга баъзи пайда сукут қилишни вожиб қилса, баъзи пайтда мандуб қилади, бошқа пайтда жоиз қилиб кўяди. Бу эса амр маъруф ва наҳий мункар ҳақидаги оятларга, золим ёки фосиқ имомлар, амирлар ва ҳокимларга қарши чиқиш ҳақида келган саҳиҳ ҳадисларга ва ҳокимларни ишлари бўйича муҳосаба қилиш вожиблиги ҳақидаги ҳадисларга зид келади, Аллоҳ йўлида ҳеч бир маломатчининг маломатидан қўрқмай ҳақни очиқ айтиш вожиблигига ҳам зид келади. Шунинг учун оятлар ва саҳиҳ ҳадислар золим ёки фосиқ ҳокимга ёки кучли зўравон фожирга ёки раъйда сенга муҳолиф бўлган кимсага нисбатан ишлатиладиган тақийяга зид бўлиб келди ва тақийянинг тескарисига амал қилиш вожиблигига ундаб келди. Бу эса тақийянинг ҳаром эканини таъкидлайди. Бунинг устига тақийя нифоқ бўлиб, мусулмоннинг уни қилиши ҳалол бўлмайди.

Энди битта масала қолди. У ҳам бўлса ушбу оятдир:

إِلَّا مَنْ أَكْرَهَ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ

«*Лекин ким қалби имон билан ором олгани ҳолда (куфр калимасини айтишига) мажбур қилинса, (унинг имонига зиён етмас)*»

[Наҳл 106]

Баъзи муфассирлар уни

إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً

«*Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзакни муомала қилсангиз жоиздир)*» [Оли Имрон 28]

оятни билан боғлаб унинг сирасига киритади, зоҳирда куфрни изҳор қилиб, имонни яширишни юзаки дўст тутиш бобига киритишга шу оятни далил қилиб келтиради ва уни тақийя деб аташадиган нарса жумласига киритади. Баъзилари эса бу оятни юзаки дўст тутиш фақат ўлдирилишдан хавф қилинган ҳолатдагина жоиз эканига, бундан бошқа ҳолатда жоиз эмаслигига далил қилиб келтиради. Бу аниқ хатодир. Чунки:

إِلَّا مَنْ أَكْرَهَ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ

«*Лекин ким қалби имон билан ором олгани ҳолда (куфр қалимасини айтишига) мажбур қилинса, (унинг имонига зиён етмас)*» [Наҳл 106]

оятни бошқа ҳолат ҳақида ва бошқа мавзудир. Чунки унинг мавзуси аниқ ўлдирилиш хавфи вужудга келган ҳолатда Исломдан қайтишдир.

إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً

«*Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзакни муомала қилсангиз жоиздир)*» [Оли Имрон 28]

оятнинг мавзуси эса кофирларни дўст тутишнинг барча туридан қайтариш ва эҳтиёт бўлинадиган нарса вужудга келган ҳолатда бу дўст тутишнинг жоизлигини мустасно қилишдир. Жонга хавф туғиладими ёки мол-мулкками ёки манфаатгами ёки бошқа ҳар қандай озор бўладими ҳеч фарқсиз эҳтиёт бўлинадиган ҳолатни мустасно қилишдир. Бу икки ҳолат ва икки мавзу ўртасида фарқ бўлиб, бир-бирига дахли ва алоқаси йўқ. Чунки бу икки ҳолат ва мавзу бир-бирдан бутунлай бошқача. Чунки мусулмон агар кофирлар ҳукмронлиги остига тушиб қолиб ўз ишида мағлуб бўлса, кофирларга тилёғламалик қилиб, улар билан муросаи мадора қилиб зоҳирда бўлса ҳам Исломдан қайтиб муртад бўлиши жоиз бўлмайди, аксинча ўз дини ҳукмларини адо қилиш имконига эга бўлмаса ҳижрат қилиши вожиб бўлиб қолади. Кофирларни юзаки дўст тутиш эса бунинг аксидир. Чунки у жоиздир. Лекин агар мусулмон одам аниқ ўлдирилишдан хавф қилса ва куфрга мажбур қилинса бундай ҳолатда юзаки куфрни изҳор қилиши, имонни ичида яшириши жоиз бўлади.

Бундан бошқа ҳолатда жоиз бўлмади. Чунки оятнинг насси куйидагича:

مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مَنْ أُكْرِهَ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ

«**Ким Аллоҳга имон келтирганидан кейин** (яна қайтиб) **кофир бўлса** (Аллоҳнинг газабига дучор бўлур). **Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда** (куфр калимасини айтишига) **мажбур қилинса**, (унинг имонига зиён етмас)» [Наҳл 106]

Демак бундаги мавзу имондан кейин куфрга кириш мавзусидир, яъни Исломдан қайтиб муртад бўлиш мавзусидир. Ҳолат эса ўлимдан хавф қилиш ҳолатидир. Фақиҳлар уни мажбурловчи ноиложлик деб атайдилар. Мажбурланган кишидан ҳукм кўтариладиган барча ҳолатларда шаръан мажбурлик деб ҳисобланадиган мажбурлик ҳолати фақат мана шунинг ўзидир, холос. Демак шаръан истисно қилинадиган мажбурлик мажбур қилувчи ноиложликдир. У аниқ ўлдирилишдан хавф қилиш ҳолатидир. Бу оятнинг ўлдирилишдан кўркиб муртад бўлган мусулмонлар ҳақида нозил бўлгани ҳам буни қувватлайди. Бу оят Аммор ибн Ёсир ҳақида нозил бўлгани ривоят қилинган. Табарий деди: «Менга Муҳаммад ибн Саъд, менга отам, менга амаким, менга отам отасидан у Ибн Аббосдан

مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مَنْ أُكْرِهَ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ

«**Ким Аллоҳга имон келтирганидан кейин** (яна қайтиб) **кофир бўлса** (Аллоҳнинг газабига дучор бўлур). **Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда** (куфр калимасини айтишига) **мажбур қилинса**, (унинг имонига зиён етмас)» [Наҳл 106]

ояти ҳақида шундай деганини ривоят қилди: Мушриклар Аммор ибн Ёсирни ушлаб олиб азоблашди, сўнг ташлаб кетишди. Аммор Росулulloҳ ﷺ ҳузурига қайтиб Пайғамбаримизга Қурайшдан ўзига бўлган азоб укубатни ва ўзининг нима деганини айтиб берди. Шунда зикри олий бўлган Аллоҳ Таоло унинг узрли эканини баён қилиб

مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مَنْ أُكْرِهَ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ وَلَكِنْ مَنْ شَرَحَ بِالْكُفْرِ صَدْرًا فَعَلَيْنَاهُمْ غَضَبًا مِّنَ اللَّهِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ

«**Ким Аллоҳга имон келтирганидан кейин** (яна қайтиб) **кофир бўлса** (Аллоҳнинг газабига дучор бўлур). **Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда** (куфр калимасини айтишига) **мажбур қилинса**, (унинг имонига зиён етмас). **Аммо кимнинг кўнгли куфр билан ёзиладиган бўлса**, **бас**, **ундай кимсаларга Аллоҳ томонидан газаб ва улуг азоб бордир**» [Наҳл 106]

оятини нозил қилди. Бизга Бишр, бизга Язид, бизга Саъд Қатодадан:

مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مِنْ أَكْرَهٍ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ

«**Ким Аллоҳга имон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса (Аллоҳнинг газабига дучор бўлур). Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, (унинг имонига зиён етмас)**» [Наҳл 106]

ояти ҳақида шундай деганини ривоят қилди: Бизга айтилишича, бу оят Аммор ибн Ёсир ҳақида нозил бўлган. Бани Муғира уни ушлаб олиб Маймун қудуғига ботиришди ва: Муҳаммадга кофир бўл дейишди. Аммор уларнинг сўзини такрорлади, қалбида эса буни ёмон кўриб турди. Шунда зикри олий бўлган Аллоҳ Таоло:

إِلَّا مَنْ أَكْرَهَ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ

«**Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, (унинг имонига зиён етмас)**» [Наҳл 106]

оятини нозил қилди. Табарий деди: Бизга Ибн Абдулаъло, бизга Муҳаммад ибн Савр Муаммардан, у Абдулкарим Жизрийдан, у Абу Убайд ибн Муҳаммад ибн Аммор ибн Ёсирдан шундай деганини ривоят қилди: Мушриклар Аммор ибн Ёсирни ушлаб олиб азоблашди. Хатто Аммор улар истаган баъзи нарсаларга эргашди. Шундан сўнг буни Набий ﷺ айтганида Набий ﷺ:

«كَيْفَ تَجِدُ قَلْبَكَ؟ قَالَ: مُطْمَئِنًّا بِالْإِيمَانِ، قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: فَإِنْ عَادُوا فَعُدُّ»

«**Қалбинг қай ҳолатда эди?**» дедилар. Аммор: «имон билан хотиржам эди» деди. Набий ﷺ: «**Ундай бўлса улар яна шундай қилишса сен ҳам яна шундай қил**» дедилар. Бу ҳадислар шу оятнинг нозил бўлиш сабаби Аммор ҳодисаси бўлганига ва унинг мавзуси Исломдан қайтиш эканига далолат қиляпти. Бу оят хос бўлган ҳолат аниқ ўлдирилишдан хавф қилишдир. Мана шунинг ўзигина бу оятнинг

إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً

«**Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир)**» [Оли Имрон 28]

оятига ҳеч бир алоқаси йўқлигини таъкидлаш учун етарлидир. Қолаверса:

إِلَّا مَنْ أَكْرَهَ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ

«**Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, (унинг имонига зиён етмас)**» [Наҳл 106]

ояти Маккада, имон мавзуси ҳақида нозил бўлган.

إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً

«**Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир)**» [Оли Имрон 28]

ояти эса Мадинада, эҳтиёт бўлинадиган нарсадан эҳтиёт бўлиш ҳолатини мўминларнинг кофирларни дўст тутиши ҳаромлигидан мустасно қилиш мавзуси ҳақида нозил бўлган. Шунинг учун бу икки оят бир-биридан тамоман бошқадир.

Энди аниқ ўлдирилиш билан таҳдид қилинадиган кишининг ҳукми ҳақида сўз юритиш қолди. У ўлимдан саломат қолиши учун зоҳирда куфрни айтиб, ичида имонни яширгани афзалми ёки гарчи ўлдирилса ҳам имонида маҳкам тургани афзалми? Бунга жавоб шуки, гарчи қатлга олиб борса ҳам имонда сабот билан туриш афзалдир. Чунки зоҳирда куфрни айтишнинг жоизлиги рухсат ва ҳараж-машаққатни кўтаришдир. Имонда сабот билан туриш эса азима бўлиб у асосдир. Шунинг учун имонда сабот билан туриш афзалроқ бўлди. Ривоят қилинишича, Мусайлама каззоб икки кишини ушлаб олиб улардан бирига: Муҳаммад ҳақида нима дейсан? - деди. У киши: У Аллоҳнинг Росулидир, деб жавоб берди. Каззоб: Мен ҳақимда нима дейсан? - деганида. У: сен ҳам, деб жавоб берди. Каззоб уни кўйиб юборди. Сўнгра иккинчи кишига: Муҳаммад ҳақида нима дейсан? - деди. У киши: У Аллоҳнинг Росулидир, деб жавоб берди. Шунда каззоб: Мен ҳақимда нима дейсан? - деб сўради. Ҳалиги киши бунга: Менинг қулоғим кар деб жавоб берди. Каззоб саволини уч бор такрорлади, у киши эса ўша жавобини қайтарди. Шундан сўнг каззоб уни ўлдирди. Бу хабар Росулulloҳ ﷺ га етгач Пайғамбаримиз бундай дедилар:

«أَمَّا الْأَوَّلُ فَقَدْ أَخَذَ بِرُخْصَةِ اللَّهِ، وَأَمَّا الثَّانِي فَقَدْ صَدَعَ بِالْحَقِّ فَهَيْبًا لَهُ»

«**Биринчиси Аллоҳнинг рухсатини олибди. Иккинчиси ҳақни баралла айтибди, бу унга муборак бўлсин**». Бу сабр қилиб, имонда сабот билан турган кишининг аниқ ўлдирилишдан хавф қилиб Аллоҳ рухсатини олган ва юзаки куфрни изҳор қилган кишидан афзал эканини очик кўрсатиб турибди.



Бу куфрга кириш талаб қилинган киши ҳақида эди. Аммо бундан енгилроқ нарсани, масалан исломий даъватни тарқ қилишни ёки бирон маъсиятни қилишни ёки шунга ўхшаш нарса талаб қилинган кишига келсак бу оятдан унинг жоизлиги олинмайди. Шунинг учун «Аллоҳ мусулмонга куфрни юзаки изҳор қилишга ижозат берган экан куфрдан енгилроқ нарсага аллақачон ижозат беради» деб айтиш нотўғридир. Бундай дейилмайди. Чунки маъсият куфр жинсидан эмас. Шунинг учун у аллақачон деган баҳс остига кирмайди. Шунингдек куфрга қиёс ҳам қилинмайди. Чунки қиёслаш учун бирон иллат йўқ. Лекин бирон кишидан бирон маъсиятни қилиш ёки куфрдан бошқа бирон нарсани қилиш талаб қилинса, қилмайдиган бўлса аниқ ўлдириш хавфи туғилса, бундай ҳолатда жонини қутқариш учун ўша нарсани қилиши жоиз бўлади ва гуноҳкор бўлмайди. Бунга далил Пайғамбаримиз ﷺнинг ушбу сўзларидир:

«رُفِعَ عَنْ أُمَّتِي الْخَطَأُ وَالنَّسِيَانُ وَمَا أُسْتُكِرَ هُؤَلا عَلَيْهِ»

**«Умматимдан хато, унутиш ва улар мажбур қилинган нарса (гуноҳи) кўтарилди».** Табароний «Кабир»да ривоят қилди. Бунинг маъноси: машаққат ва гуноҳ кўтарилди ва ҳукм кўтарилди, демакдир. Бу эса ўша нарсани қилиш жоизлигини англатади. Лекин фақат битта ҳолатда, аниқ ўлдирилишдан хавф қилиш ҳолатида жоиздир. Фақиҳлар мана шуни мажбур қилувчи ноиложлик деб атайдилар. Фақат угина мажбур қилинган кишидан талоқ, никоҳ, бай ва бошқа ишлар ва битимлар каби ҳукм кўтариладиган барча ҳолатларда шаръан эътиборга олинадиган мажбурликдир. Чунки Пайғамбаримиз ﷺнинг: **«улар мажбур қилинган нарса...»**, деган сўзлари мажбур қилувчи ноиложлик деган маънодадир.

## Дорул куфрдан дорул Исломга ҳижрат

Ҳижрат – дорул куфрдан дорул Исломга чикиб кетишдир. Аллоҳ Таоло деди:

إِنَّ الَّذِينَ تَوَقَّاهُمُ الْمَلَائِكَةُ ظَالِمِي أَنْفُسِهِمْ قَالُوا فِيمَ كُنْتُمْ قَالُوا كُنَّا مُسْتَضْعَفِينَ فِي الْأَرْضِ قَالُوا أَلَمْ تَكُنْ أَرْضَ اللَّهِ وَاسِعَةً فَتُهَاجِرُوا فِيهَا قَالُوا لِنَا مَاؤَاهُمْ جَاهَنَّمَ وَسَاءَتْ مَصِيرًا \* إِلَّا الْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ وَالْوِلْدَانِ لَا يَسْتَطِيعُونَ حِيلَةً وَلَا يَهْتَدُونَ سَبِيلًا \* قَالُوا لَنْ نَعْسَى اللَّهَ أَنْ يَغْفِرَ عَنْهُمْ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا

«**Албатта** (мусулмонлар билан бирга ҳижрат қилмасдан кофирлар қўл остида яшашига рози бўлиши билан) ўз жонларига жабр қилган қимсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар уларга: «Қандай ҳолда яшадингиз?» - деганларида: «Биз бу ерда чорасиз бечоралар эдик», дедилар. (Шунда фаришталар); «Ҳижрат қилсанглар Аллоҳнинг ери кенг эди-ку?! (Нега дину иймонларингиз йўлида бу юртдан ҳижрат қилмадинглар?)» - дейишди. Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдир. Қандай ёмон жойдир у! Фақат бирон чора топишига қодир бўлмай, ҳижрат йўлини истаб топа олмай чорасиз қолган кишилар, аёллар ва болалар борки, бундайларни шояд Аллоҳ авф этса. Зотан, Аллоҳ авф этгувчи, мағфират қилгувчи бўлган зотдир» [Нисо 97-99]

Абу Довуд Жарир ибн Абдуллоҳдан Набий ﷺнинг шундай деганларини ривоят қилди:

«أَنَا بَرِيءٌ مِنْ كُلِّ مُسْلِمٍ يُقِيمُ بَيْنَ أَظْهَرِ الْمُشْرِكِينَ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَلِمَ؟ قَالَ لَا تَرَاءَى نَارَاهُمَا»

«Мен мушриклар орасида яшайдиган ҳар бир мусулмондан безорман. Саҳобалар: нима учун ё Росулulloҳ? - дейишди. Пайғамбаримиз ﷺ: Икковининг олови бир-бирига кўринмаслиги лозим, дедилар». (яъни мусулмоннинг уй мушрикниқидан узоқ бўлиши, узоқлигидан ёкқан олови бир-бирига кўринмаслиги лозим). Дорул куфрдан дорул Исломга ҳижрат қилиш тўхтовсиз давом этаверади. Аммо Бухорий ривоят қилган Пайғамбар А.нинг:

«لَا هِجْرَةَ بَعْدَ فَتْحِ مَكَّةَ»

«Макка фатҳидан кейин ҳижрат йўқ», деган сўзларига,

«لَا هِجْرَةَ بَعْدَ الْفَتْحِ»

«Фатҳдан кейин ҳижрат йўқ», деган сўзларига,

«فَدِ انْقَطَعَتِ الْهَجْرَةُ وَلَكِنْ جِهَادٌ وَنِيَّةٌ»

«Хижрат тўхтади, лекин жиҳод ва ният тўхтамайди», деган сўзларига келсак ҳамда Ибн Асокир ривоят қилган: Сафвон ибн Умайя Исломга киргач унга «хижрат қилмаган кишининг дини йўқ» дейилди. Шундан сўнг у Мадинага келди. Набий ﷺ унга:

«مَا جَاءَ بَكَ أَبَا وَهْبٍ؟ قَالَ: قِيلَ إِنَّهُ لَا دِينَ لِمَنْ لَمْ يُهَاجِرْ، قَالَ: ارْجِعْ أَبَا وَهْبٍ إِلَى أَبَاطِحِ مَكَّةَ، فَفَرُّوا عَلَى مَسْكِنِكُمْ فَقَدْ انْقَطَعَتِ الْهَجْرَةُ وَلَكِنْ جِهَادٌ وَنِيَّةٌ فَإِنْ اسْتَنْفَرْتُمْ فَأَنْفِرُوا»

«Эй Абу Ваҳб нега келдинг?» дедилар. Сафвон: «хижрат қилмаган кишининг дини йўқ, деб айтишди» деди. Пайғамбаримиз: «Эй Абу Ваҳб, Макка водийсига қайт, ўз масканларингизда тураверинглар. Чунки хижрат тўхтади, лекин жиҳод ва ният тўхтамайди. Агар кўзғалишга чорлансангиз кўзғалинглар», деган ривоятга келсак, буларнинг ҳаммаси Макка фатҳидан кейин хижрат қилиш йўқ, деган маънодадир. Лекин бу «йўқ» деган маъно шу ҳадиснинг ўзидан истинбот қилинадиган шаръий иллат билан иллатланган. Чунки Пайғамбаримизнинг: «Макка фатҳидан кейин» деган сўзлари иллатлик мазмунида келди. Бу Пайғамбар А.нинг:

«لَا تَنْبِذُوا التَّمْرَ وَالزَّيْبَ جَمِيعًا»

«Хурмо ва майизни бирга қўшиб набиз (ичимлик) қилманглар», деган сўзларига ўхшайди. Ибн Ҳиббон ривояти. Чунки Пайғамбаримизнинг бу ҳадисдаги: «бирга қўшиб», деган сўзлари ҳам иллатлик мазмунида келиб, набиз қилишдан қайтаришга иллат бўлди. Демак у Макка фатҳининг хижрат тўхташига иллат бўлганини англатади. Бу эса иллат билан маълул (иллатланган нарс)нинг бор ва йўқликда бирга юришини англатади. Яъни иллат бўлса маълул ҳам бўлади, иллат йўқ бўлса маълул ҳам бўлмайди. Бу Маккагагина хос бўлмай, балки ҳар қандай юрт фатҳ қилиниши тушунилади. Бунга «Фатҳдан кейин хижрат йўқ», деган бошқа ривоят далилдир. Буни Бухорий ривоят қилган Оиша رضي الله عنهاнинг сўзлари ҳам қувватлайди. Оиша онамиздан хижрат ҳақида сўралганида, шундай деб жавоб берди: «Бугун хижрат йўқ. Мўмин фитналанишдан қўркиб дини билан Аллоҳ ва Росулига

**қочар эди. Аммо бугун Аллоҳ Исломи ғолиб қилди. Мўмин Роббисига хоҳлаган жойида ибодат қилади.** Бу эса мусулмон одам фатҳдан олдин фитналанишдан кўриқиб ўз динини олиб қочиш учун ҳижрат қилганига далолат қилади. Фатҳдан кейин эса ҳижрат тўхтади. Чунки мусулмон одам ўз динини изҳор қилишга ва Исломи ҳукмларини бемалол адо этишга қодир бўлиб қолган эди. Демак фақат Макка фатҳигина эмас, балки динни изҳор қилиб Исломи ҳукмларини бемалол адо этишга олиб келадиган фатҳ ҳижратнинг тўхташига иллат бўлади. Шунга кўра бундан фатҳ қилинган юртдан шу фатҳдан кейин ҳижрат қилинмайди, деган маъно ирода қилинади. Шунинг учун Пайғамбар А.нинг Сафвонга: **«ҳижрат тўхтади»** деб айтган сўзлари Макка фатҳ қилинганидан кейин ундан ҳижрат қилинмайди, деган маънодадир. Чунки ҳижрат кофирлар юртдан ва дорул куфрдан чиқиб кетишдир. Шунинг учун агар бу юрт фатҳ қилиниб дорул Исломига айланса кофирларнинг юрти ҳам, дорул куфр ҳам бўлмай қолади. Демак ундан ҳижрат қилинмайди. Худди шунга ўхшаш фатҳ қилинган барча юртлардан ҳижрат қилишга ўрин қолмайди. Буни Аҳмад Муовиядан қилган ушбу ривоят ҳам қувватлайди. Муовия деди: Мен Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганларини эшитдим:

«لَا تَنْقَطُ الْهَجْرَةُ مَا تُقْبَلَتِ التَّوْبَةُ، وَلَا تَزَالُ التَّوْبَةُ مَقْبُولَةً حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ مِنَ الْمَغْرِبِ»

**«Модомики тавба қабул қилинар экан ҳижрат тўхтамайди, қуёш машриқдан чиқар экан тавба қабул бўлаверади».** Аҳмад Набий ﷺнинг шундай деганларини ҳам ривоят қилди:

«إِنَّ الْهَجْرَةَ لَا تَنْقَطُ مَا كَانَ الْجِهَادُ»

**«Ҳижрат модомики жиҳод бўлар экан тўхтамайди».** Бошқа бир ривоятда Пайғамбаримиз ﷺ шундай дедилар:

«لَا تَنْقَطُ الْهَجْرَةُ مَا قُوتِلَ الْكُفَّارُ»

**«Модомики кофирларга қарши жанг қилинар экан ҳижрат тўхтамайди».** Бу эса дорул куфрдан дорул Исломига ҳижрат қилиш тўхтамай давом этаверишига далолат қилади. Энди ҳижрат ҳукмига келсак, у кишининг қодирлигига қараб баъзи ҳолатларда фарз бўлса, бошқа ҳолатларда мандуб бўлади. Ҳижратга қодир бўлмайдиган кишини Аллоҳ авф этади ва ҳижрат ундан талаб қилинмайди. У бирон касаллик ёки яшаб қолишга мажбур этиш ёки заифлик сабабли ҳижрат қилишдан

ожиз бўлгани учун ундан ҳижрат қилиш талаб қилинмайди. Бунга аёллар, болалар ва уларга ўхшашлар киради. Бу ҳижрат ҳақидаги оятнинг хотимасида келган.

Демак кимки ўз динини изҳор қилолмаса ва Ислом ҳукмларини адо этолмаса, агар у ҳижрат қилишга қодир бўлса ундан ҳижрат талаб қилинади. Чунки ҳижрат унга фарздир. Бунга ҳижрат ҳақидаги оятда келган ушбу сўзлар далилдир. Аллоҳ Таоло деди:

إِنَّ الَّذِينَ تَوَقَّاهُمُ الْمَلَائِكَةُ ظَالِمِي أَنْفُسِهِمْ قَالُوا فِيمَ كُنْتُمْ قَالُوا كُنَّا مُسْتَضْعَفِينَ فِي الْأَرْضِ  
قَالُوا أَلَمْ تَكُنْ أَرْضَ اللَّهِ وَاسِعَةً فَتُهَاجِرُوا فِيهَا فَأُولَئِكَ مَأْوَاهُمْ جَهَنَّمُ وَسَاءَتْ مَصِيرًا

*«Албатта (мусулмонлар билан бирга ҳижрат қилмасдан кофирлар қўл остида яшашга рози бўлиш билан) ўз жонларига жабр қилган қимсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар уларга: «Қандай ҳолда яшадингиз?» - деганларида: «Биз бу ерда чорасиз бечоралар эдик», дедилар. (Шунда фаришталар); «Ҳижрат қилсанглар Аллоҳнинг ери кенг эди-ку?! (Нега дину иймонларингиз йўлида бу юртдан ҳижрат қилмадинглар?)» - дейишди. Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдир. Қандай ёмон жойдир у!»*

[Нисо 97]

Бундаги хабар бериш буйруқ маъносини англатиб, у талаб сийғаларидандир. Аллоҳ Таоло гўё ер юзида ҳижрат қилинлар деди. Бу оятдаги талаб таъкид билан ва ҳижратни тарк қилганга қаттиқ ваъид (кўрқинчли таҳдид) билан келди. Демак у кескин талабдир. Бу эса мана шу ҳолатда ҳижрат мусулмонга фарз эканига, агар ҳижрат қилмаса гуноҳкор бўлишига далолат қияпти. Аммо кимки ҳижрат қилишга қодир бўлса, лекин у ўз динини изҳор қилиш ва ўзидан талаб қилинган шариат ҳукмларини адо этиш имконига эга бўлса, бу ҳолатда ҳижрат қилиш фарз эмас, мандубдир. Унинг мандуб бўлишига келсак, чунки Росулulloҳ ﷺ Маккадан ҳижрат қилишга фатҳдан олдин тарғиб қилган эдилар. Чунки ўша пайтда Макка дорул куфр эди. Бу ҳақда очиқ оятлар келган. Аллоҳ Таоло деди:

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَالَّذِينَ هَاجَرُوا وَجَاهَدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَئِكَ يَرْجُونَ رَحْمَتَ اللَّهِ وَاللَّهُ  
عَفُورٌ رَحِيمٌ

*«Иймон келтирган, ҳижрат қилган, Аллоҳ йўлида курашган зотлар – ана ўшалар Аллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. Аллоҳ мағфират ва раҳм-шафқат қилгувчидир»* [Бақара 218]

الَّذِينَ آمَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ أَعْظَمَ دَرَجَةً عِنْدَ اللَّهِ  
وَأُولَئِكَ هُمُ الْقَائِرُونَ

**«Иймон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида молу жонлари билан курашган зотларнинг Аллоҳ наздидаги даражалари жуда улғудир ва ўшалар (бахт-саодатга) эришувчидирлар»** [Тавба 20]

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَلَمْ يُهَاجِرُوا مَا لَكُمْ مِّنْ شَيْءٍ حَتَّىٰ يُهَاجِرُوا وَإِنِ اسْتَنْصَرُوكُمْ فِي الدِّينِ فَعَلَيْكُمْ النَّصْرُ إِلَّا عَلَىٰ قَوْمٍ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُم مِّيثَاقٌ

**«Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаган кишилар то ҳижрат қилмагунларича сизлар уларга дўстлик қила олмайсизлар. Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам қилиш зиммангиздадир. Магар уларга, ўрталарингизда (урушмаслик ҳақида) аҳд-паймон бўлган қавмга зарар етказиш билан ёрдам қилмайсизлар»** [Анфол 72]

وَالَّذِينَ آمَنُوا مِنْ بَعْدُ وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا مَعَكُمْ فَأُولَٰئِكَ مَعَكُمْ

**«(Сизлардан) кейин иймон келтириб ҳижрат қилган ва сизлар билан бирга курашган зотлар – ана ўшалар сизлардандир»**

[Анфол 75]

Уларнинг ҳаммасида ҳижрат очик талаб қилинди. Энди ҳижратнинг фарз эмаслигига келсак, чунки Росулulloҳ ﷺ Маккада қолган мусулмонларга индамадилар. Масалан ривоят қилинишича, Нуайм ан-Наҳхом ҳижрат қилмоқчи бўлганида унинг олдига қавми Бани Адий келиб: ўз динингда бўлиб орамизда яшайвер, биз сени озор бермоқчи бўлганлардан ҳимоя қиламиз, илгаригидек бизга ёрдам бер, дейишди. Нуайм Бани Адий етимлари ва тул аёллари ҳолидан хабар олиб турар эди. Шу боис бир муддат ҳижрат қилолмай қолиб кетди, сўнгра ҳижрат қилди. Набий ﷺ унга шундай дедилар:

«قَوْمُكَ كَانُوا خَيْرًا لَّكَ مِنْ قَوْمِي لِي. قَوْمِي أَخْرَجُونِي وَأَرَادُوا قَتْلِي، وَقَوْمُكَ حَفِظُواكَ

وَمَنْعُوكَ»

**«Қавминг сенга қавмим менга қилганидан кўра яхшироқ муомала қилибди. Қавмим мени ҳайдаб чиқди ва ўлдирмоқчи бўлди. Сенинг қавминг эса сени муҳофаза ва ҳимоя қилибди».** Бу ҳадисни Ибн Ҳажар «Исоба»да зикр қилди. Нуайм: Ё Росулulloҳ, қавмингиз сизни Аллоҳнинг тоатига ва Унинг душманига қарши жиҳод қилишга чиқарган бўлса, қавмим мени ҳижратдан ва Аллоҳ тоатидан ушлаб қолишди, деди. Буларнинг ҳаммаси дорул куфр, яъни дорул ҳарб ҳақида эди. Унинг аҳолиси мусулмонлар бўладими ёки кофирларми бунинг эътибори йўқ. Чунки диёрнинг ҳукми аҳоли сабабли ўзгармайди, балки унда ҳукм юритадиган низом

сабабли ва аҳолиси омонда бўладиган омонлик сабабли ўзгаради. Шунга кўра Индонезия билан Кавказ ўртасида, Сомали билан Юнонистон ўртасида фарқ йўқ. Лекин ўз динини бемалол изҳор эта оладиган ва талаб қилинган шариат ҳукмларини адо этиш имконига эга бўлган киши ўзи яшаётган дорул куфрни дорул Исломга айлантириш қудратига эга бўлса, бу ҳолатда унинг дорул куфрдан дорул Исломга ҳижрат қилиши ҳаром бўлади. У бундай қудратга шахсан ўзи эга бўладими ёки юртидаги мусулмонлар билан бирга тузган уюшмаси ёрдамида эга бўладими ёки хориждаги мусулмонлар ёрдамида эга бўладими ёки Исломий давлат билан ҳамкорликда эга бўладими ёки қайсидир восита ёрдамида эга бўладими, бунинг фарқи йўқ. Бундай ҳолатда дорул куфрни дорул Исломга айлантиришга ҳаракат қилиши вожиб бўлади ва ҳижрат қилиши ҳаром бўлади. Бунга далил шуки, у яшаётган мамлакат аҳолиси кофирлар бўлса ва бу мамлакатда куфр билан ҳукм юритилса, бу ҳолатда шу юрт аҳолиси Исломга кирмагунича ёки жизя бериб Ислом ҳукми остига кирмагунича уларга қарши жанг қилиш мусулмонларга вожиб бўлганидек унга ҳам бир мусулмон сифатида ва кофирлар билан ёнма-ён яшаётган киши ҳамда душманга яқинроқ турган киши деган эътиборда вожиб бўлади. Энди агар юрт аҳолиси мусулмонлар бўлсаю, лекин уларга Исломдан бошқа нарса билан, яъни куфр низоми билан ҳукм юритилаётган бўлса, у ҳолатда бу юрт ҳокимлари Ислом билан ҳукм юритмагунича уларга қарши жанг қилиш мусулмонларга вожиб бўлганидек унга ҳам бир мусулмон сифатида вожиб бўлади. Демак мусулмон одам агар юртни дорул Исломга айлантиришга қодир бўлса ҳар қандай ҳолатда ҳам унга жанг қилиш ва жангга тайёргарлик кўриш вожиб бўлади. Дорул куфрда яшайдиган мусулмон бу икки ҳолатнинг бирида бўлади. Чунки у ўзи ёнма-ён яшаётган кофирларга қарши жиҳод қилиш вожиб бўлган кишилар жумласидан бўлади ёки куфр билан ҳукм юритаётган ҳокимга қарши жанг қилиш вожиб бўлган кишилар жумласидан бўлади. Иккала ҳолатда ҳам унинг куфр билан ҳукм юритадиган дорул куфрдан чиқиб кетиши жиҳоддан, жиҳод вожиб бўлган макондан қочиш ҳисобланади ёки куфр билан ҳукм юритаётган кимсага қарши жанг қилишдан қочиш ҳисобланади. Иккаласи ҳам Аллоҳ ҳузурида катта гуноҳдир. Шунинг учун дорул куфрни дорул Исломга айлантиришга қодир бўлган кимсанинг бу диёрдан ҳижрат қилиши жоиз бўлмайди. Модомики у

шундай қудратга эга экан унинг хижрат қилиши жоиз бўлмайди. Бу тўғрида Туркия, Испания, Миср, Албания ўртасида – модомики уларда куфр низоми билан ҳукм юритилаётган экан – фарқ йўқ.



## **Ислоннинг қулликка ва қул қилишга бўлган муносабати**

Ислон келган пайтда оламнинг ҳамма томонида қуллар мавжуд эди. Қулдорлик дунёнинг ҳамма тарафида, барча халқлар ва миллатларда кенг тарқалган низом эди. Дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин қуллар сотилар ва озод одамлар қулга айлангилар эди. Қулдорлик йўқ бўлган бирон юрт бўлмаган. Ислон бу муаммонинг икки жиҳатга тааллуқли эканини кўрди: Биринчиси амалда қулга айлангиларган қулларга тааллуқли эди. Бу қуллар озод одамлардан паст даражада ҳисобланар, уларга паст назар билан қаралар эди. Улар олди-сотди қилинадиган, устида савдолашиладиган ҳар қандай товар сингари бир товар ҳисобланишар эди. Шунинг учун бу қулликни ана шу қулларни озод қилиб озод одамларга айлангиларшга олиб келадиган ечим билан муолажа қилиш лозим эди. Иккинчи жиҳат эса қул қилишга тааллуқли бўлиб, бу жиҳатни қул қилишга чек қўядиган ечим билан муолажа қилиш зарур эди. Шунинг учун бу икки жиҳатни инсон учун фойдали бўлган ва инсон воқесига ҳамда шахслар ўртасида ва миллатлар ўртасида бўладиган алоқалар воқесига асосланган ечим билан муолажа қиладиган оятлар ва ҳадислар келди.

## Қулликни муолажа қилиш

Ислом қулликни қулнинг ночор вазиятини енгиллатишга олиб келадиган ва унинг мажбуран ва ихтиёрий суратда озод қилинишига олиб келадиган ечим билан муолажа қилди. Ислом бу тўғрида кўпгина ҳукмларни йўлга қўйиб берди. Фақиҳлар бу ҳукмларни батафсил баён қилганлар. Бу ҳукмлар қисқача қуйидаги масалаларда акс этади:

1 – Ислом келган пайтда қуллар эгалари бўлган қулдор одамлар бор эди. Ислом қул муаммоларини қулдорлар ўртасида муолажа қилиб берди. Бу муолажа қулни ҳақ-ҳуқуққа эга қиладиган ва уни инсондаги фитрий сифатлардан бўлган озод инсон деб эътибор қилишни сақлаб қоладиган муолажа бўлди. Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда ҳамда Росулulloҳ ﷺ ҳадис шарифда қулларга яхшилик қилишни ва уларга гўзал муносабатда бўлишни буюрди. Аллоҳ Таоло деди:

وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَيَالِ الَّذِينَ إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسَاكِينِ  
وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ

«Аллоҳга бандалик қилинглр ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглр! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилинглз!» [Нисо 36]

Пайғамбаримиз ﷺ бундай дедилар:

«اتَّقُوا اللَّهَ فِيمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ، هُمْ إِخْوَانُكُمْ جَعَلَهُمُ اللَّهُ تَحْتَ أَيْدِيكُمْ فَأَطِعُوهُمْ مِمَّا تَأْكُلُونَ، وَأَلْبَسُوهُمْ مِمَّا تَلْبَسُونَ، وَلَا تَكْلَفُوهُمْ مَا يَغْلِبُهُمْ، فَإِن كَلَفْتُمُوهُمْ فَاعْيُونُهُمْ»

«Қўлингиз остидаги қулларингиз борасида Аллоҳдан тақво қилинглр. Улар биродарларингиздир. Аллоҳ уларни қўл остингизда қилиб қўйди. Уларга ўзингиз ейдиган нарсалардан едиринглр, ўзингиз киядиган либослардан кийдиринглр, уларга кучлари етмайдиган нарсани буюрманглр, агар буюрсангизлар ўзингиз ҳам ёрдам беринглр». Муслим ривояти. Абу Ҳурайранинг шундай дегани ҳам ривоят қилинган: Пайғамбар А. дедилар:

«لَا يَقُولَنَّ أَحَدُكُمْ عَبْدِي وَأَمْتِي، كُلُّكُمْ عِبِيدُ اللَّهِ وَكُلَّ نِسَائِكُمْ إِمَاءُ اللَّهِ، وَلَكِن لِيَقُلَّ غَلَامِي وَجَارِيَّتِي وَفَتَاتِي وَفَتَاتِي»

«Биронтангиз харгиз менинг кулим ва менинг чўрим демасин. Ҳаммангиз Аллоҳнинг қулсиз ва ҳамма аёлларингиз Аллоҳнинг чўриларидир. Лекин менинг ғуломим, жориям, ўғлим ва қизим деб айтсин». Дарҳақиқат шариат қул даражасини юксакка кўтарди ва уни озод инсондек қилиб қўйди. Зеро шариат қулнинг қонини дахлсиз қилиб қўйди. Шунинг учун агар озод одам уни ўлдирадиган бўлса ўзи ҳам ўлдирилади. Чунки Аллоҳ Таоло бундай деди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلَى

«Эй мўминлар, сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос олиш фарз қилинди» [Бақара 178]

Қасос – қандай зиён етказилса шундай ўч олиш ва жиноятчини жазолашдир. Қасос сўзи жиноятга бериладиган жазога нисбатан ва жиноятчи нима қилган бўлса, унга ҳам шундай жазо беришга нисбатан қўлланилади. «Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос олиш фарз қилинди», деган гапнинг маъноси ўлдириш жиноятининг жазоси сифатида қотилни ўлдириш сизларга фарз қилинди демакдир. Бу ҳукм умумий бўлиб, эркак, аёл, озод ва қулни ўз ичига олади. Буни Ибн Можа Ибн Аббос орқали ривоят қилган Пайғамбаримиз ﷺнинг ушбу сўзлари қувватлайди:

«الْمُسْلِمُونَ تَتَكَافَأُ دِمَاؤُهُمْ»

«Мусулмонларнинг қонлари ўзаро тенгдир». Шунинг учун бу ҳукм умумийдир. Демак қон дахлсизлиги борасида озод одам билан қул тенгдир. Қулни ўлдириш ҳаром бўлиб, уни ўлдирган қотил ким бўлмасин ўлдирилади. Шунга асосланиб айта оламизки Ислом қулнинг жони билан озод одамнинг жонини тенг қилиб қўйди, қулнинг қонини озод одамнинг қони каби дахлсиз қилиб қўйди. Пайғамбаримиз ﷺ дедилар:

«مَنْ قَتَلَ عَبْدَهُ قَتَلْنَاهُ»

«Ким қулни ўлдирса унинг ўзини ҳам ўлдиради». Аҳмад ва Абу Довуд Самура ибн Жундубдан ривоят қилди. Шунингдек Ислом қулни уйланиш, талоқ, таълим олиш, бошқа озод одам ва қул устидан гувоҳлик бериш ҳақ-ҳуқуқлари билан ҳам таъминлади. Аммо Ислом чўрининг эгасига шу чўридан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини берганига келсак, бу қулнинг даражасини кўтаради ва унинг озод бўлишига олиб келади. Чунки чўри эгасининг ўз чўрисидан худди эр ўз хотинидан баҳраманд бўлгани каби баҳраманд бўлиши бу чўрининг

даражасини озод хотин мартабасига кўтаради ва уни ўз эгаси ҳузуридаги даражага эга қилади. Қолаверса бу баҳраманд бўлиш натижасида ҳомиладор бўлиш ва бола туғиш бу чўрини эгасининг вафотидан кейин мажбуран озод қилинишига йўл ҳозирлайди.

2 – Ислом қулларни озод қилишга тарғиб қилди. Масалан Ислом қул бўйнини қулликдан озод қилишни инсоннинг Аллоҳнинг улуғ неъматларига шукр қилишига ёрдам берадиган ва довонни ошиб ўтишига кўмаклашадиган бир омил қилиб қўйди. Аллоҳ Таоло деди:

فَلَا اقْتَحِمَ الْعَقَبَةَ \* وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْعَقَبَةُ \* فَكُ رَقَبَةً

*«Бас, у довонини ошиб ўтмади! (Эй Муҳаммад), довон (ошиши) нима эканини сиз қаердан билар эдингиз? (У бир қул) бўйнини (қулликдан) озод қилмоқ»* [Балад 11-13]

Ошиб ўтиш – шиддат ва машаққат билан кириб бориш ва енгиб ўтишдир. Довон эса қийинчиликдир. Ислом солиҳ амалларни бир довон қилиб қўйди, бундай амалларни қилишни шу довонни ошиб ўтиш деб баҳолади. Бунда машаққат чекиш ва нафс билан жиҳод қилиш борлиги учун уни довон деб атади. Бўйинни озод қилиш эса қуллар бўйнини қулликдан халос қилишдир. Демак Аллоҳ бу оятда қулларни озод қилишга тарғиб қилди. Пайғамбаримиз ﷺ ҳам шунга тарғиб қилдилар. Росулুলлоҳ ﷺ дедилар:

«أَيُّمَا رَجُلٍ أَعْتَقَ امْرَأً مُسْلِمًا اسْتَفْتَدَ اللَّهُ تَعَالَى بِكُلِّ عَضْوٍ مِنْهُ عَضْوًا مِنْهُ مِنَ النَّارِ»

**«Кимки бир мусулмон қулни озод қилса Аллоҳ Таоло у (қул)нинг ҳар бир аъзоси эвазига унинг бир аъзосини дўзах ўтидан кутқаради».** Бухорий ва Муслим ривояти. Бу билан Ислом қулларни озод қилишга тарғиб қилгани ва бунинг учун катта савоб белгилагани аён бўлади.

3 – Ислом қулларни озод қилишни вожиб қиладиган амалий шаръий ҳукмларни олиб келди. Жумладан озод қилишга мажбурлайдиган шаръий ҳукмларни олиб келди. Чунки яқин маҳрамига мулк бўлиб қолган қулни мулк бўлиши биланоқ ўз-ўзидан озод бўладиган қилиб қўйди. Эгаси рози бўладими ёки йўқми, озод қилдими ёки йўқми бунинг фарқи йўқ. Демак яқин маҳрам қариндошига сотиб олиш ёки мерос билан эга бўладиган ҳар бир инсоннинг шу яқин маҳрам қули мулк бўлиши биланоқ озод бўлади. Эгаси шунга мажбурдир, унинг озод қилишига эҳтиёж бўлмайди. Абу Довуд Ҳасандан у Самурадан Набий ﷺнинг шундай деганларини ривоят қилди:

«مَنْ مَلَكَ ذَا رَحِمٍ مَحْرَمٍ فَهُوَ حُرٌّ»

«Ким махрам қариндошига эга бўлса у (қариндоши) озоддир». Ислом қулни куйдириб ёки бирон аъзосини кесиб ёки ишдан чиқариб азоблашни ёки қулни оғрийдиган қилиб калтаклашни унинг озод қилинишини вожиб қилувчи нарса қилиб қўйди. Агар хўжайини озод қилмаса ҳоким хўжайинини озод қилишга мажбурлайди. Пайғамбар А. дедилар:

«مَنْ لَطَمَ مَمْلُوكَهُ أَوْ ضَرَبَهُ فَكَفَّارَتُهُ أَنْ يُعْتِقَهُ»

«Ким қулига тарсаки туширса ёки урса унинг каффорати уни озод қилишдир». Муслим Ибн Умардан ривоят қилди. Уришдан мурод оғритиб уришдир. Хўжайин қулини одоб бериш учун оғритмайдиган қилиб уриши жоиз. Бунга ижозат берадиган бир неча ҳадислар келган. Ислом қулни озод қилишни кўп гуноҳлар учун лозим бўлган каффорат қилиб қўйди. Масалан ким бир мўминни билмасдан ўлдириб қўйса бунинг каффорати бир мўмин қулни озод қилишдир. Аллоҳ Таоло деди:

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ أَنْ يَقْتُلَ مُؤْمِنًا إِلَّا خَطَأً وَمَنْ قَتَلَ مُؤْمِنًا خَطَأً فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ وَدِيَّةٌ مُسْلِمَةً إِلَىٰ أَهْلِهَا إِلَّا أَنْ يَصَّدَّقُوا فَإِنْ كَانَ مِنْ قَوْمٍ عَدُوًّا لَكُمْ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ وَإِنْ كَانَ مِنْ قَوْمٍ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ مِيثَاقٌ فَدْيَةٌ مُسْلِمَةٌ إِلَىٰ أَهْلِهَا وَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ

«Мўмин мўминни фақат билмаган ҳолдагина ўлдириб қўйиши мумкин. Ким бир мўминни билмай ўлдириб қўйса, у бир мўмин қулни озод қилиши ва мархумнинг эгаларига – агар кечиб юбормасалар – хун тўлаши вожиб. Агар мархум ўзи мўмин бўлиб, сизларга душман қавмдан бўлса, фақат бир мўмин қулни озод қилиши вожиб. Агар у сизлар билан сулҳ тузган қавмдан бўлса, унинг эгаларига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш лозим»

[Нисо 92]

Ким қасамини бузса унинг каффоратларидан бири бир қулни озод қилишдир. Аллоҳ Таоло деди:

لَا يُؤَاخِذُكُمُ اللَّهُ بِاللَّغْوِ فِي أَيْمَانِكُمْ وَلَكِنْ يُؤَاخِذُكُمْ بِمَا عَقَدْتُمْ مِنَ الْأَيْمَانِ فَكَفَّارَتُهُ إِطْعَامُ عَشْرَةِ مَسَاكِينَ مِنْ أَوْسَطِ مَا تُطْعَمُونَ أَوْ هَلِيلِكُمْ أَوْ كِسْفُ ثَمَرٍ أَوْ تَحْرِيرُ رَقَبَةٍ

«Аллоҳ сизларни тилларингиздаги беҳуда қасамларингиз сабабли жазоламайди. Балки (дилларингиздаги) маҳкам тугган қасам сабабли (агар шундай қасамни бузсангиз) жазолайди. Бас, унинг каффорати ўз ошлангизни боқадиган ўртача таомлардан ўнта мискинга таом бериш ёки уларнинг сарпосини қилиш, ёхуд бир қулни озод қилишдир»

[Моида 89]

Кимки хотинини зиҳор қилса, масалан сен менга онамнинг орт томонидексан, деса сўнг яна хотинига қайтса унинг каффорати бир кул озод қилишдир. Аллоҳ Таоло деди:

وَالَّذِينَ يُظَاهِرُونَ مِنْ نِسَائِهِمْ ثُمَّ يَعُودُونَ لِمَا قَالُوا فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مِّن قَبْلِ أَنْ يَتَمَاسَا  
«**Ўз хотинларини зиҳор қилиб, сўнгра айтган сўзларидан қайтадиган кимсалар (зиммасида эр-хотин) қўшилишларидан илгари бир қулни озод қилиши бордир**» [Мужодада 3]

Кимки рамазонда жимо қилиб рўзасини бузса унинг каффорати ҳам бир қулни озод қилишдир. Абу Хурайрадан шундай дегани ривоят қилинган:

«جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ هَلَكْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ. قَالَ: وَمَا أَهْلَكَ قَالَ: وَقَعْتُ عَلَى امْرَأَتِي فِي رَمَضَانَ قَالَ: هَلْ تَجِدُ مَا تَعْتِقُ رَقَبَةً قَالَ: لَا. قَالَ: فَهَلْ تَسْتَطِيعُ أَنْ تَصُومَ شَهْرَيْنِ مُتَتَابِعِينَ. قَالَ: لَا. قَالَ: فَهَلْ تَجِدُ مَا تُطْعِمُ سِتِّينَ مِسْكِينًا قَالَ: لَا. قَالَ: ثُمَّ جَلَسَ، فَأَتَى النَّبِيُّ ﷺ بِعَرَقٍ (أَيَّ زَنْبِيلٍ أَوْ قَفَّةٍ) فِيهِ تَمْرٌ قَالَ: تَصَدَّقْ بِهَذَا. قَالَ: فَهَلْ عَلَى أَفْقَرٍ مِنَّا؟ فَمَا بَيْنَ لَابِتَيْهَا أَهْلٌ بَيْتٍ أَحْوَجُ إِلَيْهِ مِنَّا. فَضَحِكَ النَّبِيُّ ﷺ حَتَّى بَدَتْ أُنْيَابُهُ وَقَالَ: اذْهَبْ فَأَطْعِمْهُ أَهْلَكَ»

«Бир киши Набий ﷺ хузурига келиб: ё Росулulloҳ, ҳалок бўлдим, деди. Пайғамбаримиз: Сени нима ҳалок қилди? - дедилар. У: Рамазонда аёлимга яқинлик қилиб қўйдим, деди. Пайғамбаримиз: Бир қулни озод қиладиган нарса топа оласанми? - дедилар. У: Йўқ, деди. Пайғамбаримиз: Кетма-кет икки ой рўза тута оласанми? - дедилар. У: йўқ, деди. Пайғамбаримиз: Олтмиш мискинни таомлантирадиган нарса топа оласанми? - дедилар. У: йўқ, деди. Сўнгра кутиб ўтирди. Пайғамбаримиз ﷺ га бир замбил хурмо келтирилди. Ул зот (ҳалиги одамга): Мана бунни садақа қилиб юбор, дедилар. Эй Аллоҳнинг Росули, биздан кўра фақирроққами? Аллоҳга қасамки, Мадинада биздан кўра муҳтожроқ хонадон йўқ, деди. Набий ﷺ кулиб юбордилар, ҳатто тишларининг оқи кўриниб кетди. Сўнгра: Бор уни аҳлингга бер, дедилар». Муслим ривояти. Демак Набий ﷺ аввало кул озод қилишга буюрдилар, бундан бошқага ўтмадилар. Фақат унинг бундан ожизлигини билганларидан кейингина бошқа каффоратга буюрдилар. Демак

каффоратларга оид бу ҳукмларнинг барчасида каффорат тўловчига қул озод қилишни лозим қилиб қўйяпти.

Ислом бу билангина кифояланмади, балки қулнинг ўзига ҳам ўзини озод қилишга ҳаракат қилиши йўлини қилиб берди. Шунингдек эгасига ҳам қулнинг нарҳини чиқариб оладиган бадал йўлини белгилаб берди. Буни мукотаба баҳсида ўрганилади. Ислом шунга тарғиб қилди ва Аллоҳ Қуръонда шунга буюрди. Аллоҳ Таоло деди:

وَالَّذِينَ يَبْتِغُونَ الْكِتَابَ بِمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ فَكَاتِبُوهُمْ إِنْ عَلِمْتُمْ فِيهِمْ خَيْرًا وَأَنْتُمْ مِنْ مَالِ اللَّهِ  
الَّذِي آتَاكُمْ

*«(Эй мўминлар) қўл остингиздаги қуллардан битим тузишни истайдиган кишилар бўлса, у ҳолда агар сизлар уларда яхшиликни билсангизлар, улар билан битим тузинглар ва уларга Аллоҳнинг сизларга ато этган молидан ато этинглар!»* [Нур 33]

Хўжайин қулига: Фалон муддатда фалон маблағ олиб келсанг озодсан, деб мукотаба тузса қулини ишлаб топиб келиши учун эркин қўйиб юбориши вожиб бўлади. Токи қул мукотаба бўйича келишилган маблағни топиб келсин. Агар топиб келса хўжайини уни озод қилиши вожиб бўлади. Хўжайини бу мукотабадан қайтиши дуруст бўлмайди. Фақиҳлар мукотабага «мамлук (мулк бўлган қул)ни дарҳол озод қилиш, охир оқибат унинг бўйини қулликдан озод қилиш» деб таъриф берганлар. Агар мукотаба тўғри бўлса қул хўжайинининг қўлидан чиқади ва қачон бадални тўласа хўжайинининг мулкидан чиқади.

Бу ҳукмларнинг ҳаммаси қулларни озод қилишга оид бўлиб, уларда ундаш ва тарғиб қилиш йўли тугилгани ҳамда шахс бу ҳукмларни Аллоҳдан тақво ундови билан амалга оширмаса давлат куч билан амалга оширадиган ҳукмларни қонун қилиб қўйиш йўли тугилгани кузатилади. Уларнинг барчаси қул эгаларида қулларни озод қилиш ҳақида фикр юритиш ва ҳаракат қилишни вужудга келтиришга олиб келадиган ҳукмлардир. Бу ҳукмлар қулларнинг ўзларида ҳам ўзларини қулликдан озод қилишга ҳаракат қилиш тўғрисида фикрлаш ва шунга ҳаракат қилишни вужудга келтиришга олиб келади. Бу эса жамиятда қулликни тугатиш сари етаклайди.

4 – Ислом озод қилишга тарғиб қилиш ва озод қилишга мажбурлайдиган ҳукмларни вужудга келтириш билангина кифояланмади, балки мусулмонларнинг байтул молида қулларни озод қилиш учун махсус боб (манба)ни қилиб берди.

Бу боб қулларни озод қилиш учун закотдан беришдир. Исломуни саккиз бобнинг бири қилиб кўйди. Аллоҳ Таоло деди:

إِنَّمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ وَالْعَامِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمُؤَلَّفَةِ قُلُوبُهُمْ وَفِي الرِّقَابِ وَالْغَارِمِينَ  
وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأَبْنِ السَّبِيلِ فَرِيضَةً مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ

**«Албатта, садақалар (яъни, закотлар) Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари оина қилинувчи кишиларга, бўйинларни (қулларни) озод қилишга, қарздор кишиларга ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчи мусофирларга берилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир»** [Тавба 60]

Аллоҳ Таолонинг: «وَفِي الرِّقَابِ» деган қавли қулларни озод қилиш деган маънодадир. Ислому бу боб учун бир муайян миқдорни тайин қилмади. Шунинг учун давлат қулларни озод қилиш учун закот молларидан маълум бир миқдорнигина ажратиши жоиз бўлиб қолмай, балки бу ерда закотни бошқа ўринларга сарфлаш зарурати бўлмаса закот молининг ҳаммасини қулларни озод қилишга ажратиш ҳам жоиз бўлади. Чунки закотни ушбу саккиз бобга сарфлаш вожиб бўлмайди, балки мусулмонлар халифасининг раъйи бўйича шу боблардан бирига ажратилса ҳам жоиз бўлади.



## Қул қилишни муолажа қилиш

Ислом келган пайтда оламда амал қилиб келинган қадимги низомларда қул қилиш йўллари кўп бўлган. Масалан бу низомлар бўйича иши орқага кетиб синган (банкрот бўлган) қарздорни қулга айлантирилар эди. Қарздор ночор аҳволга тушиб қолиб синса, қарз берган уни қул қилиб олиши мумкин эди. Бу низомлар инсонни қилган баъзи жинояти ва хатосига жазо сифатида қул қилишни тақозо қиларди. Бу низомлар озод одам ўзини қул қилишларини қабул қилишига, бошқага ўзини сотишига йўл очиб берарди. Фақат хўжайини у билан ўзаро келишиб олган вақтдан кейин уни озод қилиши шарт эди. Кучли қабилалар кучсиз қабилалар одамларини бемалол қул қилиб олиши мумкин эди. Урушлар ва босқинларда асирлар қулга айлантирилар, юртлар босиб олинса бутун аҳолиси қулга айлантирилиши мумкин эди. Бу умум қоида эди. Бу низомларнинг баъзилари бўйича фақат урушларда асир олинадиган эркаклар, аёллар ва болаларнигина қулга айлантириш мумкин эди. Шунинг учун ким урушда асир олинса ва қул қилинса у қул ҳисобланар ва унинг қуллиги тан олинар эди.

Ислом келгач бу қул қилиш ҳолатлари учун бошқача шаръий ҳукмларни йўлга қўйди. Бу шаръий ҳукмлар қулга айлантиришга йўл қўймайдиган ҳукмлардир. Ислом уруш ҳолатида қандай иш тутиш лозимлигини ҳам батафсил баён қилди. Масалан Ислом ночор ҳолда қолган қарздорга нисбатан қарз берган одам бу қарздор бойигунча кутиши кераклигини баён қилди. Аллоҳ Таоло деди:

وَإِنْ كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ

«*Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг!*» [Бақара 280]

Ислом жиноятларга бериладиган жазоларни ҳам, айниқса ўғирлик жазосини батафсил баён қилди. Қадимда ўғирлик жазоси қулга айлантириш эди. Аллоҳ Қуръонда бунга ишора қилиб бундай деган:

قَالُوا جَزَاءُ مَنْ وَجَدَ فِي رَحْلِهِ فَهُوَ جَزَاؤُهُ

«*Улар дедилар: “Унинг жазоси, кимнинг юки орасидан топилса, ўша кимса жазоланур – қул қилинур”*» [Юсуф 75]

Ислом эса ўғирлик жазоси қўлни кесиш эканини баён қилди. Аллоҳ Таоло деди:

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا جِزَاءَ بِمَا كَسَبَا

**«Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлсин учун қўлларини кесинглар!»** [Моида 38]

Ислому кул билан хўжайин ўртасида кулга айлантириш тўғрисида эмас, озод қилиш тўғрисида битим тузишга буюрди ва озод одамларни кулга айлантиришни кескин ҳаром қилди. Пайғамбаримиз ﷺ дедилар: Аллоҳ Азза ва Жалла деди:

«ثَلَاثَةٌ أَنَا خَصْمُهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: رَجُلٌ أَعْطَى بِي ثُمَّ غَدَرَ، وَرَجُلٌ بَاعَ حُرًّا فَأَكَلَ ثَمَنَهُ، وَرَجُلٌ اسْتَأْجَرَ أَجِيرًا فَاسْتَوْفَى مِنْهُ وَلَمْ يُعْطِهِ أَجْرَهُ»

**«Уч кимса борки, Мен қиёмат куни уларнинг душманиман: Менинг номим билан қасам ичиб, сўнг хиёнат қилган кимса, озод одамни сотиб юбориб пулини еган кимса, кишини ёллаб, ундан тўла фойдаланиб унинг иш ҳаққини бермаган кимса».** Бухорий ривояти. Демак Аллоҳ Таоло озод одамни сотган кимсани ўзига душман тутади. Уруш ҳолати ҳақида айтадиган бўлсак, Ислому бу ҳақда ҳам батафсил баён қилиб, асирларни кул қилишни мутлақо ман қилди. Ҳижратнинг иккинчи йилида Ислому асирлар ҳукмини баён қилиб, ё уларга марҳамат кўрсатиб, бадал олмай уларни қўйиб юборишни ёки улардан фидя олишни ёки уларга ўхшаб асирга тушиб қолган мусулмонларга ёки зиммийларга алмаштириб олишни буюрди. Аллоҳ Таоло деди:

فَإِذَا لَقِيتُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا فَضَرْبَ الرِّقَابِ حَتَّىٰ إِذَا أَثْنَلْتُمُوهُمْ فَاسُدُّوا وُجُوهُهُمْ وَأَكْبِرُوا كَرِيمًا  
فِي ذَٰلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمُ الْآيَاتِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ خَبِيرٌ

**«Бас, (эй мўминлар), қачон сизлар (жанг майдонида) кофир бўлган кимсалар билан тўқнашганларингизда бўйинларига урингиз – ўлдилингиз! Энди қачон уларни (нг кўпларини) қириб (мағлуб қилганингиздан кейин уларни асир олиб) арқонлар билан боғлангиз! Сўнг ё (уларни озод қилиб юбориш билан) марҳамат кўрсатурсизлар ё (уларни қўйиб юбориш учун) фидя-товон олурсизлар, Токи уруш юқларини қўйгунича (яъни тўхтагунича сизларга буюрилган иш) мана шудир»** [Муҳаммад 4]

Бу оятда мана шу маъно, яъни марҳамат кўрсатиш ёки фидя олиш очиқ кўрсатилган бўлиб, оят бундан бошқа маънони мутлақо кўтармайди. Зеро араб луғати асирлар ҳукмини шу икки ишдан бирига: марҳамат кўрсатишга ёки фидя олишга чеклашни тақозо қилади. Чунки «إِمًا» калимаси икки нарсадан бирини танлаш, шу икки нарсадан бирига чеклашишга нисбатан қўлланади. Шунинг учун бу оятда «إِمًا» калимаси

Ўзидан кейин зикр қилинган марҳамат кўрсатиш ёки фидя олишга чекланишни, шу иккисидан бирини танлашни ифодаламоқда. Шу ўринда энди баъзи фақиҳларда шубҳага сабаб бўлган бир савол кўндаланг бўлади. Улар ундан «халифа агар маъкул кўрса асирларни қулга айлантириши мумкин», деган хулосани чиқарганлар. Бу савол қуйидагича: «Набий ﷺ бу оят нозил бўлганидан кейин ҳам қул қилганлар. Чунки бу оят ҳижратдан кейин иккинчи йилда, Росулulloҳ ﷺ билан Қурайш кофирлари ўртасида уруш бошланишидан олдин нозил бўлган. Пайғамбар А. Ҳунайнда қул қилдилар. Росулulloҳ ﷺ қилган иш эса Аллоҳ оятларининг тафсири деб эътибор қилинганидек ташриъ (шаръий ҳукм татбиқи) деб ҳам эътибор қилинади. Шундай экан асирларни қул қилишни бу оят билан қандай ман қилиш мумкин ахир? Ваҳоланки Росулulloҳ ﷺ шу оят нозил бўлганидан кейин Ҳунайнда қул қилган бўлса?». Бунга жавоб шуки, Росулulloҳ ﷺ қилган иш ва айтган сўзи Қуръон оятларига нисбатан ё мужмални муфассал қилиш ёки мутлакни муқайяд қилиш ёки омни хослаш бўлади. Пайғамбар ﷺнинг иши ва сўзи Қуръонни мансух қилувчи бўлмайди. Асирлар ҳақидаги оят эса мужмал эмаски тафсилот зарур бўлса, лафзлари умумий эмаски хослаш керак бўлса, мутлак эмаски қайдлаш керак бўлса. Росулulloҳ ﷺнинг бу оят нозил бўлганидан кейин қул қилгани саҳиҳ бўладиган бўлса Пайғамбаримиз ﷺнинг бу иши оятни мансух қилувчи бўлиб қолади. Бу эса жоиз эмас. Бундан ташқари Росулulloҳ ﷺнинг асирларни қул қилгани ҳақидаги ривоят хабар оҳод бўлиб

فِيمَا مَنَّا بَعْدُ وَإِنَّمَا فِدَاءٌ

**«Сўнг ё (уларни озод қилиб юбориш билан) марҳамат кўрсатурсизлар ё (уларни қўйиб юбориш учун) фидя-товон олурсизлар»** [Муҳаммад 4]

оятига зид келади. Хабар оҳод қатъий оятлар ва ҳадисларга зид келиб қоладиган бўлса дироятан рад қилинади. Шунга кўра «Росулulloҳ ﷺ асирлар ҳақидаги оят нозил бўлганидан кейин ҳам асирларни қул қилди», деган ривоят эътиборга олинмайди. Қолаверса Ҳунайн ғазотида Росулulloҳ ﷺ томонидан бўлган иш вокеси шундан иборатки, мушриклар бу жангда аёллар ва болаларни ҳам ўзлари билан олиб чиқишган эди. Сафларини кўп қилиб кўрсатиш ва эркакларини руҳлантириш учун шундай қилишган эди. Жангда тор-мор бўлишгач аёллар ва болалар сабий (банди, тутқун) бўлиб қолишди ва Росулulloҳ

ﷻ уларни мусулмон жангчиларга тақсимлаб бердилар. Бу сабий қилиш ҳақида маслаҳатлашилгач Пайғамбаримиз ﷺ мусулмонлардан ўзларининг сабий қилиш борасидаги ҳақларини кўнгилдан чиқариб ҳиба (совға) қилишни сўрадилар ва сабий ўз аҳлига қайтарилди. Демак бу сабийни, яъни жангда сафни кўп қилиб кўрсатиш ва руҳлантириш учун эркаклар билан бирга чиққан аёллар ва болаларни қул қилиш жоизлигига далолат қилади. Аммо сабийдан бошқалар, яъни жангчи эркаклар асирга тушиб қолишса Росулulloҳ ﷺ улардан биронтасини мутлақо қул қилмаганлар. Пайғамбаримиз ﷺнинг эркак жангчилардан, на арабдан, на яҳудлардан, на насоролардан биронта асирни қул қилгани ҳақида саҳиҳ ривоят йўқ. Зеро «асир» сўзи эркак жангчига нисбатан ишлатилади, аёл ва болаларга нисбатан луғатда «асир» сўзи эмас, «сабий» сўзи ишлатилади. Шундан аён бўладики, Ислом асирга тушган эркак жангчиларни қул қилишни ман қилди ва сабийни қул қилиш ёки қўйиб юборишни халифанинг ихтиёрига қўйди. Улардан фидя олинмайди. Росулulloҳ ﷺ Ҳунайнда сабий борасида худди шундай иш тутдилар, уларни қул қилдилар, сўнг қўйиб юбордилар. Хайбарда ҳам сабийларни озод қилдилар ва қул қилмадилар. Бу, яъни сабий қилиш аёллар ва болалар урушда қўшин билан бирга чиқишган пайтда бўлади. Аммо агар уйларида қолишган бўлса уларга қарши ҳеч нарса қилинмайди, асир ҳам, сабий ҳам бўлишмайди. Халифа сабийни қул қилиш масаласида ҳарбий сиёсат душманларга муомала қилиш борасида нимани тақозо қилса, шу бўйича йўл тутади. Бундан мақсад қул қилиш эмас, балки у уруш муомалаларидан биридир. Бунда иш халифа ҳукмига ҳавола қилинади. Халифа нимани маъқул кўрса ва душманга нисбатан бўлган муносабат нимани тақозо қилса, шуни қилади.

Шундан аён бўляптики, Ислом қул қилишни муолажа қилиб, қул қилиш юз берадиган барча ҳолатларни ман қилди. Сабий борасида эса душманга нисбатан қилинадиган муносабатга қараб иш тутиш ихтиёрини халифага қолдирди. Бу билан Ислом қул қилишга барҳам берган бўлади. Айниқса одамларда сафни кўпайтириш ва руҳлантириш мақсадида аёллар билан болаларни қўшин билан бирга олиб чиқиш одати бекор бўлган экан – бу ҳолни бир неча асрдан бери то шу бугунгача бўлган урушларда кузатиш мумкин – демак қул қилиш юз берадиган

биронга ҳолат мутлако қолмади. Бу билан Ислом қул қилишни ман қилган бўлади.

## Шахслар ўртасидаги алоқалар

Юқорида шарҳлаб ўтилган бу ҳукмлар Исломиё давлатга ва унинг бошқа давлатлар, халқлар ва миллатлар билан бўладиган алоқаларига тааллуқли шаръий ҳукмлардан намуналар эди. Ислому уларда бошқа ҳукмларга оид бир намуна сифатида баъзи ҳукмларни баён қилди. Токи мусулмонга бу умумий алоқа таянадиган асос ва бу алоқада юзага келадиган муаммоларни муолажа қилувчи ҳукмлар нави аён бўлсин. Бу ерда шахслар ўртасида бўладиган алоқалар ҳам борки, шахсларнинг тирикчиликдаги манфаатлари шу алоқаларга таянади. Ислому келиб шахслар ўртасидаги бу алоқаларни қатор шаръий ҳукмлар билан муолажа қилди. Хусусан шахсий алоқаларга, умуман эса инсонга инсонлиги жиҳатидан тааллуқли бўлган шаръий ҳукмлар билан муолажа қилди.

Ислому ўзининг ҳамма шаръий ҳукмларини муайян шахсларга эмас, балки инсонга татбиқ этади. Лекин шахслар тимсолидаги инсонга татбиқ этади. Ана шу шахсларга инсон деган сифатда, жамоатни ташкил қилувчи одамлар мажмуаси деган эътиборда татбиқ этади. Ислому мана шу шахсларга ва бу жамоатга улар эҳтиёж сезадиган шаръий алоқаларни, жамиятни шакллантирадиган шахслар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиб беради. Инсон дейилганида, у Холидми ёки Муҳаммадми, бундан қатъий назар, инсон жинси кўзда тутилади. Шундай бўлгач демак шаръий ҳукмлар муайян шахс учун эмас, мана шу инсон учун келди. Шахс дейилганида эса Холид бўладими ёки Муҳаммадми, муайян шахс кўзда тутилади. Шундай бўлгач Ислому шаръий таклифларни адо этишни шахсдан унинг яққа шахслиги эътибори билан талаб қилинадиган қилиб қўйди. Бу билан ҳар қандай шахс муаммоларини муолажа қилишни мақсад қилди ва шахсга Исломда келган барча нарсага амал қилишни, уларнинг доирасидан чиқмасликни буюрди. Зеро шаръий ҳукмлар гарчи инсон учун келган бўлса-да, уларни адо этиш талаб қилинадиган киши муайян шахсдир, яъни Холид ва Муҳаммаддир. Лекин бўй-бастида ёки сабзавотни хуш кўриши, гўштни хуш кўрмаслиги каби бошқаларга ўхшамайдиган ўзига хос алоҳида шахслиги эътибори билан эмас, балки инсондаги фитрий сифатлар мос келадиган бир инсон эканлиги эътибори билан ундан шаръий ҳукмларни адо этиш талаб қилинади. Фитрий сифатларнинг мос келиши бу шахснинг ишларида

инсон деган эътиборда кўзга ташланадиган ҳаётӣй энергия кўринишларидан бири бўлади. Ислом шахслар ўртасидаги, уларнинг умумий ва хос маиший ҳаётларидаги алоқаларни тартибга солиш учун ҳукмларни олиб келди. Яъни одамларнинг бир-бирлари билан бўладиган алоқаларини тартибга солиш учун ҳукмларни олиб келди. Шунингдек одамлар билан давлат ўртасидаги алоқаларни, давлат билан бошқа давлатлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ёки жамоатни унинг жамоатлиги жиҳатидан келиб чиқиб тартибга солувчи шаръий ҳукмларни ҳам олиб келди. Уларнинг ҳаммаси муайян шахсга, Муҳаммадга ёки Холидга ёки Ҳасанга буюриладиган, лекин инсон эканлиги жиҳатидан буюриладиган ҳукмлардир.

Шаръий ҳукмларни умумийлигича кузатган одам шунга гувоҳ бўладики, Ислом шаръий ҳукмларни олиб келар экан, шахс манфаатини унинг ўзига хос шахсий хусусиятлари билан ҳисобга олди, шахс яшайдиган жамият манфаатини ҳам шахслардан тузилган жамият деган эътиборда ҳисобга олди, жамият аъзолари ўртасидаги алоқалар жиҳатидан эмас, жамият эканлиги жиҳатидан эътиборга олди. Чунки Ислом жамиятга ўзаро шаръий алоқаларни йўлга қўйиб берар экан шахс манфаатини ҳисобга олди, шахсга бошқа шахслар билан бўладиган шаръий алоқаларни йўлга қўйиб берар экан жамият манфаатини ҳисобга олди. Шунинг учун Ислом давлатга раийят ишларини идора қилиш учун агар байтул молдаги манбалар етарли бўлмаса мусулмонлардан мол олиш ҳуқуқини берар экан, давлатни фақат Аллоҳ жамият зиммасига вожиб қилган маблағнигина олишга чеклаб қўйди. Бунга мисол қилиб жиҳод учун ёки очларга таом бериш учун мол олишни келтириш мумкин. Ислом давлатга бу маблағни фақат бойларнинг ортиқча молидан, яъни еб-ичиш, кийим-кечак, уй-жой каби асосий эҳтиёжларидан ҳамда уйланиш, автомашина, хизматкор ёллаш ва шунга ўхшаш жамиятларининг урфида зарурий деб ҳисобланадиган камолий эҳтиёжларидан ортиқчасинигина олишга буюрди, шунга чеклаб қўйди. Бу шаръий ҳукмларни йўлга қўйишда жамиятни муҳофаза қилиш мақсад қилинди ва унда шахс манфаати ҳисобга олинди. Шунингдек шариат шахсга уй қуришни ёки дарахт ўтқазиб, боғу бўстон қилишни мувоҳ қилар экан, одамлар ўтадиган йўлни тўсиб қўймасликни буюрганини, йўлга ҳалақит қиладиган ёки омма мулкига тажовуз қиладиган тарзда бино

қуришдан, дарахт ўтқазидан ёки экин экишдан ман қилганини кўрамиз. Шариат шахсга ўзи эга бўлган нарсасини Ислом диёридан ташқарида сотишга рухсат берар экан, шу вақтнинг ўзида уни мусулмонларга қарши душманни кучайтирадиган ҳар бир нарсани ва қурол-аслаҳани сотишдан ман қилди. Демак бу шахс манфаати кўзланган ва жамият манфаати ҳам ҳисобга олинган шаръий ҳукмлардир.

Шунга кўра шахслар ўртасидаги алоқаларни тартибга соладиган шаръий ҳукмлар гарчи шахсий алоқаларга оид бўлсада, лекин инсон ва жамоат учун ҳамда жамият учун шаръий ҳукм эканлиги сифатидан, яъни шу жамоат аъзолари ўртасидаги алоқаларга оид ҳукмлар бўлиш сифатидан ажралмайди. Шунга кўра шахслар алоқаларига тааллуқли шаръий ҳукмлар намуналари бутун инсон фарзандларига тегишли бўлган умумий шаръий ҳукмлардир. Гарчи шахслар алоқаларини муолажа қилса ҳам ва шу алоқаларни ўрнатадиган муайян шахсларга тўғри келса ҳам улар умумий ҳукмлардир. Масалан байни олайлик. У Исломий давлат байроғи остида Ислом ҳукмларини татбиқ этадиган шахслар ўртасидаги алоқаларни тартибга солишга оид шаръий ҳукмлардир. Бу ҳукмларни адо этадиган шу шахсларнинг ўзидир. Лекин бу ҳукмлар инсон фарзанди бўлган ҳамма шахсларга тўғри келади. Муҳаммад ва Холид савдо-сотик билан шуғулланар экан, байга оид ҳукмларни ижро этиш хитоби шу иккаласига оид бўлади. Бай билан шуғулланаётганлар иккаласи бўлгани учун хитоб уларга қаратилган бўлади. Бай билан шуғулланмаётган Ҳасан ва Солихдан бу ҳукмларни бажариш талаб қилинмайди. Демак байга оид шаръий ҳукмларни шахслар татбиқ этади. Лекин жамиятда яшайдиган инсон фарзандлари деган эътиборда татбиқ этишади. Улар бу ҳукмларни муаммо юз берган пайтда татбиқ ва адо этишади. Мусулмон шахс Ислом ҳукмларини ўзининг шахсий ишларига татбиқ этмоғи лозим. Шунинг учун амалга оширмакчи бўлган ҳар бир масала борасидаги шаръий ҳукмни билиши фарзи айнди. Шу боис шахсларнинг бир-бирлари билан бўладиган алоқаларига оид ҳукмлардан намуналар келтириш фойдадан холи бўлмайди. Тоинки, мусулмонлар уларни билиб олсинлар ва ўзларига керакли нарсани билиш учун шариат китобларига мурожаат қилсинлар.



## Бай

«Бай», деб луғатда мутлақ айирбошлашга айтилади. У «широъ» (сотиб олиш)нинг зиддидир. Бай сўзи широъга нисбатан қўлланилганидек, широъ ҳам байга нисбатан қўлланади. Қайси маъно ирода қилинаётганини қарина белгилайди. Шариатда эса бай деб эга қилиш ва эга бўлиш мақсадида ўзаро розилик билан бир молни бошқа бир молга алмаштиришга айтилади. Байнинг жоизлиги Китоб ва суннатда кўрсатилган. Аллоҳ Таоло деди:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ

«Аллоҳ байни ҳалол қилди»

[Бақара 275]

وَأَشْهَدُوا إِذَا تَبَايَعْتُمْ

«Бир-бирингиз билан бай қилганда гувоҳ келтиринг!» [Бақара 282]

إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِجَارَةً عَنْ تَرَاضٍ مِّنْكُمْ

«Балки ўзаро ризолик билан бўлган савдо-сотик орқали (мол-дунё касб қилингиз)»

[Нисо 29]

Набий ﷺ бундай дедилар:

«الْبَيْعَانِ بِالْخِيَارِ مَا لَمْ يَتَفَرَّقَا»

«Сотувчи ва олувчи, модомики айрилиб кетмасалар ихтиёрлари ўзларидадир». Бухорий ривояти. Рифоанинг ривоят қилишича, у Набий ﷺ билан намозгоҳга чикдилар. Пайғамбаримиз ﷺ олди-сотди қилаётган одамларни кўриб:

«يَا مَعْشَرَ التُّجَّارِ فَاسْتَجَابُوا لِلرَّسُولِ اللَّهِ ﷺ وَرَفَعُوا أَعْنَاقَهُمْ وَأَبْصَرَهُمْ إِلَيْهِ فَقَالَ: إِنَّ

التُّجَّارَ يُبْعَثُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فُجَّارًا إِلَّا مَنْ اتَّقَى اللَّهَ وَبَرَّ وَصَدَقَ»

«Эй савдогарлар жамоаси», дедилар. Улар Росулulloҳ ﷺнинг чақириғига жавобан бошларини кўтариб у зотга қарадилар. Пайғамбаримиз ﷺ: «Албатта савдогарлар қиёмат куни фожирлар бўлиб қайта тириладилар. Магар Аллоҳдан тақво қилган, яхшилик қилган ва ростгўй бўлган кишигина бундан мустасно», дедилар. Термизий ривояти. Термизий Абу Саиддан Набий ﷺнинг шундай деганини ҳам ривоят қилди:

«التَّاجِرُ الصَّدُوقُ الْأَمِينُ مَعَ النَّبِيِّينَ وَالصَّادِقِينَ وَالشُّهَدَاءِ»

«Ростгўй, омонатли савдогар набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир». Байда ийжоб ва қабул бўлиши, иккаласидан ҳар бирига далолат қиладиган лафз билан ёки

соқовнинг ишораси каби лафз мақомида турадиган нарса билан бўлиши шарт. Ёзиш ҳам лафздан ҳисобланади. Аммо харидорнинг товарни сотиб олиб пулини тўлашига келсак, масалан нон, газеталар, почта маркалари ва шунга ўхшаш нарсалар каби амалий байга келсак, бунда қаралади. Агар бозорда товарнинг нархи маълум бўлса, савдолашиш бўлмаса, у ҳолда бу иш ийжоб ва қабулга далолат қилиб, бай деб эътибор қилинади. Фақиҳлар буни «байъул муотот» (олди-берди савдоси) деб атайдилар. Аммо агар бозорда товарнинг нархи аниқ белгиланмаган бўлса ва савдолашиш керак бўлса у ҳолда «байъул муотот» дуруст бўлмайди. Чунки бу иш ийжоб ва қабулга далолат қилмайди. Шунинг учун низо юзага келиши мумкин. Бу эса муомалалар асосига хилофдир. Чунки муомалалар низога йўл қўймайдиган тарзда бўлиши лозим. Шунинг учун анави ҳолатда «байъул муотот» унда ийжоб ва қабулни кўрсатадиган нарса йўқ бўлгани учун бай ҳисобланмайди. Шундан аён бўладики, ийжоб ва қабул байнинг дуруст бўлишида шарт бўлгани учун демак ийжоб ва қабул икковига далолат қиладиган лафз билан ёки ишора билан ёки ийжоб ва қатъий далолат қиладиган иш билан ҳосил бўлиши, низо бўлмаслиги шарт.

Бай – кайл (идишда тортиладиган нарса), вазн (тарозида тортиладиган нарса) ва саналадиган нарсалардан бошқасида – ақд (савдо битими) тузилиб бўлиши биланоқ тамомига етади. Бунда бай тамомига етиши учун қўлга киритиш шарт қилинмайди. Агар сотилган нарсани қўлга олишдан олдин унга шикаст етса сотган одам эмас, сотиб олган одам зомин бўлади. Масалан ҳовли-жой, ҳайвон, автомашина ва шунга ўхшаш нарсалар савдоси каби. Булар кайл, вазн ва санаш билан савдо қилинадиган нарсалар сирасига кирмайди. Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ:

«الْخَرَجُ بِالضَّمَانِ»

«**Харож** (келган фойда) **зоминлик туфайлидир**», деганлари учун бу ҳолатда сотиб олган одам зомин бўлади. Бу савдодаги фойда сотиб олган одамники бўлгани учун, зоминлик ҳам унинг зиммасига тушади. Масалан бир киши ҳайвон сотиб олди. Ҳали уни қўлга олмасдан туриб ўша ҳайвон туғди. Бунда ҳайвоннинг боласи сотган кишиники эмас, сотиб олган кишиники бўлади. Шунинг учун фойда уники бўлганидек,

зоминлик ҳам унинг зиммасига бўлади. Ибн Умарнинг айтишича:

«أَنَّهُ كَانَ عَلَى بَكْرِ عُمَرَ صَعْبٌ فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ ﷺ: بَعِينِهِ فَقَالَ عُمَرُ: هُوَ لَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ فَاشْتَرَاهُ، ثُمَّ قَالَ: هُوَ لَكَ يَا عَبْدَ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ فَاصْنَعْ بِهِ مَا شِئْتَ»

«У Умарнинг бир асов эркак туясини миниб олган эди. **Набий ﷺ** унга: уни менга сот, дедилар. Умар: у сизники ё Росулulloх, деди. **Пайғамбаримиз ﷺ** уни сотиб олиб: эй Абдуллох ибн Умар, у сеники, у билан хоҳлаган нарсангни қил, дедилар». Бухорий ривояти. Бунда ана шу туя қайл, вазн ва санок билан ўлчанадиган нарсалардан бошқа бўлгани учун уни ҳали қўлга ушламасдан туриб тасарруф қилиш юз берди. Аммо агар савдо қайл, вазн ва санок билан ўлчанадиган нарса устида бўлса, у ҳолда сотилган нарсани қўлга киритсагина бай тамомига етади, акс ҳолда тамомига етмайди. Шунинг учун сотиб олган нарсани қўлга олмасдан туриб унга зарар етса у сотган одамнинг молидан бўлиб қолаверади. Масалан Набий ﷺ таомни қўлга олмасдан туриб уни сотишдан қайтариб шундай дедилар:

«مَنْ ابْتَاعَ طَعَامًا فَلَا يَبِيعُهُ حَتَّى يَسْتَوْفِيَهُ»

«**Кимки таом сотиб олса уни тўлиқ олмагунича сотмайди**». Бухорий ривояти. Муслим Ибн Умардан ривоят қилди:

«كُنَّا نَشْتَرِي الطَّعَامَ مِنَ الرُّكْبَانِ جَزَافًا فَهَآنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ يَبِيعَهُ حَتَّى نَنْقُلَهُ مِنْ مَكَانِهِ»

«**Биз улов минганларнинг олдини тўсиб чиқиб, таомни ўлчамасдан сотиб олаверар эдик. Росулulloх ﷺ то уни жойидан олиб келмагунимизча уни сотишдан бизни қайтардилар**». Бу ҳадис сотилган нарсага сотган одам зомин бўлишига далолат қилмоқда. Агар бу ҳолатда зоминлик сотиб олган киши бўйнида бўлганида эди, уни сотиш, тасарруф қилиш худди қўлга олганидан кейин бўлганидек албатта жоиз бўлиб қолар эди. Пайғамбаримиз ﷺ нарсани қўлга олмасдан туриб сотишдан қайтаргач, демак уни тасарруф қилишдан ҳам қайтарган бўладилар. Бунинг маъноси «тўлиқ унинг мулки бўлмади, шунинг учун сотиб олган киши эмас, сотган киши зомин бўлади» демакдир. Гарчи ҳадисда таомни шундай сотишдан қайтарилган бўлса-да, лекин таом қайл ёки вазн билан ёки санаб ўлчаниши мумкин бўлгани учун демак қайл

билан ўлчанадиган таомни сотишдан ҳам, вазн билан ўлчанадиган таомни сотишдан ҳам ва санаб ўлчанадиган таомни сотишдан ҳам наҳий қилинди. Демак кайл, вазн, санок билан ўлчанадиган барча нарсани то қўлга киритмасдан туриб сотишдан қайтарилди. Бу нарса таом бўладими ёки бошқасими, бунинг фарқи йўқ. Чунки баъзи ҳадисларда кайл кўрсатилган бўлса, баъзиларида товар кўрсатилган, баъзиларида эса нарса кўрсатилган. Муслимнинг ривоят қилишича Набий ﷺ шундай дедилар:

«مَنْ ابْتِاعَ طَعَامًا فَلَا يَبِعُهُ حَتَّى يَكْتَالَهُ»

**«Ким таом сотиб олса то кайл билан ўлчамагунча уни сотмасин».** Ҳаким ибн Ҳизомдан ривоят қилинди:

«قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي أَشْتَرِي بُيُوعًا فَمَا يَحِلُّ لِي مِنْهَا وَمَا يُحْرَمُ عَلَيَّ؟ قَالَ: فَإِذَا اشْتَرَيْتَ بَيْعًا فَلَا تَبِعْهُ حَتَّى تَقْبِضَهُ»

**«Мен: ё Росулulloҳ, мен товарлар сотиб оламан, улардан қайсиниси менга ҳалол ва қайсиниси ҳаром? - дедим. Пайғамбаримиз: агар нарса сотиб олсанг то уни қўлингга киритмагунингча сотма, дедилар».** Аҳмад ривояти. Зайд ибн Собитдан шундай дегани ривоят қилинди:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَى أَنْ تُبَاعَ السَّلْعُ حَيْثُ تُبْتِاعُ حَتَّى يَحْوِزَهَا التُّجَّارُ إِلَى رِحَالِهِمْ»

**«Набий ﷺ савдо молларини савдогарлар уларга эга бўлиб, ўз жойларига олиб бормагунларича сотиб олинган жойида сотишдан қайтардилар».** Абу Довуд ривояти. Аҳмад Набий ﷺнинг шундай деганини ривоят қилди:

«مَنْ اشْتَرَى طَعَامًا بِكَيْلٍ أَوْ وَزْنٍ فَلَا يَبِعُهُ حَتَّى يَقْبِضَهُ»

**«Ким таомни кайл ёки вазн билан сотиб олса, то уни қўлига олмагунича сотмасин».** Бу ҳадисларнинг барчаси кайл, вазн, санок билан ўлчанадиган нарсаларнинг ҳаммасига далолат қиляпти. Кайл, вазн билан ва санаб сотиладиган нарсалар Ибн Умар ривоят қилган ҳадис билан мустасно қилингани бунга далилдир. Ўша ҳадисда Росулulloҳ ﷺ Умардан бир туяни сотиб олиб, уни ҳали қўлга киритиб олмасдан туриб Абдуллоҳ ибн Умарга совға қилгани айтилди. Демак унда қўлга киритиб олиш шарт қилинмади. Кайл, вазн билан тортиб олинадиган ва санаб олинадиган нарсаларда бунинг хилофи бўлади. Чунки уларда савдо тамомига етиб тўлиқ бўлиши учун сотиб олган киши сотилган нарсани қўлга

киритиб олиши шарт. Шариатда қабз (қўлга киритиб олиш) деб ҳисоблаш нарсаларнинг турига қараб ҳар хил бўлади. Масалан агар нарса қайл ёки вазн билан тортиладиган бўлса, уни қабз қилиш қайл ёки вазн билан бўлади. Бунга далил Бухорий ривоят қилган ушбу ҳадисдир. Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«إِذَا بَعْتَ فَكِلًا، وَإِذَا ابْتَعْتَ فَكَاتِلًا»

**«Агар сотсанг қайл билан тортиб бер, агар сотиб олсанг қайл билан тортириб ол».** Усмондан шундай дегани ривоят қилинди: мен яхудларнинг Бани Қайнуқоъ қабиласидан хурмо сотиб олиб фойдасига сотар эдим. Бу хабар Росулulloҳ ﷺ га етгач Пайғамбаримиз ﷺ бундай дедилар:

«يَا عُمَانُ إِذَا اشْتَرَيْتَ فَكَاتِلًا، وَإِذَا بَعْتَ فَكِلًا»

**«Эй Усмон, агар сотиб олсанг қайл билан ўлчаб ол, агар сотсанг қайл билан ўлчаб бер».** Аммо сотилган нарса дирҳам ва динор бўлса уни қабз қилиш қўл билан бўлади, яъни қўлига олиши керак. Агар қийим бўлса уни сотгандан ўзига ўтказиб олиши қабз ҳисобланади, ҳайвон бўлса уни жойидан юргизиб келиш қабз ҳисобланади. Агар ҳовли жой ва ер каби кўчмас мулк бўлса уни қабз қилиш сотиб олган кишига уни ҳеч тўсқинликсиз бўшатиб бериб, холи қилиш билан бўлади. Чунки қабз калимаси истилоҳий мазмунга эга лафздир. Шунинг учун унинг маъносини кўрсатган бирон шаръий насс келмаса, яъни шаръий маъноси келмаса, бу калима қавмда нимага далолат қилса шунинг воқеси эътиборга олинади. Қабз қилиб олиш нархни тўлашдан олдин ҳам, кейин ҳам жоиз бўлади. Чунки сотилган нарсани сотиб олган кишига топшириш савдо битими талабларидан биридир. Битимдан кейин қачон топширилса ўз ўрнига тушган бўлади. Нарсанинг пулини қабз қилиш ҳам худди шундай. Демак нарса ва пулдан бирини қабз қилиш бошқасига боғлиқ бўлмайди.

## Бандаларга ҳаром қилинган нарсанинг савдоси ҳам ҳаром

Бу ерда Аллоҳ ейишни ҳаром қилган нарсалар бор. Масалан ўлимтик гўшти каби. Ичишни ҳаром қилган нарсалар бор. Масалан хамр-маст қилувчи ичимликлар каби. Олишни ҳаром қилган нарсалар бор. Масалан бут-санамлар каби. Сотиб олишни ҳаром қилган нарсалар бор. Масалан ҳайкаллар каби. Қилишни ҳаром қилган нарсалар бор. Масалан суратлар каби. Бу нарсаларнинг ҳаромлиги ҳақида оят ва ҳадислардан иборат шаръий нусус келган. Аллоҳ бандаларга қайси нарсаларни ҳаром қилган бўлса ўша нарсаларни сотиш ҳам уларнинг пули ҳаром бўлгани учун ҳаромдир. Жобирдан унинг Росулulloҳ ﷺдан шундай деганини эшитгани ривоят қилинган:

«إِنَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ حَرَّمَ بَيْعَ الْخَمْرِ وَالْمَيْتَةِ وَالْخِنْزِيرِ وَالْأَصْنَامِ. فَقِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَرَأَيْتَ شُحُومَ الْمَيْتَةِ فَإِنَّهُ يُطْلَى بِهَا السُّفْنُ، وَيُدْهَنُ بِهَا الْجُلُودُ، وَيَسْتَصْبَحُ بِهَا النَّاسُ؟ فَقَالَ: لَا، هُوَ حَرَامٌ. ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عِنْدَ ذَلِكَ: قَاتَلَ اللَّهُ الْيَهُودَ، إِنَّ اللَّهَ لَمَّا حَرَّمَ شُحُومَهَا جَمَلُوهُ ثُمَّ بَاعُوهُ فَأَكَلُوا ثَمَنَهُ»

«Албатта Аллоҳ ва Росули хамр, ўлимтик, тўнғиз, бут-санамларни сотишни ҳаром қилди. Шунда: ё Росулulloҳ, ўлимтик ёғлари ҳақида нима дейсиз, уни кемаларга суркалади, у билан терилар ёғланади, одамлар у билан чироқ ёқишади? - деб сўралди. Пайғамбаримиз: йўқ (бундай қилишмасин) у ҳаромдир, дедилар. Сўнгра Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар: Аллоҳ яҳудларни лаънатласин, Аллоҳ ўлимтик ёғларини ҳаром қилса улар уни эритиб сотиб пулини ейишди». Бухорий ривояти. Ибн Аббосдан Набий ﷺнинг шундай дегани ривоят қилинди:

«قَاتَلَ اللَّهُ الْيَهُودَ ثَلَاثًا، إِنَّ اللَّهَ حَرَّمَ عَلَيْهِمُ الشُّحُومَ فَبَاعُوهَا وَأَكَلُوا أَمْثَانَهَا، وَإِنَّ اللَّهَ إِذَا حَرَّمَ عَلَى قَوْمٍ أَكَلَ شَيْءٍ حَرَّمَ عَلَيْهِمْ ثَمَنَهُ»

«Аллоҳ яҳудларни ҳалок қилсин. (Пайғамбаримиз буни уч бор айтдилар) Аллоҳ уларга ёғларни ҳаром қилган эди улар уни сотиб пулини ейишди. Аллоҳ бир қавмга бирон нарсани ейишни ҳаром қилса уларга унинг пулини ҳам ҳаром қилади». Бухорий ривояти. Ҳаром қилинганлик ҳақидаги бу шаръий насс иллатланмай келяпти ва ўлимтикни

иллатлайдиган бошқа бирон шаръий насс ҳам йўқ. Шунинг учун ўлимтик иллатланмай мутлақлигича қолади. Агар ўлимтикда мубоҳ бўлган манфаат бўлганида эди ундан фойдаланиш жоиз бўларди, деган хулосага келиш учун «ўлимтикни ҳаром қилишдаги иллат мубоҳ бўлган манфаатнинг йўқлигидир», деб айтилмайди. Чунки нассда иллатланмаганлик шундоқ кўриниб турибди ва ундан у иллатлаб келяпти деган маъно тушинилиш эҳтимоли ҳам йўқ. Шунинг учун бандаларга ҳаром қилинган нарсани сотиш ҳам ҳаром бўлди. Унда мубоҳ бўлган манфаат бор бўладими ёки йўқми, бунинг фарқи йўқ. Шунга асосан бут-санамларни, хоч (крест)ларни сотиш, инсон ва ҳайвон каби жонли мавжудотнинг ҳайкаллари сотиш, қўл билан чизилган инсон ва ҳайвон каби жонли мавжудотларнинг тасвирлари бўлмиш суратларни сотиш ҳаром қилинди.

## Ўзингда бўлмаган нарсани сотиш жоиз эмас

Товарга тўлиқ эга бўлмай туриб уни сотиш жоиз бўлмайди. Мана шу ҳолда сотса бай ботил бўлади. Бу қуйидаги икки ҳолатга тўғри келади:

Товарни унга эга бўлмай туриб сотиш.

Товарни сотиб олганидан кейин, лекин уни қўлига тутқазилмай, унга тўлиқ эга бўлмай туриб сотиш.

Унга тўлиқ эга бўлиши учун қабз қилиши шарт. Чунки савдо битими эга бўлиш асосида юзага келади. Модомики товарга ҳали эга бўлмаган экан ёки уни сотиб олган бўлсаю лекин уни ўз қўлига киритмагани учун унга ҳали тўлиқ эга бўлмаган бўлса бунда савдо битими юзага келмаган бўлади. Чунки бунда шаръан битим воқе бўладиган маҳал (яъни савдо моли) йўқ бўлган бўлади. Росулulloҳ ﷺ сотувчи эга бўлмаган нарсани сотишдан қайтардилар. Аҳмад Ҳаким ибн Ҳизомдан шундай деганини ривоят қилди: Мен: ё Росулulloҳ, олдимга бир киши мендан ўзимда йўқ нарсани сотишни сўраб келяпти, унга сотадиган нарса менда йўқ. Унга кейинчалик бозордан олиб сотаман, дедим. Пайғамбаримиз ﷺ дедилар:

«لَا تَبِعْ مَا لَيْسَ عِنْدَكَ»

«Ўзингда йўқ нарсани сотма». Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«لَا يَحِلُّ سَلْفٌ وَيَبِيعُ، وَلَا شَرْطَانٌ فِي بَيْعٍ، وَلَا رَيْحٌ مَا لَمْ تَضْمَنْ، وَلَا يَبِيعُ مَا لَيْسَ عِنْدَكَ»

«Салаф ва бай, байда икки шарт, зомин бўлмаган нарсанинг фойдаси ва ўзингда йўқ нарсани сотиш ҳалол бўлмайди». Абу Довуд ривояти. Росулulloҳ ﷺнинг «ўзингда йўқ нарсани...», деган сўзлари умумий бўлиб, мулкинда бўлмаган нарса, топшириш қудратингда бўлмаган нарса ва тўлиқ сенинг мулкинг бўлмаган нарсанинг ҳаммаси унинг остига қиради. Буни қабз қилмаган нарсани сотишдан қайтариш ҳақида ворид бўлган ҳадислар қувватлайди. Бу ҳадислар тўлиқ ўз мулки қилиб олиш учун қабз қилиш шарт бўлган нарсаларни сотишдан қайтарди. Демак бу ҳадислар шунга далолат қиладики, киши бирон нарсани тўлиқ сотиб олган деб ҳисобланиши учун ўша нарсани қабз қилиши шарт бўлса, то уни қабз қилмагунча уни сотиши жоиз бўлмайди. Бундай нарсани сотиш эга бўлмаган нарсани сотиш ҳукмида бўлиб қолади. Бунга далил Набий ﷺнинг ушбу сўзларидир:



«مَنْ ابْتِغَى طَعَامًا فَلَا يَبِغُهُ حَتَّى يَسْتَوْفِيَهُ»

«Ким таом сотиб олса то уни тўлиқ олмагунча сотмасин». Бухорий ривояти. Абу Довуд ривоят қилган ушбу ҳадис ҳам:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَى عَنْ أَنْ تُبَاعَ السَّلْعُ حَيْثُ تُبْتَاعُ حَتَّى يَحْزُوهَا التُّجَّارُ إِلَى رِحَالِهِمْ»

«Набий ﷺ савдо молларини савдогарлар уларга эга бўлиб, ўз жойларига олиб бормагунларича сотиб олинган жойида сотишдан қайтардилар». Ибн Можанинг ушбу ҳадиси ҳам:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَى عَنْ شِرَاءِ الصَّدَقَاتِ حَتَّى تُقْبَضَ»

«Набий ﷺ то қабз қилмагунча садақотларни сотишдан қайтардилар». Ибн Аббос ривоят қилган ҳадис ҳам далил бўлади: Росулulloҳ ﷺ Аттоб ибн Усайдга шундай дедилар:

«إِنِّي قَدْ بَعَثْتُكَ إِلَى أَهْلِ اللَّهِ، وَأَهْلِ مَكَّةَ، فَأَنْهَهُمْ عَنْ بَيْعِ مَا لَمْ يَقْبِضُوا»

«Мен сени аҳлуллоҳга, Макка аҳлига юбордим, уларни ҳали ўзлари қабз қилишмаган нарсани сотишдан қайтар». Бу ҳадисларда қабз қилиб олинмаган нарсани сотишдан қайтарилгани очиқ кўриниб турибди. Чунки қабз қилмаса бундай мол сотувчининг тўлиқ мулки бўлмайди. Молни қабз қилиш шарт бўлса то харидор уни қабз қилмагунича унинг тўлиқ мулки бўлмайди ва бундай мол уни сотувчи одамнинг зоминлигида (жавобгарлигида) бўлади.

Шундан аён бўладики, савдонинг тўғри бўлиши учун савдо молига сотувчининг тўлиқ эга бўлиши шарт. Агар эга бўлмаса ёки эга бўлса ҳам тўлиқ эга бўлмаса уни сотиши мутлақо жоиз бўлмайди. Бунга савдо тўлиқ тамомига етиши учун қабз қилиш шарт бўлган нарсалар, яъни қайл, вазн билан ўлчанадиган нарсалар ва санаб олинадиган нарсалар киради. Бундай нарсаларга эга бўлсангу лекин ҳали уни қабз қилмаган бўлсанг уни сотишинг мутлақо жоиз эмас. Аммо тўлиқ эга бўлиш учун қабз қилиш шарт бўлмаган нарсаларга, яъни қайл, вазн билан ўлчанмайдиган ва санаб олинмайдиган нарсаларга келсак, масалан ҳайвон, ховли-жой, ер ва шу кабилар, бундай нарсани қабз қилишдан олдин сотиш жоиз. Чунки бундай нарсаларда ийжоб ва қабул бўлиб савдо битими юзага келиши биланоқ савдо тўлиқ тамомига етган бўлади. Бунда қабз қилиш ёки қилмасликнинг фарқи йўқ. Демак бунда тўлиқ эга бўлган нарсани сотган бўлади. Демак бунда сотмаслик масаласи қабз қилиш ёки қилмасликка эмас, балки сотилган нарсага эга

бўлишга ва унга тўлиқ эга бўлишга тааллуқлидир. Қабз қилмаган нарсани, яъни қайл, вазн ва санок билан ўлчанмайдиган нарсани сотиш жоизлиги саҳиҳ ҳадис билан собит бўлган. Бухорий Ибн Умардан ривоят қилишича:

«أَنَّهُ كَانَ عَلَى بَكَرٍ لِعُمَرَ صَعْبٌ فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ ﷺ: بَعْنِيهِ فَقَالَ عُمَرُ: هُوَ لَكَ يَا رَسُولَ

اللَّهِ فَاشْتَرَاهُ، ثُمَّ قَالَ: هُوَ لَكَ يَا عَبْدَ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ فَاصْنَعْ بِهِ مَا شِئْتَ»

**«У Умарнинг бир асов эркак туясини миниб олган эди. Набий ﷺ унга: уни менга сот, дедилар. Умар: у сизники ё Росулulloх, деди. Пайғамбаримиз ﷺ уни сотиб олиб: эй Абдуллох ибн Умар, у сеники, у билан хоҳлаган нарсангни қил, дедилар».** Бундай савдо қилиб, молни ҳали қўлга олмай туриб уни совға қилиб юбориш бу савдо молига ҳали уни қўлга олмасдан туриб тўлиқ эга бўлганликка ҳамда уни сотиш жоизлигига далолат қияпти. Чунки бунда у сотувчининг тўлиқ мулки бўлган бўлади. Шунга кўра сотувчи эга бўлган ва тўлиқ ўз мулки бўлган нарсани сотиши жоиздир. Эга бўлмаган ёки тўлиқ ўз мулки бўлмаган нарсани сотиши жоиз бўлмайди. Шунга кўра кичик савдогарларнинг харидор билан бир товар устида савдолашиб, у билан баҳони келишиб, уни унга сотиши сўнгра шу товарни ўша харидорга сотиб олиб бериш учун бошқа бир савдогарга бориб уни олиб келиши ва харидорга топшириши жоиз бўлмайди. Чунки бу ўзи эга бўлмаган нарсани сотишдир. Масалан савдогардан бир молни сўралса, бу мол унда бўлмаса ва унга эга бўлмаса, лекин у бу молнинг бозорда бошқасида борлигини билса, ёлгон гапириб харидорга бу мол бор деса ва сотса сўнгра сотиб олиш учун борса, бу харом бўлади. Чунки бунда ҳали ўзи эга бўлмаган товарни сотган бўлади. Сабзавот ва дон-дун бозоридаги дўкон эгаларининг ҳали бу сабзавот ва дон-дунларга тўлиқ эга бўлмай туриб уларни сотиши ҳам худди шундай харомдир. Масалан баъзи савдогарлар деҳқондан сабзавот ёки дон-дунни сотиб олишади ва ҳали уни қабз қилмай туриб уни сотишади. Бу жоиз эмас. Чунки бундай мол таом жумласидан бўлиб, унга фақат уни қабз қилиш билангина тўлиқ эга бўлинади. Бошқа юртлардан товар олиб келувчилар қилаётган иш ҳам худди шундай. Чунки уларнинг баъзилари товарларни сотиб олади ва бу товарларни юртга олиб келиб топширишни шарт қилади. Сўнгра ҳали етиб келмай туриб, яъни ҳали уларга тўлиқ эга

бўлмай туриб уларни сотиб юборади. Бу харом байдир. Чунки у ҳали тўлиқ эга бўлмаган нарсани сотишдир.

## Салам савдоси

Ўзи ҳали эга бўлмаган ва тўлиқ эга бўлмаган нарсани сотиш харомдир. Бу тўғрида қатор ҳадислар келган. Бу ҳадислар умумий мазмунда келган бўлиб, эга бўлинмаган ва тўлиқ эга бўлинмаган барча нарсанинг савдосини ўз ичига олади. Пайғамбаримиз ﷺ дедилар:

«لَا تَبِعَ مَا لَيْسَ عِنْدَكَ»

«Ўзингда йўқ нарсани сотма». Аҳмад ривояти. Аттоб ибн Усайдга бундай дедилар:

«إِنَّهُمْ عَنْ بَيْعِ مَا لَمْ يَقْبِضُوهُ»

«... уларни ҳали ўзлари қабз қилишмаган нарсани сотишдан қайтар». Лекин бу умумий далиллар салам савдосига тегишли эмас, ундан бошқасига хосдир. Зеро салам савдосини шариат наҳийдан мустасно қилди ва унга ижозат берди. Набий ﷺ бундай дедилар:

«مَنْ أَسْلَفَ فِي شَيْءٍ فَفِي كَيْلٍ مَعْلُومٍ وَوَزَنٍ مَعْلُومٍ إِلَى أَجَلٍ مَعْلُومٍ»

«Ким бир нарсани салаф савдо қилса, маълум ўлчов, маълум вазн билан маълум муддатга салаф қилсин». Бухорий ривояти. Салам ва салаф сўзларининг маъноси бир. Салам – зиммадаги маълум муддатгача васф қилинган эваз (мол) қийматини олдиндан нақд беришдир. Уни «салаф» ҳам дейилади. Бундай савдо «муайян муддатдан кейин қабз қилиб оладиган товар пулини олдиндан бериш» деган маънони билдиради. Салам байнинг бир тури бўлиб, бай битими нима билан тузилса салам ҳам шу нарса билан тузилади. Уни салам ҳам, салаф ҳам дейилади. Унда ҳам байда эътиборга олинadиган шартлар эътиборга олинади.

Одамлар салам ва салаф муомаласини юритишган. Чунки улар шунга эҳтиёж сезишган. Айниқса дехқонлар ва савдогарлар шунга эҳтиёж сезганлар. Масалан экин ва мева етиштирадиган кишилар ўзларининг ва экин-тикиннинг харажатлари учун, меҳнат қилиш учун маблағга муҳтож бўлишган. Гоҳида зарур маблағни тополмай, етиштирадиган ҳосилларини ҳали униб чиқмай туриб нақд пулга сотадиган бўлганлар, бу пулни битим мажлисининг ўзида олишган. Харидорга товарни белгиланган муддат келган пайтда топшириш шарти билан шундай қилишган. Савдогарлар эса гоҳида ўзларида бўлмаган молни ўзлари тайин қиладиган

маълум муддатга сотадиган, пулни битим мажлисининг ўзида оладиган бўлдилар. Ўша муддат келганида молни харидорга топширишлари шарт билан шундай қиладиган бўлишди.

Саламнинг жоизлиги суннат билан собитдир. Ибн Аббосдан шундай дегани ривоят қилинди:

«قَدِمَ النَّبِيُّ ﷺ الْمَدِينَةَ وَهُمْ يُسْلِفُونَ فِي الثَّمَارِ السَّنَةَ وَالسَّنَتَيْنِ فَقَالَ: مَنْ أَسْلَفَ فِي تَمْرٍ فَلْيُسْلِفْ فِي كَيْلٍ مَعْلُومٍ وَوَزْنٍ مَعْلُومٍ إِلَى أَجَلٍ مَعْلُومٍ»

«Набий ﷺ Мадинага келганларида улар мевани бир йил, икки йилга «салаф» савдо қилар эдилар. Пайғамбаримиз: ким хурмони салаф савдо қилса маълум ўлчов, маълум вазн билан маълум муддатга салаф қилсин, дедилар». Муслим ривояти. Абдурахмон ибн Абзо ва Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан шундай деганлари ривоят қилинди:

«كُنَّا نُصِيبُ الْمَعَانِمَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَكَانَ يَأْتِينَا أَنْبَاطٌ مِنْ أَنْبَاطِ الشَّامِ فَتَسْأَلُهُمْ فِي الْحِنْطَةِ وَالشَّعِيرِ وَالزَّيْبِ إِلَى أَجَلٍ مُسَمًّى، قَالَ: قُلْتُ أَكَانَ لَهُمْ زَرْعٌ أَوْ لَمْ يَكُنْ لَهُمْ زَرْعٌ؟ قَالَا: مَا كُنَّا نَسْأَلُهُمْ عَنْ ذَلِكَ»

«Биз Росулulloҳ ﷺ билан бирга ўлжаларни қўлга киритар эдик. Олдимизга Шом набатийлари (ажамга аралашиб кетган араблар) келиб туришар, биз улар билан буғдой, арпа ва майизда маълум муддатга салаф савдоси қилар эдик. Мен: уларнинг экинлари бор эдими ёки йўқми? - деб сўрадим. Улар: бу ҳақда улардан сўрамас эдик, де йишди». Бухорий ривояти. Бошқа ривоятда бундай дейилган:

«إِنَّا كُنَّا نُسْلِفُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ فِي الْحِنْطَةِ وَالشَّعِيرِ وَالتَّمْرِ وَالزَّيْبِ إِلَى قَوْمٍ مَا هُوَ عِنْدَهُمْ»

«Биз Росулulloҳ ﷺ, Абу Бакр ва Умар даврида бир қавм билан буғдой, арпа, хурмо ва майизда салаф савдоси қилар эдик. Уларда бу нарсалар йўқ эди». Абу Довуд ривояти. Бу ҳадисларнинг барчаси саламнинг жоизлигига очиқ далилдир. Энди қайси нарсаларда салам жоиз ва қайсиларида жоиз эмаслигига келсак, бу ҳадис ва ижмода очиқ кўриниб турибди. Буни шундай тушунамиз: салам – эга бўлинмаган нарсанинг савдоси ва тўлиқ эга бўлинмаган нарсанинг савдосидир. Бу икки савдо ман қилинган. Салам бундан насс билан мустасно қилинди ва ман қилиш ундан бошқа савдога хос бўлди. Шунинг учун салам дуруст бўладиган нарса нассда

кўрсатилган бўлиши керак. Нассга мурожаат қиладиган бўлсақ салам кайл ва вазн билан ўлчанадиган ҳамда санаб олинадиган барча нарсада жоиз эканини кўраимиз. Кайл ва вазн билан ўлчанадиган нарсада саламнинг жоизлиги Ибн Аббос ривоят қилган ҳадис билан собит бўлган. Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«مَنْ أَسْلَفَ فِي تَمْرٍ فَلْيُسَلِّفْ فِي تَمْنٍ مَعْلُومٍ وَوَزْنٍ مَعْلُومٍ إِلَى أَجَلٍ مَعْلُومٍ»

**«Ким хурмода салаф қилса маълум нархда ва маълум вазнда маълум муддатга салаф қилсин».** Ибн Аббоснинг бошқа ривоятида бундай дейилган: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«مَنْ أَسْلَفَ فِي شَيْءٍ فَفِي كَيْلٍ مَعْلُومٍ وَوَزْنٍ مَعْلُومٍ إِلَى أَجَلٍ مَعْلُومٍ»

**«Ким бир нарсани салаф савдо қилса, маълум ўлчов, маълум вазн билан маълум муддатга салаф қилсин».** Бухорий ривояти. Бу эса салам қилинадиган мол кайл ва вазн билан ўлчанадиган нарса жумласидан бўлишига далилдир. Энди саламнинг саналадиган барча нарсада жоизлигига келсак, масалан таомда салам жоизлигига ижмо қилинган. Бу ижмони Ибн Мунзир нақл қилган. Бухорий ривоят қилиб деди: бизга Шўъба ҳадис ривоят қилди: менга Муҳаммад ёки Абдуллоҳ ибн Абу Мужолид хабар берди: **«Абдуллоҳ ибн Шаддод ибн Ҳод ва Абу Бурда салам ҳақида ихтилоф қилиб, тортишиб қолиб мени Ибн Абу Авфо ﷺнинг олдига юборишди. Мен ундан бу ҳақда сўраган эдим у бундай деди: биз Росулulloҳ ﷺ, Абу Бакр ва Умар даврида бугдой, арпа, майиз, хурмода салаф қилар эдик».** Бу ҳадис таомда салам жоизлигига далолат қиляпти. Таом кайл билан ёки вазн билан ёки санок билан ўлчаб олинади. Таом қабз қилиб олиш шарт қилинган нарсалар жумласидан бўлгани учун қабз қилиш унга тааллуқли бўлганидек ва агар таом кайл ёки вазнда ёки санокда ортиқ қилиб олинадиган бўлса рибо бўлиб қолгани учун рибо шу ортиқ қилиб олишга тааллуқли бўлганидек бу ҳукм, яъни саламнинг жоизлиги ҳам таом ўлчанадиган кайл, вазн ёки санокнинг барчасига тааллуқлидир. Таом кайл, вазн ёки санок билан ўлчангани учун ҳам салам унга тааллуқли бўлди. Ҳадисда саламнинг кайл ва вазн билан ўлчанадиган нарсада жоизлиги айтилиб, санок билан ўлчанадиган нарсада жоизлиги айтилмаган бўлса-да, таомда саламнинг жоизлигига ижмо қилингани саналадиган нарсани ҳам салам қилиш жоиз бўладиган нарсалар жумласига кирувчи қилиб қўяди.

Лекин салам қилинадиган нарсаларнинг сифати аниқ маълум бўлиши лозим. Масалан ҳаврон буғдойи, бруней хурмоси, миср пахтаси, ҳинд ипаги, турк анжири каби. Кайл ёки вазн ҳам аниқ васф қилиниб, маълум бўлиши керак. Масалан Шом соъси, Ироқ ратли, кило, литр каби.

Салам қилинадиган нарсанинг жинси, кайл ва вазн билан ўлчанадиган нарсанинг жинси ҳам маълум бўлиши ҳамда бу савдо маълум муддатга бўлиши лозим. Саламнинг дарҳол бўлиши дуруст эмас. Аксинча Набий ﷺнинг:

«مَنْ أَسْلَفَ فِي شَيْءٍ فَفِي كَيْلٍ مَعْلُومٍ وَوَزْنٍ مَعْلُومٍ إِلَى أَجَلٍ مَعْلُومٍ»

**«Ким бир нарсани салаф савдо қилса, маълум ўлчов, маълум вазн билан маълум муддатга салаф қилсин»**, деган сўзларига биноан муддат шарт қилиниши лозим. Бу ҳадис муддат саламнинг саҳиҳ бўлишидаги бир шарт эканлигига далолат қилди. Шунинг учун салам дарҳол бўладиган бўлса уни салаф ёки салам дейилмайди. Чунки уни салам ёки салаф қиладиган нарса икки эваздан бирини тезда бериш, иккинчи эвазни кейинроқ беришдир. Набий ﷺнинг: **«...маълум муддатга»**, деган сўзларига биноан муддат маълум бўлиши лозим. Муддатни жанжал чиқмайдиган қилиб тайин қилиб кўйиш керак. Масалан бир ойга ёки бир йилга ёки фалон муддатга деб. Муддатни кўпам тафовут бўлмайдиган қилиб белгиласа ҳам бўлади. Масалан қурбон ҳайитига ёки рамазонга деб. Салам насороларнинг пасха байрами ва рўзаларига деб белгиланган бўлса ҳам бўлаверади. Чунки у маълум муддат бўлиб, кўпам фарқи бўлмайди. Озгина фарқ бўлса бўлаверади. Зеро молни кейин бериш учун ҳар бир муддат бўлаверади. Яқин муддат билан узоқ муддат ўртасида фарқ бўлмайди. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, муддат деган сўзнинг далолат қиладиган мазмуни бор бўлиб, халқ ичида у қандай мазмунга далолат қилса ўшанга амал қилинади. Масалан халқ бир соатни савдо маълум муддатга бўлди деб ҳисобламаслиги, аксинча дарҳол қилинган савдо бўлди деб ҳисоблаши мумкин. Ёки бир соатни муддат деб ҳисоблаши ҳам мумкин. Бунда бир соат ҳам худди бир йил каби муддат деб ҳисобланади.

Шунингдек Набий ﷺнинг: **«маълум нархда салаф қилсин»**, деган сўзига биноан нарх ҳам маълум бўлиши зарур. Пулни битим мажлисининг ўзида дарҳол қўлга тутқазиш лозим. Акс ҳолда жоиз бўлмайди. Шунинг учун нархнинг ҳаммаси қўлга тутқазилмай туриб битим тузувчи икки томон тарқалиб кетса

битим бутунлай бекор бўлади. Чунки «салаф қилиш» сўзи Росулulloҳ ﷺ бизга хитоб қилган араб тилида «кейинроқ оладиган бирон товар эвазига пулни олдиндан бериш» деган маънони билдиради. Демак кимки олдиндан бермаса ҳеч нарсани салаф савдо қилган бўлмайди. Балки у салаф савдо қилишни ваъда қилган бўлади, холос. Шунинг учун агар пулнинг ҳаммасини бермай, озроғини ёки кўпроғини берса, салам пулнинг ўша қўлга тутқазилган қисмида саҳиҳ бўлади, қўлга тутқазилмаган қисмида ботил бўлади. Демак харидор пулни сотувчининг қўлига тутқазиши салам дуруст бўлишининг бир шартидир. Энди сотиладиган молнинг савдо пайтида бор бўлиши шарт эмас. Чунки салам битими пайтида мол мавжуд бўлса ҳам, бўлмаса ҳам салам жоиз бўлади. Нарсаси бор кишига ҳам, йўқ кишига ҳам жоиз бўлаверади. Чунки Набий ﷺ Мадинага келган пайтида одамлар меваларни бир йил, икки йилга салам савдо қилишар эди. Маълумки мева бу муддатда қолмайди. Росулulloҳ ﷺ уларни бир йил, икки йилга салам қилишдан қайтармадилар, аксинча буни маъқулладилар. Шунга асосан муҳлат деб ҳисобланадиган муайян муддатдан кейин қабул қилиб олинадиган товар пулини бериб қўйиш жоиздир. Бу товар мавжуд бўладими ёки йўқми, бунинг фарқи йўқ. Бироқ нархда ғабн фоҳиш (алдаш) бўлмаслиги шарт. Аксинча нарх товарни олиш пайтида эмас, савдо битими пайтида – худди муддат белгилаб қўйилгани каби – бозордаги нархга қараб бўлиши керак. Чунки салам ҳам байдир. Ғабн фоҳиш эса байнинг барчасида, жумладан салам байида ҳам ҳаромдир. Дарҳол қўлга тутқазиладиган товарни кейин бериладиган нархда ғабн фоҳиш билан сотишинг ҳаром бўлганидек, қўлга кейинчалик тутқазиладиган товарни дарҳол қўлга тутқазиладиган нархда ғабн фоҳиш билан сотишинг ҳам жоиз бўлмайди. Демак саламда ҳам алдаш ҳаромдир. Саламда алдаш юз берадиган бўлса унинг ҳукми байдаги алдаш ҳукми каби бўлади. Алданган одам ихтиёрлидир. Хоҳласа савдони бузади, хоҳласа олиб кетаверади. Товарнинг ҳақиқий нархи билан сотилган нарх ўртасидаги фарқни олишга унинг ҳаққи йўқ. Лекин бу ихтиёр икки шарт билан собит бўлади. Биринчиси: битим вақтида нархни билмай қолганлиги. Иккинчиси: ўта ошиқча ёки ўта камлик. Ғабн фоҳиш бўлгани ёки бўлмаганини савоғарлар белгилайди. Улар алдаш бўлган деб ҳисобласалар ғабн бўлади, ҳисобламасалар ғабн бўлмайди.



## Шохида турган меваларни сотиш

Одамлар бора-бора ўрганган муомалалардан бири дарахтдаги меваларни сотишдир. Масалан дарахтидаги цитрус, зайтунни, палагидаги бодрингни, новдасидаги узум, хурмо ва шунга ўхшашларни сотиш каби. Баъзи одамлар дарахтидаги зайтун мевасини икки йил ёки уч ёки кўпроқ йилгача мўлжаллаб сотишни бўйнига оладида, уни экиб, эътибор билан уни ҳар йили парваришлайди ва мевасини ейди. Бу бир йилдан кўпроқни мўлжаллаб сотишнинг сабабларидан бири шуки, масалан зайтун ҳар йили яхши мева бермайди. Балки кўпинча бир йил яхши мева берса, бошқа йили озроқ мева қилади, бир йил шохлари ривожланса, бошқа йили меваси кўпаяди. Яхши мева бериши учун уни эътибор билан парваришлаш керак. Шунинг учун унинг мевасини дарахтида сотадиган одам уни бир неча йилни мўлжаллаб олади. Чунки яхши ва кўп мева бериши учун етарли меҳнат қилиб, уни эътибор билан парваришлашга вақт керак. Зайтунни қандай парваришлаш керак бўлса, лимон ва унга ўхшаган дарахтларни ҳам шундай парваришлаш керак бўлади. Баъзи одамлар эса зайтун, лимон, узумнинг бир йилда бўладиган мевасини дарахтида сотадиган бўлади. Қанча сотиши дарахтдаги мева микдорига қараб бўлади. Бу мева оз ёки кўп, яхши ёки ёмон бўладими, бунинг фарқи йўқ. Дарахтида турган мевани сотиш бошқа, дарахтни ёки бошқача айтсак дарахтнинг икки ёки уч ёки кўпроқ йилда бўладиган мевасини сотиш бошқа. Дарахтнинг икки ёки кўпроқ йилда бўладиган мевасини сотишни бўйнига олиш йўқ мевани сотишдир. Чунки мева ҳали бўлгани йўқ. Йўқ нарсани сотиш эса жоиз эмас. У ғафлат савдоси жумласига кириб қолади. Ғафлат савдоси ҳаромдир. Бунга далил Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ушбу ҳадисдир:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنْ بَيْعِ الْحَصَاةِ وَعَنْ بَيْعِ الْغَرَرِ»

«**Росулуллоҳ ﷺ тош отиш савдосидан ва ғафлат савдосидан қайтардилар**». Ғафлат савдоси номаълум нарса савдосидир. Аҳмад Ибн Масъуддан ривоят қилган Набий ﷺнинг ушбу сўзлари ҳам бунга далилдир:

«لَا تَشْتَرُوا السَّمَكَ فِي الْمَاءِ فَإِنَّهُ غَرَرٌ»

«**Сувдаги балиқни сотиб олманглар. У алдашдир**». Шунинг учун дарахтнинг бир неча йилда бўладиган мевасини сотиш

жоиз бўлмайди. Чунки у алдашнинг бир туридир. Дарахтнинг икки, уч ёки кўпроқ йилда бўладиган мевасини сотиш ўзингда йўқ нарсани сотиш бўлиб, у жоиз эмас. Бунинг устига бу қайтарилган салам бўлиб, у жоиз эмас. Чунки жоиз салам муайян бўлмаган мевани сотишдир. Бу эса муайян дарахт мевасини сотишдир. Росулulloҳ ﷺ муайян дарахт меваларида салам қилишдан қайтардилар. Набий ﷺ Мадинага келганларида одамлар хурмонинг муайян меваларида салам қилишар эди. Пайғамбаримиз уларни бундан қайтардилар. Шунга кўра зайтун ва лимон дарахтининг икки ёки уч йилда бўладиган меваларини сотадиган кишиларнинг бу иши ҳаромдир. Зеро у шариат очиқ қайтарган байлардан биридир.

Аммо меваси кўриниб турган дарахт мевасини, палакдаги бодрингни ва шунга ўхшашларни сотиш дарахтдаги мавжуд мевани сотиш бўлиб, ўзингда йўқ нарсани сотиш сирасига кирмайди. Чунки у сотувчида бор нарсадир. У муайян хурмо меваларини салам қилиш сирасига ҳам кирмайди. Чунки у салам эмас, дарҳол сотишдир. Шунинг учун унинг ҳукми икки, уч ёки кўпроқ йилда бўладиган мевани сотиш ҳукмидан фарк қилади. Дарахтдаги мавжуд мевани дарахтда турган ҳолида сотиш ҳақидаги шаръий ҳукмнинг тафсилоти бор. Тафсилот шуки, бунда мевага қаралади. Мева агар пишиб етилган бўлса, яъни ейиш мумкин бўлса, унда мевани шу ҳолатда сотиш жоиз бўлади. Бунинг акси бўлса жоиз бўлмайди. Бунга далил Муслим Жобир رضي الله عنه дан ривоят қилган ушбу ҳадисдир:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنْ بَيْعِ الثَّمَرِ حَتَّى يَطِيبَ»

«Росулulloҳ ﷺ мевани пишиб етилгунча сотишдан қайтардилар». Яна Жобир ривоят қилган ушбу ҳадис ҳам:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ... وَعَنْ بَيْعِ الثَّمَرِ حَتَّى يَبْدُوَ صَالِحَهُ»

«Росулulloҳ ﷺ... мевани то унинг пишганлиги кўрингунча қадар сотишдан қайтардилар». Бухорий Жобир رضي الله عنه дан ривоят қилган ушбу ҳадис ҳам далилдир:

«نَهَى النَّبِيُّ ﷺ أَنْ تُبَاعَ الثَّمَرَةُ حَتَّى تُشَفَّحَ، قِيلَ مَا تُشَفَّحُ، قَالَ: تَحْمَارٌ وَتَصْفَارٌ وَيُؤْكَلُ مِنْهَا»

«Набий ﷺ мевани то ранг киргунча сотишдан қайтардилар. Ранг кириши қандай бўлади, деб сўралган эди, Пайғамбаримиз: қип-қизаради, сап-сарғаяди ва ундан ейлади, дедилар». Бухорий Анас ибн Моликдан, у Набий رضي الله عنه дан ривоят қилган ҳадис ҳам далилдир:

«أَنَّهُ نَهَى عَنْ بَيْعِ الثَّمَرَةِ حَتَّى يَبْدُوَ صَاحِبَهَا، وَعَنِ النَّخْلِ حَتَّى يَزْهُو، قِيلَ: وَمَا يَزْهُو؟  
قَالَ: يَحْمَرُّ أَوْ يَصْفَرُّ»

«Пайғамбаримиз мевани то пишиб етилгани кўрингунча сотишдан, хурмони ҳам етилиб пишгунча сотишдан қайтардилар. Етилиб пишиши қандай бўлади? - деб сўралганида: кип-қизаради ёки сап-сарғаяди, дедилар». Анасдан ривоят қилинган ушбу ҳадис ҳам далил бўлади:

«إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ نَهَى عَنْ بَيْعِ الثَّمَارِ حَتَّى تُزْهِيَ، فَقِيلَ لَهُ: وَمَا تُزْهِي؟ قَالَ: حَتَّى تَحْمَرَ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: أَرَأَيْتَ إِذَا مَنَّعَ اللَّهُ الثَّمَرَةَ بِمَ يَأْخُذُ أَحَدُكُمْ مَالَ أَخِيهِ»

«Росуллоҳ ﷺ меваларни то етилиб пишгунча сотишдан қайтардилар. Етилиб пишиши қандай? - деб сўралган эди, қизармагунча, дедилар. Сўнг дедилар: ахир кўрмайсизми, агар Аллоҳ мевани ман қилиб қўйса биронтангиз биродари молини нима сабабли олади». Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилган ушбу ҳадис ҳам далил бўлади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ نَهَى عَنْ بَيْعِ الثَّمَارِ حَتَّى يَبْدُوَ صَاحِبَهَا، نَهَى الْبَائِعَ وَالْمُتَبَاعَ»

«Росуллоҳ ﷺ меваларни пишиб етилгани кўрингунча сотишдан қайтардилар, сотувчини ҳам, олувчини ҳам қайтардилар». Муслим ривоятида ушбу лафз билан келган:

«نَهَى عَنْ بَيْعِ النَّخْلِ حَتَّى يَزْهُو، وَعَنِ السُّنْبُلِ حَتَّى يَبْيَضَّ وَيَأْمَنَ الْعَاهَةَ»

«Пайғамбаримиз хурмони ялтираб етилгунча, сунбулни оппоқ бўлгунча ва бузилишдан омон бўлгунча сотишдан қайтардилар». Бу ҳадисларнинг ҳаммасида мевани пишмай туриб сотишдан қайтарилгани очиқ кўриниб турибди. Мевани пишиб етилгани кўринишидан олдин сотиш жоиз эмаслигига бу ҳадисларнинг мантуқи билан далил келтирилса, меванинг пишиб етилгани кўринадиган бўлса уни сотиш жоизлигига уларнинг мафҳуми билан далил келтирилади. Шунга биноан зайтун, лимон, хурмо ва бошқалар каби меваси кўриниб қолган дарахтдаги мевани – агар уни ейиш бошланган бўлса – жоиздир, ҳали еб бўлмаса жоиз бўлмайди.

Меванинг яхши пишганлиги унинг ейиладиган бўлганидир. Буни шу ҳақда келган ҳадислардан тушуниб олинади. Мевани пишиб етилишдан олдин сотишдан қайтарган ҳадисларни диққат билан ўрганадиган бўлсак уларда бир неча тафсирилар

келганини кўрамиз. Масалан Жобир ривоят қилган ҳадисда: «**пишганлиги кўрингунга қадар**» ва «**пишиб етилгунча**», дейилган бўлса, Анас ривоят қилган ҳадисда: «**Узумни қорайгунча, донни қаттиқ бўлгунча сотишдан қайтардилар**», дейилган. Абу Довуд ривояти. Жобирнинг бошқа бир ҳадисда: «**ранг киргунча**», дейилган бўлса, Ибн Аббос ривоят қилган ҳадисда: «**ейдиган бўлгунча**», дейилган. Демак бу ҳадисларнинг ҳаммасида битта маъно, яъни ейладиган бўлгунча, деган маъно ётибди. Мевалар вокесига қарайдиган бўлсак ейладиган бўлиши уларнинг турига қараб ҳар-хил бўлади. Масалан ранги ўзгариши билан пишиб еса бўладиганлари бор. Хурмо, анжир, узум, нок ва шунга ўхшашлар каби. Пишганлигини билиш учун синчиклаб кўриш ёки билладиган кишилар кўриши керак бўлганлари бор. Масалан тарвуз каби. Чунки тарвузнинг ранги ўзгаришига қараб пишганлигини билиш қийин. Гули мевага айланиши билан еса бўладиганлари ҳам бор. Масалан тарра, бодринг ва шунга ўхшашлар каби. Шунга биноан ҳар бир меванинг пишишдан мурод еса бўладиган бўлиб қолишидир. Муслим Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадис шунга далолат қилади:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنْ بَيْعِ التَّنَخْلِ حَتَّى يَأْكُلَ مِنْهُ أَوْ يُؤْكَلَ»

«**Росулуллоҳ ﷺ хурмони ейдиган ёки ейладиган бўлгунга қадар сотишдан қайтардилар**». Юқоридаги Жобир «**пишиб етилгунча**» деб ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадис ҳам шунга далолат қилади. Мана шундан бодринг, тарра ва шунга ўхшашларни мева бера бошлаши билан сотиш жоизлиги аён бўлади. Яъни гули бодрингга айланиши билан. Гуллаган пайтда ҳам, гуллашидан олдин ҳам сотиш жоиздир. Бодрингни мана шу ҳолатда, ҳали мева тугмай туриб, унда бир нарса пайдо бўла бошлаши биланоқ сотиш жоиз. Бу йўқ нарсани сотиш сирасига кирмайди. Чунки унинг меваси бир вақтнинг ўзидагина пишмай, балки кетма-кет бўлаверади. Шунинг учун бодринг бутун мавсум давомида сотилаверади. Чунки унинг пишганлигини билиш учун хурмога ўхшаб қип-қизаришини, узумга ўхшаб қорайишини, нокка ўхшаб ранги ўзгаришини кутиб ўтирилмайди. Баъзи мевалари кўринишини, бирин-кетин гуллаб мева беришини ҳам кутиб ўтирилмайди. Лекин тарвуз каби гули мевага айлана бошлаши билан пишди деб ҳисобланмайдиганларни сотиш жоиз бўлмайди. Бодомни ҳам ҳали пишмай энди гуллаб турган пайтда сотиш жоиз эмас.

Анжирни ҳам пишмаган ҳолда сотиб бўлмайди. Сотишдан мурод дарахтида турган пайтда сотишдир. Чунки дарахдаги мевани сотиш унинг еса бўлишига, яъни унинг пиша бошлаганини кўрсатувчи нарсанинг кўринишига боғлиқдир.

Меванинг пиша бошлаши дейилганда ҳамма мева ирода қилинмайди. Чунки бу мумкин эмас. Негаки мевалар бирин-кетин пишади. Ҳар бир алоҳида боғдаги меванинг пишиши ҳам ва ҳамма боғлардаги меванинг пишиши ҳам ирода қилинмайди. Балки меванинг пишиши дейилганда масалан зайтунга ўхшаб навлари пишишда бир-биридан фарқ қилмаса меванинг жинси ирода қилинади. Ёки агар навлари узум ва анжир каби пишишда бир-биридан фарқ қилса меванинг нави ирода қилинади. Масалан бир боғдаги баъзи хурмо мевасининг пишгани кўринса ҳамма боғлардаги хурмо мевасини сотиш жоиз бўлади. Баъзи дарахтлардаги олмадан бирон навининг пишгани кўринса ҳамма боғлардаги ана шу олма навини сотиш жоиз бўлади. Бирон боғдаги зайтун дарахтларидаги мевалар пишгани кўринса ҳамма боғлардаги зайтун мевасини дарахтида сотиш жоиз бўлади. Чунки ҳадисда:

«نَهَى عَنْ بَيْعِ النَّخْلِ حَتَّى يَزْهُوَ وَعَنِ السُّنْبُلِ حَتَّى يَبْيَضَ وَيَأْمَنَ الْعَاهَةُ»

«Хурмони ялтираб пишгунча, сунбулни оқаргунча ва бузилишдан омон бўлгунча сотишдан қайтардилар» ва:

«نَهَى عَنْ بَيْعِ الْعِنَبِ حَتَّى يَسْوَدَّ، وَعَنْ بَيْعِ الْحَبِّ حَتَّى يَشْتَدَّ»

«Узумни қорайгунча ва донни қаттиқ бўлгунча сотишдан қайтардилар», дейилмоқда. Демак Пайғамбаримиз меванинг ҳар бир жинсининг айнан ўзига ва ҳар бир навнинг айнан ўзига оид ҳукми баён қилдилар. Дон ҳақида қаттиқ бўлгунча, қора узум ҳақида қорайгунча, дедилар. Демак бу ҳукм қолган жинслардан қатъий назар ҳар бир жинсининг ва қолган навлардан қатъий назар ҳар бир навнинг пишишига тааллуқлидир. Ҳадисда битта жинс ва битта нав ҳақида келган «пишганлиги кўриниши», деган сўз қанчалик оз бўлмасин баъзи меваларга тўғри келади. Қолаверса мевалар воқеси уларнинг бирин-кетин пишишидир.

Шундан аён бўладики, ҳар қандай дарахтни кафолатлаб кўйиш, яъни ҳар қандай дарахтдаги мевани пишмасдан туриб сотиш жоиз бўлмайди. Аммо Аллоҳ Таолонинг:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ

«Аллоҳ байни ҳалол қилди»

[Бакара: 275]

деган қавлига келсак, у умумийдир. Лекин бу ҳадислар бай наҳий қилинган байлардан бошқасида ҳалол эканини баён қилиб уни хослаб қўйяпти.

Дарахтда турган мевани пишмасдан олдин сотиш ҳаромлиги муқайяд бўлмай мутлақ келди. Мевани узиб олиш шарт қилинган бўлсин ёки бўлмасин, барибир у ҳаромдир. Агар сотувчи сотиб олувчига мевани пишмасдан олдин узиб олишни шарт қилган бўлса бу шарт фосиддир. Чунки у битим тақозосига зид келади. Энди агар сотиб оладиган одам мевани пишган вақтидан кечиктириб узиб оладиган бўлса бунда қаралади. Агар сотувчи бу кечикишдан зарар кўрадиган бўлса – масалан апельсин каби, чунки кечикиш келгуси йил мавсумидаги гуллашга таъсир қилади – бу ҳолда сотиб олувчини мевани пишган пайтида узиб олишга мажбур қилинади. Агар дарахт зарарланмайдиган бўлса – масалан анжир ва зайтун каби – сотиб олувчини бунга мажбурланмайди. Буларнинг барчаси агар дарахтсиз меванинг ўзигина сотилганда бўлади. Аммо агар дарахт ва мева бирга сотилса бунда хурмо билан бошқа дарахтнинг бир-биридан фарқи бўлади. Чунки хурмони устидаги меваси билан сотиш жоиз бўлади. Агар хурмо ҳали чанглатилмаган бўлса битим пайтида мевани айтишга ҳожат бўлмайди. Аммо хурмо дарахти чанглатилган бўлса, сўнгра дарахт сотилган бўлса у ҳолда меваси дарахти билан бирга сотилмайди. Фақат агар савдо битими пайтида меваси ҳам айтилган бўлса сотилади. Айтилмаган бўлса мева сотувчига қолади, дарахти эса сотиб олганники бўлади. Сотувчи мевани пишгунга қадар дарахтда қолдириб сўнг ўзи териб олади ёки сотади. Чунки у унинг мулкидир. Бунга далил Муслим Ибн Умардан ривоят қилган ушбу ҳадисдир. Набий ﷺ дедилар:

«مَنْ ابْتِاعَ نَخْلًا بَعْدَ أَنْ تُؤَبَّرَ فَتَمَرْتُهَا لِلَّذِي بَاعَهَا، إِلَّا أَنْ يَشْتَرِطَ الْمُبْتَاعُ»

«Кимки хурмони чанглатилганидан кейин сотиб олса меваси сотганникидир, магар сотиб олган киши (мевасини ҳам сотишни) шарт қилса (мева уникадир)». Аҳмад Убода ибн Сомитдан ривоят қилган ҳадис ҳам бунга далил бўлади:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَضَى أَنْ تَمَرَ النَّخْلِ لِمَنْ أَبْرَهَا إِلَّا أَنْ يَشْتَرِطَ الْمُبْتَاعُ»

**«Набий ﷺ хурмо (меваси)ни уни чанглатган кишига ўтишини ҳукм қилдилар. Магар сотиб олган киши шарт қилган бўлса бундан мустасно бўлди».** Бу ҳадис мантуқини кимки устида чанглатилган меваси бўлган хурмони сотиб олса мева савдо битимига кирмаслигига, балки сотган одамнинг мулки бўлиб қолаверишига далил қилиб келтирилса, ҳадис мафҳумини агар хурмо меваси чанглатилган бўлмаса савдо битимига киришига ва сотиб олганники бўлишига далил қилинади. Бу ўринда мафҳумдан мурод мафҳум мухолафадир. У эса бу ерда мафҳум шартдир. Албатта мана шу мафҳумни олиш лозим. Чунки чанглатилмаган хурмо билан чанглатилган хурмонинг ҳукми бир бўлса уни шарт билан муқайяд қилиш бефойда бўлиб қоларди. Шунга кўра демак хурмо меваси ҳали чанглатилмаган бўлса хурмо билан қўшиб сотилади, чанглатилган бўлса қўшиб сотилмайди. Лекин пишмай туриб сотиш жоиз бўлмайди. Бу (яъни чанглатиш) хурмога хос бўлиб, унга бошқа мевалар қиёс қилинмайди. Чунки чанглатиш муайян ишдир. Бу сўз (яъни чанглатиш) гарчи васф бўлса-да, лекин ҳукм иллатини англатувчи васф эмас. Чунки унда иллатлик мазмуни йўқ. Иллат йўқлиги боис унга қиёсланмайди. Шунинг учун бошқа мевалар хурмога қўшилмайди. Чунки хурмонинг бу васфидан келиб чиқилмайди ва хурмо қиёс қилинадиган нарсадан ҳам эмас. Зеро чанглатиш хурмогагина хос бўлиб, ундан бошқасида бўлмайди. Хурмо чаглатилмаса мева тугмайди. Чанглатиш ёриб уруғлантиришдир. Яъни хурмонинг урғочи гулдонини ёриб эркаклик уруғдонидан ўтказишдир. Бу ерда кўзда тутилган нарса чанглатилганлик эмас, балки чанглатиш натижаси бўлган меванинг кўзга кўринишидир, деган ҳужжат билан «бу ҳукм меванинг пайдо бўлишига тааллуқлидир, шунинг учун мевалар ҳам хурмога қиёс қилинади», дейилмайди. Чунки хурмонинг воқеси шуки, уни чанглатилганидан қарийб бир ой муддат ўтганидан кейин мева кўринади. Шунинг учун чанглатилганидан масалан бир кун кейин бўлса ҳам хурмо дарахтини сотган бўлса гарчи мева кўринмаган бўлса ҳам бай дуруст бўлади. Демак ҳукм меванинг пайдо бўлишига эмас, балки чанглатишга тааллуқлидир. Демак жамловчи нарса йўқлиги боис бошқа меваларни хурмога қиёслашга ўрин йўқ. Шунинг учун чанглатиш хурмонинг ўзигагина хос бўлиб, унга бошқа мева қиёс қилинмайди ва унга қўшилмайди.

Энди бошқа дарахтларнинг ҳукмига тўхталадиган бўлсак, бу ҳукм мевани пишмай туриб сотиш жоиз эмас, пишганидан кейин жоиз, деган мафҳумдан олинади. Меванинг ёлғиз ўзини пишмай туриб сотиш жоиз эмаслигининг маъноси қуйидагича. Мева пишмаган пайтда дарахтга тобе бўлади, ундан алоҳида сотилмайди. Шунинг учун тобе матбуъ билан бирга савдога киради. Гарчи битимда айтилмаган бўлса ҳам. Шунга биноан хурмодан бошқа барча дарахтлар меваси агар ҳали пишмаган бўлса дарахт билан бирга савдога киради ва унга тобе бўлади. Аммо пишган бўлса савдога кирмайди. Фақат айтилган бўлса киради. Мевани пишганидан кейин сотиш жоизлигига далолат қилувчи қатор ҳадислар келган. Бу шуни англатадики, мева пишган бўлса савдога дарахт билан бирга кирмайди. Фақат айтилган бўлса киради. Пишган пайтида мева ва дарахтни алоҳида-алоҳида сотиш жоиз. Лекин агар дарахт сотилиб бўлганидан кейин қаттиқ шамол, бўрон бўлиб дарахтни илдизи билан ағдариб юборса ёки синдириб ташласа сотган одам жавобгар бўлмайди. Чунки савдо тамомига етиб бўлган. Бундай ҳолатда сотиб олган одам зиммасидан жавобгарликни олиб ташлаш тўғрисида ҳеч бир насс келмаган. Мевада эса бунинг тескариси бўлади. Чунки дарахтдаги мева сотилганидан кейин унга бирон офат етса сотган одам мева нархидан офат етган миқдорича тушириши лозим бўлади. Бунга далил Ибн Можа Жобирдан ривоят қилган ушбу ҳадисдир. Росулуллоҳ ﷺ дедилар:

«مَنْ بَاعَ ثَمْرًا فَأَصَابَتْهُ جَائِحَةٌ فَلَا يَأْخُذُ مِنْ مَالِ أَخِيهِ شَيْئًا، عَلَامٌ يَأْخُذُ أَحَدُكُمْ مَالَ أَخِيهِ الْمُسْلِمِ»

**«Ким мева сотса, сўнг унга бирон офат етса биродарининг молидан ҳеч нарса олмасин. Бирон тангиз мусулмон биродарининг молини нега олади, ахир».** Бу ерда офатдан мурод мевани ҳалок қиладиган офатдир. Офатлар дейилганда дўл, қурғоқчилик, шамол ва қаҳатчилик каби самовий офатлар кўзда тутилади. Аммо агар мусибат самовий бўлмаса, масалан суғориш асбоб-ускуналари ишдан чиққани сабабли дарахт куриб қолса ёки ўғирлаб кетилса, талон-тарож қилинса ва шунга ўхшашлар рўй берса, булар офат ҳисобланмайди ва сотувчи харидорга нархни ҳечам туширмайди. Чунки бу ҳолатлар ҳадис далолат қилган мазмун остига кирмайди.



## Қарзга ва пулини бўлиб-бўлиб беришга бўладиган бай

Росулуллоҳ ﷺ дедилар:

«إِنَّمَا الْبَيْعُ عَنْ تَرَاضٍ»

**«Бай икки томоннинг розилиги билангина бўлади».** Аҳмад ва Ибн Можа ривояти. Мол эгаси уни ўзи рози бўладиган нархга сотади. Рози бўлмаса сотмайди. Шунинг учун мол эгаси унга икки нарх қўйиши жоиз: Нақд тўланадиган нарх. Бирон муайян муддатда тўланадиган нарх ёки бир муддат давомида бўлиб-бўлиб тўланадиган нарх. Шунинг учун сотувчи харидор билан ва харидор ҳам сотувчи билан мана шу икки нархда савдолашиши жоиз. Бу бай эмас, нарх устида савдолашишдир. Шунинг учун икки томон муайян нархга келишишса ва сотувчи харидорга нақд пулга сотса, харидор буни қабул қилса ёки кейинроқ берадиган нархга сотса, харидор буни қабул қилса, бу дуруст бўлади. Чунки у бай эмас, бай устида савдолашишдир. Савдолашиш эса жоиз. Чунки Росулуллоҳ ﷺ савдолашганлар. Аҳмад Анас ибн Моликдан ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ بَاعَ قَدْحًا وَحِلْسًا فِي مَنْ يَزِيدُ»

**«Набий ﷺ бир қадах билан тўқимни ким ошди савдосида сотдилар».** Ким ошди савдоси эса савдолашишдир. Демак Набий ﷺнинг савдолашгани собит бўлди. Яна масалан Ибн Можа Сувайд ибн Қайсдан шундай деганини ривоят қилди:

«جَلَبْتُ أَنَا وَمَخْرَمَةُ الْعَبْدِيِّ بَرًّا مِنْ هَجَرَ فَجَاءَنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَمْشِي فَسَاوَمَنَا سَرَاوِيلَ فَبِعْنَاهُ»

**«Мен ва Махрама ал-Абдий Ҳажардан газлама олиб келдик. Росулуллоҳ ﷺ келиб биз билан иштонларни савдолашдилар. У кишига сотдик».** Савдолашиш ниҳоясига етганидан кейин икки томоннинг бир муайян нарх устида ўзаро келишиб, рози бўлиши билан бай битими тузилган бўладида, бу саҳиҳ бай бўлади. Бу агар савдолашиш молнинг нархи нақд ёки кейин тўланиши устида бўлиб, сўнг шу икки нархдан бир муайянига келишишган пайтда бўлади. Шунингдек сотувчи молини икки нархда: нақдга ва насияга сотиши жоиз. Масалан, бир киши бошқасига бу молни сенга нақдга элликка, насияга олтмишга сотаман, деса, ҳалиги киши:

майли насияга олтмишга ёки нақдга элликка оламан, деса, бай саҳиҳ бўлади. Яна масалан, бу молни сенга пулини кейинроқ берадиган бўлганинг учун асл нархидан ўн сўм ортиғи билан олтмишга сотаман, деса, харидор: хўп, оламан, деса, бунда ҳам бай саҳиҳ бўлади. Агар сотувчи: бу молни нақдга ўттиз, насияга қирққа сотаман деса, харидор: майли, нақдга ўттизга ёки насияга қирққа оламан, деса, сотувчи эса: сенга сотдим ёки ол ёки мол сеники, деса яна ҳам яхшироқ бўлади. Чунки бу охирги мисолда икки нарх устида савдолашиш бўлиб, битта нархга сотилди. Аввалги мисолларда эса бай икки нарх устида бўлди. Бай битимида битта товарга икки нарх: нақд ва насия нарх қўйиш байнинг жоизлиги ҳақида келган далилларнинг умумийлиги учун жоиз бўлди. Аллоҳ Таоло деди:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ

«Аллоҳ байни ҳалол қилди»

[Бақара 275]

Бу умумийдир. Шунинг учун модомики савдонинг бирон турининг ҳаромлиги ҳақида биронта шаръий насс келмаган бўлса – масалан ҳаромлиги ҳақида насс келган бай ғарар каби – у ҳолда бай ҳалол бўлади. Негаки Аллоҳ Таолонинг:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ

«Аллоҳ байни ҳалол қилди»

[Бақара 275]

деган қавли байнинг ҳамма турларини ўз ичига олади. Фақат ҳаромлиги ҳақида насс келган турлар бундан мустасно. Чунки бунда насс билан умумдан мустасно қилиниб ҳаром бўлиб қолади. Товарга икки нарх: нақд ва насия нарх қўйишнинг ҳаромлиги ҳақида ҳеч бир насс келмаган. Демак оятнинг умумийлигидан олинадиган бўлса икки нарх қўйиш ҳалол бўлади. Қолаверса Набий ﷺ:

«إِنَّمَا الْبَيْعُ عَنْ تَرَاضٍ»

«Бай икки томоннинг розилиги билангина бўлади», дедилар. Бунда сотувчи ва харидор ихтиёрли бўлиб, иккаласининг розилиги билан бай тамомига етади. Жумҳур фуқаҳолар нарса насияга сотиладиган бўлса ўша кунги нархидан кўпроққа сотиш жоизлигини кўрсатиб ўтишган. Товус, Ҳакам ва Ҳаммоддан «сотувчининг: сенга нақдга фалончага, насияга фалончага сотаман, деб икковидан бирига юришининг зарари йўқ», деб айтишгани ривоят қилинган. Али бундай деди: «**Кимки икки нарх: нақд ва насияга савдолашса келишишдан олдин биттасини айтиб қўйсин**». Шундан аён бўладики, битта молнинг икки нархи устида

савдолашиб, сўнгра икки томоннинг розилиги билан икки нархдан биттасига битим тузилса жоиздир. Бу йўсиндаги бай саҳихдир. Шунингдек яна аён бўладики, икки нарх устидаги битимда ийжобнинг бўлиши ва харидорнинг икки нархдан бирини аниқ баён қилиб, тўла тайин қилиб қабул қилиши ҳам далилларнинг умумийлигига кўра ва бу хил байнинг харомлиги ҳақида бирон насс келмагани учун жоиздир. Аммо Аҳмад ривоят қилган:

«نَهَى النَّبِيُّ ﷺ عَنْ صَفَقَتَيْنِ فِي صَفَقَةٍ وَاحِدَةٍ»

«**Набий ﷺ битта битимда икки битимдан қайтардилар**», деган ҳадисга келсак, бундан мурод битта битимда икки битимнинг мавжуд бўлишидир. Масалан: сенга бу ҳовлимни бошқа ҳовлимни сенга фалончага сотишим эвазига ёки ҳовлингни менга сотишинг ёки қизингни менга хотинликка беришинг эвазига сотаман, дейиш каби. Бу дуруст эмас. Чунки сенга ҳовлимни сотаман дейиш бир битим, ҳовлингни менга сотишинг дейиш иккинчи битим бўлиб иккаласи битта битимда жамланиб қолди. Бу эса жоиз эмас. Ҳадисдан мурод пулни кейинроқ берадиган бўлгани учун (яъни насия бўлгани учун) нархни оширишдан қайтариш ҳам ва икки нарх ҳақидаги ийжобни ва иккаласидан бирини қабул қилишни тайин қилиб кўйиш ҳам эмас.

Аммо Абу Довуд ривоят қилган Росулulloҳ ﷺнинг:

«مَنْ بَاعَ بَيْعَتَيْنِ فِي بَيْعَةٍ فَلَهُ أَوْ كَسَهُمَا أَوْ الرِّبَا»

«**Ким битта байда икки бай билан бай қилса унга икковидан энг ками бўлади, акс холда рибодир**», деган сўзларига келсак, бу ҳадиснинг маъноси шуки, битта товарда икки бай бўлиб қолади, яъни сотувчи олувчига товарни бир нархда қайсидир муддатгача сотади. Ўша муддат келиб, олган одам пулни бермаган бўлса сотувчи пулни олиш муддатини яна кечиктириб, айтилган нархни ошириб қўяди, яъни муддатни чўзгани учун товар нархи ошди деб ҳисоблайди. Демак битта товарда икки савдо қилган бўлади. Ёки бошқача айтсак, олувчига товарни муайян нархда сотади, харидор уни сотиб олади, сўнгра пулини беришни муайян муддатга кечиктиришни талаб қилади, сотувчи бунга кўниб товарни бошқа бай билан бир маълум муддатгача кўпроқ нархда сотади, яъни нархни оширади ва муддатни узайтиради. Бу ва шунга ўхшашлар битта байда икки бай қилиш бўлиб, сотувчи

шу икки байнинг энг камини, яъни биринчи нархни олишга ҳақли. Бу ҳадисга Ибн Раслон сунанида шундай шарҳ берилади: бир қафиз (17,660 гр.) буғдойни пулини бир ойдан кейин берадиган қилиб бир динорга сотади. Муддати келиб буғдой пулини талаб қилган пайтда олган одам: мен сенга беришим керак бўлган бир қафиз пулини икки ойга кечиктириб менга икки икки қафиз нархига сот, деса мана шу бир байда икки бай қилиш бўлиб қолади. Чунки биринчи бай устига иккинчи бай бўлиб қолган бўлади. Бунда нархнинг энг камига, яъни биринчисига қайтилади. Бу ҳадис тафсирида нима дейилган бўлмасин унинг мантуқи ва мафҳуми битта байда икки бай бўлиб қолишини, яъни битта битимда икки бай битими бўлиб қолишини аниқ кўрсатиб турибди. Бу битта битимдаги икки нарх ҳақидаги бай ҳам эмас ва икки нарх устида битта битимдаги бай ҳам эмас. Демак у пулини бўлиб-бўлиб бериладиган байга ҳам, насия байга ҳам тўғри келмайди. Бунда қайтарилаётган иш битта битимда икки битим бўлиб қолаётганидир. У битта битимда ёки битта келишувда бўладиган икки савдо битимининг ҳар бирига тўғри келади. Бу ҳолатдан бошқасига – бошқа ҳолат суратлари қанчалик хилма-хил бўлмасин – тўғри келмайди.

Хулоса шуки, сотувчи олувчига: сен ҳовлингни менга мингга сотишинг устига мен ҳам ҳовлимни сенга мингга сотдим, - деса, олувчи: қабул қилдим, деса бу икки бай бўлаётган битта бай битими бўлади. Бу жоиз эмас. Чунки Набий ﷺ битта байда икки бай бўлишидан ва битта келишувда икки келишув бўлишидан қайтардилар. Масалан бир киши бошқасига: ҳовлимни сенга қизингни менга никоҳлаб беришинг эвазига сотдим, деса бу битта келишувдаги икки келишув: савдо келишуви ва никоҳ келишуви бўлиб қолади. Бу жоиз эмас. Чунки Набий ﷺ битта келишувда икки келишув бўлишидан қайтардилар. Яна масалан сенга бу ҳовлини мингга сотдим, деса, олувчи қабул қилдим, деб сўнгра муддатни ортга сур, пулини бир ойдан кейин бераман, деса, сотувчи: у ҳолда сенга нархни ошираман, деб шу ҳовлининг ўзини айтилган асл нархдан ортиқчасига унга сотса бу ҳам жоиз эмас. Чунки битта байда ёки битта товарда ёки битта битимда иккита бай бўлиб қоляпти, биттасидаги нарх иккинчисидан ортиқ бўлиб қоляпти. Бу ҳолатда савдо дуруст, лекин озроқ нархни олиш лозим, агар кўпроқ нархни олса рибо бўлади. Чунки Росулulloҳ ﷺ:

«مَنْ بَاعَ بَيْعَتَيْنِ فِي بَيْعَةٍ فَلَهُ أَوْ كَسَهُمَا أَوْ الرِّبَا»

**«Ким битта байда икки бай билан бай қилса унга икковидан энг ками бўлади, акс ҳолда рибодир»**, дедилар. Пайғамбаримизнинг: **«унга икковидан энг ками бўлади»**, деган сўзлари бу байнинг саҳиҳлигига ва озроқ нархни олиш лозимлигига далолат қияпти. Чунки энг камини олади, деган ҳукм бу байни саҳиҳ деб ҳисоблашни лозим қилиб қўяди.

Шундан аён бўладики, савдогарларнинг товарларга иккита нарх: пулини нақд берса муайян нарх, бўлиб-бўлиб берадиган бўлса ошиқча нарх қўйиб қилаётган савдоси жоиз бўлган байдир. Бундаги шаръий ҳукм жоиз деган ҳукмдир. Баъзи деҳқонлар ва баъзи боғ эгалари қилаётган буғдой ёки кийим ёки ҳайвон ёки асбоб-ускуна олди-сотдиси ва пулини беришни мавсум чиққунча кечиктиришни шарт қилиниши, кечиктириш эвазига шу вақтдаги нархнинг оширилиши, бу ҳам жоиздир. Гарчи бу битта товарга икки нарх: нақд ва насия нарх қўйиш бўлса ҳам. Лекин битта товарнинг кечиктирилган нархини дарҳол тўланадиган нархдан оширишда – одамлар орасида хоҳлаган ишини қилувчи судхўр кимсалар қилаётгандек – ғабн фоҳиш (алдаш) бўлмаслиги шарт. Шунинг учун агар бу байда ғабн бўладиган бўлса бу ғабн ҳаромдир ва унга бай ва саламдаги ғабн ҳукми тўғри келиб қолади. Демак дарҳол тўланадиган нархдан кечиктириб бериладиган нарх ошириладиган бай ҳаром эмас, балки ғабн ҳаромдир.

## Даллолик

Ҳаким ибн Ҳизом отасидан ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«دَعُوا النَّاسَ يُصِيبُ اللَّهُ بَعْضَهُمْ مِنْ بَعْضٍ فَإِذَا اسْتَنْصَحَ الرَّجُلُ أَخَاهُ فَلْيَنْصَحْ لَهُ»

**«Одамларни ўз ҳолига қўйинглар, Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан ризқлантираверсин. Бирон киши биродаридан маслаҳат сўраса унга маслаҳат берсин».** Аҳмад ривояти. Тижорат ва савдо-сотик ҳолатларини кузатсак уларда Аллоҳ одамларни бир-биридан ризқлантираётганининг гувоҳи бўламиз. Катта тижорат бўладими ёки кичикми, бунинг фарқи йўқ. Кўпинча катта савдогарлар кичик савдогарларга товар сотиб олиб бераётганини, шу сотиб олиб бериши муқобилига фойдадан фоиз нисбатни, масалан бир фоиз фойдани олаётганларини кузатамиз. Кўпинча улгуржи савдогарлар шундай кишилар бўлади. Улар буни «комиссион тўлов» деб аташади. Бу иш ҳамма товарларда, кайл билан тортиладиган, вазн билан ўлчанадиган, қиёсланадиган ва бошқа товарларда жорийдир. Бу иш газлама ёки ширинлик ёки қоғоз ёки дастгоҳлар ишлаб чиқарадиган йирик ширкатлар билан улгуржи савдогарлар ўртасида ҳам боради. Бундай савдогарларни маклер (таъминотчи) ёки савдо вакили деб аташади. Чунки улар ана шу ширкатлар ишлаб чиқарадиган нарсанинг сотилишини таъминлашади ва бунинг эвазига шу ширкатлардан маълум фойдани, яъни муайян фоиз нисбатни олишади. Йирик савдогар ёки корхона билан кичик савдогарлар ўртасида шахслар воситачилигида савдолар бўлади. Ана шу шахслар ўша савдогар қўлида ёки корхонада ишлашади. Улар муайян савдогар қўлида ёки муайян корхонада ишлаб одамларга товар таклиф қилишади ва сотишади. Улар савдо билан шуғулланишар экан товар таклиф қилишлари эвазига уларга ўзлари ишлаётган йирик савдогар ёки корхона томонидан муайян тўлов (иш ҳақи) берилади. Улар товарни сотишдими ёки йўқми, бундан қатъий назар уларга ҳар бир савдо келишувида муайян иш ҳақи, яъни ўзлари савдо қиладиган нарса нархидан муайян фоиз нисбат берилади. Корхоналар ва ширкатларда, савдогарлар ва мижозларда, ҳар бир нарсада сотувчи билан оловчи ўртасидаги воситачилик мана шу тарзда кечади. Воситачилик газламалар, ширинликлар ва бошқа нарсаларда бўлганидек полиз экинлари, сабзавот ва

меваларда ҳам бўлади. Масалан сабзавот бозорида савдогар деҳқондан оладиган муайян тўлов эвазига шу деҳқон фойдасига сотади.

Бу ишларнинг ҳаммаси, ширкатлар ёки корхоналар билан савдогарлар ўртасида бўладими ёки йирик савдогарлар билан кичик савдогарлар ўртасида бўладими ёки савдогарлар билан миждозлар ўртасида бўладими, ҳеч фарқсиз, ҳаммаси даллолликдир ва бундай ишлар билан шуғулланувчиларни симсорлар дейилади. Симсор бир ишдаги ишончли вакил ва уни назорат қилувчидир. Кейинчалик бу исм савдо-сотикни бошқарадиганларга нисбатан қўлланадиган бўлди. Фақиҳлар симсорга «бошқа бировнинг фойдасига муайян иш ҳақи эвазига олди-сотди қиладиган кишининг исми» деб таъриф беришган. Бу таъриф даллолга ҳам тўғри келади. Чунки даллол бошқа бировнинг фойдасига муайян ҳақ эвазига олди-сотди қилади. Симсорлик ва даллоллик шаръан ҳалол бўлиб, тижорий ишлардан ҳисобланади. У шаръан молга эга бўлинадиган иш турларидан биридир. Аҳмад Қайс ибн Абу Ғараза Кинонийдан шундай деганини ривоят қилди: Биз Мадина бозорларида савдо-сотик қилар ва «симсор» (даллол) деб аталар эдик. Росулulloҳ ﷺ олдимишга келиб бизни ўзимиз атагандан кўра яхшироқ исм билан атадилар:

«يَا مَعْشَرَ التُّجَّارِ، إِنَّ هَذَا الْبَيْعَ يَحْضُرُهُ اللَّغْوُ وَالْحَلْفُ فَشُوبُوهُ بِالصَّدَقَةِ»

**«Эй савдогарлар жамоаси! Албатта савдода беҳуда нарса ва қасам ҳозир бўлади, бас унга садақани аралаштириб туринглар».** Бунинг маъноси шуки, сотувчи молини ҳаддан ортиқ васф қилиб, керагидан ортиқ беҳуда гапларни айтиб юбориши мумкин. Лекин ёлғон даражасига етмайди. Молининг бозорини чаққон қилиш учун ўйламай қасам ичиб юбориши мумкин. Пайғамбаримиз мана шуни маҳв қилиб ўчириб ташлаш учун садақага чорладилар. Демак Росулulloҳ ﷺнинг даллоллар ишини маъқуллаганидан ва уларга: **«Эй савдогарлар жамоаси»**, деб айтганидан даллолликнинг жоизлиги ва у тижоратдан эканлиги аён бўляпти. Бу ҳадис даллоллик шаръан ҳалол эканига, у шариатдаги жоиз муомалалардан эканига далилдир.

Лекин савдо-сотик қилиш учун ёлланиладиган иш ё товар ё муддат билан маълум бўлиши лозим. Фойда ёки тўланадиган тўлов ёки иш ҳақи ҳам маълум бўлиши керак. Масалан савдогар бир шахсни фалон ҳовли ёки матони сотиши ёки олиб

бериши учун ёлласа бу савдо-сотик дурустдир. Нарсасини сотиш ёки сотиб олиш учун кун бай қилиб ёки бир ойга ёлласа ҳам дуруст бўлади. Шунингдек сотиш ёки сотиб олиш учун кун бай қилиб ёки бир ойга муайян маблағ эвазига ёлласа ҳамда бир товарни сотиб бериши ёки сотиб олиши учун ҳар бир келишувда тайин қилинган муайян тўлов эвазига ёлласа ҳам дуруст бўлади. Чунки бунда олди-сотди қилиш учун ёлланилган иш маълум ва иш ҳақи ҳам маълум бўляпти.

Демак даллоллик Росулulloҳ ﷺ давридан то шу бугунгача савдогарлар ўртасида ва одамлар ўртасида маълум бўлиб келган маъноси билан ҳалолдир ва даллоллик касби ҳалол касбдандир. Аммо саҳиҳ ҳадисда наҳий қилинган даллоллик одамларнинг нарҳни ёки бозорни билмаслигидан ёки савдо моли борасида билим, тажрибалари йўқлигидан ёки шунга ўхшашлардан фойдаланиб алдайдиган кимсанинг даллоллигидир. Росулulloҳ ﷺ даллолликни тижорий ишлардан бири ҳисоблаб, уни умумий шаклда маъқулладилар ва даллолликнинг айрим турларидан – уларда алдов борлиги учун – уларнинг айнан ўзини баён қилиб қайтардилар. Шунингдек Пайғамбаримиз ﷺ байнинг умумий шаклда мубоҳлигини кўрсатдилар ва байнинг муайян турларидан уларда иллат борлиги учун қайтардилар. Шу тўғрида келган ҳадисларни кузатиб, уларнинг ташриий маъносини диққат билан ўрганилса бу нарса аниқ маълум бўлади. Олди-сотдига тааллуқли айрим ишлардан қайтариш ҳақида келган ҳадисларда симсорлик ва ундан қайтариш ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Лекин баъзи саҳобалар ва баъзи ровийлар уларни симсорлик ҳақида, деб тафсир қилганлар ва наҳий қилишни симсор бўлишдан қайтариш, деб тафсир қилганлар. Масалан Бухорий Абдуллоҳ ибн Товусдан, у отасидан, у Ибн Аббос رضي الله عنه дан ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«لَا تَلْقُوا الرُّكْبَانَ وَلَا يَبِيعُ حَاضِرٌ لِبَادٍ»

«Улов минганларнинг олдини тўсиб чиқманглар. Ерлик одам саҳроликка сотиб бермасин». Ровий: мен Ибн Аббосга Пайғамбаримиз ﷺнинг: «Ерлик одам саҳроликка сотиб бермасин», деган сўзининг маъноси нима? - десам у «саҳроликка даллол бўлмасин», деган маънода, деб жавоб берди, дейди. Товусдан қилинган бошқа бир ривоятда ҳам у бундай деган: мен Ибн Аббос رضي الله عنه га Пайғамбаримизнинг:



«**Ерлик одам сахроликка сотиб бермасин**», деган сўзининг маъноси нима? - десам у: «сахроликка даллол бўлмасин» деганидир, деди. Бухорий «**Ерлик одам сахроликка даллоллик қилиб сотиб олиб бермайди**», деган бобда: Пайғамбаримиз наҳий «لَا يَبِيعُ»си (қайтариш мазмунидаги «لَا» ҳарфи)ни ишлатдилар, деди, сўнгра шу бобда икки ҳадисни зикр қилди. Улардан бири Саид ибн Мусайябдан ривоят қилинган бўлиб, у Абу Хурайра رضي الله عنهнинг шундай деганини эшитганини айтади: Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم дедилар:

«لَا يَبِيعُ الْمَرْءُ عَلَى بَيْعِ أَخِيهِ، وَلَا تَنَاجَشُوا، وَلَا يَبِيعُ حَاضِرٌ لِبَادٍ»

«**Киши ўз биродарининг савдоси устига савдо қилмасин. Ўзаро нажш қилманглар** (келишиб олиб нархни оширманглар). **Ерлик одам сахроликка сотиб бермасин**». Иккинчи ҳадис Анас ибн Молик رضي الله عنهдан ривоят қилинган бўлиб, у бундай деди:

«نُهَيْتَنَا أَنْ يَبِيعَ حَاضِرٌ لِبَادٍ»

«**Биз ерлик одам сахроликка сотиб беришидан наҳий қилиндик**». Бухорий «**Нажш**» (ўзаро келишиб олиб нархни кўтариш)га оид бобда қуйидагиларни айтади: бундай байни жоиз эмас деган кишиларга келсак, Ибн Абу Авфо бундай деди: «ножиш» рибо ейувчи хиёнаткор кимсадир. Бундай қилиш алдов, ботил бўлиб, ҳалол бўлмайди. Набий صلى الله عليه وسلم дедилар:

«الْحَدِيثَةُ فِي النَّارِ، وَمَنْ عَمِلَ عَمَلًا لَيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ»

«**Алдов дўзахдадир. Кимки бизнинг амримиз бўлмаган ишни қилса бу иш рад қилинади**». Сўнгра Бухорий яна бир ҳадисни ривоят қилади. У Ибн Аббос رضي الله عنهдан ривоят қилинган бўлиб, у бундай деди:

«نَهَى النَّبِيُّ ﷺ عَنِ النَّجَشِ»

«**Набий صلى الله عليه وسلم «нажш»дан қайтардилар**». Яна бир неча ҳадислар келган бўлиб, уларда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم наҳий қилган айрим ишларнинг турлари зикр қилинган. Масалан Абу Хурайра رضي الله عنهдан ривоят қилинишича Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم бундай дедилар:

«لَا تَلَقُّوا الرُّكْبَانَ، وَلَا يَبِيعُ بَعْضُكُمْ عَلَى بَيْعِ بَعْضٍ، وَلَا تَنَاجَشُوا، وَلَا يَبِيعُ حَاضِرٌ لِبَادٍ»


«**Улов минганларнинг олдини тўсиб чиқманглар. Баъзингиз баъзингизнинг савдоси устига савдо қилмасин**

**ва ўзаро нажш қилманглар. Ерлик одам саҳроликка сотиб бермасин».** Бухорий ривояти. Набий ﷺ яна бундай дедилар:

«لَا تَلْقُوا الْجَلْبَ فَمَنْ تَلَقَى مِنْهُ شَيْئًا فَصَاحِبُهُ بِالْخِيَارِ إِذَا أَتَى السُّوقَ»

**«Жалб қилиб келтирилаётган (мол)нинг олдини тўсиб чиқманглар. Кимки ундан бир нарса олса эгаси бозорга келганида ихтиёри ўзида бўлади».** Аҳмад ривояти. Бу ва бошқа ҳадисларни кузатиб, диққат билан ўрганадиган бўлсак, уларда ерлик одам саҳроликка, яъни шаҳар аҳли саҳро аҳлига сотиб беришидан қайтарилгани аён бўлади. Қишлоқ аҳли ҳам саҳроликлар кабидир. Бу ҳадисларда киши ўз биродарининг савдоси устига – агар бу савдо тамомига етган бўлса – савдо қилишидан ҳам қайтарилди, яъни кишининг бошқаси сотиб олган товарнинг олдига келиб, биринчи байни бузиш учун сотилган нархни ошириб бу товарни сотиб олишидан қайтарилди. Ҳадисда «нажш»дан қайтарилди. У бирон кимса ўзи харидор бўлмаса ҳам товарни зўр қилиб кўрсатиб, нархини оширишидир. Яъни ўзи сотиб олмоқчи эмас, лекин шу товарни сотувга чиқараётганлар «товар шунга арзигани учун нархни шунчага оширди» деб ўйлаб унга эргашишлари учун нархни оширади. Натижада харидор алданиб қолади ва товарни сотиб олиш учун ошикча нарх тўлайди. Пайғамбаримиз улов минганларнинг олдини тўсиб чиқишдан ҳам қайтардилар. Бунда шаҳарлик одам товар олиб келган саҳроликнинг олдини тўсиб чиқиб, унга нархни билдириб «сенга мен сотиб бераман», дейди ёки шаҳардаги нархни ёлғон айтиб саҳроликлардан товарни унга ўхшаш товар нархидан озроққа сотиб олади ёки уларга «шаҳарга киришда харажатинглар кўпайиб кетади» дейди ёки «олиб келган молинглар касод бўляпти ёки бозор касод» дейди. Пайғамбаримиз ﷺ олиб келинган молнинг олдини тўсиб чиқишдан ҳам қайтардилар. У ҳам улов минганларнинг олдини тўсиб чиқиш кабидир.

Наҳий қилинган ишлар мана шулар бўлиб, улар орасида бевосита даллоликка тааллуқлилари ва байга тааллуқли бўлганлари бор. Бу ишлардан наҳий қилиб келган ҳадисларни диққат билан ўрганадиган бўлсак уларнинг ҳаммасида наҳий шу наҳий воқе бўлишига боис бўлган бир сифатга қаратилгани аён бўлади. Бу васфдан у наҳий воқе бўлишига боис бўлгани тушунилади. Шу нарса тушунилган васфга қарши амр ёки наҳий қўйилган бўлса бу амр ёки наҳий иллатланган бўлиб қолади. Зеро бу васфнинг маъноси амр ёки наҳийнинг иллоти

бўлиб қолади. Демак бу васфдаги вожиблик ёки ҳаромлик иллатга боғлиқ бўлиб қолади. Зеро иллат мавжуд бўлса ҳукм ҳам мавжуд бўлади, иллат йўқ бўлса ҳукм ҳам йўқ бўлади. Демак ҳукм бор ва йўқликда иллат билан бирга юради. Иллат бошқасида мавжуд бўлса ҳукм шу бошқага ҳам қиёс йўли билан тўғри келади. Ерлик, сахролик, биродарининг савдоси устига савдо қилиш, нажш, улов минганларнинг йўлини тўсиб чиқиш, олиб келинаётган молнинг йўлини тўсиб чиқиш, буларнинг барчаси наҳий воқе бўлишига боис деб тушуниладиган васфдир. Демак иллат – наҳий бўлишига боис бўлган нарсадир. Яъни ҳукм шу иллат боис вужудга келди. Масалан ҳукм сахроликка бориб боғланди, чунки бу сахроликда нархни билмаслик илллати бор. Ҳукм биродарининг савдоси устига савдо қилишга бориб тақалди. Чунки шунда нарх барқарор бўлади ва икки биродарнинг бир-бирига ишончи бўлади (яъни биродарининг савдоси устига савдо қилиш ҳаром деган ҳукмнинг илллати нарх барқарор бўлмай қолиши ва икки биродарнинг бир-бирига ишончи йўқолиши бўлди). Ҳукм «нажш»га бориб боғланди. Чунки «нажш»да киши товарни сотиб олмоқчи бўлмайди, балки харидорга зарар етказиш учун нархни оширади. Ҳукм улов минганларнинг ва олиб келинаётган молнинг олдини тўсиб чиқишга бориб боғланди. Чунки бунда шаҳар аҳлига нархни қиммат қилиб юбориш, мол олиб келганга арзон қилиб юбориш бор. Демак бу савдоларда мана шу маънолар мавжуд бўлса улардаги савдо ҳаром бўлади ва бу савдолардаги даллоллик ҳам ҳаром бўлмайди. Бу маънолар мавжуд бўлмаса савдо ҳам, даллоллик ҳам ҳаром бўлмайди. Умар ибн Хаттоб  шаҳарликнинг сахроликка сотиб беришидан наҳий қилишдаги иллат сахроликнинг нархни билмаслигидир, деб тушунгани учун: **«Уларга (сахроликларга) бозорни ва йўлни кўрсатиб қўйинглар. Уларга нархни билдириб қўйинглар»**, деди.

Демак даллоллик ҳам, савдо ҳам ҳалол. Бунинг далили очик кўриниб турибди. Мабодо агар наҳий қилинган савдо турларида даллоллик бўлиб қоладиган бўлса ёки даллолликда наҳий қилишга боис бўладиган иллат мавжуд бўлса, ана шундагина бу турдаги савдо ҳаром бўлиб қолади. Даллоллик бўлгани учун, яъни даллолликнинг ўзи ҳаром бўлмайди. Аксинча у ҳалол бўлиб қолаверади. Шунинг учун даллоллик касби ҳалол бўлиб қолаверади.

## Ижара

Ижара – маълум бир эваз муқобилига манфаат устида тузилган битимдир. У уч хил бўлади.

Биринчиси – нарсалар манфаатлари устида тузиладиган ижара битими. Масалан уй-жой, ҳайвон, машина ва шу кабиларни ижарага олиш каби.

Иккинчиси – иш келтирадиган манфаат устида тузиладиган ижара битими. Масалан ҳунармандлар ва муайян ишни қилувчилар каби. Бунда ишдан келадиган манфаат устида тузилган битим бўлади. Масалан бўёқчи, темирчи, дурадгор ва шу кабиларни ижарага олиш каби.

Учинчиси – шахс манфаати устида тузиладиган ижара битими. Масалан ходимлар, ишчилар ва шу кабиларни ижарага олиш каби.

Ижаранинг барча турлари шаръан жоиз. Аллоҳ Таоло айтади.

وَرَفَعْنَا بَعْضَهُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ لِّيَتَّخِذَ بَعْضُهُمْ بَعْضًا سُخْرِيًّا

**«Ва баъзилари баъзиларини қўл остига олиб (ишлатиш) учун айримларини айримларидан баланд даража-мартабаларга қўтариб қўйганмиз»** [Зухруф 32]

فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَآوَهُنَّ أَجُورَهُنَّ

**«Энди агар (талоқ қилган аёлларингиз) сизлар учун (бола) эмизсалар (яъни ўзларининг сизлардан бўлган болаларини эмизсалар), у ҳолда уларнинг ажр-ҳақларини беринглар!»** [Талоқ 6]

Байҳақий Абу Хурайрадан ривоят қилган ҳадисда Набий ﷺ:

«مَنْ اسْتَأْجَرَ أَجِيرًا فَلْيُعَلِّمَهُ أَجْرَهُ»

**«Кимки бировни ишга ёлласа иш ҳақини билдириб қўйсин»,** дедилар. Бухорий ривоят қилишича:


«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ وَالصَّدِيقَ اسْتَأْجَرَ رَجُلًا مِنْ بَنِي الدَّيْلِ هَادِيًا خَرِيْتًا»

**«Набий ﷺ ва Абу Бакр Сиддиқ Бани Дийл қабиласидан бир тажрибали йўл бошловчи ёллашди».**

## Ёлланма ишчи

Иш келтирадиган манфаат ва шахс келтирадиган манфаат асосида тузилган битим ёлланма ишчига алоқадор битимдир. Ёлланган одам ўзини ижарага қўйган одам. Шариат одамни у келтирадиган манфаат туфайли – масалан ходимлар ва уларга ўхшаганлар каби – ёки унинг меҳнатидан келадиган манфаат туфайли – масалан бўёқчилик, муҳандислик, газламани оҳорлаш ва шулар каби – ёллашга ижозат берди. Ижара битими тузилиши учун уни тузаётган ҳар икки тарафнинг оқил ва яхши-ёмонни ажрата оладиган бўлиши шарт қилинади. Шунинг учун мажнуннинг ва яхши-ёмонни ажрата олмайдиган ёш боланинг ижара битими дуруст эмас. Ижара битими дуруст бўлиши учун икки тарафнинг розилиги ва битим тузилган нарса – манфаат – жанжал чиқмайдиган даражада аниқ маълум бўлиши шарт. Ёлланма ишчининг хабардор бўлиши гоҳо муддатни баён қилиш билан, гоҳо манфаатни белгилаб бериш ёки талаб қилинган ишни батафсил сифатлаб бериш ва ишчининг қиладиган иши тайин бўлиши ёки у қиладиган ишнинг кайфияти тайин бўлиши билан бўлади. Демак мажбур қилинган одамнинг ва номаълум манфаатнинг ижараси дуруст бўлмайди.

## Иш ҳақи

Ижара ҳақиға бериладиган мол кўриш билан ёки ноаниқликни кўтарадиган сифат билан маълум бўлиши шарт қилинади. Насойи Ҳасан дан ривоят қилади: У бирор кишига иш ҳақини айтмай туриб ишга ёллашни макруҳ кўрарди. Лекин савдо молининг нархида қиймат шарт қилинмаганидек ижарада ҳам қиймат шарт қилинмайди. Қиймат билан нарх ўртасидаги фарқ, шуки қиймат – нарсанинг молиявий миқдорига мувофиқ келадиган ва қиймат белгиловчиларнинг белгилаши бўйича унга тенг келадиган нарсадир. Нарх эса – қийматга мувофиқ ёки ортиқроқ ёки камроқ тарзда икки тараф рози бўлган нарсадир. Ёлланма ишчининг иш ҳақи ишнинг қиймати бўлиши шарт қилинмайди. Чунки қиймат ижарада бадал бўлмайди. Демак иш ҳақи қилинган меҳнатнинг қийматидан ортиқроқ ва камроқ бўлиши жоиз. Масалан: бир киши маълум иш ҳақиға бир бўлак олтин ёки кумушдан маълум шаклни куйиб беришга бировни ёлласа жоиз. Чунки у маълум бир ишга ёллади. Иш ҳақи билан у меҳнат қиладиган кумуш ёки олтин вазнда тенг бўлиши шарт қилинмайди. Чунки унга иш ҳақидан шарт қилинган нарса қилган меҳнатининг муқобилига бўлиб, меҳнат ўрни (меҳнат қилинаётган нарса) муқобилига эмас. Иш ҳақи билан қилаётган меҳнат ўрнининг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Пул ва унга ўхшаш байда бадал бўлишга яраган нарса ижарада ҳам бадал бўлишга ярайди. Яъни нарх бўлишга яраган нарса иш ҳақи бўлишга ҳам ярайди. Байда нарх бўлишга ярамаган нарса ижарада нарх бўлиши жоиз. Масалан: бир ҳовлида бир йил яшаш муқобилига бир ҳайвонни сотиш жоиз эмас. Лекин ҳовлида яшаш муқобилига бир боғни ижарага бериш дуруст бўлаверади. Чунки бай молни молга айирбошлаш бўлиб, молни манфаатга айирбошлаш бай деб эътибор қилинмайди. Ижарада эса бунинг хилофидир. У эваз муқобилида манфаатга бўлган битимдир. Бу эваз мол (пул) бўлиши шарт эмас, балки манфаат ҳам бўлиши мумкин.

## Иш ҳақини белгилаш

Ижарага «бир нарса эвазига манфаат асосида тузилган битим» деб таъриф берилган. Бу битим уч хил бўлади:

Биринчиси: Нарсалар манфаати устида тузилган битим. Масалан ҳовли, ҳайвон, от-улов, машина ва шу кабиларни ижарага олиш. Бунда битим нарсанинг манфаати (нарсадан фойдаланиш) устида тузилади.

Иккинчиси: Меҳнатлар устида тузилган битим. Масалан бўёкчи, муҳандис, қурувчи ва шулар каби. Бунда битим меҳнат манфаати устига қурилган бўлади.

Учинчиси: Шахслар келтирадиган манфаат устида тузиладиган битим. Масалан хизматкорлар, ишчилар ва шуларга ўхшашлар каби. Бунда битим шахс кучидан фойдаланиш устида тузилади.

Бу уч турнинг ҳар бирида битим тузиладиган нарса манфаатдир. Айтиб белгилаб қўйиладиган мол эса шу манфаат муқобилига бериладиган нарсадир. Демак иш ҳақини белгилашда таяниладиган асос ўша нарса ёки меҳнат ёки шахс келтирадиган манфаатдир. Иш ҳақи меҳнатга нисбатан меҳнат қилинадиган нарсанинг қиймати ҳам ва унинг нархи ҳам эмас. Ёлланма ишчига нисбатан у ишлаб чиқарган маҳсулот ҳам эмас. Шунингдек ёлланма ишчининг эҳтиёжини тўлиқ қондириш ҳам эмас. Шунингдек иш ҳақини белгилашга турмуш даражасининг юқорилиги ёки пастлигининг дахли йўқ. Демак иш ҳақини белгилашда нарсанинг қийматига ёки нархига ёки ишчи ишлаб чиқарган маҳсулотга ва унинг эҳтиёжини тўла қондиришга қаралмайди. Иш ҳақини белгилашга турмуш даражасининг юқорилиги ёки пастлигининг ҳам дахли йўқ. Аксинча уни белгилашда фақат битта нарсага, яъни манфаатга қаралади. Чунки иш ҳақи бир нарса эвазига манфаат асосида тузилган битимдир. Шунинг учун иш ҳақи ижара битимига асос бўлган манфаатга қараб белгиланади. Иш ҳақининг миқдори ҳақида келишмовчилик пайдо бўлган пайтда иш ҳақи баййина (аниқ исбот) ва ҳужжат билан белгиланмайди. Чунки бунга исботлашнинг дахли йўқ. Зеро бу ерда иш ҳақини исбот қилиш эмас, балки унинг миқдорини билиш ирода қилинапти. Аксинча иш ҳақини ёллаш битими тузилишига асос бўлган манфаат ҳақида ва бу манфаат эвазига бериладиган нарса миқдори ҳақида билим, тажрибаси бор кишилар белгилайди.

Бу иш ҳақининг асоси жиҳатидан шундай ёки бошқача айтганда иш ҳақини белгилашга асос бўлган бирликдир. Аммо иш ҳақларидаги тафовутга келсак, у шахслардаги, бир ишдаги, ҳар хил меҳнатлардаги, замон ва макондаги тафовутларга қараб бир-биридан тафовут қилади. Чунки ўзларининг манфаатлари асосида битим тузилган ишчиларнинг иш ҳақлари уларнинг сарфлаётган куч ва меҳнатларига қараб турлича бўлади. Шу боис кучли одамнинг иш ҳақи фалонча, кучсиз одамнинг иш ҳақи фалонча ёки фалон соат меҳнатга фалонча иш ҳақи деб белгиланади. Иш соатларининг оз-кўплигига қараб иш ҳақи ҳам оз ёки кўп қилиб белгиланади ва ҳоказо... Меҳнат манфаати асосида тузилган ижара битимида кўрсатилган битта иш учун иш ҳақи муайян миқдор билан белгиланади ва шу ишни қиладиган шахслар ўртасида уларнинг бу ишни қанчалик пухта қилишларига қараб турлича бўлади. Масалан муҳандислар каби. Шу боис фалончи муҳандисга фалонча иш ҳақи берилади. Муҳандисларнинг иш ҳақи уларнинг бу ишни қанчалик пухта қилишларига қараб турлича бўлади. Шунингдек турли ишлар учун тўланадиган иш ҳақи шу ишларни қиладиган шахсларни ёллаш вақтида бу ишлардан кўзланган манфаатга қараб белгиланади. Меҳнатлар учун тўланадиган иш ҳақи жамият олдидаги бу меҳнатларнинг манфаатига қараб турлича бўлади. Шу боис муҳандиснинг иш ҳақи фалонча, қурувчининг иш ҳақи фалонча бўлади ва ҳоказо. Бир замонда шахсларга, битта ишга ва ҳар хил меҳнатларга тўланадиган иш ҳақи бошқа замонда ўзгача бўлади. Масалан кечаси ишлаган ишчига шу ишни кундузи қилган ишчидан кўра кўпроқ иш ҳақи берилади. Шунингдек бир маконда шахсларга битта ишга ва ҳар хил меҳнатларга тўланадиган иш ҳақи бошқа маконда ҳам ўзгача бўлади. Масалан саҳрода ишлаган ишчига шу ишни шаҳарда қилган ишчидан кўра кўпроқ иш ҳақи берилади ва ҳоказо... Иш ҳақини бир соат, бир кун, бир ой, бир йил каби муайян вақтга белгилаш жоиз.



## Иш ҳақи миқдори

Иш ҳақи икки хил бўлади: Айтиб, белгилаб қўйилган иш ҳақи ва ажр мисл.

Айтиб, белгилаб қўйилган иш ҳақи аниқ тайин қилиб қўйилган иш ҳақидир. Муайян вазифадаги амалдор ёки муайян корхонада ишлайдиган одамларнинг оладиган иш ҳақлари белгиланган иш ҳақи жумласидандир. Шу сабабли бирон ишчи ёки амалдор хизматга олинса ва уларнинг иш ҳақлари белгиланган бўлса мана шу белгиланган иш ҳақи бўлади. Белгиланмаган бўлса қаралади, агар ҳақ маълум бўлса ўша ҳақ берилади ва у белгиланган иш ҳақи деб эътибор қилинади. Агар ҳақ маълум бўлмаса ишчига ажр мисл берилади.

Ажр мисл (иш билан ишчининг ёки фақат ишчининг ажр мисли) – шундай ишга ёки ишчига бошқа одамлар қанча ҳақ тўласа шунга таққослаб ҳақ тўлаш бўлиб, у билим, тажрибаси бор киши томонидан белгиланиши лозим. Билими бор киши ажр мислни қуйидаги уч шартга мувофиқ белгилайди:

Агар манфаат устида битим тузилган бўлса манфаати ишга ёлланган ишчининг манфаатига тенг келадиган нарсага қараб белгиланади.

Агар қилиб бериладиган иш тўғрисида битим тузилган бўлса унда шундай ишга ва ишчига таққослаб белгиланади.

Ёллаш замони ва маконига қаралади. Чунки иш ҳақи манфаат, меҳнат, замон ва макон турли бўлишига қараб турлича бўлади.

Ажр мисл тажрибали кишиларнинг билимига боғлиқ. Шунинг учун даъвогарнинг исботлаши жоиз эмас. Аксинча ажр мислни беғараз тажрибали кишилар белгилайди. Бундай кишиларни даъволашаётган икки тараф ўзаро келишиб сайлайдилар. Келиша олишмаса бундай кишиларни ҳоким тайинлайди.

## Иш ҳақини бериш

Иш ҳақини тезда бериш ҳам ва кейинроқ бериш ҳам жоиз. Агар битим тузган икки тараф иш ҳақини тезда ёки кейинроқ беришни шартлашишган бўлса шу шартга риоя қилинади. Росулulloҳ ﷺ:

«الْمُسْلِمُونَ عِنْدَ شُرُوطِهِمْ»

«**Мусулмонлар шартларида турадилар**», деганлар. Бухорий ривояти. Демак иш ҳақини тезда ёки кейин бериш тўғрисида икки тараф келишган барча шартлар ҳисобга олинади ва уларга риоя қилинади. Аммо бу тўғрида ҳеч нарсани шартлашишмаган бўлса бунда қаралади. Агар иш ҳақи ойлик ёки йиллик каби муайян вақтда бериладиган бўлса шу вақт ўтиши билан иш ҳақини тўлиқ бериш лозим бўлади. Масалан ойлик бўлса ой тугаши билан, йиллик бўлса йилнинг охирида берилади. Аммо кийим тикиш ёки қудуқ қазиш ёки автомашина тузатиш ёки шунга ўхшаш ишларга ёлласа иш тугаши билан иш ҳақини тўлиқ бериш лозим бўлади. Иш ҳақини иш, ишчи, масофа, замон ва макондаги икки ёки уч суратга (кўринишга) қараб бериш жоиз. Бунда иш ҳақини амалда кўринган суратга қараб бериш лозим бўлади. Масалан агар тикувчига текис тиксанг фалонча, қўпол тиксанг фалонча бераман деса, шу икки суратнинг қайси бирини қилса шунинг ҳақини беради.

## Ёлланма ишчи турлари

Ёлланма ишчи икки хил бўлади: Хос ёлланма ишчи ва муштарак ёлланма ишчи.

Хос ишчи – фақат муайян кишининг ёки кўпроқ кишининг кўлидагина вақтинчалик иш қиладиган ишчидир. Яъни у ёллаган одамнинг кўлидагина ишлайди, ижара муддати давомида бошқа одам кўлида ишлаши ман қилинади. Масалан бир ёки кўп шахс бир ошпазни ўзларигагина овқат пишириб беришга муайян вақтга ёлласа, бу ошпаз хос ишчидир.

Муштарак ишчи – вақтинчалик ёки вақтинча бўлмаган бир ишни қилиб берадиган ишчи бўлиб, бунда фақат ёллаган одамнинг хос ўзининг ишинигина қилиши шарт қилинмайди. Аксинча у бошқанинг ишини ҳам қилиши жоиз. Масалан кўрпа қоплаш учун бир кишини бошқанинг кўрпасини қопламасликни шарт қилмай ёлласанг у муштарак ишчи бўлади. Сенинг уйингда қоплаб берадимиз ёки ўзининг уйидами, фарқи йўқ. Қоплаш муддатини тайин қилдингми ёки йўқми, бунинг ҳам фарқи йўқ.

Хос ишчи ўзига топширилган ишни қилишга имкон берилиши билан ишни адо қилиш муддатида ўзини топширган пайтдаёқ (хўп, ишни бажараман деган вақтда) иш ҳақини олишга ҳақли бўлади. Ишни бажардимиз, йўқми, бунинг фарқи йўқ. Чунки унинг иш ҳақини олишга ҳақли бўлиши ишга эмас, муддатга қараб бўлади. Шунинг учун ижара муддати давомида ёллаган одамдан бошқанинг ишини қилиши жоиз эмас. Энди агар бошқа одамнинг ишини ҳам қилиб берадиган бўлса ишлагани миқдорича иш ҳақидан камайтиради. Муштарак ишчи эса қилган ишига қараб иш ҳақиға ҳақли бўлади. Масалан тикувчи, дурадгор, бўёкчи, денгизчи ва бошқалар каби. Унинг иш ҳақини олишга ҳақли бўлиши муддатга қараб эмас, ишга қараб бўлади. Хос ишчининг ижара муддати битимда ё тайин қилинган ёки тайин қилинмаган бўлади. Агар тайин қилинмаган бўлса муддатни аниқ билмагани учун битим бузилади. Битим тузган икки тарафнинг ҳар бири хоҳлаган пайтида битимни бузиши мумкин. Бунда ёлланма ишчига хизмат қилган муддати учун ажри мисл бўлади. Агар муддат битимда тайин қилинган бўлса ва ишга ёллаган одам – ишчида иш лаёқатини йўқотиш ёки касаллик каби битимни бузишни тақозо қиладиган бирон узр ва айб бўлмаса ҳам – муддат охирига етмай туриб битимни бузадиган бўлса, бунда ишга

ёллаган одам ишчига иш ҳақини муддат тугагунча бериши лозим. Ишчи хизматкор бўладими ёки деҳқонми ёки бошқами, фарқи йўқ. Аммо ижара битимини ишчида битимни бузишни тақозо қиладиган бирон узр ёки айб бўлгани учун бузадиган бўлса, бу ҳолда иш ҳақи бериши лозим эмас. Фақат битим бузилган вақтгача қилган меҳнати ҳақини беради.

## Исломда ишчилар муаммоси бўлмайди

Капиталистик иқтисодий низом Ғарб оламига татбиқ этилди. Коммунистик партия ҳукмронлиги ўрнатилишидан олдин Россияга ҳам татбиқ этилган эди. Капитализм мабдаси асосларидан бири мулк эркинлигидир. Бунинг натижасида ишга ёлловчи кимсаларнинг истибдоди, ишчиларни эксплуатация қилиши юзага келди. Иккала томоннинг розилиги ва уларда ҳукм сурган «контракт назарияси» туфайли шундай бўлди. Ишга ёлловчи кимсалар ёлланган ишчиларни эзиб ишлатди, жабр, зулм ўтказди, уларнинг пешона теридан ва кучидан текинхўрлик билан фойдаланди. Ишчига нисбатан инсоф қилишга чақирган социализм мафкураси эса ишга ёллаш битимини муолажа қилиш асосида эмас, балки ишчилар муаммоларини муолажа қилиш асосида пайдо бўлди. Шунинг учун социализм ишчига инсоф қилишга оид иш вақтини чеклаб қўйиш, ишчининг иш ҳақи, унинг дам олишини кафолатлаш ва ҳоказолар ҳақидаги ечимларни олиб келди. Шундан сўнг «контракт назарияси» емирилди, унинг муаммоларни ҳал қилишга яроқсизлиги кўриниб қолди. Натижада Ғарб қонуншунослари бу назарияга бўлган қарашларини ўзгартиришга мажбур бўлишди. Чунки бу назариянинг муаммолар қаршисида дош бера олишини таъминлаш зарурати туғилган эди. Шу боис улар ўзларининг бу жулдур назарияларини «ямаш» учун ўзгартиришлар киритишди. Масалан меҳнат битимида ишчиларни ҳимоя қилиш, уларга йиғин ўтказиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқи, иш ташлаш ҳуқуқи каби илгари бўлмаган ҳақ-ҳуқуқларни бериш, пенсия, мукофотлар, компенсация ва ҳоказоларни бериш мақсад қилинган қоидалар ва нормалар киритилди. Ваҳоланки «контракт назарияси» бундай ҳақ-ҳуқуқларга йўл бермас эди. Лекин социализм фикрлари ишчилар ўртасида пайдо қилган ишчилар муаммоларини ҳал қилиш учун бу назарияни таъвил қилишга мажбур бўлишди. Социализм назарияси дунёга келиб мулкчиликни ман қилди ва ишчига у муҳтож бўладиган нарсаларни мутлақ берадиган бўлди. Социализм ва унинг кейинги босқичи ҳисобланган коммунизм мабдаси билан капитализм мабдаси ўртасида мулкчиликка ва ёлланма ишчига бўлган нуқтаи назарлар бир-бирига зид бўлгани туфайли уларда ишчилар муаммоси пайдо бўлди ва бу икки мабданинг ҳар бири ўзларининг ҳаётга бўлган нуқтаи назарлари пайдо

қилган мана шу муаммони ҳал қилиш борасида ўзига хос йўл тута бошлади.

Исломда эса ишчилар муаммоси деган нарса бўлмайди. Зеро Исломий Уммат ишчилар синфи ва капиталистлар ёки деҳқонлар ва катта ер эгалари ва ҳоказо табақаларга бўлинмайди. Бутун масала ёлланма ишчига тааллуқли бўлади. Мутахассислар ва усталар каби ишга ёлланиш бўладими ёки бошқа ёлланма ишчилар каби фақат кучидан фойдаланиш учун ёллаш бўладими, шахслар ёки жамоатлар қўлида ёки давлатга ёлланиб ишлаш бўладими, хос ёлланма ишчи ёки муштарак ёлланма ишчи бўладими, ҳеч фарқсиз, буларнинг ҳаммаси ёлланма ишчидир. Бундай ишчига оид ҳукмлар аниқ баён қилинди. Масалан маълум иш ҳақиға келишилган бўлса ёлланма ишчилар ижара муддати давомида шу иш ҳақиға ҳақли бўладилар. Улар ижара муддати битгач ўзларини ёллаган кишидан ажраб кетишлари мумкин. У билан келишолмай қолишса бунда ажр мисли белгилаш учун билим, тажрибаси бор кишиларга мурожаат қилинади. Бундай билимли кишиларни икки тарафнинг ўзи танлайди. Иккала тараф танлашда келишолмай қолса ҳоқим танлайди ва ана шу билим, тажрибали кишилар айтган нарсани иккала тарафга мажбуран юклайди. Аммо ҳоқим томонидан муайян иш ҳақини белгилаб қўйиш – товарларга нархни белгилаб қўйиш жоиз бўлмаганидек – жоиз бўлмайди. Чунки иш ҳақи манфаат нархидир. Нарх эса товар нархидир. Товар нархини бозор табиий белгилаганидек, ёлланма ишчилар манфаатлари бозорида ҳам бу манфаатларни ишчиларга бўлган эҳтиёж белгилайди. Бироқ давлат ишчиларга иш ўринларини муҳайё қилиб бериши лозим:

«الإِمَامُ رَاعٍ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ»

**«Имом раҳбардир ва у ўз раиятидан масъулдир».** Бухорий ривояти. Давлат зиммасидаги яна бир вазифа иш эгаларининг ишчиларга қиладиган зулмига барҳам беришдир. Чунки зулмни йўқ қилишга қодир бўла туриб унга индамай туравериш ҳаром ва катта гуноҳдир. Давлат агар лоқайдлик қилиб зулмга барҳам бермаса ёки ўзи ёлланма ишчиларга зулм қилса бунинг учун давлатни муҳосаба қилиш ва зулмни йўқ қилишга ҳаракат қилиш бутун Умматга вожиб бўлиб қолади. Маҳкаматул мазолим бу зулмни кўриб чиқиши ва уни мазлумлардан олиб ташлаши лозим. Маҳкаманинг бу

тўғридаги буйруғи ҳоким ва давлатга ўтади. Зеро зулмни йўқотишга ҳаракат қилиш зулм кўрган ёлланма ишчиларнинггина вазифаси эмас. Бугунги кунда кузатилаётган ҳолат шуки, муаммоларни ҳал қилиб зулмга барҳам бериш учун фақат ишчиларнинг ўзигина иш ташлашлар, намойишлар орқали ҳаракат қилишмоқда. Лекин айтиб ўтганимиздек бу фақат ишчиларнинггина вазифаси эмас. Чунки фуқаронинг ҳар қандай аъзосига қилинадиган зулм ва давлатнинг ҳар қайси фуқаро ишларини бошқариш борасидаги лоқайдлиги бутун Умнат ишларини бошқаришга тааллуқли бўлган ишдир. Гарчи бир ёки бир неча шахс зулм кўрган тақдирда ҳам бу бутун Умнат ишларини бошқаришга тааллуқли иш бўлади. Чунки бу ерда гап бир шаръий ҳукм ижроси ҳақида кетяпти. Шунинг учун бу иш гарчи бир муайян жамоага воқе бўлган тақдирда ҳам бир муайян гуруҳнинг ўзигагина тааллуқли бўлмайди.

Аммо ишчилар ва уларнинг аҳл-оилалари сихат-саломатлигини таъминлаш, ишга яроқсиз бўлиб қолган ва кексайган пайтда уларни нафақа билан таъминлаш, фарзандларининг таълим олишини таъминлаш ва шуларга ўхшаш таъминотларга тўхталадиган бўлсак, бу масалалар ҳақида Исломда ёлланма ишчи ва ишчилар ҳақидаги баҳсда баҳс қилинмайди. Чунки булар ишга ёлловчи кишининг эмас, балки давлатнинг вазифасидир. Бундай таъминотларга фақат ишчиларгина эмас, балки ишлаш лаёқатини йўқотган ҳар бир фуқаро ҳақлидир. Шунинг учун давлат ҳаммани бепул медицина хизмати ва таълим билан таъминлайди, ишлаш лаёқатини йўқотган кишини – у хоҳ ишчи бўлсин ёки бошқа бўлсин – нафақа билан таъминлайди. Чунки бу байтул молга ва ҳамма мусулмонларга фарз бўлган ишлар жумласидандир.

Демак Исломда ишчилар муаммоси бўлмайди. Умнат орасида бир жамоанинг ёки бир гуруҳнинг ўзигагина хос бўлган муаммо ҳам бўлмайди. Чунки айтиб ўтганимиздек ҳамма муаммо райийат ишларини ғамхўрлик билан бошқаришга тааллуқли бўлиб, давлат бу муаммоларни ҳал қилиш борасида жавобгардир. Умнат эса муаммони ҳал қилиш ва зулмга барҳам бериш учун бу тўғрида давлатни муҳосаба қилади. Демак бошига муаммо ёки зулм тушган кишининг ўзигина масъул бўлмайди.

## Нарсаларни ижарага олиш

Битим ҳовли-жой, ҳайвон, машина ва шунга ўхшаганларни ижарага олиш каби нарсалар келтирадиган манфаат устида тузилган бўлса, бунда битим асоси нарса келтирадиган манфаат бўлади. Шунинг учун ажр мислини белгилаш ижарага олинган нарса манфаатига манфаати тенг келадиган нарсага қарашни тақозо қилади. Қачон нарса ижарага олинса ижарага олган одам шу нарса манфаатига (ундан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига) эга бўлади. Масалан ҳовли-жойни ижарага олса унда яшаши мумкин ёки улов, машинани ижарага олса миниши мумкин. Ижарага олган одам ижарага олган нарса ўз қўлига ўтганидан кейин уни қанчага ижарага олган бўлса шунча нархда ёки ортиқроқ ёки камроқ нархда ижарага бериши ҳам мумкин. Чунки қўлига нарсанинг ўтиши манфаатни қўлга киритиш мақомида туради. Шу далил биланки, бу нарсани тасарруф қилиши жоиз бўлади, демак унинг устида битим тузиши ҳам жоиз бўлади. Чунки у бир маълум сармоя билан жоиз бўладиган битимдир. Демак зиёдароқ ёки камроқ нарх билан жоиз бўлади. Бироқ нарсани бир манфаат учун ижарага олган бўлса ундан ўша манфаат миқдорича ва зарари камроқ манфаат миқдорича фойдалана олади, бундан кўра кўпроқ фойдаланишга ҳаққи йўқ. Чунки ҳақли бўлганидан кўра кўпроқ ёки ҳақли бўлганидан кўра бошқачароқ фойдаланиши жоиз бўлмайди. Масалан, миниш учун бир уловни ижарага олди дейлик. Унинг устига юк юклаши жоиз эмас. Чунки минган одам юкдан кўра енгилроқ бўлади. Автомашинани фалон масофага бориш учун ижарага олган бўлса уни бундан кўра кўпроқ масофага миниб бориши жоиз бўлмайди. Ҳовли-жойни яшаш учун ижарага олган бўлса уни ёғоч ёки темир ёки шунга ўхшаш нарсалар сотиладиган магазинга айлантиришга ҳаққи йўқ. Чунки бунинг ҳовлига яшашдан кўра зарари кўпроқдир. Хуллас, битим бирон эваз муқобилига нарса асосида тузилса бай бўлади, бирон эваз муқобилига нарсанинг манфаати (нарсадан фойдаланиш) асосида тузилса ижара бўлади. Демак битим фақат нарсанинг ўзи асосида тузилиши мумкин. Масалан пишган меваси бор дарахтни мевасини сотмай фақат дарахтинигина сотиш каби. Битим нарса ҳамда у келтирадиган манфаат асосида тузилиши ҳам мумкин. Масалан ҳовли-жойни сотиш каби. Битим фақат меванинг бир ўзи асосида тузилиши ҳам мумкин. Масалан пишганлиги кўриниб



колган мевани сотиш каби. Битим нарса бўлиб шаклланмаган манфаат асосида тузилиши ҳам мумкин. Масалан ҳовли-жойда яшаш каби. Нарса ҳисобланмайдиган манфаат асосида битим тузилса бай эмас, ижара бўлади. Нарсани сотиб олган одам унга эгалик қилганидек ва унда бошқа тасарруфларни юритганидек ижарага олган одам ҳам ижарага олиш орқали эга бўлган манфаатга эга бўлади ва унда бошқа тасарруфларни ҳам юритиши мумкин. Дарахт мевасини пишган пайтда сотиб олган одам уни дарахтида турган ҳолича сотиб юбориши мумкин бўлганидек нарсани ижарага олган киши ҳам уни ижарага қўйиши жоиз. Чунки мевани сотиб олган ўша одам бу мевага эгалик қилганидек нарсани ижарага олган одам ҳам шу нарса манфаатига эгалик қилади. Демак ижарага олган одам ижарага олган нарсаси қўлига ўтиши билан ўзи ҳам уни ижарага қўйиши жоиз. Чунки ижарага олган пайтда қўлига нарсанинг ўтиши манфаатларни қўлга киритиш мақомида туради. Шу далил биланки, бу манфаатларни тасарруф қилиши жоиз бўлади, демак худди дарахтдаги мевани сотиш каби бу манфаатлар устида битим тузиши ҳам жоиз бўлади. Шунинг учун қачонки нарса ижарага олинса ва унинг манфаати қўлга кирса ижарага олган одам бу нарса манфаатида барча шаръий тасарруфларни юритиш ҳуқуқига эга бўлади. Чунки манфаат унинг мулкидир. Шунинг учун уни – нарх қанча бўлмасин – ўзи маъқул кўрган нархда ижарага бериши мумкин. Масалан уни элликка ижарага олиб беш юзга ижарага бериши жоиз. Чунки у манфаатга эгалик қилганидек уни ижарага олган нархда эмас, ўзи маъқул кўрган нархда ижарага беришга ҳам моликдир. Демак магазинлар, ҳовли-жойлар ва бошқаларни «хулв» қилиш (биринчи ижарага олган кишига ундан ижарага олган иккинчи киши уй ёки дўконнинг белгиланган ижара нархидан ошиқча муайян маблағни бериши) жоиз бўлиб, бунинг зарари йўқ. Чунки ҳовли ёки дўконни ижарага олган одам уни бошқага белгиланган ижара ҳақи миқдорида ва ундан ошиқ маблағ миқдорида ижарага бера олади. Бу ижарага олган нарсани ижара ҳақидан ошиқча маблағ миқдорида ижарага бериш бўлиб, жоиз ишдир. Чунки дўконни ижарага олган одам уни ўзи тўлайдиган ижара нархидан ортиғига ёки камига ижарага бериши жоиздир. Чунки у маълум сармоя билан жоиз бўладиган битим бўлгани учун демак худди савдо молини қўлга киритганидан кейин ортиғига сотганидек ортиғи билан ижарага бериши ҳам жоиздир.

Энди, битим муддати тугаган пайтда ижарага олинган нарсани эгасига топшириш вожибми ёки йўқми? - деган масала қолди.

Бунга жавоб шуки, агар ижарага олган нарса ўзининг қўли остида бўлса ижарага берган одамга қайтариши вожиб. Бунга далил Аҳмад Самурадан ривоят қилган ушбу ҳадисдир. Набий ﷺ дедилар:

«عَلَى الْيَدِ مَا أَخَذَتْ حَتَّى تُؤَدِّيَهُ»

**«Қўлнинг зиммасида олган нарсаси то уни адо этмагунча (қайтариб бермагунча) тураверади».** Аммо ижарага олган нарсаси ўзининг қўли остида бўлмаса бунда қаралади. Агар ундан ғасб қилинган (тортиб олинган) бўлса ғосиб (тортиб олган кимса) ижарага олинган нарсани ижарага олган кишига эмас, эгасига қайтариши вожиб. Чунки ғосиб нарсани қайтариб беришга буюрилгандир. Аҳмад Соиб ибн Язиддан, у отасидан ривоят қилади: Росулulloх ﷺ:

«لَا يَأْخُذَنَّ أَحَدُكُمْ مَتَاعَ صَاحِبِهِ جَادًّا وَلَا لَاعِبًا، وَإِذَا أَخَذَ أَحَدُكُمْ عَصَا صَاحِبِهِ فَلْيُرُدِّهَا عَلَيْهِ»

**«Биронтангиз дўстининг матосини жиддий ҳолда ҳам, ҳазиллашиб ҳам ҳаргиз олмасин. Биронтангиз дўстининг асоини (таёғини) олса уни унга қайтариб берсин»,** дедилар. Бу умумийдир. Нарсани эгасидан олдимми ёки бошқасиданми, бунинг фарқи йўқ. Аммо ижарага олган нарсани бошқага орийтга ёки ижарага берган бўлса бунда ўзи билан мулк эгаси ўртасидаги битим ниҳоясига етганидан кейин ижарага олган нарсасини эгасига топшириши вожиб бўлади. Бунга

«عَلَى الْيَدِ مَا أَخَذَتْ حَتَّى تُؤَدِّيَهُ»

**«Қўлнинг зиммасида олган нарсаси то уни адо этмагунча (қайтариб бермагунча) тураверади»** деган ҳадиснинг умумийлиги далилдир. На ижарада ва на бошқасида ғасб борасида келганидек буни мустасно қиладиган бошқа бирон насс келмаган. Шунинг учун у Пайғамбаримизнинг: **«...то уни адо этмагунча (қайтариб бермагунча)...**» деган сўзидаги умумийлигича қолаверади. «Бу ҳадис нарсани ижарага олган иккинчи кишини ҳам ўз ичига олади. Чунки унинг қўли ҳам нарсани олган. Демак у ўз қўли билан қайтариб бериши лозим. Демак адо этиши (қайтариб бериши) вожиб бўлган киши у бўлади», дейилмайди. Чунки бу ҳадис гарчи иккинчи ижарага

олган кишига тўғри келса ҳам лекин у ижарага олинган нарсани эгасига қайтариш вожиблигини биринчи ижарага олган кишидан соқит қилмайди. Шунинг учун биринчи ижарага олган киши нарсани эгасига қайтариши вожиб. Иккинчи ижарага олган киши эса биринчи ижарага олган одамга қайтариши лозим. Қайтариб беришнинг биринчи ижарага олган кишига вожиблиги иккинчи ижарага олган кишидан бу вожибни соқит қилмаганидек, иккинчи ижарага олган кишига бунинг вожиб бўлиши ҳам биринчи ижарага олган кишидан бу вожибни соқит қилмайди. Лекин нарсанинг эгаси уни ўзи кимга ижарага берган ва топширган бўлса ўшандан (яъни ижарага олган биринчи кишидан) қабул қилиб олади. Шунинг учун бир шахс уйни бошқага ижарага берган бўлса сўнгра ижарага олган одам ҳам бошқасига ортиқроқ нархда ижарага берган бўлса, у ҳолда агар ижарага олган биринчи кишининг ижара муддати тугаган бўлса битим тугайди ва унинг уйни эгасига топшириши лозим бўлади. Фақат агар уй эгаси у билан яна янгидан битим тузса уй гарчи кўли остида бўлмаса ҳам унинг изми остида қолаверади. Ёки агар эгаси ижарага олган иккинчи киши билан битим тузса ва уй ўзига топширилди деб ҳисобласа бунда биринчи ижарага олган одам уйни топширишдан қутилади ва уйни эгасига топширган ҳисобланади. Энди уй эгаси иккинчи ижарага олган киши билан муомала қиладиган бўлади.

## Яшаш учун уйларни ижарага олиш

Ким яшаш учун уйни ижарага олса ўзи яшаши ёки ўзи хоҳлаган бошқа бировни – агар ўзининг ўринбосари бўлса – яшаш учун жойлаштириши ҳам мумкин. Чунки битим тузилган нарсадан унинг ўзи ва ўринбосари фойдаланиши мумкин. У яшаш учун жойлаштирадиган киши битим тузилган уйдан фойдаланишда унинг ўринбосари бўлади. Сотиб олган молни қабз қилишда бировни вакил қилиши жоиз бўлганидек, бу ҳам жоиздир. У уйда одатда яшовчи қиладиган ишларни қилиши: жиҳозлаши, мебель олиб кириши, таом пишириши ва бошқаларни қилиши мумкин. Лекин у ўзи ижарага олган уйга ўзининг бу мулкка бўлган зараридан кўра қаттиқроқ зарари бўладиган кишини яшаш учун жойлаштиришга ҳаққи йўқ. Масалан ўзи газлама оҳорловчи ёки темирчи бўлмаса газлама оҳорловчи ва темирчи каби уйга зарар қиладиган кишиларни жойлаштирмайди. Чунки бунда уйга зарар етади. Бу битим тузилишга асос бўлган манфаатдан кўра кўпроқ фойдаланиш бўлиб қолади. Чунки битим шундай уйнинг маълум манфаати асосида тузилган бўлгани учун, демак ижара битимига асос бўлган мана шу манфаатдан кўра кўпроқ манфаат олиши жоиз бўлмайди.

Уйни яшаш учун ижарага олишда яшаш деб айтишнинг ҳожати йўқ. Балки битимнинг мутлақ бўлиши жоиз. Шунинг учун яшаш деб айтишга ва сифатини (қандай яшашини) айтишга ҳожат йўқ. Чунки уй одатда фақат яшаш учун берилади. Демак уни айтиб ўтиришга ҳожат йўқ. Қолаверса яшашда тафовут кам бўлади. Шунинг учун уни аниқлаб олишга ҳожат йўқ. Ижарага олган одам уйни бошқа бировга ўзи ижарага олган муддатда ижарага бериши ҳам мумкин. Ижара муддати битимда турли кўрсатилишига қараб турлича бўлади. Масалан ижара ҳар ойга маълум бир нарса билан воқе бўлса иккала томон уни бузолмайди. Фақат ҳар ой тугаган вақтда бузиши мумкин. Лекин биринчи ойда ижара битим мутлақлиги сабабли лозим бўлади. Чунки у маълум бўлиб, битимга қўшилади ва маълум ҳақ тўлаши керак бўлади. Кейинги ойларда эса битимга амал қилиш уйда яшаш билан лозим бўлади. Агар яшаса уйга кириш билан битим тайин бўлади ва биринчи битим бўйича тўғри бўлаверади. Агар «сенга уйимни йигирма ойда ижарага бердим, ҳар ойда фалонча берасан», деб айтса жоиз. Чунки муддат ҳам,

тўланадиган ҳақ ҳам маълум. Иккала тарафнинг ҳеч бири битимни ҳечам бузолмайди. Чунки у битта муддатдир. Шунинг учун агар уйни бир йил муддатга ижарага олса, сўнг йил тугамай туриб битимни бузиш фикрига тушса ҳақни тўла тўлаши лозим бўлади.

Биров уйини ижарага берса ижарага олган одамга тўлик фойдаланиш имконини қилиб бериши керак. Масалан уй калитларини топшириш, ҳаммомга тош ётқизиш, эшикларни қилиб бериш, сувнинг оқиб туришини таъминлаш, хуллас уйдан фойдаланиш имконига эга бўлиши учун тузатиш ёки қилиб бериш керак бўлган барча нарсани қилиб бериши керак. Аммо лифт, сув соати, электр соати каби манфаатлардан фойдаланиш ижарага олувчининг зиммасида бўлади. Аммо чиройли қилиш ва безатиш лозим бўладиган нарсаларга келсак, иккала томоннинг биронтасига лозим бўлмайди. Чунки уйдан шуларсиз ҳам фойдаланиш мумкин. Аммо ижарага қўйиш пайтида уйни оқлаш, ахлат ўраларни тозалаш, қўмиб ташлаш керак бўлса бу иш ижарага қўювчининг зиммасига тушади. Чунки бу уйдан фойдаланиш имконини берадиган нарсалар сирасига киради. Агар ижарага олган киши ахлат ўрани тўлғазиб юборган бўлса ўзи бўшатади. Ахлатни ташиш ҳам ижарага олганнинг зиммасига бўлади. Ижарага берувчи ижара битимида шариат ўзининг зиммасига вожиб қилган ва уйдан фойдаланиш имконини берадиган нарсалар харажатларини тўлашни ижарага олган киши зиммасига бўлишини шарт қилса бу шарт фосиддир. Чунки у битим тақозо қиладиган нарсага хилофдир. Шунингдек ижарага олган одам ҳам ўзига лозим бўлган нарсалар харажатларини тўлашни ижарага берган киши зиммасига юклашни шарт қилса, бу шарт ҳам фосиддир. Чунки бу ҳам битим тақозосига зиддир. Агар ижарага берган ва ижарага олган ўлиб қолса ёки бири ўлса ижара ўз холида қолаверади. Чунки ижара лозим битим бўлиб, битим тузишга асос бўлган нарса (масалан уй) саломат турган экан ўлим сабабли бузилмайди.

## Поранинг ҳаммаси ҳаром

Одамлар манфаатларидан бирини бажариб беришни вожиб қиладиган салоҳиятга эга бўлган ҳар қандай кимсанинг шу манфаатни бажариб бергани учун оладиган пули пора бўлади. У ҳеч бир ҳолда иш ҳақи бўлмайди. Зеро иш ҳақи билан пора ўртасидаги фарқ шуки, иш ҳақи бажариб бериш вожиб бўлмаган бир ишни қилиш муқобилига олинади. Пора эса эвазига бировдан ҳеч нарса олмай бажариб бериши вожиб бўлган ишни қилиб бериш муқобилига ва қилиши лозим бўлган ишни қилмаслик муқобилига олинади. Демак пора бир манфаатни бажариб бериш учун бериладиган пул бўлиб, уни олган кимса шу манфаатни бажариб бериши керак бўлади ёки қилиши вожиб бўлган ишни қилмаслик тўғрисидаги манфаатни амалга ошириб бериши керак бўлади. Бу манфаат фойда келтириш бўладими ёки зарарни даф қилиш бўладими, бунинг фарқи йўқ. У ҳақ манфаат бўладими ёки ботил бўладими, бунинг ҳам фарқи йўқ. Порани араб тилида «ришва», пора берувчини «роший», олувчини «мурташий», икковининг ўртасида воситачилик қиладиганни «роиш» дейилади.

Пора очик нусус билан ҳаромдир. Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа Абдуллоҳ ибн Амрдан ушбу ҳадисни ривоят қилдилар: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الرَّاشِيِ وَالْمُرْتَشِيِ»

**«Пора берувчига ва пора олувчига Аллоҳнинг лаънати бўлсин».** Аҳмад Савбондан шундай деганини ривоят қилди:

«لَعْنَنَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ الرَّاشِيَّ وَالْمُرْتَشِيَّ وَالرَّائِشَ يَعْنِي الَّذِي يَمْشِي بَيْنَهُمَا»

**«Росулulloҳ ﷺ пора берувчини ва пора олувчини ҳамда икковининг ўртасида воситачилик қилган кимсани лаънатладилар».** Бу ҳадислар умумий бўлиб, поранинг ҳамма турини ўз ичига олади. Ҳақни талаб қилиш учун бўладими, ботилни талаб қилиш учун бўладими, бирон азиятни даф қилишни ёки бирон манфаатни келтиришни талаб қилиш учун бўладими, зулмни кўтариш учун бўладими ёки зулм қилиш учун бўладими, буларнинг барчаси ҳаромдир. «Пора ҳаромдир. Чунки у ботилни талаб қилиш ва ҳақни зое қилишдир. Агар шундай бўлса у ҳаромдир. Аммо ҳақни талаб қилиш ёки зулмни кўтариш учун бўлса у ҳалолдир» дейиш нотўғри. Чунки бу «поранинг ҳаромлиги бир иллат билан иллатланиб

келди, иллат мавжуд бўлса ҳукм ҳам мавжуд, иллат йўқ бўлса ҳукм ҳам йўқ», деган маънони англатади. Бу нотўғри. Чунки поранинг ҳаромлиги ҳақида келган барча насслар унинг ҳаромлигини бирон иллат билан иллатламади. Ўша насда ва бошқа ҳеч қайси насда биз поранинг ҳаромлигига оид иллатни истинбот қилиб оладиган ҳеч нарса йўқ. Шунинг учун поранинг ҳаромлиги иллатланмаган очик нассга кўра бўлди. Унинг учун иллат мутлақо йўқ. «Ҳақни олиб беришда ҳақ сохибидан пора олса жоиз, чунки бу ҳалол ишни қилгани учун, яъни ҳақни олиб бергани учун пул олишдир» дейиш ҳам нотўғри. Чунки поранинг ҳаромлигини баён қилган насс умумий келди. Улар умумийлигича қолиб, поранинг ҳамма турини ўз ичига олади. Энди агар уни хосланмоқчи ва поранинг баъзи турларини истисно қилинмоқчи бўлса бунинг учун уни хослайдиган бошқа бир насс керак бўлади. Уни фақат Китоб ёки Суннатдан олинган бирон нассгина хослаши мумкин. Китоб ва Суннатда бундай насс келмаган. Демак хосланмай умумийлигича қолаверади. Шунга биноан поранинг ҳамма турлари ҳаром. Ҳақни талаб қилиш бўладими, ботилни талаб қилиш бўладими, зулмни кўтариш ёки зулм қилиш бўладими, азиятни даф қилиш бўладими ёки манфаат келтириш бўладими, ҳеч фарқсиз ҳаммаси нассинг умумийлиги остига киради.

Шунингдек поранинг ҳаромлиги борасида у ҳокимга бериладими ёки идора ходимигами ёки бошлиққами ёки бошқагами, ҳаммаси ҳаром. Аҳмад Абу Ҳурайрадан Росулуллоҳ ﷺнинг:

«لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الرَّاشِي وَالْمُرْتَشِي فِي الْحُكْمِ»

«Ҳукмда пора берувчига ва пора олувчига Аллоҳнинг лаънати бўлсин» деганларини ривоят қилди. «Бу бошқарувга муқайяд бўлди. Демак мутлақ муқайяд маъносига олиб борилади» дейиш нотўғри. Чунки васф унинг учун қайд ҳисобланадиган лафз умумий эмас, мутлақ лафздир (яъни мутлақ лафз қайдланиб муқайяд бўлади). Умумий лафзда эса муқайяд бўлиш эмас, хосланиш содир бўлади. Агар умумий лафз билан бирон қайд келса бу муқайяд бўлиш қабилидан эмас, балки унинг бўлакларидан бирини насс матнида кўрсатиш қабилидан бўлади. Бу ердаги «пора берувчи», «пора олувчи» ва «икковининг ўртасида воситачилик қилувчи» деган лафз мутлақ лафз эмас, умумий лафздир. Шунинг учун

Пайғамбаримизнинг: «**ҳукмда...**» деган сўзи бу умумий лафз учун қайд бўлмайдик, қолган ҳадисларни ҳам шу маънога йўйилса. Аксинча у умумий лафз бўлакларидан бирига, яъни ҳукмга нассада ишора қилиш бўляпти. Демак ҳадисларнинг ҳаммаси умумийлигича қолаверади. Демак поранинг ҳамма тури ҳаром. Ҳокимга бериладими, идора ходимигами ёки бошқагами, ҳаммаси ҳаром. Демак азиятни даф қилиш учун полициячига пора бериш ҳокимга пора бериш ҳаром бўлганидек ҳаромдир. Ширкатда ишлаш учун ёки ҳатто ширкатдан бўшатиб юборилмаслиги учун ширкат бошлиғига пора бериш солиқ йиғувчига ёки даъвони етказмаслиги учун даъволарни етказувчига пора бериш каби ҳаромдир. Ишни енгиллатиши учун ёки бошқа мақсадда ишчилар бошлиғига пора бериш харидорнинг бир савдогар қўлида ишлайдиган ишчига товарлар орасидан янги товарни саралаб олиб бериши учун берадиган пора каби ҳаромдир. Матбаа ишчисига у пухта иш қилиши учун китоб муаллифи матбаа эгасига билдирмай берадиган пора каби ҳаромдир. Буларнинг ҳаммаси пора, ҳаммаси ҳаромдир. Чунки булар муқобилига ҳеч нарса олмай қилиб бериши лозим бўлган ишни қилиб бергани учун олинадиган пулдир. Идора ходими олдида обрўси бор кимсага у нуфузидан фойдаланиб ҳожат чиқариши учун баъзилар берадиган нарса ҳам пора сирасига киради. Лекин пулни олган ходим эмас, балки ходим билан гаплашган ана шу кимса бўлади. Гаплашгани учун пулни у олади. Бу ҳам порадир. Чунки бу ҳожатни чиқариб бериши вожиб бўлган кимсага шу ҳожатни чиқариб бергани учун берилган пулдир. Демак бу ҳам пора бўлди. Уни ҳожат чиқарган кимса олдимиз ёки олмадимиз, фарқи йўқ. Чунки пулнинг пора ҳисобланиши учун уни ҳожат чиқарган кимсанинг олиши шарт эмас. Балки бу пул ишни қилиб берганлик эвазига олиниши пора деб ҳисоблашга етарлидир. Уни шахснинг ўзи олдимиз ёки дўстимиз ёки шу шахс хузурида обрўси бор кимсамиз ёки яқин кишимиз ёки бошлиғимиз ёки бошқа кимсамиз, фарқи йўқ. Чунки пулни пора деб ҳисоблаш учун эвазига ҳеч нарса олмай қилиб бериши вожиб бўлган ишни қилиб бергани учун олинганлигининг ўзи етарлидир.

Ҳаромликда ҳокимларга, амалдорларга ва уларга ўхшаганларга бериладиган ҳадя ҳам пора каbidир. Ҳатто баъзилар уни порадан ҳисоблашган. Чунки у муқобилига ҳеч нарса олмай қилиб бериши вожиб бўлган ишни қилганлиги



учун олинадиган мол экани жиҳатидан порага ўхшайди. Пора билан ҳокимлар, амалдорлар ва уларга ўхшаганларга бериладиган ҳадя ўртасидаги фарқ шуки, порада пул бир манфаатни (ҳожатни) ўтаб бериш эвазига берилади. Аммо ҳокимлар, амалдорлар ва уларга ўхшаганларга берилган ҳадяларда мол манфаат соҳиби (ҳожатманд) томонидан бундай кимсага шу манфаатни ўтаб бериши муқобилига эмас, балки ҳадя бериладиган кимса шу манфаатни ўтаб беришга шахсан ўзи бош-қош бўлгани учун ёки унинг воситасида бўлгани учун ҳадя қилинади. Бир муайян манфаатни ўтаб берармикин деган илинжда ҳадя қилинми ёки ўтаб берганидан кейинми ёки ўтаб бераётган пайтдами, бунинг фарқи йўқ. Мана шундан пора ва ҳокимга бериладиган ҳадя бир-бирига ўхшаш бўлди ва бири бошқасига қиёс қилинади. Лекин икковининг воқеида бир оз фарқ бор. Ҳоким, амалдор ва буларга ўхшаганларга бериладиган ҳадянинг ҳаромлиги ҳадисларда очиқ келган. Масалан Бухорий Абу Ҳамид Соидийдан ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ اسْتَعْمَلَ ابْنَ اللَّثِيَّةِ عَلَى صَدَقَاتِ بَنِي سُلَيْمٍ فَلَمَّا جَاءَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَحَاسِبُهُ قَالَ: هَذَا الَّذِي لَكُمْ، وَهَذِهِ هَدِيَّةٌ أُهْدِيَتْ لِي، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَهَلَّا جَلَسْتَ فِي بَيْتِ أَبِيكَ وَبَيْتِ أُمِّكَ حَتَّى تَأْتِيَكَ هَدِيَّتُكَ إِنْ كُنْتَ صَادِقًا ثُمَّ قَامَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَخَطَبَ النَّاسَ وَحَمَدَ اللَّهَ وَأَثْنَى عَلَيْهِ ثُمَّ قَالَ: أَمَا بَعْدُ فَإِنِّي اسْتَعْمِلُ رِجَالًا مِنْكُمْ عَلَى أُمُورٍ مِمَّا وَلَا يَبِي اللَّهَ فَيَأْتِي أَحَدُكُمْ فَيَقُولُ هَذَا لَكُمْ وَهَذِهِ هَدِيَّةٌ أُهْدِيَتْ لِي. فَهَلَّا جَلَسَ فِي بَيْتِ أَبِيهِ وَبَيْتِ أُمِّهِ حَتَّى تَأْتِيَهُ هَدِيَّتُهُ إِنْ كَانَ صَادِقًا. فَوَاللَّهِ لَا يَأْخُذُ أَحَدُكُمْ مِنْهَا شَيْئًا بِغَيْرِ حَقِّهِ إِلَّا جَاءَ اللَّهُ يَحْمِلُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Набий ﷺ Ибн Лутабийяни Бани Сулайм закотлари устидан омил қилиб тайинладилар. У Росулulloҳ ﷺ ҳузурига келгач, Пайғамбаримиз ﷺ ундан ҳисоб сўрадилар. Шунда у: мана бу сизларга, буниси эса менга қилинган ҳадя, деди. Буни эшитиб Росулulloҳ ﷺ: Агар рост айтаётган бўлсанг ҳадянг келишини кутиб ота-онангнинг уйида ўтиравермайсанми? - дедилар. Сўнгра туриб одамларга хутба қилдилар, Аллоҳга ҳамду сано айтиб бундай дедилар: Аммо баъд, мен сизлардан айрим кишиларни Аллоҳ менга топширган бир қанча ишлар устидан омил қиламан. Шунда биттангиз келиб: бу сизларга, буниси эса менга

қилинган ҳадя, демоқда. Агар у ростгўй бўлса ҳадяси келишини кутиб ота-онасининг уйида ўтиравермайдими? Аллоҳга қасамки, биронтангиз садақотлардан ноҳақ бирон нарсани олса қиёмат куни Аллоҳ ҳузурига уни орқалаб келади». Абу Довуд Бурайдадан Набий ﷺнинг шундай деганини ривоят қилди:

«مَنْ اسْتَعْمَلَنَا عَلَى عَمَلٍ فَرَزْتَنَاهُ رِزْقًا فَمَا أَحَدٌ بَعْدَ ذَلِكَ فَهُوَ غُلُولٌ»

«Биз кимни бир ишга бошчи қилиб унга маълум ризқ (маош) берсак ана шундан кейин олган нарсаси хиёнатдир». Ёки буни Росулulloҳ ﷺ «сухт», яъни ҳаром мол, деб атадилар. Хатиб «Талхисул Муташобих»да Анасдан ривоят қилиб чиқаришича, Набий ﷺ бундай дедилар:

«هَدَايَا الْعُمَّالِ سُخْتٌ»

«Амалдорларга берилган ҳадялар сухтдир». Масрук Ибн Масъуддан ҳикоя қилишича, ундан «сухт» ҳақида «у порами?», деб сўралганида Ибн Масъуд: «Йўқ, лекин сухт бир киши ўзига қилинган зулмга қарши сендан ёрдам сўраб, сенга ҳадя беришидир. Сен қабул қилмагин», деб жавоб берди. Тобеинлар имомларидан бири Ибн Саламанинг туғишган укаси Абу Воил бундай деди: «қози ҳадя олса сухт еган бўлибди. Пора олса уни куфрга олиб боради». Бу ҳадислар, яъни Абу Ҳамид ривоят қилган ҳадис ва Анас ривоят қилган ҳадиснинг ҳаммасида омма ишларини бошқарадиган кимсаларга бериладиган ҳадяларнинг ҳаром эканлиги очиқ айтилди. Муайян ишни қилиб берганидан кейин ҳадя бериладими ёки қилиб беришидан олдинми ёки бирон ишда салоҳият эгаси бўлгани учун ҳадя қилинадими ёки манфаатни бажариб бера оладиган кимса ҳузурда обрўси борлиги учун ҳадя қилинадими, буларнинг барчаси ҳаромдир. «Амалдорларга бериладиган ҳадялар сухтдир», деган ҳадисда «ҳадялар» лафзи умумий келгани учун амалдорларга бериладиган барча ҳадяларни ўз ичига олади. Амалдорларга одамлар манфаатларини эвазига ҳеч нарса олмай бажариб бериш ўзининг вазифаси бўлган, бажариб бериши вожиб бўлган ҳар бир кимса қиёс қилинади. Ана шу манфаатни бажариб берармикин деган умидда турган кишидан ҳадя олиши ҳаром бўлади. Масалан полициячи, ширкат бошлиғи, амалдорлар бошлиғи ва шуларга ўхшаган кимсаларнинг ҳадя олиши ҳаром бўлади ва ҳадя улар учун сухт бўлади.

Лекин уларга бериладиган ҳадя қачонки уларга ҳадя бериш ҳадя қилувчининг одатидан бўлмаса ҳаром бўлади. Аммо уларга ҳадя бериш ҳадя берувчининг одати бўлса – улар манфаатларни бажариб бериш салоҳиятига эга бўлишадими ёки йўқми, бундан қатъий назар – уларга ҳадя бериш жоиз бўлади ва бунинг зарари йўқ. Чунки Росулulloҳ ﷺ юқоридаги ҳадисда: «...**Агар рост айтаётган бўлсанг ҳадянг келишини кутиб ота-онангнинг уйида ўтиравермайсанми?**», дедилар. Бундан агар амалдор бўлмасдан ота-онасининг уйида ўтирса унга ҳадя берилиши жоизлиги тушуниляпти. Бу эса ҳадя берувчи одатда шахсга – бу шахс манфаатларни бажариб бера олиш салоҳиятига эга бўлмаган пайтда ҳам – ҳадя бериб юрган бўлса, бу жоиз бўлганидек, ана шу шахс манфаатларни бажариб бера олиш салоҳиятига эга бўлиб қолган пайтда ҳам унга ҳадя бериши жоиз деган маънони англатади. Бунга наҳий қилган ҳадислар тўғри келмайди. Чунки у юқоридаги ҳадиснинг мафҳуми билан наҳийдан мустасно қилинади.

## Гаров

Гаров луғатда субут ва давомдир. «Ҳабс» (тутиб қолиш)дан олинган, деган гап ҳам бор. Аллоҳ Таоло деди:

كُلُّ امْرِيٍّ بِمَا كَسَبَ رَهِيْنٌ

«*Ҳар бир киши ўзи касб қилган иши билан гаровга олингувчидир – ушлангувчидир*» [Тур 21]

كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ رَهِيْنَةٌ

«*Ҳар бир жон ўзи касб қилган иши билан гаровга олингувчидир – ушлангувчидир*» [Муддассир 38]

Шаръий маъноси эса қарз тўғрисида ҳужжат қилиб қўйиладиган молдир. Қарзни қарздордан олиш қийин бўлиб қолган тақдирда шу мол нархидан олиб қолиш учун шундай қилинади. У жоиздир. Зеро у шариат ижозат берган муомалалар жумласига киради. Унинг далили Китоб ва Суннатдан олинган. Аллоҳ Таоло деди:

وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا فَرِهَانٌ مَّقْبُوضَةٌ

«*Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз (берилган нарса эвазига) қўлга олинадиган гаров олинг!*» [Бақара 283]

Бухорий уммул мўминин Оиша رضي الله عنها дан ушбуни ривоят қилди:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ اشْتَرَى طَعَامًا مِنْ يَهُودِيٍّ إِلَىٰ أَجَلٍ وَرَهْنَةً دِرْعًا مِنْ حَدِيدٍ»

«Набий ﷺ бир яҳудийдан нархини кейин беришга таом сотиб олдилар ва темир совутни гаровга қўйдилар». Термизий Ибн Аббосдан ушбуни ривоят қилди:

«تُوفِيَ النَّبِيُّ ﷺ دِرْعُهُ مَرْهُونَةً بَعْشَرِينَ صَاعًا مِنْ طَعَامٍ أَخَذَهُ لِأَهْلِهِ»

«Набий ﷺ вафот этганларида совутлари аҳли оиласига олинган йигирма соъ таом учун гаровга қўйилган эди». Бухорий Анасдан шундай деганини ривоят қилди:

«وَلَقَدْ رَهَنَ النَّبِيُّ ﷺ دِرْعًا لَهُ بِالْمَدِينَةِ عِنْدَ يَهُودِيٍّ وَأَخَذَ مِنْهُ شَعِيرًا لِأَهْلِهِ»

«Набий ﷺ Мадинада ўзининг совутини бир яҳудийга гаровга қўйдилар ва ундан аҳли оиласи учун арпа олдилар». Гаров сафарда ҳам, бошқа пайтда ҳам жоиз. Чунки:

وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ

«*Агар сафарда бўлсангиз...*» [Бақара 283]  
деган сўз кайд эмас, хол воқеси баёнидир. Шу далил биланки:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ اشْتَرَى طَعَامًا مِنْ يَهُودِيٍّ إِلَى أَجَلٍ وَرَهْنَهُ دِرْعًا مِنْ حَدِيدٍ»

**«Набий ﷺ бир яҳудийдан нархини кейин беришга таом сотиб олдилар ва темир совутни гаровга қўйдилар».** Ваҳоланки Пайғамбаримиз ўшанда сафарда эмас, Мадинада эдилар. Гаров жоиз бўлиши учун битим тузилган вақтнинг ўзида қабз қилинадиган бўлиши керак. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

فَرَهَانٌ مَّقْبُوضَةٌ

«... қўлга олинадиган гаров олинг!» [Бақара 283]

Гаровдаги қабз қилинадиган бўлиши сифати уни қўлига олишидир. Ўтказиладиган нарса бўлса ўзига ўтказади, уй ва ер каби кўчмас мулк бўлса уни қўлига олиши ушлаб туриши бўлади. Яъни гаровга қўювчининг гаров билан гаровга олувчи ўртасини ҳеч бир тўсиксиз холи қилиб қўйиши уни қабз қилгани бўлади. Гаровни қабз қилишда бировни вакил қилиши жоиз. Вакилининг қабз қилиши гаровга ва унинг бошқа ҳукмларига риоя қилишда унинг қабз қилгани ўрнига ўтади. Гаров сотиш жоиз бўладиган ҳамма нарсада жоиздир. Демак сотиш жоиз бўладиган ҳар бир нарсани гаровга қўйиш ҳам жоиз. Чунки гаровдан мақсад қарзга берилган нарса нархини гаровга нарса қўйган одамдан олиш қийин бўлиб қолган тақдирда уни гаровга қўйилган нарса нархидан олиб қолишга йўл бўлиши учун қарз тўғрисида ҳужжатлаштириб қўйишдир. Хамр (маст қилувчи ичимлик) ва бут-санамлар каби сотиш жоиз бўлмайдиган нарсаларда гаров жоиз бўлмайди. Вақф, гаровга қўйилган буюм ва шуларга ўхшаш сотиш жоиз бўлмайдиган нарсаларни ҳам гаровга қўйиш жоиз эмас.

## Гаровга олувчининг гаровдан фойдаланиши

Гаров битими тузилгач, нарса, гаровга олувчи уни қўлига олганидан кейин унинг қўли остида бўлиб қолади. Лекин бу гаровга олувчининг гаровдан фойдаланишга ҳаққи бор, дегани эмас. Балки гаровга қўйилган буюмнинг унинг қўли остида бўлиши фақат ўзи берган қарзни хужжатлаштириб қўйишидир, холос. Шунинг учун гаровга қўйилган нарса эгасиники бўлиб қолаверади. Ҳатто гаровга олувчи гаровга қўювчининг зиммасидаги қарзга ҳақдор бўлса ҳам. Жоҳилиятда гаровга олувчи кимса агар гаровга қўйган киши унга белгиланган вақтда ҳаққини қайтармаса гаровга қўйилган нарсага эга бўлиб оларди. Ислом келиб буни бекор қилди. Набий ﷺ дедилар:

«لَا يُغْلَقُ الرَّهْنُ مِنْ صَاحِبِهِ الَّذِي رَهْنَهُ، لَهُ غَنْمُهُ وَعَلَيْهِ غَرْمُهُ»

**«Гаровга қўйилган нарса уни гаровга қўйган эгасидан тўсиб қўйилмайди. Ғунми (гаровга қўйган нарсанинг манфаати) ҳам, ғурми (ундан келадиган зарар) ҳам уникидир».** Бу ҳадисни Шофеий Саид ибн Мусайяб орқали ривоят қилди. Росулulloҳ ﷺнинг «гаровга қўйилган нарса эгасидан тўсиб қўйилмайди» деган сўзи гаровга қўйилган нарсани эгаси шарт қилинган вақтда қайтариб олмаган пайтда ҳам гаровга олувчи унга ҳақли эмас, деган маънодадир. Демак гаровга қўйилган буюм ҳам, ундан келадиган манфаат ҳам эгасининг мулки бўлиб қолаверади. Чунки у Пайғамбаримиз ﷺнинг: **«ғунми ҳам ...уникидир»** деган сўзига кўра унинг ғунмидир. Бунга илова қиладиган бўлсак, манфаат гаровга қўйилган нарсанинг ўсишидир. Чунки манфаат шу нарсдан келади. Бу ўсиш ҳовлида яшаш каби манфаат бўладими ёки дарахт меваси, сигир боласи каби нарса бўладими, бунинг фарқи йўқ. Демак у гаровга қўйган эгасининг мулкидир. Қолаверса гаров битими ундан келадиган манфаат устида тузилмаган. Шунинг учун манфаат гаров бўлмайди. Чунки битим ҳозир айтганимиздек нарсанинг манфаати устида эмас, нарсанинг ўзи устида тузилган. Модомики манфаат гаровга қўйганнинг мулки экан, у ундан тўла фойдаланаверади. Масалан у гаровга қўйилган ҳовлини ижарага бериб, ижара пулини тўлиқ олиши мумкин. Уйни гаровга олувчининг ўзига ижарага берадими ёки бошқасигами, фарқи йўқ. Бу ижара ҳақи гаров бўлмайди, балки гаровга қўйганнинг мулки бўлади. Бу ижара ҳақи гаровга кирмайди. Чунки у уйнинг калитлари каби

айтилмаса ҳам байга кираверадиган кўчмас мулкнинг нарсаларидан эмас. Шунга кўра гаровга олувчи гаровга қўйилган нарсадан «менга гаровга қўйилди, менинг қўлим остида» деган ҳужжат билан фойдаланишга ҳаққи йўқ. Аксинча ундан келадиган манфаат эгасиникидир.

Нарсадан келадиган манфаат эгасиники экан, демак у манфаатни совға қилиши, нарсанинг ўзини ҳам совға қилиши мумкин. Хохлаган кишисига нарсадан фойдаланишга изн бериши мумкин. Лекин гаровга олган одамга гаровга қўйилган нарсадан фойдаланишга изн беришининг ҳукми бошқага изн бериши ҳукмидан фарқ қилади. Гаровга қўювчи гаровга олган одамдан бошқа ҳар қандай инсонга гаровга қўйилган нарсадан фойдаланишга изн бериши жоиз. Аммо гаровга олган одамга изн беришига келсак, бунда бир мунча тафсилот бор. У шундан иборатки, гаров бай нарҳида ёки уй ижараси баробарида ёки қарздан бошқа дайн (маълум муддатга берилган нарса) баробарида бўлса гаровга олган одам гаровга қўйилган нарсадан гаровга қўювчининг изни билан фойдаланиши жоиз. Чунки у эгасининг мулки бўлиб, хохлаган кишисига ундан фойдаланишга изн бериш эгасининг ихтиёридадир. Бунга гаровга олувчи ҳам, бошқаси ҳам киради. Буни ман қиладиган ҳеч бир насс йўқ. Чунки гаровга олувчини мустасно қиладиган ҳеч қандай насс келмаган. Демак ҳукм умумийлигича қолади. Қолаверса сотувчи нархни ошириши жоиз, ижарага қўювчи ҳам ижара ҳақини – агар маълум муддатга бўлса – ошириши жоиз. Нарсадан сотилиш нарҳидан зиёда ёки ижарага қўйилган нарсанинг ижара ҳақидан зиёда фойдаланишга изн бериши ҳам жоиз. Бу рибо ҳисобланмайди. Чунки рибо таърифи ҳам, воқеси ҳам унга тўғри келмайди. Насс аниқ кўрсатиб берган риболи нарсалар жумласига кирмайди. Аксинча у дарҳол бериладиган нарҳдан баландроқ, кейин бериладиган нарҳдир ва нақд ижара пулидан кўпроқ, кейин бериладиган ижара ҳақи билан ижарага қўйишдир. Бунинг ҳаммаси шаръан жоиз бўлган муомалалардандир.

Аммо дайн қарз бўлса, масалан бир одам бошқасига бир йилга минг бериб, унинг ҳовлисини гаровга олса, эгаси унинг гаровдан фойдаланишига изн берса, бу ҳолатда гаровга олган одамнинг гаровга қўйилган нарсадан фойдаланиши жоиз бўлмайди. Гарчи гаровга қўювчи изн берган бўлса ҳам. Бунга далил бундан қайтарган ушбу нассдир. Анасдан шундай ривоят қилинади: Анасдан: «Биздан бир киши биродарига мол

берган бўлса, шундан кейин биродари томонидан унга бирон нарса ҳадя қилинса», деб сўралганида у бундай деди: Росулulloҳ ﷺ шундай деган эдилар:

«إِذَا أَقْرَضَ أَحَدُكُمْ قَرْضًا فَأَهْدَى لَهُ أَوْ حَمَلَهُ عَلَى الدَّابَّةِ فَلَا يَرْكَبُهَا وَلَا يَقْبَلُهُ إِلَّا أَنْ يَكُونَ جَرَى بَيْنَهُ وَبَيْنَهُ قَبْلَ ذَلِكَ»

«Биронтангиз қарз берсаю, сўнг унга ҳадя берилса ёки уловга миндириладиган бўлса, уни минмасин ва ҳадяни қабул қилмасин. Магар ўрталарида шу одат илгаридан жорий бўлиб келаётган бўлса, майли». Ибн Можа ривояти. Бухорий «Тарих»ида Анасдан, у Набий ﷺ дан ривоят қилди:

«إِذَا أَقْرَضَ فَلَا يَأْخُذُ هَدِيَّةً»

«Қарз берса ҳадя олмасин». Бу ҳадисни Шувконий келтирган. Бухорий «саҳиҳ»ида Абу Барда ибн Абу Мусодан шундай деганини ривоят қилди: «Мадинага келиб Абдуллоҳ ибн Саломга йўлиқиб қолдим. У менга бундай деди: сен шундай бир ерда яшаяпсанки, у ерда рибо тарқалган. Агар бирон кишида ҳаққинг бўлсаю у сенга ем-хашак ёки арпа ёки сомон ҳадя қилса уни олма. Чунки у рибодир». Байҳақий «Маърифат»да Фузола ибн Убайддан ушбуни ривоят қилди:

«كُلُّ قَرْضٍ جَرٌّ مَنْفَعَةٌ فَهُوَ وَجْهٌ مِنْ وَجُوهِ الرِّبَا»

«Манфаат олиб келадиган ҳар бир қарз рибонинг бир туридир». Ҳорис ибн Усома буни Али ﷺ ҳадисидан ушбу лафз билан ривоят қилди:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَى عَنْ قَرْضٍ جَرٍّ مَنْفَعَةٌ»

«Набий ﷺ манфаат келтирадиган қарздан қайтардилар». Бошқа бир ривоятда бундай дейилган:

«كُلُّ قَرْضٍ جَرٌّ مَنْفَعَةٌ فَهُوَ رِبَاٌ»

«Манфаат келтирадиган ҳар қандай қарз рибодир». Ортиқчаси билан қайтариш шарт қилинган ҳар қандай қарзнинг ҳаромлигига ижмо қилингани ҳам бунга далилдир. Ибн Мунзир бундай деди: «Салаф қилувчи олдиндан пулини тўлаб салаф савдоси қилаётган одамга ортиқча беришни ёки ҳадя қилишни шарт қилиб шу асосда салаф қилиб ортиқча олса рибо бўлишига ижмо қилганлар». Убай ибн Каъб, Ибн Аббос ва Ибн Масъуддан ривоят қилинишича, улар манфаат келтирадиган қарздан қайтарганлар. Бу ҳадислар ва



асарлардан аён бўладики, фойда келтирадиган қарз – агар ортиқчаси билан қайтариш шарт қилинган бўлса – харомдир. Бу тўғрида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Агар шахс бировга бундай шарт қўймай қарз берган бўлса ва ўша бошқа биров олган қарзини ортиғи билан қайтарса, бу ҳам харомдир. Аммо унга олган қарзидан ортиқроқ бўлган бирон ҳадя берса бунда қаралади. Агар одатда унга ҳадя қилиб юрган бўлса, шундай одати бўлса, бунинг зарари йўқ ва қарз берган киши унинг ҳадясини қабул қилиши жоиз бўлади. Аммо ҳадя қилиш унинг одати бўлмаса қарз берган одамнинг ҳадяни қабул қилиши жоиз бўлмайди. Бунга далил Анас ривоят қилган юқоридаги ҳадисдир. Аммо Бухорий «Саҳиҳ»ида Абу Хурайрадан ривоят қилган ушбу:

«أَنَّ رَجُلًا تَفَاضَى رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فَأَغْلَطَ لَهُ فَهَمَّ بِهِ أَصْحَابُهُ فَقَالَ: دَعُوهُ فَإِنَّ لِصَاحِبِ الْحَقِّ مَقَالًا، وَاشْتَرَوْا لَهُ بَعِيرًا فَأَعْطُوهُ إِيَّاهُ قَالُوا: لَا نَجِدُ إِلَّا أَفْضَلَ مِنْ سِنِّهِ قَالَ: اشْتَرُوهُ فَأَعْطُوهُ إِيَّاهُ فَإِنَّ خَيْرَكُمْ أَحْسَنُكُمْ قَضَاءً»

«Бир киши ҳақ талаб қилиб келиб Росулulloҳ ﷺ га қўполлик қилди. Шунда саҳобалар унга ташланмоқчи бўлишди. Пайғамбаримиз ﷺ: уни ўз холига қўйинглар. Ҳақ эгасининг гапиришга ҳаққи бор. Бир туя сотиб олиб унга беринглар, дедилар. Саҳобалар: унинг туясидан яхшироғини топдик, дейишди. Пайғамбаримиз ﷺ: уни сотиб олиб унга беринглар, чунки сизларнинг яхшингиз қарзни чиройлироқ қилиб қайтарганингиздир, дедилар», дейилган ҳадисга ва Абу Довуд Абу Рофеъдан ривоят қилган: «اسْتَسْلَفَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بَكْرًا فِجَاءَهُهُ إِبِلٌ مِنَ الصَّدَقَةِ فَأَمَرَنِي أَنْ أَقْضِيَ الرَّجُلَ بَكْرَهُ فَقُلْتُ لَمْ أَجِدْ فِي الْإِبِلِ إِلَّا جَمَلًا خَيْرًا رُبَاعِيًّا فَقَالَ: أَعْطِهِ إِيَّاهُ فَإِنَّ خَيْرَ النَّاسِ أَحْسَنُهُمْ قَضَاءً»

«Росулulloҳ ﷺ бир кишидан эркак бўталоқ (туя боласи)ни қарзга олди. Садақот туялари келган пайтда Пайғамбаримиз ﷺ ўша кишига урғочи бўталоқни бериб қарзни тўлашимни буюрди. Мен туялар ичида тўрт яшарли яхшироқ туяни топдим, дедим. Пайғамбаримиз ﷺ: унга ўшани бер, чунки одамларнинг яхшиси қарзни чиройли қилиб тўлаганидир, дедилар», дейилган ҳадисга келсак, бу қарзни ортиқчаси билан қайтаришни шарт қилишга ҳам,

маблағни ёки қарзга олинган нарсани ортиғи билан қайтаришга ҳам кирмайди. Чунки бунда қарз берувчи ортиғи билан қайтаришни шарт қилгани йўқ, қарзга олган нарсанинг устига қўшиб бераётгани ҳам йўқ. Аксинча қарзга олган нарсанинг ўзини, фақат ёши каттароғини ёки жисми каттароғини қайтаряпти. Ҳайвон ўрнига ҳайвон бериляпти. Демак у ортиқчаси билан қайтариш қабалидаги иш эмас, балки қарзни чиройли қилиб тўлашга киради. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ ортиқлик иллатини иллатликни ифодалайдиган таъбир билан келтириб: **«чунки сизларнинг яхшингиз қарзни чиройлироқ қилиб қайтарганидир»**, **«чунки одамларнинг яхшиси қарзни чиройли қилиб тўлаганидир»**, дедилар. Иллат эса аниқ кўриниб турибди. У қарзни ортиқчаси билан тўлаш эмас, чиройли қилиб тўлашдир. Демак гаровга олувчининг гаровга қўйилган нарсадан фойдаланиши фақат қарз берган пайтдагина ҳаром бўлади. Чунки у чиройли тўлашга кирмайди. Аксинча у қарзга берилган маблағни ёки нарсани ортиғи билан қайтариб олиш қабалидаги иш бўлиб қолади. Буни шарт қилдими ёки қилмадими, фарқи йўқ. У одатда ўзи ҳадя қилиб юрган ҳадя қабалидаги иш бўлмайди.

Лекин бунинг барчаси гаровга қўйилган нарсадан фойдаланиш эвазсиз бўлганда бўлади. Аммо агар эваз билан фойдаланадиган бўлса, масалан гаровга қўювчи гаровга олувчига ҳовли-жойни эваз билан ижарага берса бу ҳолатда қарз берганда ҳам, бошқа пайтда ҳам гаровга қўйилган нарсадан фойдаланиши жоиздир. Чунки бунда қарз бериб фойдаланган бўлмайди, балки ижарадан фойдаланган бўлади. Фақат бу ҳеч бир тарафкашликсиз тўланадиган ижара ҳақи билан бўлиши шарт. Агар гаровга олганнинг тарафини оладиган бўлса бу эвазсиз фойдаланиш ҳукмида бўлиб қолади. Бу қарз муомаласида жоизмас, бошқа пайтда жоиздир.

## Муфлис

Муфлис деб луғатда моли йўқ ва эҳтиёжини ўтайдиган нарсаси йўқ кишига айтилади. Унинг бир фалси (чақаси) ҳам қолмагани кўзда тутилади. Шунинг учун у муфлис (банкрот бўлган)дир. Муслим Абу Ҳурайрадан ушбуни ривоят қилди:

« أَنْ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: أَتَدْرُونَ مِنَ الْمُفْلِسِ؟ قَالُوا: الْمُفْلِسُ فِينَا مَنْ لَا دِرْهَمَ لَهُ وَلَا مَتَاعَ، فَقَالَ: إِنَّ الْمُفْلِسَ مِنْ أُمَّتِي مَنْ يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِصَلَاةٍ وَصِيَامٍ وَزَكَاةٍ، وَيَأْتِي وَقَدْ شَتَمَ هَذَا، وَقَذَفَ هَذَا، وَأَكَلَ مَالَ هَذَا، وَسَفَكَ دَمَ هَذَا، وَضَرَبَ هَذَا، فَيُعْطَى هَذَا مِنْ حَسَنَاتِهِ، وَهَذَا مِنْ حَسَنَاتِهِ، فَإِنْ فَنِيَتْ حَسَنَاتُهُ قَبْلَ أَنْ يُقْضَى مَا عَلَيْهِ أُخِذَ مِنْ خَطَايَاهُمْ فَطُرِحَتْ عَلَيْهِ، ثُمَّ طُرِحَ فِي النَّارِ»

«Росулуллоҳ ﷺ: муфлис ким, биласизларми? - деб сўрадилар. Бир дирҳами ҳам, бирон матоси ҳам қолмаган кишини муфлис деймиз, дейишди. Шунда Пайғамбаримиз ﷺ: Умматим орасидаги муфлис шундай киши бўладики, қиёмат куни намоз, рўза, закот билан келади. Келадию ваҳоланки у бировни сўкиб ҳақорат қилган, яна бировга тухмат тошини отган, бировнинг молини еб кетган, яна бировнинг қонини тўккан, яна бировни уриб калтаклаган бўлади. Шунинг учун унинг яхши амалларидан унга, бунга берилади. Зиммасидаги бировларнинг ҳаққини адо қилишидан олдин яхшиликлари тугаб қолса ҳалигиларнинг гуноҳлари олиниб унга юкланади. Шундан сўнг дўзахга улоқтирилади, дедилар». Саҳобаларнинг бу ҳадисдаги «бир дирҳами ҳам, бирон матоси ҳам қолмаган кишини муфлис деймиз», деган сўзлари муфлис деб ҳақиқатда кимни айтилишини билдириб қўйишдир. Пайғамбаримиз ﷺ «бу муфлис эмас» деган сўзлари билан бу ҳақиқатни инкор қилмадилар, балки бу билан охирада муфлис бўлиш қаттиқроқ ва оғирроқ бўлишини кўзда тутдилар. Шу даражадаки, дунёдаги муфлис унга нисбатан бой бўлиб қолади. Пайғамбаримиз ﷺ шу маънони ирода қилдилар. Фақиҳлар муфлисга «қарзи молидан, чиқими киримидан кўп киши» деб таъриф беришган. Молдор бўлса ҳам уни муфлис деб аташларининг сабаби шуки, чунки унинг моли қарзига сарфланиб кетади. Шунинг учун унинг моли йўқдек бўлиб қолади.

Бир одамнинг қарзлари бўлиб, тўлаш вақти келсаю лекин моли қарзларини тўлашга етмаса, қарз берган кишилар ҳокимдан унинг молини ҳибсга олишни сўрашса уларнинг талабини бажариш лозим бўлади. Бошқа одамлар у билан муомала қилишдан сақланишлари учун унинг моли ҳибс қилиб қўйилганини эълон қилиб қўйиш мустаҳабдир. Ҳибс қилиб қўйилса бу билан тўрт ҳукм собит бўлади: Биринчиси: қарз берган кишиларнинг унинг молига ҳақдорлиги. Иккинчиси: молини тасарруф қилишдан уни ман қилиш. Учинчиси: кимда моли бўлса ўша одам бу молга – агар шартлар топилса – бошқа қарз берувчилардан кўра ҳақлироқ бўлиши. Тўртинчиси: ҳоким унинг молини сотиб, қарз берган кишиларга қарзини тўлаши мумкинлиги. Муфлис молини ҳибсга олишга далил Каъб ибн Молик ривоят қилган ушбу ҳадисдир:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ حَجَرَ عَلَى مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ مَالَهُ، وَبَاعَهُ فِي دَيْنٍ كَانَ عَلَيْهِ»

«**Росулulloҳ ﷺ Муоз ибн Жабалнинг молини ҳибс қилдилар ва унинг қарзини тўлаш учун уни сотдилар**». Ҳоким ривояти. Абдуррахмон ибн Каъбдан шундай дегани ривоят қилинди:

«كَانَ مُعَاذُ بْنُ جَبَلٍ مِنْ أَفْضَلِ شَبَابِ قَوْمِهِ، وَلَمْ يَكُنْ يُمْسِكُ شَيْئًا فَلَمَّ يَزَلْ يَدَانِ حَتَّى أَغْرَقَ مَالَهُ فِي الدَّيْنِ فَكَلَّمَ النَّبِيُّ ﷺ غُرَمَاءَهُ فَلَوْ تَرَكَ أَحَدٌ مِنْ أَجْلِ أَحَدٍ لَتَرَكُوا مُعَاذًا مِنْ أَجْلِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَبَاعَ لَهُمْ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ مَالَهُ حَتَّى قَامَ مُعَاذٌ بِغَيْرِ شَيْءٍ»

«**Муоз ибн Жабал қавмининг энг яхши йигитларидан эди. У ҳеч нарсани ушлаб турмас, доим қарз оларди. Оқибатда моли қарзга ғарқ бўлиб кетди. Шундан кейин Набий ﷺ унга қарз берганлар билан гаплашиб «агар бировнинг ҳурматидан бировни ўз ҳолига қўйишга тўғри келганида Росулulloҳ ﷺ ҳурматидан Муозни албатта ўз ҳолига қўйишарди» дедилар-да уларга унинг молини сотиб бердилар. Ҳатто Муоз ҳеч нарсасиз қолди**». Ҳоким ривояти.

Муфлис зиммасида одамларнинг молдан иборат ёки тўғри одамнинг исботловчи ҳужжат келтириши билан мол қарз бўлиши лозим қиладиган нарсадан иборат ҳақлари борлиги исботланса ёки унинг ўзи буни чиндан тан олса, унинг бор нарсаси сотилиб, қарз берганларга бўлиб берилади. Лекин ночор ҳолга тушиб қолган қарздори ҳибсга олиш мутлақо ҳалол бўлмаганидек муфлисни қамаш ҳам асло ҳалол бўлмайди. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлидир:

وإن كان ذو عسرة فنظرة إلى ميسرة

«*Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг!*» [Бақара 280]  
Муслим ва Абу Довуд Абу Саид Худрийдан ривоят қилган  
ушбу ҳадис ҳам далилдир:

«أُصِيبَ رَجُلٌ فِي عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فِي ثَمَارِ ابْتِاعَهَا فَكَثُرَ دَيْنُهُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ  
تَصَدَّقُوا عَلَيْهِ فَتَصَدَّقَ النَّاسُ عَلَيْهِ فَلَمْ يَبْلُغْ ذَلِكَ وَفَاءَ دَيْنِهِ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ لِعُرْمَانِهِ  
خُذُوا مَا وَجَدْتُمْ، وَلاَ يَسْ لَكُمْ إِلاَ ذَلِكَ»

«**Росулulloх ﷺ** даврида бир киши сотиб олган меваларда зарар кўриб қарзи кўпайиб кетди. **Росулulloх ﷺ**: унга садақа қилинглар, дедилар. Одамлар унга садақа қилишди. Лекин бу қарзини тўлагани етмади. Шундан сўнг **Росулulloх ﷺ** унга қарз берганларга: топган нарсангизни олинглар, сизларга шу бўлади, холос, дедилар». Ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺ муфлис молини қарз берганлар ўртасида тақсимлаб берганлар ва ўзини ҳечам қаммаганлар. Бухорий ҳам саҳиҳида шу маънодаги ҳадисни зикр қилган. Муҳаммад ибн Али ибн Хусайндан шундай дегани ривоят қилинган: Али ибн Абу Толиб деди: «**Кишини унинг зиммасида қарзи борлиги билинганидан кейин ҳибс қилиб қамокда ушлаш зулmdir**». Абу Убайд ривояти. Аммо Табарий ўз тафсирида Саид ибн Мусайб орқали Умардан ривоят қилган: «**Умар чақалокнинг унга инфоқ қиладиган эркак яқинларини ҳибсга олди, аёлларини қолдирди**», деган ривоятга келсак, бу ривоят қарздорни ҳибс қилишга эмас, балки нафақа қилиши вожиб бўлган киши агар кичик ёшдаги болага нафақа қилмаса уни ҳибсга олишга ва қодир одамга фарз бўлган нафақага далолат қилади. Демак у кичик ёшдаги болага, хусусан чақалокқа нафақа қилмаган кимсани ҳибс қилишга далолат қилади.

Муфлис борасидаги ҳукм шуки, ҳоким қарз берганларга қарздорнинг молини сотиб, ҳиссаларни тақсимлаб беради. Чунки уларга адолат билан бўлиб беришнинг бундан бошқа йўли йўқ. Умар ибн Абдурахмон ибн Далоф ал-Музаний отасидан шундай ривоят қилади: Жухайналик бир киши хожилар билан ким ўзарга мусобақа ўйнар эди. Шу мақсадда туяларни қимматга сотиб олар, тез чоптириб хожилардан ўзиб кетарди. Шундай қилиб юриб муфлис бўлди. Унинг иши Умар

ибн Хаттобга оширилди. Умар бундай деди: “Аммо баъд, эй одамлар, мана бу жуҳайналик Усайфиъ ҳожилардан ўзиб кетибди деб айтилиши учун дини ва омонатдорлигини бой беришга рози бўлибди. Билиб қўйингки, у қарз олма дейилса ҳам қарз олаверган. Мана энди қарзга ботиб ўтирибди. Кимдан у қарз олган бўлса эртага келсин, унинг молини уларнинг ўртасида тақсимлаб берамиз. Қарз олишдан эҳтиёт бўлинглар. Чунки унинг аввали ғам, охири ҳамма нарчасидан ажралиб қолишдир”. Буни имом Молик “Муваддо”да ривоят қилди.

Умар ибн Абдулазиздан унинг муфлис борасида молини қарз берганлар ўртасида тақсимлаб, ўзини эса Аллоҳ ризқини беради, деб ўз ҳолига қўйиш ҳукмини чиқаргани ривоят қилинган.

Муфлиснинг бор моли қарз берганлар ўртасида ҳиссаларга қараб ўз қийматида тақсимлаб берилади. Фақат ҳақларини бериш муддати келгани учун ҳаққини талаб қилиб келганларгагина тақсимлаб берилади. Талаб қилиб келмаган ва вакил юбормаган, ўзи ҳам келмаган киши ҳамда ҳаққини олиш муддати ҳали келмаган киши – у хоҳ келган бўлсин ва хоҳ келмаган бўлсин, талаб қилган бўлсин ёки бўлмасин – булар жумласига кирмайди. Чунки ҳаққини бериш муддати келмаган кишининг ҳаққини олишга ҳали вақт бор бўлади. Талаб қилмаган кишига эса модомики талаб қилмаган экан бериш лозим бўлмайди.

Бу муфлис тирик бўлса шундай бўлади. Аммо ўлган бўлса келгангаю келмаганга, талаб қилгангаю қилмаганга, маълум муддатга ёки дарҳол берадиган қилиб қарз берган ҳар бир киши фойдасига ҳукм чиқариб берилади. Чунки ҳақдор ёки зиммасида ҳақ (қарз) бўлган кишининг ўлиши билан ҳамма муддат вақти келган бўлади. Энди агар муфлис зиммасида Аллоҳ ҳақлари билан бандалар ҳақлари тўпланиб қолган бўлса, Аллоҳ Таоло ҳақлари одамлар ҳақларидан муқаддам қўйилади. Шунинг учун энг аввало муфлис бепарволик қилган закот ёки каффоратдан бошланади. Ҳаммасига етмаса буни ана шу ҳақларнинг ҳаммасига ҳиссалар билан тақсимланади, бу ҳақлардан бирон нарса биронтасидан устун қўйилмайди. Одамлар берган қарзлар борасида ҳам шундай бўлади. Муфлиснинг моли бу қарзларнинг ҳаммасини тўлашга етмаса ҳар бир қарз берган одам мавжуд молдан ўз моли миқдорича олади. Аллоҳ ҳақлари бандалар ҳақларидан муқаддам

қўйилишга далил Росулulloҳ ﷺ дан собит бўлган ушбу ҳадисдир. Пайғамбар ﷺ дедилар:

«... فَدَيْنُ اللَّهِ أَحَقُّ أَنْ يُقْضَى»

«... Аллоҳдан бўлган қарз адо этилишга ҳақлироқдир». Пайғамбаримиз яна бундай дедилар:

«... فَأَقْضِ اللَّهَ فَهُوَ أَحَقُّ بِالْقَضَاءِ»

«... Аллоҳ (ҳаққини) адо қил. Зеро у адо этилишга ҳақлироқдир». Бу икки ҳадисни Бухорий Ибн Аббосдан ривоят қилди. Муфлиснинг моли сотилган пайтда унинг нафақаси ва унинг қарамоғидаги кишилар нафақаси эътиборсиз қолдирилмайди. Шунинг учун унинг яшаши учун зарур бўлган уй-жойи сотилмайди. Аммо иккита уй-жойи бўлса, яшаш учун биттаси кифоя қилса, иккинчиси сотилади. Муфлис агар касб қилиб ўзини ва қарамоғидаги кишиларни таъминлайдиган пулни топса ёки ишга ёлланиб ҳақиқатдан ҳам шундай касб-кор қилишга қодир бўлса, у ҳолда яшаши учун зарур бўлган уй-жойидан бошқа ҳамма моли сотилади. Энди агар бундан биронтасига қодир бўлмаса, молидан ўзининг ва қарамоғидаги кишиларининг нафақасига етадигани яхшилик билан қолдирилади. Молини қарз берган кишилар ўртасида тақсимлашдан фориғ бўлгунга қадар шундай қилинади.

## Ҳавола

Ҳавола сўзи ҳақни зиммадан зиммага ўтказиш сўзидан олинган. У қарздор одам қарз берган одам талаб қилган пайтда зиммасидаги қарзни ўзидан қарздор бўлган бошқа одам зиммасига ўтказишдир. Ҳавола суннат билан собит бўлган. Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилади, Росулуллоҳ ﷺ:

«مَطْلُ الْغَنِيِّ ظُلْمٌ وَإِذَا أُتْبِعَ أَحَدُكُمْ عَلَى مَلِيٍّ فَلْيَتَّبِعْ»

«**Бойнинг** (зиммасидаги қарзни) **бермай** юриши зулmdir. **Қайси бирингиз бойнинг ортидан эргаштирилса эргашсин**» дедилар. Аҳмаднинг ривоятида:

«وَمَنْ أُحِيلَ بِحَقِّهِ عَلَى مَلِيٍّ فَلْيَحْتَلْ»

«**Кимнинг ҳаққи бойга ҳавола қилинса ҳавола қилаверсин**» деган лафз билан келган. Ҳавола қилиш қарзда ва буюмда, муҳлати келганида ҳам, энди келадиганида ҳам жоиздир. Чунки у бировнинг ҳаққини бошқанинг зиммасига ҳавола қилишдир. Чунки ҳадисда бундай дейилди: «**қайси бирингиз бойнинг ортидан эргаштирилса эргашсин**». У умумий бўлиб, ҳар бир ҳақни ўз ичига олади. У бировнинг ва бойнинг зиммасида тўлаш муҳлати келган ҳақ бўлишини ҳам, тўлаш муҳлати энди келадиган ҳақ бўлишини ҳам ўз ичига олади. Демак у умумийлигича қолади. Бой – тўлашга қодир кишидир. Бироқ Росулуллоҳ ﷺнинг бой зиммасига ҳавола қилиниб ўтказилган пайтда унинг ортидан юришни буюришлари шу бойнинг бунга қўнган ва чўзиб юрмайдиган бўлишини тақозо қилади. Бу ҳақи ҳавола қилинган одамни бой одамнинг орқасидан эргаштишга мажбур қилинганидан тушунилади. Демак бой тўлашга қодир, бунга қўнган ва чўзиб юрмайдиган бўлади. Ҳаволанинг воқеси ва ҳадиснинг мантуқи ҳаволада ҳавола қилувчи, ҳақи ҳавола қилинган одам, яъни қарз берган одам ва зиммасига ҳавола қилинган одам бўлиши кераклигига далолат қиляпти. Демак эргаштирувчи ҳавола қилувчи одамдир. «Бирингиз» сўзидан мурод эса зиммасига ҳавола қилинган одам орқасидан берган қарзини олиш учун эргаштишга буюрилган одам. Бой эса зиммасига ҳавола қилиб ўтказилган одамдир.

Ҳавола қуйидаги тўрт шарт билан тўғри бўлади:

1. Иккала ҳақ жинсда, муддати келганликда ёки кейинроқ беришда бир хил бўлиши керак. Чунки у ҳақни ҳавола қилиб



ўтказишдир. Демак ўзининг сифатида ўтказилади. Шунинг учун олтин бериши керак бўлган одам олтин билан, кумуш бериши керак бўлган одам кумуш билан ҳавола қилиши тўғри бўлади. Олтин бериши керак бўлган одам кумуш билан ҳавола қилиши, кумуш бериши керак бўлган одам олтин билан ҳавола қилиши тўғри бўлмайди. Бир ойга олган қарзини бир ойга берган қарзи билан, вақти келгани учун бериши керак бўлган қарзини вақти келгани учун олиши керак бўлган қарз билан ҳавола қилиши тўғри бўлади. Дарҳол берадиган қарзини дарҳол оладиган қарз билан, кейинроқ берадиган қарзини кейинроқ оладиган қарз билан ҳавола қилиши тўғри бўлади. Аммо икки қарздан бири дарҳол, иккинчиси кейинроқ берилиши керак бўлса ёки бири бир ойга, иккинчиси икки ойга берилган бўлса, ҳавола дуруст бўлмайди.

2. Ҳавола барқарор қарзда бўлиши лозим. Масалан янги никоҳланган аёл эри киришидан (у билан қўшилишидан) олдин маҳрини эрига ҳавола қилиши дуруст бўлмайди. Чунки у барқарор бўлмаган қарздир. Яна масалан хизматчи ишини тугатмай туриб ёки ёлланган муддати тугамай туриб ўз иш ҳақини ҳавола қилиши тўғри бўлмайди. Чунки бу ҳам барқарор бўлмаган қарздир. Аммо қарзи йўқ одам бир кишини бошқа одамга ҳавола қилсаки, бу бошқа одамнинг ундан қарзи бўлса, бу ҳавола эмас, ваколат (вакил қилиш) бўлади. Бунда ҳавола ҳукмларига эмас, ваколат ҳукмларига мурожаат қилинади. Агар қарзи бор одам қарзи йўқ одамга ҳавола қилса бу ҳам ҳавола бўлмайди. Шунинг учун зиммасига ҳавола қилинган одамнинг адо этиши лозим бўлмайди. Ҳаққи ҳавола қилинган одамнинг ҳам буни қабул қилиши лозим бўлмайди. Чунки ҳавола эвазга эваз беришдир. Бу ерда эса бундай бўлмапти. Шунинг учун агар ҳаққи ҳавола қилинган одам зиммасига ҳавола қилинган одамдан қарзни олса ҳам ҳавола қилган одамга қайтиб келади.

3. Ҳавола маълум мол билан бўлиши керак, номаълум мол билан бўлиши дуруст эмас.

4. Ҳавола фақат ҳавола қилувчининг розилиги билангина бўлади. Зиммангда ҳақ бор деб уни ҳаволага мажбур қилинмайди. Зеро қарзини муайян томондан, масалан зиммасига ҳавола қилинган одамдаги қарздан тўлаши лозим бўлмайди. Балки хоҳлаган томонидан олиб тўлаши мумкин. Ҳаққи ҳавола қилинган одамнинг ва зиммасига ҳавола қилинган одамнинг розилиги шарт эмас. Балки бу икковининг

розилиги мутлақо эътиборга олинмайди. Чунки ҳаққи ҳавола қилинган одам ҳам, зиммасига ҳавола қилинган одам ҳам ҳаволани қабул қилишга мажбур. Ҳақи ҳавола қилинган одамнинг бунга мажбурлигига далил Набий ﷺнинг: «**қайси бирингиз бойнинг ортидан эргаштирилса эргашсин**», - деган сўзларидир. Қолаверса ҳавола қилувчи зиммасидаги ҳақни шахсан ўзи ва вакили орқали бериши мумкин. У қарзини тўлашда зиммасига ҳавола қилинган одамни ўзининг ўрнига қўйган бўлади. Ҳаққи ҳавола қилинган одам буни қабул қилиши лозим. Энди зиммасига ҳавола қилинган одамнинг розилиги шарт эмаслигига келсак, унга қарз берган одам ҳаққи ҳавола қилинган одамни қарзни олишда ўзининг ўрнига қўйган бўлади. Шунинг учун вакил қилишда бўлганидек зиммасида ҳақ (қарз) бор одамнинг розилигини олиши керак бўлмайди.

Шунга кўра чеклар каби тўлов вақти келган маблағлардан ёки вақти келиб қолган, кечиктирилган маблағлардан иборат қимматбаҳо қоғозларни ҳавола қилиш – буни пулни ҳавола қилиш деб аталади – фақат ҳавола қилувчининг розилиги билангина жоиз бўлади. Бунда ҳаққи ҳавола қилинган одамнинг ҳам, зиммасига ҳавола қилинган одамнинг ҳам розилиги шарт эмас. Шунингдек векселлар каби ҳали тўлов вақти келмаган, кейин бериладиган маблағлардан иборат қимматбаҳо қоғозларни ҳавола қилиш ҳам жоиз. Буни қарзни ҳавола қилиш деб аталади. Бунда ҳаққи ҳавола қилинган одам ва зиммасига ҳавола қилинган одам рози бўладими ёки йўқми, бунинг фарқи йўқ. Чунки ҳавола битим эмаски унда розилик шарт бўлса. Чунки унда ийжоб ва қабул деган нарса йўқ. Аксинча у зоминлик, кафолат, васият ва шунга ўхшаш тасарруфлар каби шахснинг ўзи томонидан бўлган тасарруф бўлиб, бу тасарруфлар битим ҳисобланмайди.

## Тасвир

Тасвир – нарса суратини чизишдир. Ҳайкалтарошлик ва тош йўниб шакл яшаш тасвирга киради. Луғатда тасвирлар ҳам дейлади. Шариат инсон, ҳайвон, қуш каби жони бор нарсанинг суратини чизишни ҳаром қилди. Қоғозга чизиладими ёки тери, кийим, идиш, тақинчоқ ёки пулларга чизиладими, ҳаммаси ҳаром. Ниманинг устига чизилган бўлмасин жони бор нарсанинг суратини чизишнинг ўзи ҳаромдир. Жонсиз нарсанинг суратини чизиш жоиз, зарари йўқ. Масалан шариат дарахт, тоғ, гуллар ва шу каби жонсиз нарсалар суратини чизишни ҳалол қилди. Жонзотлар суратини чизиш ҳаромлиги шаръий нусус билан собит бўлди. Бухорий Ибн Аббосдан ушбу ҳадисни ривоят қилди:

«لَمَّا رَأَى النَّبِيُّ ﷺ الصُّورَ فِي الْبَيْتِ لَمْ يَدْخُلْ حَتَّى أَمَرَ بِهَا فَمُحِيتَ»

«Набий ﷺ Каъбада суратларни кўргач ўчиришни буюриб ўчирилмагунча кирмадилар». Оиша онамиздан ривоят қилинишича

«أَنَّهَا نَصَبَتْ سِتْرًا فِيهِ تَصَاوِيرُ، فَدَخَلَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَنَزَعَهُ، قَالَتْ فَقَطَعْتُهُ وَسَادَتَيْنِ فَكَانَ يَرْتَفِقُ عَلَيْهِمَا»

«У суратлар бор пардани олиб қўйган эди. Росулulloҳ ﷺ кириб уни олиб ташладилар. Оиша онамиз деди: мен уни кесиб иккита ёстиқ қилиб қўйдим. Пайғамбаримиз уларга суяниб ўтирадиган бўлдилар». Муслим ривояти. Аҳмад ривоят қилган лафзда бундай дейлади:

«فَطَرَحْتُهُ فَقَطَعْتُهُ مِرْفَقَتَيْنِ فَقَدْ رَأَيْتُهُ مُتَكِنًا عَلَيَّ إِحْدَاهُمَا وَفِيهَا صُورَةٌ»

«Уни олиб ташладим. Кесиб икки ёстиқ қилдим. Пайғамбаримиз ﷺнинг биттасига суянганини кўрдим. Унда сурат бор эди». Бухорий ва Муслим Оиша ﷺдан ушбу ҳадисни ривоят қилди:

«دَخَلَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَقَدْ سَتَرْتُ سَهْوَةً لِي بِقِرَامٍ فِيهِ تَمَائِيلُ، فَلَمَّا رَأَاهُ هَتَكَهُ وَتَلَوْنَ وَجْهَهُ وَقَالَ: يَا عَائِشَةُ أَشَدُّ النَّاسِ عَذَابًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ الَّذِينَ يُضَاهَوْنَ بِخَلْقِ اللَّهِ»

«Мен билмасдан суратлар бор юпқа пардани олиб қўйган эдим. Пайғамбаримиз ﷺ уни кўргач йиртиб ташладилар. Ранги ўзгариб бундай дедилар: эй Оиша, қиёмат куни одамларнинг энг қаттиқ азобланадигани Аллоҳнинг

**яратишига ўхшатмоқчи бўлганлардир».** Муслим Оиша رضي الله عنهاдан ривоят қилган ҳадисда Оиша онамиз бундай деди:

«قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ مِنْ سَفَرٍ، وَقَدْ سَتَرْتُ عَلَى بَابِي ذُرْتُوكًا فِيهِ الْخَيْلُ ذَوَاتُ الْأَجْنَحَةِ، فَأَمَرَنِي فَنَزَعْتُهُ»

**«Росулуллоҳ сафардан келдилар. Эшигимга қанотли от тасвири туширилган кийимни парда қилиб илиб қўйган эдим. Пайғамбаримиз ﷺ уни олиб ташлашни буюрдилар. Мен олиб ташладим».** Бухорий Ибн Аббосдан ушбу ҳадисни ривоят қилди: Росулуллоҳ ﷺ дедилар:

«مَنْ صَوَّرَ صُورَةَ عَذْبَةِ اللَّهِ بِهَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَتَّى يَنْفَخَ فِيهَا الرُّوحَ وَمَا هُوَ بِنَافِخٍ»

**«Ким бирон сурат чизса Аллоҳ шу сабабли уни қиёмат кунда то унга пуфлаб жон киргизмагунча азоблайверади. Ҳолбуки у унга жон киргизолмайди».** Бухорий Ибн Умардан ушбунини ҳам ривоят қилди: Росулуллоҳ ﷺ дедилар:

«إِنَّ الَّذِينَ يَصْنَعُونَ هَذِهِ الصُّورَ يُعَذَّبُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يُقَالُ لَهُمْ أَحْيُوا مَا خَلَقْتُمْ»

**«Бу суратларни ясайдиган кимсалар қиёмат кунини азобланишади. Уларга: «яратган» нарсангизни тирилтиринглар, дейилади».** Ибн Аббосдан шундай дегани ривоят қилинган: олдимга бир киши келиб: мен мана бу суратларни чизаман, мана бу суратларни ясайман. Шу тўғрида менга фатво берсангиз, деди. Мен яқинроқ кел, дедим. У яқин келди. Унинг бошига қўлимни қўйиб бундай дедим: мен сенга Росулуллоҳ ﷺдан ўзим эшитган нарсанинг хабарини бераман. Мен Росулуллоҳ ﷺнинг шундай деганини эшитдим:

«كُلُّ مُصَوِّرٍ فِي النَّارِ، يُجْعَلُ لَهُ بِكُلِّ صُورَةٍ صَوَّرَهَا نَفْسٌ تُعَذَّبُ فِي جَهَنَّمَ، فَإِنْ كُنْتَ لَا بُدَّ فَاعِلًا فَاجْعَلِ الشَّجَرَ وَمَا لَا نَفْسَ لَهُ»

**«Ҳар бир сурат чизувчи дўзахдадир. Унинг учун ўзи чизган ҳар бир суратда битта жон қилиб берилади. Бу жон уни жаҳаннамда азоблайди. Шунинг учун агар қилишинг (чизишинг) жуда зарур бўлса дарахт ва жонсиз нарсалар суратини чиз».** Аҳмад Абу Ҳурайрадан ушбу ҳадисни ривоят қилди: Росулуллоҳ ﷺ дедилар:

«أَتَانِي جَبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ فَقَالَ: إِنِّي كُنْتُ أَتَيْتُكَ اللَّيْلَةَ فَلَمْ يَمْنَعْنِي أَنْ أَدْخُلَ عَلَيْكَ الْبَيْتَ الَّذِي أَنْتَ فِيهِ إِلَّا أَنَّهُ كَانَ فِي الْبَيْتِ تَمَثَالٌ رَجُلٍ وَكَانَ فِي الْبَيْتِ قِرَامٌ سِتْرٌ فِيهِ»

تَمَائِلٌ، وَكَانَ فِي الْبَيْتِ كَلْبٌ. فَمُرُّ بِرَأْسِ التَّمْثَالِ يُقَطَّعُ فَيَصِيرُ كَهَيْئَةِ الشَّجَرَةِ، وَمُرُّ  
بِالسُّتْرِ يُقَطَّعُ فَيُجْعَلُ مِنْهُ وَسَادَتَانِ تُوْطَأَانِ، وَمُرُّ بِالْكَلْبِ فَيُخْرَجُ فَفَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ»

«Жибрил عليه السلام олдимга келиб бундай деди: мен бу кеча олдингизга келган эдим. Сиз турган уйга киришимга уйда бир кишининг тимсоли, суратлар чизилган қиром (рангли юпка жунли парда) ва ит борлиги монелик қилди. Буюринг тимсол бошини кесиб ташлашсин, дарахт шаклига ўхшаб қолади. Пардани қирқиб босиладиган икки ёстик қилинсин. Итни чиқариб ташлансин. Росулulloх ﷺ шундай қилдилар». Бухорий Абу Жухайфадан унинг қон оладиган бир қулни сотиб олганини ривоят қилиб бундай деди:

«إِنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَى عَنْ ثَمَنِ الدَّمِّ، وَثَمَنِ الْكَلْبِ، وَكَسْبِ الْبَغِيِّ، وَلَعَنَ آكِلَ الرِّبَا  
وَمُوكِلَهُ وَالْوَأَشِمَةَ وَالْمُسْتَوْشِمَةَ وَالْمُصَوِّرَ»

«Набий ﷺ қон пулидан, ит пулидан ва бузуқликни касб қилишдан қайтардилар, рибо ейувчини, унга едирганни, баданга расм чизувчини, расм чиздирганни ва мусаввирни лаънатладилар».

Бу ҳадисларнинг ҳаммасида тасвирни тарк қилишни қатъий талаб қилиш мазмуни ётибди. Бу эса тасвирнинг ҳаромлигига далилдир. Бу ҳадислар умумий бўлиб, ҳар бир суратни, сояси борини ҳам, йўғини ҳам, тўлиқ чизилганини ҳам, ярими чизилганини ҳам ўз ичига олади. Демак сояси бор қилиб чизиш билан сояси йўқ қилиб чизиш ўртасида, тўлиқ сурат билан ярим сурат ўртасида ҳаромликда фарқ йўқ. Ҳадислар умумий келгани учун ҳаммаси ҳаром. Масалан Ибн Аббос ривоят қилган ҳадисда айтилганидек Каъбадаги суратлар чизилган бўлиб, сояси йўқ эди. Бу суратлар ўчириб ташланмагунча Росулulloх ﷺ кирмадилар. Оиша رضي الله عنها ривоят қилган ҳадис эса ўша пардада чизилган соясиз суратлар борлигига далолат қиляпти. Ривоят қилинишича, Набий ﷺ Алини бир сарийяда юбориб унга бундай дедилар:

«لَا تَذَرُ تَمْتَالًا إِلَّا هَدَمْتَهُ، وَلَا صُورَةً إِلَّا طَمَسْتَهَا، وَلَا قَبْرًا مُشْرِفًا إِلَّا سَوَيْتَهُ»

«Биронта ҳайкални қўймай бузиб ташла, биронта суратни қўймай ўчириб ташла ва баланд қилиб шарафланаётган биронта қабрни қўймай текислаб ташла». Муслим бу ҳадисни «жанозалар» бобида бироз фарқ билан ривоят қилиб, икки хил суратни, сояси бор ҳайкални ва сояси йўқ, ўчириб

ташланадиган суратни зикр қилди. Демак сояси бор нарса билан сояси йўқ нарсани фарқлаб, бир-биридан ажратиш нотўғри ва асоссиздир. Чунки бу нарсаларнинг яшайдиган ёки яшамайдиган бўлиши ҳаром қилишнинг иллоти эмас. Буни ҳаромликдан истисно қиладиган биронта далил йўқ. Аммо дарахт, тоғ ва шу каби жони йўқ нарсаларни чизиш жоизлигига келсак, тасвирнинг ҳаромлиги ҳақида келган ҳадисларда ҳаромлик жони бор нарсанинг суратига муқайяд бўлди. Бу мўътабар қайд бўлиб, унинг амал қилинадиган мафҳуми бор. Мафҳуми шуки, жони йўқ нарсанинг сурати ҳаром эмас. Тўғри, баъзи ҳадислар мутлақ бўлиб келди. Лекин баъзи ҳадислар муқайяд бўлиб келди. Шунинг учун ҳаромлик инсон, ҳайвон, қушлар каби фақат жонзотлар суратига оид бўлди. Аммо бошқа нарсаларнинг суратини чизиш ҳаром эмас, жоиздир. Дарахт ва шу каби жонсиз нарсалар суратини чизишнинг мувоҳлиги ҳадисларда очиқ айтилган. Масалан Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда бундай дейилган:

«فَمُرِّ بِرَأْسِ التَّمْثَالِ الَّذِي فِي بَابِ الْبَيْتِ فَلْيَقْطَعْ لِيَصِيرَ كَهَيْئَةِ الشَّجَرَةِ»

**«Буюринг, Каъба эшигидаги тимсол бошини кесиб ташлашсин, дарахт кўринишига ўхшаб қолади».** Бундан дарахт тимсолини чизишнинг зарари йўқ, деган маъно чиқади. Ибн Аббос ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: **«Агар қилишнинг (чизишнинг) жуда зарур бўлса дарахт ва жони йўқ нарсалар суратини чиз».**

Тасвирнинг ҳаромлиги ҳақидаги ҳадислар иллатланмай келди. Тасвирни иллатлашга оид ҳеч қандай иллат келмаган. Шунинг учун унга иллат қидирилмайди. Аммо Ибн Умар ривоят қилган Росулulloҳ ﷺнинг: **«... уларга «яратган» нарсангизни тирилтиринглар, деб айтилади»,** деган сўзларига ҳамда Ибн Аббос ривоят қилган ҳадисдаги: **«... унга жон киргизмагунча азоблайверади, холбуки у унга жон киргизолмайди»,** деган сўзларга ва Оиша ﷺ суратлар ҳақида ривоят қилган ҳадисдаги: **«одамларнинг қиёмат куни энг қаттиқ азобланадигани Аллоҳнинг яратишига ўхшатмоқчи бўлган кимсалардир»,** деган сўзларга келсак, булар иллатлаш тарзида келмаган. Бу ҳадислардаги лафзлар ва жумлалардан иллатлаш мазмуни тушунилмайди. Бунда бор-йўғи Росулulloҳ ﷺ тасвирни яратишга, мусаввирларни эса Яратувчига ўхшатиш иллатлаш мазмунини ифодаламайди ва иллат бўлмайди. Чунки бир нарсани бошқа нарсага

Ўхшатиш унга ўхшатиш нарсени ўхшатиш нарсага иллат қилиб қўймайди. Аксинча унинг васфи бўлиши мумкин, холос. Нарсанинг васфи эса унинг илллати бўлмайди. Шунинг учун «тасвир, унда Аллоҳнинг яратишига ўхшатиш борлиги учун ҳаром», деб айтиш нотўғри. Чунки Аллоҳ Таоло инсон, ҳайвон ва қушларни яратганидек дарахт, тоғ, гулларни ҳам яратди. Шунинг учун агар инсон, ҳайвон ва қушларни тасвирлаш Аллоҳнинг яратишига ўхшатиш илллати борлиги учун ҳаром бўлди, деб айтиладиган бўлса бу илллат дарахт, тоғ, гуллар ва бошқа нарсаларда ҳам мавжуд. Уларни ҳам Аллоҳ яратган. Демак мана шу илллат борлиги учун уларнинг суратини чизиш ҳам ҳаром бўлиб қолади. Зеро илллат бор ва йўқликда илллатланган нарса билан бирга юради. Яъни илллат бор бўлса илллатланган нарса ҳам бор бўлади, йўқ бўлса у ҳам йўқ бўлади. Қолаверса дарахт ва жони йўқ барча нарса суратини чизиш жоизлиги ҳақида нусус келган. Шунга биноан инсон ва ҳайвон суратини чизиш бирон илллатга кўра эмас, балки бунинг ҳаромлиги ҳақида нусус келгани учун ҳаромдир. Дарахт, тоғ ва барча жонсиз нарсалар суратини чизиш – бунинг муҳофизлиги ҳақида нусус келгани учун – жоиздир.

Аллоҳ Таоло ҳаром қилган тасвир инсоннинг шахсан ўзи чизадиган расм, нақш ва бошқа нарсалардир. Аммо фотоаппаратлар ёрдамида тасвирга тушириш бунга кирмайди ва у ҳаром қилинган тасвирдан эмас. Аксинча у муҳофиздир. Чунки у аслида тасвир эмас, балки сояни воқедадан фильмга кўчириш, холос. У мусаввир томонидан шахс суратини чизиш эмас. Чунки фотограф шахсни суратга олар экан аппарат ёрдамида шу шахс соясини акс эттиради, холос. Демак бу тасвир эмас, балки аппарат ёрдамида сояни кўчиришдир. Демак ҳадисларда келган наҳий сирасига кирмайди. Чунки ҳадисларда бундай дейилмоқда: **«бу суратларни ясайдиган кимсалар», «бу тасвирларни мен чизаман», «ҳар бир мусаввир», «мусаввирларни...»**. Фотоаппарат билан бирон кишининг ёки ҳайвоннинг суратини олган киши эса бу суратни шахсан ўзи чизмайди, у мусаввир эмас. Аксинча у аппаратни ишга соляпти, холос. Сояни фильмга кўчираётган нарса фотоаппаратдир. Шунинг учун суратга олган киши мусаввир эмас ва мусаввир бўлиши ҳечам мумкин эмас. Шунинг учун бу иш наҳийга мутлақо кирмайди. Қолаверса ҳадисларда ҳаромлиги келган тасвир васф қилиниб, хили белгилаб кўрсатиб қўйилган. У ҳам бўлса яратишга ўхшатишдир. Бунда

мусаввир нарсани, яъни суратни вужудга келтириш жиҳатидан Яратувчига ўхшаб қолаётган бўлади. Суратни зеҳнидан олиб чизадими ёки олдидаги мавжуд аслидан олиб чизадими, иккала ҳолатда ҳам суратни вужудга келтиришдир. Чунки бунда ижодкорлик бор. Фотосурат эса бу турга кирмайди. Чунки у суратни ижод қилиш эмас ва унда ижодкорлик йўқ. Аксинча у мавжуд нарса соясини фильмда акс эттиришдир, холос. Шунинг учун у ҳадисларда ҳаромлиги айtilган тасвир туридан ҳисобланмайди. Бу ҳадисларда айtilган ҳаромлик унга тўғри келмайди. Қўл билан чизиладиган суратнинг ва фотосуратнинг бадий воқелиги буни тўла қўллаб-қувватлайди. Чунки бу иккиси бир-биридан бутунлай фарк қилувчи бошқа-бошқа навлардир. Қўл билан чизиладиган сурат билан фотосурат бадий жиҳатдан ва ижод жиҳатидан бошқа-бошқадир. Мана шундан ҳам фотосурат мувоҳ бўлади.

Бу тасвир ҳақида эди. Энди тасвирланган суратга эга бўлишга келсак, агар масжид, намозгоҳ ва шунга ўхшаш ибодат учун тайёрлаб қўйилган жойда бўлса қатъан ҳаромдир. Бунга далил Ибн Аббос Росулulloҳ ﷺнинг Каъбага то у ердаги суратлар ўчириб ташланмагунча киришдан бош тортгани ҳақида ривоят қилган ҳадисдир. Бу тасвирни тарк қилишни жазман талаб қилиш бўлиб, ҳаромликка далил бўлади. Аммо уйлар, идоралар, мактаблар каби ибодат учун тайёрланмаган жойларда суратларнинг бўлишига келсак, бунинг тафсилоти куйидагича:

Биринчи: агар суратлар сояси йўқ бўлса уларни улуғлаш бўладиган жойга қўйиш ҳаром эмас, макруҳдир. Улуғлаш бўлмайдиган жойда бўлса зарари йўқ, жоиздир. Улуғлаш бўлиб қоладиган жойга қўйиш макруҳлигига далил Росулulloҳ ﷺнинг суратлар бор пардани олиб ташлагани ҳақида Оиша رضي الله عنها ривоят қилган ҳадис ҳамда Жибрил عليه السلامнинг тимсоллар, суратлар ва ит бор уйга киришдан бош тортгани ҳақида Абу Хурайра ривоят қилган ҳадисдир. Бу макруҳликнинг улуғлаш бўлиб қоладиган жойга қўйилган суратларгагина хос эканига ва улуғлаш бўлмайдиган жойда бўлса зарари йўқ эканига далил эса Росулulloҳ ﷺнинг илиб қўйилган суратли пардани олиб ташлагани ва сурат бор ёстикқа суянгани ҳақида Оиша رضي الله عنها ривоят қилган ҳадисдир. Жибрил عليه السلامнинг Росулulloҳ ﷺга: **«Буюринг, пардани кесиб ундан босиладиган икки ёстик қилинсин»**, дегани ҳақида Абу Хурайра ривоят қилган ҳадис



хам бунга далилдир. Бу эса суратларга эга бўлишдан қайтарилганига эмас, уларни улуғлаш бўлиб қоладиган жойга кўйишдан қайтарилганига далолат қилади.

Энди суратни улуғлаш бўлиб қоладиган жойга кўйиш ҳаром эмас, макруҳ эканлигига келсак, чунки ҳадисларда келган наҳий суратни сотиб олган кимсага ваъид (кўрқинчли таҳдид қилиш) ёки мазаммат қилиш ёки шунга ўхшаш тасвир ҳақида келганидек жазмга далолат қиладиган қарина билан келмаган. Балки тарк қилишни талаб қилиш келди, холос. Бошқа ҳадисларда ҳайкалларни сотиб олишдан наҳий қилиниб, чизилган суратларни сотиб олишга ижозат берилган. Бу эса наҳийнинг қатъий эмаслигига қарина ҳисобланади. Масалан Муслимда Абу Талха ривоят қилган ҳадис бор. У шундай дейди: мен Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганини эшитдим:

«لَا تَدْخُلُ الْمَلَائِكَةُ بَيْتًا فِيهِ كَلْبٌ وَلَا صُورَةٌ»

**«Фаришталар ит ва сурат бор уйга кирмайди».** Муслим ривоятида Пайғамбаримиз ﷺ бундай дедилар:

«إِلَّا رَقْمًا فِي ثَوْبٍ»

**«магар кийимда чизилган бўлса».** Бу эса кийимга чизилган сурат мустасно эканига далолат қилади. Ҳадис мафҳуми шуки, фаришталар кийимда чизилган сурат бор уйга киради. Энди бу ҳадисни наҳий келган бошқа ҳадисларга қўшилса тарк қилишни талаб қилиш қатъий эмаслигига қарина бўлади. Демак суратни олиб уни улуғлаш бўлиб қоладиган жойга кўйиш ҳаром эмас, макруҳ бўлади.

Иккинчи: агар суратлар сояли, яъни жисмли (ҳайкаллар каби) бўлса, бунинг ҳукми юқорида айтилган суратлар ҳукмидан бошқача бўлади. Чунки Росулulloҳ ﷺ юқорида ўтган ҳадисда **«магар кийимда чизилган бўлса»**, деб соясиз суратни мустасно қилган бўлсалар-да, лекин жисмли суратларни (ҳайкалларни) мустасно қилмадилар.

Қолаверса Жибрил عليه السلام ҳам Росулulloҳ ﷺга тимсол ҳақида «буюринг, тимсол бошини кесиб ташлашсин, дарахт кўринишига ўхшаб қолади» деди. Яъни тимсолнинг жонли тимсол каби кўринишини йўқ қилишни буюрди. Айни пайтда Пайғамбаримиз ﷺга пардага чизилган соясиз суратни парчалаб ташлашни буюрмади, балки уни эҳтиром бўлиб қоладиган жойга кўймасликни буюриб «буюринг, пардани кесиб ундан босиладиган икки ёстиқ қилишсин» деди.

Жисмли сурат соясиз сурат истисно қилинганидек истисно қилинмагани ва тимсолларга эга бўлишдан наҳий қилиш уларнинг тимсол сифатидаги кўринишини йўқ қилишга буюриш билан келгани жисмли тимсолларни сотиб олишдан қайтариш қатъий қайтариш эканига далолат қилади. Яъни жонзотлар тимсолларини сотиб олиш ҳаромдир.

Жисмли тимсолларнинг ҳаром эканлигидан ёш болаларнинг кўғирчоқлари истисно қилинади. Бу ҳақда нусус келгани учун истисно қилинади. Бухорий Оиша رضي الله عنهاдан ушбуни ривоят қилган: «Мен Набий صلى الله عليه وسلم олдида қиз кўғирчоқлар билан ўйнар эдим». Бухорий ва Муслим Рабиъ бинт Муавваз ансорийя رضي الله عنهاдан ушбуни ривоят қилди: «...Биз уларга (болаларга) жундан ўйинчоқ қилиб берардик – бошқа ривоятда «ясаб берардик» дейилган – биронтаси таом устида йиғлаб қолса унга уни берардик, ҳатто ифтор пайтида ҳам шундай бўларди».

